

84(59) +
C 58

XXI аср ўзбек детективи

Комил Синдаров

Амирликнинг олтин такти изидан

123341



«ТАФАККУР КАНОТИ»

Тошкент -2018

УДК: Б(89)

ББК: 85.26

Комил Синдаров. “Amirlikning oltin taxti izidan” . –
Тошкент: “TAFAKKUR QANOTI” 2018 йил. – 312 б.

ISBN 978-9943-513-71-6

© «TAFAKKUR QANOTI»

© Комил Синдаров

Сўз боши ўрнида

Муҳтарам ўкувчи!

Сиз билан яна ғойибона учрашиб турганимдан хурсандман. Мана детектив жанрдаги тўртингчи китобимни катта ҳаяжон билан сизнинг хукмингизга ҳавола қилмоқдаман.

“Амирликнинг олтин тахти изидан” деб номланган ушбу китобимиз ҳам муқаддам чоп этилган “Қимматга тушган хато” (2013 й), “Темурийлар кутубхонаси сири” (2015 й), “Кечиккан қасос” (2017 й) номли асарларимизнинг мантиқий давомидир. Асар қаҳрамонлари прокуратура терговчилари – Фахриддин ва Санжарбек бу сафар жуда антиқа жиноятни тергов килишга киришадилар. Бухоронинг сўнгги Амири Сайд Олимхоннинг йўқолган хазинаси билан боғлиқ тарихий воқеалар ва хазина атрофида айни замонда содир бўлаётган даҳшатли жиноятлар терговчиларнинг юксак маҳорати, қатъияти, шижаоти туфайли фош этилади ва айбдорлар тегишли жазога тортилади. Асарни ўқир экансиз сиз ўзингизни тергов гурӯхи билан гоҳ Тошкенту Термиз кўчаларида жиноятчиларнинг изига тушгандай, гоҳ Дарбанду Бойсун тогларида Амирликнинг хазинасини қидириб юргандай ҳис этасиз.

Бу асаримиз ҳам сизга манзур бўлади деган умиддаман. Зеро, олдинги учала китобимизга сиз азиз китобхонлар - мутахассис ва ҳаваскорлардан анчагина илик фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар билдирилди. Биз мухлисларимизга чукур миннатдорчилик билдирган ҳолда улардан айrim диққатга сазоворларини китобимиз аввалида келтириб ўтмоқни жоиз топдик. Негаки, бир пайтлар ёшлиқ чоғларимизда кимдандир эшитган яхши адабиётларни излаб топиб, ўқиб чиқардик. Ўзимиз ўқиган қизиқарли китобларни

дүстларимизга илинардик... Ана шундай китобхонлик анъаналари тикланса ва бардавом бўлса деймиз.

Янги асаримиз хақидаги мулоҳазаларингиз, таклифларингизни кутиб қоламиз. Элманзилимиз: sindarov60@gmail.com

Комил Синдаров

КАЛАВАНИНГ ЧУВАЛГАН УЧИ

“Детектив” инглизча “очиш” маъносини англатиб, лугатларда оғир жиноятларни тергов қилувчи мутахассисга айтилади. Адабиётда насрый жанрнинг бир тури детектив деб аталиб, унда ҳам мураккаб жиноий ишни очиш тафсилотлари баён этилади. Асл касби ҳуқуқшунос, юридик фанлар доктори Комил Синдаров бадиий ижод оламига кириб келганига ўн йилдан сал ошган бўлса-да, навбатдаги асари – “Кечиккан қасос” детектив романини китобхонлар зўр иштиёқ билан қарши олишди.

Детектив асарнинг бошқа жанрлардаги битикдан фарки шуки, у ёзувчининг маҳорати ҳисобига китобхониинг узлуксиз диққатини жалб этиб, воқеалар бошидаги тугуннинг ечилишигача кизиктириб туради. Нафакат муаллиф ёки қаҳрамонлар, ҳатто муаммолар ижобий ечим топишидан умидвор китобхон ҳам ўзини изқувар ўрнида тасаввур қиласди.

“Кечиккан қасос” романинг ilk саҳифаларида банк бошқарувчиси Зухриддин Тоғаевни ваҳшнийларча ўлдириб, танасини ёқиб, сүякларини қабристонга кўмиб кетишади. Четдан қараганда тинч-осойишта яшаётган оила бирин-кетин емирилиб бораётгани ҳаммани ажаблантиради. Аввал хонадон бекаси “касалликдан” вафот этади. Сўнг ўғли автоҳалокатга йўлиқади. Банкирнинг фожеасидан кейин бошқа жойда яшаётган қизи норасида гўдаклар билан дунёдан кўз юмади. Нега бу оила тутдай тўкилди? Тасодифми ёки аллакимнинг феъли-аъмоли оқибатими?

Пойтахтдан келган терговчилар маҳаллий ҳамкаслари билан бу чигал ишнинг асл сабабларини топишлари, хақиқий айборларни қонун олдидаги жавобгарликларини таъминлашлари талаб этиларди. Агар масалага кенг ва чукур ёндашилмаса, айрим ҳолатларга баҳтсиз ҳодиса сифатида нукта қўйиш ҳеч гап эмас.

Мұхлислар томонидан билдирилған фикрлар

Ёзувчи ушбу асарда терговчиларнинг машиқатли мәжнатини, ҳар қандай шароитда ҳам билим ва тажриба ҳисобига сарфлаган маҳоратини жонли лавҳаларда күрсатиб берган. Гумондорлар ва гувоҳлар билан мулоқот қилганды ҳар кимнинг феъли ҳамда дунёқарашига қараб суҳбат куришади. Кимлар билан мулојим оҳангда, бошқалар билан қаттый ва жиддий тилда гаплашишга тұғри келади. Жиноят ишини фош этишда үнлаб тахминлар ишлаб чиқилади. Үрганиш асносида бу рўйхатга янги йўналишлар қўшилиши ёки қисқариши мумкин.

Китобхон асарни үқиши мобайнида ечимнинг тезроқ яқунланишини истайди, лекин бир йўналиш тугай деганда бошқа муаммо пайдо бўлиб, калаванинг уни чуваланиб кетади. Тергов дегани қизиқ бўларкан, воқеалар ривожида қилни қирқ ёрувчи юристлар бир нечта ҳолатларда асосий қотил билан суҳбатлашади, лекин бу хақда хаёлларига ҳам келтиришмайди. Жиноятчи эса турли бичиб-тўқилган кўрсатмалар орқали терговчиларни чалғитади.

Битта жиноят ишни фош этиш йўлида неча-неча тақдирлар ҳаётига дуч келинади. Баъзан оддий саволга жавоб топиш учун йигирма йил олдин рўй берган “дело” үрганилади ва үшандаги йўл қўйилган ҳатолар аниқланади. Кейин маълум бўлишича, уша чалкашлик неча-неча инсонларнинг ҳаётини ўзгартириб юборади.

Терговнинг “олтин қоидаси” шундан иборат эканки, асл айборни топиш, уни муносиб жазога тортиш шунинг учун ҳам муҳимки, токи бегуноҳ одам адолатсизлик қурбони бўлмасин, шу зайлда ҳақиқий айбор озодликда юрмасин. Шунга йўл қўйилса, яна янги жиноятлар урчиши, энг муҳими, адолатга нисбатан ишончсизлик одамлар қалбини заҳарлаши мумкин.

Ҳаётимизда турли касб-корлар бор. Завод ишчиси ҳар куни дастгохи ёнида фаолият кўрсатиши, деҳқон даласида тер тўкиши оддий воқеадек. Терговчи эса зиммасига юклатилган вазифани адо этиши учун тунни тонгга, кунни оқшомга

улайди. Баъзан ойлаб мәжнат қилиб ҳам тайинли натижага еришолмайди.

Асарадың өкілдер шу қадар шиддат билан кечады, күз үнгімізда ҳаёттинг қувонч ташвишлари рўйи-рост намоён бўлади. Китобхон эзгу ғояларнинг яхши самара беришини, ёвуз ниятлар ушалмаслигини ич-ичидан истайди. Лекин ҳаёттинг шавкатсиз машинаси ҳар қандай тўқисликни ҳам мажақлаб ташлайди. Ёзувчи ана шу ҳаёт манзараларини реал картиналар орқали акс эттириш йўлидан боради. Зухриддинни бу қадар шавкатсиз ўлдириш фақат унинг ашаддий душмани томонидан амалга оширилиши юрист бўлмаган одамга ҳам аён. Лекин ким ўша душман? Бу саволларга жавоб излаш учун банкир фаолияти давомида рўй берган ихтилофлар, келишмовчиликлар таҳлил қилинади. Аниқланишича, Холматбой деган шахс Зухриддин билан жанжаллашган, натижада бир-бирларига терс бўлиб қолган.

Шуни хисобга олган қотил терговни чалғитиш учун қабристон тупроғи ёпишган калишни Холматбойнинг ҳовлисига билдиrmай ташлаб кетади. Устига-устак савдоий бўлиб қолган Холматбой қотилликни бўйнига олади. Тергов гуруҳи Фахриддин Каримович шунчалик яққол далиллар бўлса-да, Холматбойни шундай ишни қилганига ички сезгиси билан ишонмайди ва терговни давом эттиради.

Зухриддин йигирма йиллар илгари Зоминда совхоз директори бўлиб ишлаган эди. Терговчилар ўша йилларда рўй берган жиноий ишлар билан танишиб чиқади. Мактаб директорини кимлардир туҳмат билан каматиб юборади. Махбус қамоқда вафот этади. Кўп ўтмай директорнинг аёли ўзини осади. Ўғлини машина уриб кетади. Ёлғиз қизини болалар уйига топширишади. Норасида киз 13 ёшида болалар уйидан қочади. Шу билан из йўқолади. Терговчилар шундан кейинги занжирнинг изидан бориб, ўша қизгина айнан Зухриддиннинг уйидаги ўзини кар ва соқовликка соглан Зубайдада эканлигини аниқлашади. Ҳолбуки, улар қотилни аниқлаш мақсадида Зубайдада билан бир неча бор

гаплашишган. Ұша зақоти Зубайда (унинг асл исми Майрам)ни қидириб, уйга боришса, кеч қолишибди. Бу орада Майрам Зухрийдинин ҳаром йүллар билан топған пулларинин катта қисмини болалар уйларига ҳадя қилиб үлгүрибди.

Тегиншілі нұқталардан маълум бўлишича, гумондор Шарқага учин учун чипта олибди. Тергов гурӯҳи обьектни самолёт салонига жойлашгандан кейин “Сиз қотилликда айбланаасиз”, деб қўлига кишан солади.

20 йилга яқин кар-соқов бўлиб юрган Майрам тилга кириб кўргазма беради. Китобхон ҳақ жойидан қарор тоғланлигидан кўнгли жойига тушибди.

Романин ўқиши асносида ҳалол, камтар, эзгу ниятли одамлар яхши самаралардан баҳраманд бўлишига, фирром, ҳаромхўр, ёлғончи одамлар охир-оқибатда ўз жазосини олишига ҳаётий лавҳаларда ишонч ҳосил килади. Романинг тарбиявий аҳамиятини шунда десак, ўринли бўлур эди. Ҳаётда ҳар ким экканини ўради, деган доно ҳақиқат асар қаҳрамонлари тақдирива намоён бўлган.

Комил Синдаров шеърият оламида бир-биридан ўқишли, жозибадор шеърлари билан мұхлислар кўнглини хушнуд қилиб келарди. Муаллифнинг детектив жанрдаги ижоди ҳам муваффакиятли чиқаётганлигини таъкидлаш биз учун ёқимлидир.

Шуҳрат Жабборов
Узбекистон Республикасида хизмат
курсатган журналист

(“Шарқ зиёси” 2017 йил 15 июл, №24)

ХАЁТИЙ ҚИССА

Ҳар гал бирор янги насрый китобни қўлимга олганимда, ҳәёлимдан шундай савол ўтади: ёзувчи асарини ҳаётдан олиб ғўзимикан ёки “ижод” қилиб қўя қолдимиликан? Бундай савол Комил Синдаровнинг 2017 йилда “Янги аср авлоди” пашриёти томонидан XXI аср ўзбек детективи сериясида чоп иштаган “Кечиккан касос” номли китоби билан танишганимда ҳам ўтди. Аввалига шунчаки варақладим, воқеалар табиий, жумлалар тиник, назаримда, у туқиб-бичилган нарсалардан иборат эмасдек эди. Чинакамига ўқишига тутинганимда, бунга ишонч ҳосил қилдим.

Ўқувчининг турли характерлари тасвири, ҳаётий воқеаларнинг ривожи бефарқ қолдирмайди. Асар бош қаҳрамонлари прокуратура терговчилари -- Фахриддин ва Санжарбеклардир. Улар очган жиноятлардан кўз юмиб кетолмайсиз. Чунки Тоғаевлар хонадонининг барча аъзолари мудҳиш қотиллик қурбонига айланишган. Уларнинг бундай аянчли тақдирига бойлик сабабми ёки... Кетма-кет содир иштаган жиноятлар иштирокчилари кимлар ёки бу битта одамнинг ишими?

Майрам нима учун ўзини қарийб йигирма йил карликка, гунглика солиб юрди? Неъматилланинг бахтли оиласига кўз тегдими ёки улар ҳам бахтсизлик қурбонларими?

Терговчилар нима учун йигирма йил аввалги жиноят сабабини ўрганишга бел боғлади? Муаллиф ижод жараёнида жиноят оламининг ана шундай ниҳоятда чигал ва мураккаб муаммолари, сирларига ечим излайди. Шунингдек, терговчилар ёрдамида Жиззах шаҳрида банк бошқарувчиси ва ва унинг оила аъзолари билан боғлиқ антиқа ва сирли қотилликни очишга киришади. Асар тили содда, муаллиф халқчил иборалардан ўрнида фойдаланган, воқеалар ҳаётий ва

хаққоний тасвирлашга ҳаракат килинган. Фактлар бирбиридан жонли ва қизиқарли. Масалан, отаси тухмат билан камалган қизга қисса қаҳрамонларидан бирининг тилидан шундай дейилади: “Болажсоним!... Отангнинг соддалигини айтмайсанми? Ҳар гал ортидан борганимда, “Зухриддин дўстимга учраш, у албатта ёрдам беради, мени бу тухматдан чиқариб олади”, дерди. Кейинги борганимда, учрашмаганим учун койирди. Бечора бошига тушган кулфатларнинг тенасида айнан, ўша ишонган дўсти турганини тасаввур ҳам этолмасди... ”. Бундай жумлалардан ишонч ва хиёнат, ҳаёт ва ўлим ораси бир қадам йўллигини фаҳмлайсиз. Ҳушёр тортасиз.

Эътибор берсак, кейинги пайтларда детектив асарларнинг бозори чақон эканини кўрамиз. Бу эса атрофда содир бўладиган воқеаларга одамларнинг лоқайд эмаслиги, жиноят ботқоғига ботиб бораётгандар қалбига эзгу туйгуларни уйготишга интилиш кучайиб бораётганидан далолат беради. Буни Комил Синдаров зиёрак нигоҳ билан англаб, ҳаётнинг зиддиятли томонларини қаламга олади. “Кечиккан қасос” қиссаси ҳуқуқий саводхонлигимиз юксалишига хизмат қилишига умид қиласиз.

Шолазиз ШОХИДОЕВ

(“Хуррият” газетаси, 2017 йил 17 май №22)

“Темурийлар кутубхонасининг сири”

“Кечиккан қасос”ни үқиб...

Асарни үқир екансиз ёзувчи уни жамиятимизда юз беріаётган вокеа ва ҳодисаларни чуқур күзатиши, мушоҳада қилиши ва таҳлил қилиши натижасыда юзага келтирганлигига шонч ҳосил қиласиз. Муаллиф жиноят оламининг энг мураккаб ва чигал муаммоларини моҳирона ёритиб беришга ғришиш билан бир каторда уларни ечимини ҳам берганлиги кисса қимматини юқори даражада оширган. Асарда ёзувчи Гогаевлар оила аъзоларининг қотиллик қурбонига айланиши генрасида шундай ҳаёттй “рози” бўлмасликка иложи йўқ. Жиззах шахридаги банк бошқарувчиси ва унинг оила аъзоларини шафқатсизлик билан боғлиқ сирли қотилликни тергов қилиш жараёнида инсон тақдирни, уни нималарга боғлиқ эканлиги, мансаб ва бойликка ружу қўйишилик оқибати, яхшилик ва ёмонлик, мұхабbat ва нафрат, эзгулик ва ёзузлик ўртасидағи курашни моҳирона ёритади.

Мен шахсан асарни бир кунда үқиб чиқдим. Мени хайратга солған нарса шу бўлдики, ёзувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун бир тарафдан фалсафий, бадиий мушоҳада қилган ҳолда тергов жараёнида инсон ва унинг тақдиру азали нималарга боғлиқ эканлигини ёритишда өришса, иккинчи томондан тергов ва суд соҳасидаги камчиликларни тизимли таҳлил қиласиди. Асарда ёзувчи дастлабки терговдан то суд ҳукмини эълон қилганга қадар бўлган босқичда мавжуд муаммоларни имкон борича қамраб олишга ҳаракат қилган.

Асарнинг яна бир қимматли жаҳати шундаки, асарда юздан ортиқ ҳалқ мақолларидан ва ҳалқимизда азалдан ишлатилиб келинган иборалардан унумли фойдаланилган. “Ит ётиш мирза туриш”, “Тарки одат, амри маҳал”, “Туяни юки қанча енгил бўлса, шунча ётогон келади”, “Одам тафтини одам олади”, “Боғнинг қарови бўлмаса, энг уруғи сара олмага ҳам курт тушади”, “Букрини гур тузатади”, “Эр бермоқ, жон бермоқ” кабилар ўз ўрнида ишлатилган.

Асарнинг яна бир хиҳати шундаки, уни үқир экансиз, муаллиф қанчалик ҳаёт сўқмоқларини босиб ўтганлигига,

ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни синчковлик билан кузатгандылыгы амин бұласиз. Муаллифнинг узок вақт мобайнида суд хуқуқ соҳасида фаолият күрсатгандылыгы асардаги воқеаларни “жонли” тасвирилашга ёрдам берган. Қолаверса, ёзувчи ўзининг ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, айрим ҳолларда үз нуктаи назарини китобда мухрлаб кеттган. Масалан, бир жойда, муаллиф қасдан айбни оғрлаштирувчи ҳолларда одам ўлдириш жиноятлари содир этган шахчларни руҳий жиҳатдан соғлом одам, деб бұлмайди, деган фикрини асослантиrsa, иккинчи бир жойда “вальютани давлат курси ва бозор курси үртасидаги каттагина фарки жиноий даромадлар олишга” йул очиб беришилгини асослантиради. Қаранг, мамлакатимизда бугунги кунда бундай фарқ бартараф этилди, аммо үша даврда мамлакат ҳаёти учун мұхим масаланы ҳал этиш зарурлигини бадий асарда тасвирилаш учун ёзувчидан жуда катта маҳорат ва ботирлик тадаб қилинган.

Асарда тасвириланған суд хуқуқ соҳасидаги тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратылған тавсия ва фикрлар, ўйлаймизки, мамлакатимизда бу борадаги ислоҳатларни амалга оширишда ўзининг ижобий самарасини беради. Фикримизча, жиноят кидируд, тергов ва суд соҳасида фаолият юрутувчи ходимлар ушбу китобни ўқисалар, нафақат үз ларининг профессионал күнікмаларини мустаҳкамлайдилар, балки ижтимоий ҳаёт учун мұхим бұлған обрӯ, эътибор, раşк, ўч, қасд, оқибат каби тушунчаларнинг моҳиятини янада теранроқ ҳис этган бўлар эди.

Бир сўз билан айтганда, Синдаров Комил Ойдинович томонидан яратылған мазкур асар мамлакатимиз маънавий дунёсини бойитишга йўғрилған детектив асар бўлиб, уни мамнуният билан қаршилаймиз ва муаллифдан янги-янги асарлар кутиб қоламиз.

Нарзиев Илхом
(Юридик фанлар доктори,
“Турон” Академияси академиги)

Комил Синдаровнинг “Янги аср авлоди” нашриётида чоп ўтилган “Темурийлар кутубхонасининг сири” номли киссаси детектив жанрда ёзилган. Муаллифнинг изоҳ бернишича, бу қисса илгари чоп этилган “Қимматга тушган шиг” номли китобининг мантиқий давомидир. Ҳазрати Банир кишлоғи яқинидағи тоғ этагнда содир этилган жиноятни ўзларининг профессионал маҳорати ва тиришқоқлиги билан терговчилар очишга муваффақ бўладилар. Бу котиллик жинояти бошқа бир тарихий воқеага

XV асрларда ёқолиб кетган, деб гумон қилинаётган Темурийлар кутубхонаси билан боғлиқ гаройиб ҳодисаларга уланиб кетади.

Асарда муаллиф ўз олдига ахолининг хукукий саводхонлигини, хукукий маданиятини оширишда детектив жанрдан ўринли фойдаланишдек маърифий мақсадини ҳам қўйган. Бундан ташқари, мазкур асарда қадимдан жумбоқ бўлиб келаётган тарихий воқеалар, вақт ва замон орасидаги мувофиқ жиҳатлар ҳам қаламга олинган.

Қадимий Темурийлар кутубхонаси билан оддий чўпонга қилинган сунқасд ўртасида қандай боялиқлик бўлиши мумкин?.. Бу сингари саволлар асар мутолааси давомида ойдинлашади.

Севинч Қурбонова, ўқитувчи
(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”,
2016 йил 8 январ, №2)

Миннатдорчилик

Ассалому алайкум, ҳурматли Комил Ойдинович!

Аввалимбөр ижодингиз маҳсули бўлган “Кечиккан қасос” номли детектив романни менга шахсан тақдим этганингиз учун Сизга ўзимнинг бениҳоя миннатдорчилигимни билдираман.

Гапнинг тўгрисини айтганда давлат ишларидан бўш пайтларингизда шеърлар битиб туришингиз билар эдиму, лекин насрый асар битишига ҳам қул урганингиздан бехабар эканман. Асар муқаддимасида бу йўналишга киришингизга атоқли адид Худойберди Тўхтабоев сабабчи бўлганликларини таъкидлабсиз. “Буюкларнинг буюклигини белгиси ҳам бошқалар илғамаган нарсани илгаб олишида”- деган нақлни ҳақиқат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим ва “Кечиккан қасос”ни ўқиб чиққанимдан кейин ёшликтан севимли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевга яна бир бор ихлосим ортди.

Роман жудаям содда ва ўқимишли тилда, юксак бадиий савияда битилган. Асарда кириш қисмидан воқеалар баёнига ўтиб кетилиши ва воқеаларнинг кетма-кетлиги ҳамда уларни қизиқарли тасвирланиши ўқувчини тезда ўз оғушига олади.

Агата Кристининг детектив романларини айримларини ўқиганман. Унда содир бўлаётган жумбоқли воқеаларни тубига етмоқчи бўлаётганлар ўқувчини ақли етиб турган, эътибор берилиши лозим бўлган жойига гўёки сезмагандек ўтиб кетади ва чигаллик ошибб кетаверади.

“Кечиккан қасос”да эса аксинча, тергов гуруҳи еча олмаётган жумбоқни ўқувчи ҳам тагига ета олмайди. Ўз навбатида асар ўқувчиси ҳам турли-туман тахминларни ўйлайверади.

Романда воқеалар юксак профессионал даражада ёритилган. Тергов гуруҳининг барча аъзолари жиноят процессуал қонунлари талабларига бенуқсон амал қилиб ҳаракат қилган. Албатта бу катта ютуқ. Бу ютуққа

Мұхлислар томонидан билдирилған фикрлар

Тришишингизда билимдөн хуқуқшунос амалиётчи ва етук олим эканлигингиз күл келган.

Ҳаётда - “хар тұқисда бир айб”, - деганлариңек, мұкаммал инсонни, мұкаммал қасб әгасини топиш жуда амри маҳол. Шу сабабли бадий адабиёттинг асосий вазифаси барчага ибрат бұладиган мұкаммал инсон, мұкаммал қасб әгаси, қолаверса давр қаҳрамони образини яратишидир. Шу пүктаи-назардан қараганда тергов гурұхи раҳбари Фахриддин Каримович образи яратилиб, бу вазифа аъло даражада өткізгілген.

Ҳазрат Алишер Навоий томонидан “Фарҳод ва Шириң” исарида меҳр- оқибат, муруват, саховат, инсоф, диёнат, шыждон, адолат, ростгүйлик, ҳалоллик, камтарлық, вайдала нафо, софлик, поклик, ҳәё, ор-номус, ишchanлик, мәрдлик, шаганпарварлық каби ҳислатларға эга бўлган, комил инсон қуринишидаги Фарҳод образи барчага бирдек ибрат ны́мунаси сифатида яратилган.

Мени назаримда, Фахриддин Каримович образи ҳам барча тергов идоралари, айниқса, прокуратура органдары тергов ходимлари учун ибрат бұладиган мұкаммал образдир. Албатта, булар мен романни ўқиганимдан кейин пайдо бўлган фикрлардир.

Энди рухсат берсангиз роман юзасидан ўзимнинг айрим шахсий мулоҳазаларимни ҳам билдирсам.

Асардаги Зубайдада (Майрам Нематуллаева) жуда мураккаб образ. Үндаги адолатсизликка, манфур ва пасткаш ҳимда бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан таърифланадиган ғимсаларга нисбатан нафрат, қасос олиш ҳисси шубҳасиз ҳар бир ор-номусли ва ғурурли инсон қалбида мавжуд. Бир чисобда Зухриддин Тоғаевдек тубан инсон ва унинг шиподидан Зубайдада томонидан шафқатсизларча қасос ошиши ўқувчи қалбига тасалли беради. Иккинчи томондан, бир ўзбек аёлининг қасос туфайли айбсиз беш кишини сөвукқонлик билан ўлдириб юбориши одамни ўйлантиради. Менимча, бадий асар қаҳрамонлари образи ўқувчи руҳига ва

Мұхлислар томошыдан билдирилған фикрлар

тарбиясига тәсір қынши ҳар бир ёзувчининг диққат шарқында түршілдер болады.

Аллохинин барын мұқаддас китобларида келган илохий қыншылар жасынан дүниеда қандай масалада бўлмасин шу пайтгача мен сабони като кетмаган. Шу жумладан қасос масаласида ҳам. Шайх, бир кишига ғараз ниятлар билан қасддан талофот қуттаган инсонга ўз ёмонлигининг қайтиши 99 фоиз ҳолатда кунга чузилмаган. Энг асосийси ёмонликнинг жазоси у кутмаган томондан келади. Бунга хаётда битмас туганмас мисоллар кўп.

Жаҳон адабиёти хазинисига ҳисса қўшган барча буюк шоир ва адилларнинг асарларига эътибор берилса, асарнинг мағзини ташкил этувчи хулосалар илохий ҳукмларнинг инъикосини ташкил этади.

Мұхтарам Комил Ойдинович!

Буларни бари Сизни романингизни ўқиганимда кейин туғилган ўй-хаёллардир. Мен Сизда шундай ноёб қобилият борлигини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Барча китобхонлар катори мен ҳам Сиздан янада зур бадиий асарларни кутиб қоламан. Доимо соғ-саломат бўлинг, ижодингизга Аллоҳ ривож берсин!

Ҳа дарвоке, “Кечиккан қасос” романидан 20 донасини Тошкентдаги китоб дўконидан олиб келиниб, Жizzах вилоятидаги барча прокуратура ходимлари ўқиб чиқишлари ва асар қаҳрамонларидан ибрат олишлари учун жойларга расман юборилди.

Сизга самимий ҳурмат билан,
Жizzах вилояти прокурори **А.У. Эргашев**
24.06.2017 йил.

Мұхлислар томонидан билдирилған фикрлар

Ассалому алайкум, хурматли Комил ака!

Сизнинг газеталарда чоп этилған асарларингизни күп үқітінгенман. Бугун әрталаб ишхонамиз кутубхонасидан "Кечиккан қасос" романини қўлимга олиб соат 16:45 да үқиб бўлдим. Ҳатто тушликка ҳам чиқмадим. Жуда қизиқарли асар экан, мазза қилиб үқидим.

Фақат китоб аннотациясида "Майрам нима учун ўзини кариб 20 йил давомида гунгликка солиб юрди?" деб бекор чилибди-да, романни ўқишни бошлишим билан Ҳуҳриддиннинг ўлемига ким айборлигини билиб қолдим.

Лекин барибир жуда қизиқиб үқидим. Сиздан ундан ҳам қизиқарли асарлар кутиб қоламан,

Азиза Бадалова, Тошкент шаҳри

Ассалом алайкум, Комил ака,

Сизнинг "Кечиккан қасос" китобингизни үқиб анча тъисирландим. Жаңоб Артур Конан Дойл асариdek, Агата Кристига тортар детектив асарлар ўзбек адабиётига кунишилишига ўз ҳиссангизни қўштанингиздан бир китобсевар мұхлис сифатида жуда мамнунман. Мұхаммад Юсуф, Сайд Аҳмад ва Ўткир Ҳошимовлардан кейин ҳувиллаб қолган адабиётимизни гуллатадиган асарлардан бири бўлибди. Замона талаби бўлган детектив асар. Айниқса, китоб мұхлисларидан кутилаётган эътибор учун электрон почтангизни қолдиришингиз жуда яхши ўйланибди. Кошки, ҳар бир муаллиф шундай қила олса. Сизга ўз ижодингизни яққол кўрсатишингизда омадлар тилаб қоламан! Адабиётимизни гуркиратидиган китобларингиз кўпайишидан умидворман.

Агар, лозим топиб үқисангиз, мушоҳадаларим бор эди:

1. Зубайдани қотил эканлиги бошида сал очиб кўрсатилған, яъни гунг персонаж - чет эл детективларини үқиган китобхонда шубҳа уйғотади. Яна, қабр тошидаги сузлар. Агарки, Фахриддин Каримович қабр тошиларига

эътибор берар даражада зийрак экан, оддийгина, очиқ қилиб ёзилган түрт қатор шеърдан котилни билса бўларди, қайси эр хотинини сизлаб, қасос ҳақида қабр тошига ёзаркин. Ўғил бола бундай киммайди, қизлар кўнгилчан, ўз режаларини айтадиган бўлишади.

2. Асарда табиат тасвири, шу тасвир оркали воқеалар сюжетини олдиндан айтиб ўтиш, ёки кўрсатиб бериш камроқдек назаримда. Кейин сал чўзилиб кетгандек, тўгри, прокуратура ҳаётидан бўлган лавҳалар ва қизиқ фактлар, ўйловлар ва ҳикоялар келтирилган, аммо янада бойитилса яхши бўларди.

3. Образларнинг руҳий қийналганликлари яхши ёритилмагандек, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” асари, совет ҳукумати ҳақида, мақоллар, иборалар ва юмор ҳиссига ўралган бўлса-да, Кариманинг Али бобо (отасини) узоқ юртларда топиши саҳнаси одамни йиглатадиган даражада кўрсатиб берилган. (11 бет, “Синчалак”). Сизнинг асарда ҳам, Зухриддинга боғлик вазиятлар шундай ёритилса, ҳар қалай китобхон банкирни образини қўллаб кувватлаб, жабрдийдадек кўриб, детективлар билан бирга, шу қотиллик очилиши хоҳлаб ўқирди.

4. Мен Фахриддин ва Санжар билан боғлиқ аввалги китобларингизни ўқимаганман, агар детектив асарларингиз шу образлар олиб борса, демак уларда қандайдир “изюминка”, ғайриоддий одатлар, гаплар ва характер бўлиши керак. Эсда қоладиган, китобхон севадиган, қадрлайдиган. Масалан, Крис Картернинг Роберт Ҳантер атрофида ёзилган детектив асарлариdek. Ажойиб сюжет ва китобхонни жалб этиш санъати. Роберт - жисмонан бақувват, қизларни эътиборини тортадиган, ёшлигидаги азоблари, хотиралари тинч қўймаслигидан кам ухлайдиган, кўп китоб ўқийдиган (китоб давомида бирон қизиқарли факт бўлса, қаердан биласан, дейишганида, ман кўп китоб ўқиганман, шундан биламан, дейди). Бу образни китобхон берилиб ўқиуди, ўртоқларига айтиб юради, ва кейинги саргузаштларини

(итебларни) күтади

5. Охирдаги Фахриддин прокуратура биносидан шыншылдағы капалак қор, янги йил шукухі ноүріндір менимчә. Ахир шунча одамни үлди, бу байрам кайфияти итебхонга қасос үтіни яхшилигини күрсатиб қўйғандек, үндагандек. Ундан кўра, кузнинг барглар тўкилиш саҳнаси ташкүл өди. Одамлар умри хазон бўлганидан дарак.

6. Зубайдада образи, Майрам образидан парча бўлса яхши бўларди китобда, уни фарзандсиз бўлиши, образнинг яшсоекор бўлишига заминдер. Худди тақдир унга қасос оишта имкон бергандек. Ҳаётда ундей эмас, у яшаб кетиши керак өди. Баъзан-баъзан ўқиб турган хатини эри кўриши, ёки ҳайдан кайфияти ўзгаришини сезиши ва шу билан қасосга барҳам тушиши керак эди. Манимчә, Майрам оиласи булмаслиги керак эди, бўлганда ҳам фожеа - эри ўлиши ва шу ушымда қасосга ундаш, Зухриддин сифат абллаҳ инсонлардан ялоб торғанлиги ёки камбағаллик, порахўрлардан торған иштамлари қасосга ундаши керак эди.

7. Санжарбек ҳаётидан лавҳа ҳам. Уйланғанми, севишган қизи борми, кўчадаги вазиятлари, ўқишидаги қийинчиликлар ҳақидами.

8. Фахриддин Каримович образи шу йўсинда қолгани манькул. Кўпни кўрган, оиласиз, ишга берилган.

Булар ҳаммаси менинг фикрларим ва кузатувларим.

Шундай асар учун Сизга раҳмат! Ижодингизга омад, Комил ака!

Хурмат билан,
Шоҳруҳ Зокиров



Фахриддин Каримович айни киши чилласи тоғда бунчалик одам бўлишини хаёлигаям келтирмаганди. Гүё ҳамма Тошкентдан Чорвокка кўчиб келиб қўйгандай. Ҳа, одамлар жонининг қадрига етишади, қандай дам олишни билишади. Тўғри-да, иш-иш дея елиб-юрган билан иш қўрмағур адо бўлармиди? Қайтанга кўпаяди! Қайнар булокдай қайнаб чиқаверади. Бирини уддаласанг - иккинчиси, иккинчиниси бажарсанг – учинчиси... Манов юрган одамларнинг ҳам иши шунақа кўпмикан-а! Йўқ, улар ишлаганда ишлаб, шанба-якшанба, байрам кунлари одамдай дам олади, тоқقا чиқади, меҳмондорчиликка боради. Таътил текканда саёҳатга отланишади... Улар-чи? Санжарбек билан аёлларга оиласвий тоқقا чиқишига ваъда берганларигаям ҳа демай бир йилча бўлди-ёв! Ҳар сафар турли баҳоналар чикиб, режа барбод бўлади. Ҳаркалай, кўз тегмасин, бу якшанба ниҳоят орзулари амалга ошадиган бўлди. Мана устоз-шогирд севинчи ичига сиғмай қиқирлашиб бораётган болажонлару эрларининг лутфидан оғзи қулоғида уларнинг аяжонлари билан тоғ сайрига кетишимоқда...

– Устоз, агар қаршиликлар бўлмаса, - «қўуллари рўлда, кўзлари йўлда” кетаётган Санжарбек гап бошлади, - шу телефон ўлгурларни ҳалигидай... учириб қўйсак. Дунё ташвишларидан бир кун бўлсаем ҳоли бўлармилик.

Яшанг, ука! – орқа ўриндиқда болаларнинг чуғурчугуридан боши ачиб, жимгина ўтирган Назирахондан садо чиқди. – Ойда-йилда бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар бўлиб ўтирмасин тағин.

– Бўлмайди, раҳбарлар излаб қолиши мумкин! – эътиroz оплодирди Фахриддин.

– Устоз, бугун якшанба бўлса, изласа-излар! Бир кун минг кун бўлмас! – деди Санжарбек таклифи маъқулланмаётганидан ранжиб.

– Адаси, келинг шу бугун ишни ўйламай кўяқолинг! – зорланди Назирахон, - ўша зормандангизни яrim кун ўчириб куйсангиз осмон узилиб, ерга тушмас! Камбағалнинг тўйини бузманг!

– Яхши! Faқат бир шартим бор! – Фахриддин отдан тушсаям, эгардан тушгиси келмасди. – Faқат... фақат ошни узим дамлайман.

Кулги кўтарилди. Бир-бирини тутишиб келаётган болалар ҳам тушунса-тушунмаса катталарга қўшилиб хандон отишди.

– Унда “качегар”лик бизга! – деди Санжарбек худди ўчоққа ўт қалайдигандай бир қўли билан енг шимариб.

– Бизлар мирикиб дам оларканмиз-да! – деди Мафтуна ойнадан кузатиб келаётган эрига қошини қоқиб.

– Ҳа, энди Мафтунахон, эркаклар бир кун хизматимизда булишса, мартабалари пасайиб қолмас, – деди Назирахон оғзини тўлдириб. – Ахир уч юзу олтмиш тўрт кун уларнинг хизматида... қўлимиз косов, сочимиз супурги бўлса!

– Ҳа аяси-я! Ҳамма нарсага мақолингиз тайёр-да! Faқат умримизнинг учдан икки қисми хизмат сафарида ўтиши ёлларидан фаромуш бўлган кўринади. У даврда биз ўз-ўзимизга хизмат кўрсатамиз!

Амирликнинг олтин тахти изидан

— Сиз сафарда бўлганда, қўлини совуқ сувга ҳам урмайдиган манови бир - биридан инжиқ “фаҳриддин”чаларнинг хизматида бўламиз, адажониси!

— Ахааа! Биз ҳали инжиқ бўлиб қолдикми? – Фаҳриддин ортига ўгирилди. – Ана Мафтұнахон, кўрдингизми? Ўзингдан чиккан балога, қайга борай давога, деб шуни айтсалар керакда!

— Адажониси, хафа бўлманг! Ҳамма эрлар хотинининг олида инжиқ бўлишади. Чунки уларнинг хархашасини аёлидан бошқа ҳеч ким кўтармайди. Болаларга келсак, олманинг тагига олма тушади-да!

Яна кулги кўтарилидди... “Нексия” йўл чеккасидаги “Билдирсой” деган ёзувдан ўтганда Санжарбек “экипаж”ни огоҳлантириди:

— Камарлар тақилсин! “Кема”миз “Билдирсой” “аэропорт”ига қўнишга тайёр!

Болалар чутурлашиб, орқа-олдиндаги камарларга ёпишиб кетишди. Катталар ён-атрофдаги табиат гўзаллигига - узоқларда ястаниб ётган қорли чўккиларга, қуёш нурида кумушдай товланиб турган адирларга, сал пастрокда қишихавосида жунжикиб, бош эгиб турган баҳайбат чинорларга, сой бўйида тизилишиб, бир-бирига “шивирлашиб” турган теракларга маҳлиё бўлиб қолишиди.

— Манзилга яқинлашайпмиз, телефонлар учирисин! – буйруқ қилди “командир” ва ўзи чўнтағидан телефонини чиқариб, учирди.

Аёллар ҳам унинг ҳаракатини такрорлади. Фаҳриддин олдин ишхонасидаги навбатчига оиласи билан Билдирсойга дам олишга кетаётганлигини айтиб, кейин телефонининг мурувватини босди.

— Аммо устоз, шу ишни чакки қилдингиз-да! — деди Санжарбек қувлик билан. — Ҳали битта-яримтаси шу ергаям излаб келиб қолмаса гўргайди!

— Ҳеч ким излаб келмайди! Навбатчини шунчаки оғоҳлантириб қўйдим холос... Ҳар эҳтимолга қарши, истандай. Биласиз, Тохир Фофурович излаб, тополмай қолса... замма томоннни ағдар-тўнтар қилиб юборади!

Бир ҳовли ёнига келганда машина тўхтади. Сиқилиб кенаётган болалар ўзларини ташқарига отишди. У ёқдан бу иккада чопишиб, қор бўронни бошлаб юборишиди. Офтоб пилтираб тургани билан ташқари ҳийлагина совук эди. Аёллар бир уюм иссиқ кийимни сумкадан олиб, болаларнинг ортидан қувиб кетишиди.

— Оҳ! Ҳавонинг тозалигини қаранг! — Санжарбек кучоғини очиб, тўйиб-тўйиб нафас олди. — Жаннатда ҳам тоғилмайди бу жойлар-эй, бу жойлар!

— Адашмасам, қўшиқда баҳор тараннум этилганди-ёв! — деди устоз жилмайиб.

— Тўғри! Аммо қишининг ҳам ўз зийнати бор, деб бекорга айттишмаган...

Шинамгина дала ҳовлига киришиди. Уй эгаси меҳмонларни жойлаштириб, чиқиб кетди. Келишганларидек жонона ошни Фахриддин дамлади. Санжарбек ўт қалашни уринлатди. Болалларга қўшилишиб аёллар ҳам мириқиб қор бўрон ўйнашди, чангидан тепадан пастга сирпаниб, хузурланишиди. Қўллари бўшаганда оила бошлиқлари ҳам болажонларга қўшилиб “тойғанчоқ” учишиди.

— Устоз, жамоадан ҳеч бўмаганда икки ойда бир марта шунаقا дам олиб турсак деган таклиф тушаяпти, нима дейсиз? — деди Санжарбек қор устида чўзала тушганча.

— Гап йўқ! Кўпчиликка қўшиламиш! — Фахриддин шогирдига қўл бериб, туришга кўмаклашиди. — Ишнинг

кетидан кувиб юраверар эканмиз-да! Карап, болаларнинг яйрашини! Ростини айтсам, менинг хаёлимдан ҳам шу фикр ўтиб турганди. Ишлаган одам дам олишниям билиши керак-да!

– Шуни айтаман-да! Бирор бизга ҳайкал қўярмиди! Умр эса фир этиб ўтиб кетади. Бир кун келиб, болаларга эътибор қилолмаганимиздан афсусланиб ўтирамиз... Эргага катта булишса, чор томонга учиб кетишади. Оила даврасида ўтказилган бундай хуррам қунлар эса уларнинг ёдида бир умрга қолиб кетади.

– Сизникилар-ку ҳали ёш, уларнинг күнлига йўл топишга вакtingиз етарли. Аммо бизнинг шаввозларга қарап, эр этиб қолишди. Тузукроқ ўйлаб қарасам, улар билан мана шундай хотираада қоладиган дамларимиз саноқли экан... Нима қиласиз, шу касбни ўзимиз танлаганмиз!

– Устоз, мени кечирасиз-у, гап касбда ёмас! Хоҳиш бўлса, имкон топса бўлади. Прокуратурада ишлайдиганлар камми? Айримлар ишни қойиллатмасаям, дам олинини жойига қўйишади. Баъзилар эса ишниям, дам олишниям билишади. Улардан ўрнак олса арзиди!

– Бу гапингизга тўлиқ қўшиламан! Кетдик, ошни сузамиз! Жужуқларни, хонимларни дастурхонга чорланти!

Палов кутилганиданам мазали чиққанди. Тамадӯзи пайти ошпаз шаънига айтилган мақтовлардан руҳлашни кетган Фахриддин пешиндан кейин “мехмон”ларни қабоб билан сийлашга ваъда берди. Болалар бироз исиниб олгач, яна ташқарига чопишли. Аёллар идишларни шиншириб, дастурхонни қайтадан безашга киришдилар.

– Мухтарама хонимлар, мухтарам Санжарбек! “бош ошпаз” ўткир пичокда гўштни қиймалар жан тусатдан хаёлига келган фикрни баён қилди. – Бугун шу ерда тунаб, эрталаб йўлга чиқсан!

- Эҳааа... устоз, бормисиз! Сиздан ишдан бошқа мавзуларда ҳам... таклиф чиқаркан-ку!
- Ақлли таклиф ҳам чиқаркан-ку, демоқчисизда!
- Йўғ-е, бунақа таклифни ҳеч кутмагандим...
- Ҳа нима! Яхши жой. Ҳаммага маъқул. Болалар яйрашмоқда. Аёлларнинг кетгиси йўқ!
- Яшанг, адажониси! — маъқуллади Назирахон. — Ичимдагини топдингиз-да! Сизга айтишга истиҳола қилиб тургандим. Болалар ҳам тоза ҳавода бир мириқсин!

Шу пайт эшик таққиллаб, ичкарига милиция кийимидағи “лейтенант” йигит кириб келди.

— Ассалому алайкум! Кечирасизлар, ҳалакит қилдим. Ахтара-ахтара зўрға топиб келдим. Менга Фахриддин Каримович керак эдилар.

— Ваалайкум ассалом! Келинг! — Фахриддин қулини сочиққа артиб, ўрнидан турди. - Излаган одамингиз мен бўламан! Бирор хизмат бормиди?

— Уртоқ бошлиқ! Сизга телефон қилиб тушолмаётган экан. Туман прокурори манави хатни бериб юборганди.

Фахриддин хатни ўқиб, Санжарбекка узатди:

— Озиб-ёзиб битта ақлли таклиф киритгандик, у ҳам амалга ошмайдиган бўлди чамамда.

“Лейтенант” чиқиб кетгач, Фахриддин чўнтағидан телефонини олиб, гаплашиш учун ташқарига чиқиб кетди ва сал ўтмай шошилинч қайтиб кирди:

— Афсуски кабоб ҳам кейинги сафарга қолди. Қайтамиз! Кечда “бош ошпаз” ва унинг “үтинчи”сини Тоҳир Ғофурович “тўй”га таклиф қилиби...



Қош қорайганда Бош прокуратура биносига етиб келган терговчилар тўғри Тоҳир Фофуровичнинг қабулхонасига кўтарилишиди. Котиб кутиб ўтирган экан шекилли чаққонлик билан ўрнидан туриб, йигитларни ичкарига чорлади. Ким биландир телефонда сўзлашиб турган прокурор ўринbosари терговчиларни кўриб, “келинглар, ўтиринглар” ишорасини қилиб, гапини муҳтасар қилди. Сўнг ўрнидан туриб, ходимлари билан бир-бир кўл бериб сўрашди:

— Фахриддин Каримович, якшанба куни бўлса-да, сизларни чақиртиришга тўғри келди. Тушунаман, дам олиш кунларини оила даврасида, табиат кўйнида ўтказиш савобли иш. Аммо, биз прокуратура ходимларимиз. Жиноятчи ҳеч қачон милиция ёки прокурор бугун дамини олсин, жиноятни эртага - иш куни киларман, деб ўтирмайди. Кечаю кундуз шай туришимиз лозим. Кўл телефонларимиз... ишлаб туриши керак!

— Тоҳир Фофурович, узр! Тепада... тўлкин... бошқа қайтарилмайди!

— Бир антика иш чиқиб қолди, - деди бошлиқ столи утида турган жиноят ишига ишора қилиб. — Бошида унчалик аҳамият бермагандим. Бугун мутахассислар хulosасини олиб, ҳангуманг бўлиб қолдим... Қисқаси ўтган ҳафтада Тошкент аэропорти божхона постида Германияга даволанишга кетаётган бир ногирон йигит ва унинг аёли қўлга олинган. Йигит семириб кетган – нақд 150 кило келади, инсульт олиб, чап томони ишламай қолган. Қандайдир бир ногиронларни қўллаб-қувватлаш жамияти беморга ҳомийлик қилиб, хорижда даволанишга маблағ ажратган, бемор семизлигидан оддий ногиронлар аравачасига сифмаганлиги сабабли маҳсус аравача ясатиб беришган. Божхона назоратидан ўтишда ўша қўлбола аравача божхона ходимларида шубҳа уйғотган. Устидаги резина ва пласстмасса ғилофларни олиб ташлаб, карашса араванинг асоси – креслоси соф тилладан ясалган

иши. Тасаввур қилинг, қарийб 25 килограмм соф тиллони олиб чиқиб кетишишмоқчи бўлган экан. Терговни транспорт прокуратураси олиб бораётганди. Бугун мутахассисларнинг узосасини олгач... иш биз ўйлагандан кўра анчагина мураккаб эканлигига амин бўлдик. Буни қарангки, ўша тилло тихт Бухоро Амири Сайд Олимхонга тегишли бўлиб чиқди...

— Бухоро Амирининг... Сайд Олимхоннинг тахти! — Фахриддин кулоқларига ишонгиси келмасди.

— Ҳа,ҳа! Бухоронинг сўнгти Амирига тегишли тахт.

— Ногирон Амирнинг авлодларидан эканми? — деди Санжарбек таажжубини яширолмай.

— Йўқ-да! У шўрликнинг тахтга ҳеч қандай алоқаси пукка ўҳшайди. Кимdir ундан тахтни хорижга олиб чиқиб кетишида фойдаланмоқчи бўлган. Ҳозирча ўша кимсанинг кимлиги ҳам аниқланмаган. Улар ҳам шу рейсда учмоқчи бўлганми ёки Германияда кутиб олиши лозим бўлганми ёхуд ортидан бормоқчи бўлишганми, номаълум. Энг ёмони ногирон йигит ҳам, унинг аёли ҳам ҳомийларининг кимлигини суриштириб ўтиришмаган. Фақат исми “Қодир”лигини билишади. “Бегараз ёрдам бераман, даволатаман” деса юраги ёрилиб, сўраб-суриштириб утиришмаган. Ота-боболаридан мерос ўтган бўлса...

— Балки ҳеч қанақанги “ҳомий” йўқдир! — Фахриддин миясига келган фикрни яшириб ўтирмади. — Тахт ўзига тегишилдири. Ота-боболаридан мерос ўтган бўлса...

— Булиши мумкин! Аммо терговчининг фикрича, йигит отамерос бойлик олган бойга ўхшамасмиш...

— Талабалик пайтимизда тарих устозимиз Бухоро Амирининг олтинлари хусусида гапириб берганди. Айтишларича, Фрунзе бошчилигидаги большевиклар қўшинлари бостириб киришидан олдинроқ Сайд Олимхон хазинасининг бир қисмини тужарларга юклаб, Афғонистон томонга қочган. Қашқадарё, Сурхондарё воҳасида хазинанинг

Амирликнинг олтин тахти изидан

катта қисмини форга яшириб, ўзи Қобул томонга ўтиб кетган. Кейинчалик хазина кўмилган жойлар совет иттифоки тасарруфига ўтиб, Амир олтинларини олиб кетишнинг уддасидан чиқолмаган. Балки ўша форни кимдир топганмикан?

– Балким! Хуллас, кўп нарсага аниқлик киритишга тўғри келади, - бошлиқ стол устидаги папкани терговчига узатар экан мусоҳабага якун ясади. – Жиноят ишини ўз иш юритувингизга қабул қилиб, жиддийроқ шуғулланишнингизга тўғри келади. Гап фақат олтин хусусида эмас, балки жуда ноёб миллий бойлигимизнинг Республикадан четга олиб чиқиб кетилиши, миллий меросимизни сақлаб қолиш масаласида кетаётганини унутманг! Боягина бош прокурорга ахборот бериб чиқдим. Иш шахсан у кишининг назоратида! Фурсат фанимат! Тинимсиз ишлаш талаб этилади. Ҳар доимгидек Санжарбек сизга кўмаклашади...

– Тушунарли! – терговчilar шахдам одимлаб, хонадан чиқишиди.

Икки-уч соат мобайнида бош кўтармасдан иш билан танишиб чиқкан терговчилар учта тахминни илгари суришди: биринчи тахмин – “тилло тахт”ни хорижга олиб чиқиш Шомаксуд ва унинг хотини Амина томонидан бойлик орттириш мақсадида содир қилинганд. Уларга бу бойлик отабоболаридан мерос булиб ўтган. Бундай катта бойликни Ўзбекистонда сотиш имконини қилолмагач, хорижга чиқариб пуллашга ҳаракат қилишган. Иккинчи тахмин – Бухоро Амирининг йўқолган хазинасини бирор киши топиб олган ва ногирон шахсдан фойдаланиб, уни четга чиқариб кетмоқчи бўлган. Ёки бойликни узоқ вакт давомида ўзида сақлаб келган, сотишга мижоз тополмаган. Айни пайтда пулга муҳтоҷлик сабабли тиллони сотиш учун йўл ахтарган. Учинчи тахмин – Амир Олимхоннинг авлодларидан бирида бобосининг хазинаси жойлашган манзилнинг харитаси

сакчаниб қолган ва у Узбекистонга келиб, хазинани топишга пришган. Хазинани чет элга олиб чиқишида оми одамлардан фойдаланмоқчи бўлган. Балки бу биринчи уриниш эмасдир. Муқаддам шунаقا йўллар билан хазинанинг катта қисми хорижга чиқиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Кеч бўлиб қолганлигига қарамасдан гурӯҳ раҳбари Саижарбекка Бухоронинг сўнгги Амири Сайд Олимхоннинг хазинаси хақида маълумот тўплашни топшириб, ўзи аэропортга йўл олди. У ишни хизмат вазифасини адо этишда сергаклик кўрсатган божхона ходимларидан бошламоқчи бўлди. Ўзини Равшан Нишонов деб таништирган ходим ўша куни бўлиб ўтган воқеани яна бир бор гапириб берди. Фахриддин уни қунт билан эшишиб, сўради:

– Ногирон киши ўтирган аравачани текшириб кўриш қандай каллангизга келди ёки шубҳага боришингизга бирор сабаб бўлдими?

– Шунаقا баҳайбат, тағин шол одамни аравачадан тусириб, текшириш жуда қийин масала. Бундан ташқари унинг хатти-ҳаракатларида бирон ногабийлик сезилгани йўқ. Текширишга астойдил киришганим ўша воқеадан бир кун олдин бир синфдошимнинг божхоначилар ҳакида айтган латифаси сабаб бўлди.

– Қанақа латифа?

– Собик шўролар даврида бир яҳудий Истроилга кўчиб кетмоқчи бўлибди. Божхонада унинг юкларини текшираётган божхона ходими юклар орасидан Лениннинг ҳайкалини топиб олибди. “Бу нима?” сўрабди у. Яҳудий: “Бу нима?” деманг, “бу ким?” денг. Ул мўътабар зот дохийимиз Ленин. Хотирасини абадийлаштириш учун Истроилга олиб кетаяпман” депти. Божхона ходими хурсанд бўлиб “утаверинг!”, депти. Истроилга киришда божхона ходими юклар орасида ҳайкални кўриб қолиб, “бу нима?” деган саволни берибди. Яҳудий “бу нима?” деманг, “бу ким?” денг.

Ахир бу ифлос Ленин-ку! Жаллод ва қонхўр ҳукмдор. Қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг умрига завол бўлган. Унинг жирканч башарасига ҳар куни туфлаб туриш учун Исройилга олиб келдим” деб жавоб қайтариби. Божхона ходими хурсанд бўлиб, “олиб ўтинг” депти. Уйига келгач, яхудий кариндошларини чақириб, зиёфат уюштириби. Шунда бир жияни ҳайкални кўрсатиб, “бу ким?” деб сурабди. Яхудий “Эй нодон! “Бу ким?” эмас, “бу нима?” дейиш керак! Бу – ўн килограмм тоза олтин! Уни қанча қийналиб, нечта аҳмоқни чув тушириб бу ерга олиб келганимни билсанг эди!” депти.

– Ажойиб латифа экан! – деди Фахриддин кулгидан ўзини аранг тўхтатиб.

– Бу кунисига ёнимга ўша ногирон кеп турибди-да! Дабдурустдан хаёлимга ўтирган аравачаси тилло эмасмикан, деган фикр келса бўладими! Латифадаги ҳамкасларимга ўхшаб, “аҳмоқ” бўлиб ўтирмай, деган ўйда...

– Нима деб ўйлайсиз, ўша ногирон Шомақсуд ва хотини Аминанинг кўлидан шунаقا иш келадими?

– Ростини айтсам, бунга унчалик ишонгум келмайди. Менимча, улар ҳақиқатни айтишаяпти. Кўп йиллик тажрибамдан шуни биламанки, ҳар қандай пухта, ичидан пишган жиноятчи ҳам божхона назоратидан ўтишда ҳаяжонланади. Ўша куни мен уларни кузатдим. Эр-хотин ўзларини мутлақо эркин тутишди. Ҳатто аравачани кесишини бошлаганимизда ҳам уларда асабийлашиш аломатлари сезилмади... Ҳар ҳолда менга шундай туюлди...

Ўша куни навбатчиликда бўлган бошқа ходимлар ҳам Равшанинг кўрсатмаларини тасдиқлашди ва ногирон ҳамда унинг хотинининг тиллога алоқаси бўлмаса керак, деган фикрни билдиришди...

Туни билан хаёлотнинг минг бир кўчасига кириб чиқиб, тиниқиб ухлай олмаса-да, ишга барвақт келган Фахриддин Санжарбекнинг компьютерга ёпишиб ишлаб ўтирганини куриб ажабланди:

– Санжарбек, нима бало кечаси билан ишлаб чиқдингизми?

– Э-э-э ассалому алайкум устоз, яхши дам олдингизми?

– Ваалайкум ассалом! Ростдан ҳам кетмадингизми?

– Ишга берилиб кетибман... қарасам соат бирдан ошиб кетибди. Ўйдагиларни огоҳлантириб, шу ерда мизғиб олдим... Аммо Бухоро Амирининг хазинаси ҳақида қизиқарли маълумотларни топдим.

– Бу яхши! Лекин барибир кечаси ишда қолишингизни скламайман. Қани олиб келинг-чи топган нарсаларингизни! – устоз кабинети томонга юрди.

Санжарбек қоғозларини йиғишириб, унинг ортидан борди.

– Келинг, ўтиринг. Қани гапиринг-чи, нималарни гопдингиз? – деди Фахриддин пальтосини шкафга жойлай туриб.

– Буни қаранг, тарихимизни унчалик яхши билмас эканман, – ҳикоясини бошлади шогирд. - Бухоронинг сўнгги амири Амир Олимхон большевикларнинг Михаил Фрунзе кўмондонлигидаги қўшини бостириб кириши муносабати билан 1920 йилнинг 1 сентябрь куни Бухорони тарқ этишга мажбур бўлади. Бухоро Амирлари томонидан икки аср давомида йиғилган, қазиб олинган олтин ва кумуш хазинанинг бўйи 50 олчин, эни 20 олчин, баландлиги 8 олчин

Амирликнинг олтин тахти изидан

бўлган дейишади. Агар бир олчин 70 см эканлигидан келиб чиқилса, хазинанинг улкан “тоғ” эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Албатта, Амир Олимхоннинг бундай “тоғ”ни хуфёна Бухородан олиб чиқиб кетиши мушкул бўлган. Амир ўзининг ҳукмронлик даври тугаб бораётганлигини сезиб, отабоболаридан қолган хазинани яшириш йўлларини излай бошлаган. Таниш-билишлари орқали Машҳадга, Қашқарга чопарлар юбориб, ишончлироқ жой ахтарган. Аммо уринишларининг барчаси зое кетган. Ҳеч ким бунчалик катта хазинани яшириб қолишини кафолатлай олмаган. Ноилож қолган Амир энди ана шу муҳим топшириқни шахсий соқчиси полковник Тўқсанбек Калапўшга топширган. Сайд Олимхоннинг кўрсатмаси билан Калапўш бойлик ортилган карvon билан Қарши томонга йўлга тушади. Карvonни Тўқсанбеконинг кичик гурухи кўриқлаб боради. Амирнинг Қарши тарафни танлаши бежиз эмас эди. У отаси ҳукмронлиги даврида ўн йил Қарши беклигини бошқарганлиги сабабли бу ерларни беш қулидай яхши билган. Амир Калапўш ва яна бир содиқ мулоzими Даврон дарвешга хазинани ўзига таниш бўлган Яккабоғ, Бойсун ва Шаҳрисабз тоғларига яширишни тайинлади. Карvon Бухородан чиқиб, Коровулбозор, Косон орқали Қарши томонга йўл олади. Кундузи овлоқроқ жойда дам олишиб, асосан кечаси йўл юришга тўғри келади. Дастлаб хазинани Касби атрофига яширмоқчи бўлишади. Аммо, қўшни қишлоқдагилар карvonни пайқаб қолганлиги сабабли фикрларидан қайтади. Карvon яна йўлга тушади ва Ғузор орқали Яккабоғ томонга, у ердан Лангар тоғи ёқалаб Бойсун тоғига етиб олади. Карvonни панарак жойда қолдириб, Калапўш тепаликдан туриб ён атрофни кузатади. Шунда дарадаги табиий горни кўриб қолади ва Амирнинг хазинасини

шу ерга яширишга қарор қилади. Хазинани ғорга жойлашни Даврон бошлиқ гурухга топширади. Калапўш эса соқчилари билан теварак-атрофни кузатиш учун қолишади. Карвон ғорга яқинлашай деб қолганда дарвешлардан бир нечтасининг нияти бузилиб, хазинани ўғирлаш мақсадида Даврон ва унинг уч-тўрт нафар содик йигитларига ҳужум қилишади. Иккига бўлиниб қолган гурух ўргасида жанг бошланади. Фитначилардан бир нечтаси йўқ қилинади. Айримлари қочиб қолади. Даврон қаттиқ жароҳатланади. Шундай бўлсада, тирик қолган ўн-ўн беш чоғли дарвешлар билан хазинани ғорга киши сезмас қилиб яширади. Қайтишда фитначилардан яна бир нечтаси пистирмада Давронни пойлаб туришади. Қаттиқ тўқнашувда Даврон икки нафар дарвеш билан тирик қолади, қолган дарвешлар ҳалок бўлади. Карвоннинг ҳаяллаб кетганидан хавотирга тушган Калапўш ғор томонга юришга мажбур бўлади ва йўлда Даврон ва унинг икки йигитини топиб олади. Хазинанинг ишончли жойга яширилгани ва ниқобланганлигини ўз кўзи билан кўриб, кўнгли тўлган Калапўш ортга қайтишга буйруқ беради. Йўлда Давронни ҳам унинг икки дарвешини ҳам ўлдиради. Шу тариқа гувоҳлар йўқ қилинади. Калапўш ва унинг навкарлари Коровулбозорга стганда уларни Амирнинг тўпчибошиси Низомиддин кутиб олади. Кечқурун Амирнинг маҳфий топширигини сидқидилдан бажарган соқчилар шарафига зиёфат берилади. Аммо Калапўш эрталаб туриб қараса, соқчилардан бирортасиям йўқ. Уларнинг ҳаммаси тунда ўлдирилган экан. Амирнинг фармони шундай бўлган. Хазинанинг сири фақат бир кишига маълум булишини истаган экан... Сайд Олимхон Калапўшдан ҳаммасини ипидан игнасигача сўраб, билиб олади. Хазинанинг ишончли жойга, ҳеч ким сезмайдиган

Амирликнинг олтин тахти изидан

қилиб яширилгани Амирни хурсанд килади. Ҳамма сирни билиб олгач, Калапӯшдан сўрайди:

– Горнинг сири кимларга маълум?

– Шоҳим, - дейди полковник, - хазина сиридан фақат икки киши воқиф!

– Йўқ, азизим, бир киши! - тиржаяди Амир. – Фақат мен!

Шу пайт Калапӯшнинг ортида турган жаллод унинг бошини танидан жудо қилади.

– Қойил-э! Роса қизик ривоят экан-ку! – Фахриддиннинг қаттиқ таъсирлангани сезилиб турарди. – Садоқатга берилган “мукофот” шу бўлган экан-да!

– Ҳа, Амир ўзининг энг ишончли одамларининг садоқатини ўнчай сийлаган!

– 1920 йилнинг сентябрь ойи бошларида Фрунзе Бухорога бостириб кирган бўлса, сиз айтган воқеалар сал олдинроқ август ойларида содир бўлганми дейман-да! – Хулоса қилди гурух раҳбари.

– Шунақага ўхшайди! Олимхон амирликнинг таназзул ёқасига келиб қолганини олдиндан сезган ва қандай бўлмасин хазинани, ҳеч бўлмаганда унинг бир қисмини саклаб қолиш чораларини кўрган.

– Кейинчалик ўзи Бухорони тарк этаётганда куруқ қўл билан кетмагандир?

– Албатта. Айрим манбаларда Амир пойтахтни тарк этишда бойликларини юзта аравага жойлаб, йўлга чиққани айтилган. Ғиждувон атрофида йигирма бешта арава большевиклар қўлига тушган. Хазинанинг қолган қисмини Афғонистонга олиб чиқиб кетишига эришган. Нима бўлгандай Олимхон Амирлик хазинасининг фақат ўн-ун беш фоизини яширишга улгурган. Баъзи манбаларда унинг

Бухородан олиб чиқиб кетган олтинлари микдори 10 тонна қилиб кўрсатилади. Бу ҳозирги пулга чаққанда 70 миллион АҚШ доллари демакдир.

– Амир олиб чиқиб кетган олтинларидан фойдалана олганмикан?

– Сайд Олимхон 1944 йилда вафот этган. У муҳожирликда Афғонистонда яшаб юрган кезларда каттагина сарой сотиб олган, тижоратини йўлга қўйган. Большевикларга қарши курашга, босмачилик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга анчагина сармоя сарфлаган. Бойлигининг бир қисмини хориж банкларига қўйган. Баъзи манбаларда келтирилишича, 1928 йилда Олимхон Франция ҳукуматига мурожаат қилиб, 180 миллион олтин франкда баҳоланадиган хазинасини қайтаришларини сўраган. Париждан “пуллар фақат Бухоро ҳалқи талаб этган тақдирдагина қайтарилади” деган жавоб келган...

– Олимхон яширилган хазинани олиб кетишга ҳаракат килганми?

– Она замини қаърида қолган хазина Амирга бир умр гинчлик бермаган. Лекин, большевиклар ҳукумати унинг яширилган жойидан чиқариб, олиб кетишига тўсқинлик қилган. Шунга қарамай Амир бир неча бор ўзининг қидирув гуруҳини Лангар, Бойсун томонларга юбориб, хазинани олиб чиқиб кетишга уринган. 1930 йилда Олимхон ўзининг ишончли одами – Иброҳимбекни беш юз отлик билан хазинани излашга юборган. Аммо, большевиклар бекни қўлга олиб, бошини танидан жудо қиласди. Шу тариқа Амирнинг барча уринишлари зое кетади. Негаки, хазина билан қизиқаётган фақат у эмасди. Бу тарафда чекистлар ҳам Амирнинг олтинларини топиб олиш илинжида изғиб юрган. Улар бирон маълумотни қўлга киритиш мақсадида Даврон,

Амирликнинг олтин таҳти изидан

дарвеш ва Калапӯшнинг оғайин-қариндош-ларини қийнокқа солган. Бироқ, улардан ҳеч қанақа гап ололмагач, барчасини қириб юборган. Бундан ташқари маҳаллий аҳоли вакиллари, тойибдан бойлик орттириш ўйида юрган турли-туман тұдалар ҳам Амирнинг олтин хазинасини қидириб топиш умидида тоғма-тоғ кезишган. Бошқа томондан рус, инглиз, немис мағфий хизматлари ҳам олтинларни топишга зүр беришган.

— Хазинанинг қолган қисми қаерга кетган? -- қизиксінди Фахриддин.

— Большевиклар томонидан Москвага ташиб кетилган, анчагина қисми инсоғсиз тұралар томонидан талон-тарож қилинган.

— Биз құлға туширган тилло таҳт тұғрисида бирор маълумот учрамадими? — гурух раҳбари нихоят мақсадға күчди.

— Йұқ, Амирлик хазинасида тиллодан таҳт бұлғанлиги ҳақида манбаларда бирор-бир қайд топилмади. Гап шундаки, Амирлик хазинаси жуда қаттық сир сақланған. Ундан воқиғ бұлишни хоҳловчилар бешафқат жазоланған. Шу сабабли олтин таҳт бирор жойда қайд этилмаган бўлиши ҳам мумкин. Амирликнинг Москвага олиб кетилган мол-мулклари қайд этилган 48 бетлик рўйхатда ҳам тилло таҳт тилга олинмаган. Демак, олтин курси Калапӯш яширган бойликлар орасида бўлган, ё большевиклар давлатта топширмай ўзларида олиб қолган, яъни талон-торож қилинган бойликлар орасида бўлган. Унинг Амир ўзи Афғонистонга олиб кетган бойликлар орасида бўлғанлиги эҳтимоли кам. Негаки, Афғонистонга чиқиб кетган бундай катта ҳажмдаги буюмнинг мамлакатимизга қайтиб олиб келиниши ақлга сиғмайди...

– Нима, бу билан ғорга яширилган хазинани кимдир топган демоқчимисиз? – хулоса қилишга ошиқди Фахриддин.

– Бўлиши мумкин! Ҳозир бўлмаса, бундан олдинроқ... Ахир хазинани излаш билан кимлар шуғулланмаган... Олимхон Калапушни ўлдирганда “хазинанинг сири ёлғиз менга аён!” деб янглиш ўйлаган. Ахир полковник ҳам, дарвеш ҳам чакана одамлар бўлишмаган. Улар ҳам Амирнинг айёрлигига қарши қандайдир маккорлик ўйлаб қўйган бўлишлари мумкин-ку! Бундан ташқари...

– Демак, ўрганиш доирамиз кенгроқ бўлар экан-да!

– Тушунмадим, Фахриддин Каримович! – деди Санжарбек кўзларини катта-катта қилиб. - Нима сиз қарийб юз йил наридаги воқеаларни ўрганмоқчимисиз?

– Бўлиши мумкин! Мабодо жиноятни воқеликнинг адогидан бориб очишнинг имкони бўлмаса, ундан ҳолда бошидан тушиб, фош этишга мажбур бўламиз... Мен тунда жиноят иши билан яна бир бор танишиб чиқдим. Хаёлимда жиноятчилар шундай пухталик билан иш тутишганки, бирор жойда шубҳага ўрин қолдиришмаган. Эр-хотин улар тўғрисида деярли ҳеч нарса билишмайди. Бундай ҳолатда тилла курсининг қаердан келиб қолгани, кимга тегишли эканлигини аниқлаш имкони йўқ даражада. Шундай экан, мана кўрасиз курсининг келиб чикиш тарихини юз йил наридан ахтаришимизга тўғри келади. Ҳар ҳолда мендаги “интуиция” шундай демоқда...

– Ана холос! – Санжарбек қичкириб юборди. – Устоз, “интуиция”нгиз ҳеч қачон панд бермаслигини ҳисобга олсак, ҳали бир томони Бухоро, бир томони Сурхону Қашқадарё қилиб, камида икки-уч ойлик сафарга отланарканмиз-да!

– Ҳа, шунаقا бўлишининг эҳтимоли юқорирок! Биласизми, нима учун Тоҳир Фофурович бу ишнинг терговини бизга берган?

Амирликнинг олтин тахти изидан

– Мураккаблиги учундир-да!

– Йўқ, гап жиноятнинг мураккаблигига эмас. Гап йигирма-йигирма беш кило олтинда ҳам эмас. Гап Бухоронинг сўнгги Амири Сайд Олимхоннинг яширилган хазинасида! Гарчанд у кеча бизга бу ҳақда гапирмаган бўлсада, ўзимиз мантиқан хулоса чиқариб, масалани англаб олишимизга умид қилган. Бизни имтиҳон қилмоқчи бўлган. Амирликнинг йўқолган хазинаси ҳақида менам унча-мунча эшитганим бор эди. Аммо, вақтида бу гапларга унчалик эътибор қилмаган эканман. Ривоят бўлса керак, деб уйлаганимиз-да. Бугун муаммо билан юзма-юз тўкнаш келганимизда, унинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини англаб турибмиз... Нима бўлгандা ҳам тўплаган маълумотларингиз кося тагидаги нимкосани кўришимизга ёрдам берди. Тунни бедорликда ўтказганингиз бекор кетмади, табриклийман!

– Раҳмат, устоз! – Санжарбек мамнун жилмайди. – Тарих деганлари оҳанрабоси борми, остонасига қадам ранжида қилсанг, чиқолмай қоларкансан...

– Хўш, жаноб Раҳмонов, балки уйга бориб, бироз мизғиб келарсиз! – устоз хазиллашашаптими ёки жиддий гапирайтими, билиб бўлмасди.

– Йўғ-е, устоз! Шунча иш турганда одамнинг кузига уйқу келармиди!

– Унда ҳозир анави ногирон йигит билан хотинини олиб келади. Ишни уларни сўрок қилишдан бошлаймиз. Саволларингизни тайёрлаб туринг! Ҳали замон келиб колишади. Дарвоқе, Шомақсудни тепага чиқариб бўлмайди, пастда - қабул бўлимида сўрок қилишга тўғри кслади...

Одам ҳаддан ташқари семириб кетса, чаток бўларкан. Устига устак бир томони ишламай, жойидан қимирлаёлмай қолса, бундан мушкул савдо йўқ. Шомақсундни шалдироқ аравачасида ташқаридан бинонинг биринчи қаватидаги хонага олиб киргунча уч-тўрт йигитнинг роса хуноби чиқди. Аравани суришга зўр бериб, ўпкаси халқумига келган Санжарбекнинг хаёлидан “шундай зил-замбилини итариб юрган хотинининг жонига тўзин берсин” деган фикр ўтди. Фахриддин нима бўлгандаям гувоҳнинг кўнглига йўл топиш мақсадида чой қўйиб узатди.

– Узр. Раҳмат, укажон! Чой ичсан безовта бўламан... – деди Шомақсунд қўлини қўйиб гуноҳкорона. – Кейин сизларният безовта қилишга... ҳалигидай...

– Шомақсунд ака, яхшимисиз, соғликлар қалай?

– Дардини бедаво инсоннинг соғлиғи нима бўларди... Ҳалигидай... ётибмиз-да, Худо деб...

– Дардин берган, шифосиниям беради! Ҳали қўрмагандай бўлиб кетасиз!

– Айтганингиз келсин! Раҳмат укажон!

– Шомақсунд ака, қачон бунақа тўшакка михланиб қолдингиз? – Фахриддин гапни узоқдан олди.

– Э-й-й-й нимасини айтасиз, иним! Пешонамизда шунақа кургиликлар ҳам бор экан-да! – Гувоҳ чукур хўрсинди. – Бундан ўн йиллар олдин... ҳалигидай озғингина йигит эдим. Мени қарғиши урди, ҳа-ҳа қарғиши урди! Ушанда загатконторада омбор мудири бўлиб ишлардим. Топиш тутишим бинойидек эди. Еганим олдимда, емаганим ортимда... ҳалигидай... Тагимда янги “Жигули”, зиёфат-у ўтиришларни қўяверасиз! Остонамиздан одам аримасди...

Ҳаёт ҳамиша шунақа бир зайлда кетаверади, деб уйларканмиз. Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу бўлишини тасаввуримизга ҳам сифдиrolмасдик... Бир куни... ҳалигидай... улфатлар билан чойхонада “гашгагимиз” бориди. Аnavи зормандадан қиттақ-қнттақ олишгаям тўғри келди. Кўпинча ароқ ичган пайтларим машинани ўша ерда қолдириб кетардим. Кейин кайфим тарқагач, миниб кетардим. Ўша куни ҳам шундай қилмоқчийдим. Карим қичиқ деган улфатимиз бўларди. Зиёфатдан чиқишида “ха, машинангни ташлаб кетмоқчимисан, ярим пиёла ичдингми-йўқми, намунча “гаи”дан қўрқмасанг, машинани чўнтағида ақчаси бор эркак минади-да, йигит! Намунча аялга ўхшаб қўрқоқ бўлмасанг!” дея алжираб, нафсониятимга тега бошлади. Дарди ҳалигидай... машинамда уйигача бориб олиш экан. “Эркак”лигим тутиб кетиб, машинани қўшдим. Каримни ва яна бир улфатимизни миндириб, йўлга тушдим. Гаи-пайи учраб қолса берарман, деган хаёлда бир пачка пулни чўнтағимга алоҳида жойлаб қўйдим. Улфатларни йўл-йўлакай уйларида қолдириб, Чилонзорга қараб ҳайдадим. Одам ичиб рўлга ўтирганда ўзини минг тетик тутмасин барibir ҳушёрликни йўқотаркан. “Гаи”дан хавотир қилибман-у, аммо бир лаҳза бўлсада, ҳушёрликни йўқотишими ўйламабман. Уйга етай деб қолганимда радиода тунги ўн бир бўлгани айтилиб, “сўнгги янгиликлар” бошланди. Радионинг овозини кўтариш учун қўлимни чўздим. Ҳушёр пайтим бўлса, қўлим радио мурватини адашмай тополарди. Кайфим борлиги учун қўлим қалтириб, радио овозини кўтаролмадим. Нигоҳимни бир лаҳзага йўлдан олишга мажбур бўлдим... Шу пайт тарақлаган овоз эшитилиб, машина қалқиб кетди. Шунда йўл четида кимнидир уриб кетганимни англашим. Жон ҳолатда машинани четга олиб, тухтатдим. Ойнадан ортимга қарадим,

гира-ширада ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Кулогимга аёл кишининг фарёди чалинди... Бир хаёл машинадан отилиб тушиб, жабрланганларга ёрдам курсатмоқчиям бўлдим. Аммо, мастигим ёдимга тушиб, қўрқиб кетдим... Бола-чақам, оиласам, ишимдан айрилиб, қамалиб кетишимни ўйлаб, дарров фикримдан қайтдим. Атрофга алангладим... Хайрият, тирик жон кўринмайди... Машинага ўтириб, газни босдим... Биласизми, орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, аёл кишининг ўша кунги фарёди ҳамон қулогимдан кетмайди... Ўйга келиб, машинани гаражга тикдим. Қарасам, зарба машинанинг ўнг қанотини пачақлаган. Демак, радиога қараган пайтимда машина беихтиёр ўнг томонга оққан ва йўл четида уни кесиб ўтмоқчи бўлиб турган пиёдани уриб юборган. Тезлигим унчалик юқори эмасди. Ишқилиб, ўлмай қолган бўлсин-да, деган хаёлда туни билан мижжа қоқмай чиқдим. Уришга уриб қўйиб, кўра-била ёрдамга муҳтоҷ одамни номардларча ташлаб кетганим учун ўзимни лаънатладим. Нима булганда ҳам уриб кетган одамим тирик қолишини Яратгандан илтижо қилиб сурадим. Бахтга қарши эртаси куни аёллар қўшни маҳаллада яшовчи 9 яшар болани тунда машина уриб кетганлигини, бечора кўп қон йўқотиши оқибатида шифохонада оламдан ўтганини, бугун пешинда жанозаси бўлишини айтишди. Ичимдан зил кетдим! Кўз олдим қоронғулашди. Қўрқиб кетдим. Йўқ, йўқ, қонундан, жазога тортилишдан эмас, Худонинг газабига учрашдан қўрқдим. Сизнинг қонунларингизда одамни уриб кетса, эҳтиёткорсизлик деб, нари борса, уч йил қамоқ беришади. Жабрланувчига ёрдам бермай қочиб кетса, яна бир йил қўшиб, жами турт йилга озодликдан маҳрум қилишади. Баъзида амнистия тўғри келиб қолса, айбдор қамалмай қолиши, қамалган тақдирдаям бир йилга қолмай озодликка

Амирликнинг олтин тахти изидан

чикиши мумкин. Шариатимизда эса бу жиноят сахван (билимасдан, адашиб) қотиллик деб баҳоланиб, хун учун бир одамга юз дона түя тұланади. Қонунларда автохалокат, жабрдийдага ёрдам күрсатмаслик деб аталаған жиноятлар муқаддам шариат талқинида сахван бұлсада, одам үлдириш – қотиллик сифатида қаралади. Хуннинг микдорига эътибор беринг, юз дона түя! Тұяning ҳалигидай... уртача баҳоси 500 АҚШ долларига тенг деб ҳисобланғанда, хуннинг баҳоси 50 000 АҚШ долларини ташкил этади...

– Кейин нима бұлды! – Санжарбек әшитаёттанлари маъқул тушиб турған бұлса-да, воизни мақсаддан чалғимасликка чақырган бұлды.

– “Мазам бұмаяпты” деган баҳонада шу куни ишгаям бормадим. Маҳалладагиларға құшилиб, жанозага бордим. Боланинг каттагина портретини столга қўйишибди. Эх, аттанг-а! Шундай бола-я! Яқинларининг фарёди қалбимни қонга тұлдирди. Дод деб кичқириб юборгим келди. Одамлардан бола ота-онасининг тилаб-тилаб олган ёлғиз фарзанди, кўзининг оқу қораси эканлигини, уларнинг бошқа зурриёдлари йўклигини, энг ёмони бошқа бола кўра олмасликларини эшитиб, ичим эзилиб, юрагим зардобга тұлди. Виждон азобида қолдим... Бу ҳам етмагандай ҳеч нарсадан хабари йўқ одамлар бири олиб, бири кўйиб, болани уришга уриб кетиб, воқеа жойидан номардларча қочиб қолған “ҳайвон”нинг гўрига ғишт қалаётганини жимгина эшитиб ўтиришга мажбур эдим...

Бу инсоннинг хикояси қанчалик аламли, таъсирчан бўлмасин, Фахриддин хаёлан уларнинг Амирликнинг тилло тахти билан боғлиқ ҳодисотларга қанчалик алоқадорлигини англашга, улар орасидаги сабабий боғланишни топишга

ҳаракат қиларди. Шундай бўлса-да унинг гапини булиб, шаштини кайтаргиси келмади:

– Сизни қандай қилиб топишиди?

– Гап шунда-да! Топиб, қамашганда бир-икки йил ўтириб, виждонимни поклаб келган бўлардим. Бир-икки кун “ана келди-мана келди” қилиб, эшикка термулиб ўтирдим. Шу орада хотинлар “уриб кетган машиианинг ранги кўк экан, шунаقا рангли машиналарни қидираётганмиш, аммо ҳозирча ушланмаганмиш” деган гапни топиб келди. Шунгача “бирибир топиб олишади, ундан кўра шармандам чикмасдан туриб, ўзим милицияга “ок байроқ” кутариб борсаммикан” деган фикр миямда чарх уриб турганди. Кук рангли машинани ахтараётган бўлса, менинг машинам оппоқ рангда, демак ҳеч ким кўрмаган, терговчилар нотуғри йулга кириб кетишган. Бунинг сабабии билиш учун гаражга тушиб, машинамни кўздан кечирдим. Шунда уч-тўрт кун олдин бир кўк рангли “Жигули” машинамни ўнг қанотидан туртиб кетгани ёдимга тушди. Бола урилганда унинг уст-бошида ўша кўк рангли машинадан қолган заррачалар ўтириб қолган. Натижада эксперталар урган машинанинг ранги кўк деган хато хуносага келишган ҳалигидай... Ўн гулидан бир гули очилмасдан бу ёруғ дунёни тарқ этган болага, ягона нури дийдасидан ажralиб қолган бадбахт ота-онага қанчалик ачиниб, виждон азобида ўртанаётган булмайин, худбинлигим устун келиб, ишимдан, оиласдан, обру-эътиборимдан ажralиб, қамоққа тушишни, гулдай ҳаётимни барбод килишни ҳам истамасдим. Шуларни ўйлаб, тунда яна гаражта тушдим. Бир пайтлар машина таъмирлаш устахонасида шогирд бўлиб ишлаганим кўл келиб, машинамнинг урилган жойини сезилтирмасдан түғирлаб, ранглаб қўйдим ҳалигидай ... Орадан йиллар ўтди. Боланинг ота-онаси бошқа жойга

кучиб кетишиди. Айтишларича, эр-хотин бир болани чақалоқлигидан асраб олишибди. Ахён-ахёнда шу оилага сездирмасдан моддий ёрдам беришни ҳам үйлаб юрдим. Лекин, рўзғордан, ҳалигидай... орзу-ҳавасдан орттириб, товон тулашга қурбим етмади, тұғрироғи ҳафсаласизлик қилдим. Балки шу ишни қилганимда виждонимни бироз бўлса-да поклаган бўлармидим... Бу гапларни сизларга айтиб, дардимни достон қилишдан мақсад... ҳалигидай... менинг шу ахволга тушиб колишимга, бу ҳам етмагандай бугун қандайдир жиноий тўдаларга уралашиб қолишимга ўшанда йўл кўйган кечирилмас хатом, ёлғиз жигарбандидан ажралиб қолган онанинг қарғиши сабаб бўлди. Дунёда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмас экан. Ўшанда ҳеч ким кўрмади, терговчилар сезмади, жазодан қутулиб қолдим, дея бекорга суюнган эканман. Тепада Кодир Эгамнинг ўзи ҳаммасини кўриб, билиб турганини, қилмишга яраша жазони ҳам унинг ўзи беришини билмаган эканман...

– Яхшиям жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари утиб кетган, нега бизга бу гапларни айтаяпсиз! – Санжарбек гувоҳга танбеҳ бериш баробарида “ҳозир бирорларнинг дийдиёсини эшитиб ўтирадиган пайтми?” дегандай норози қиёфада устозига қараб қўйди.

– Санжарбек, сабрли бўлинг! – Устоз бирорларнинг олдида бу қизиққон йигитни уялтиргиси келмади. Сунг тарвузи қўлтигидан тушиб турган Шомақсудга юзланди:

– Қаерда қолгандик, марҳамат давом этинг!

– Тұғри-да, иним! Бу замонда бирорларнинг дардини бирор эшитармиди! – Гувоҳ “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилада Фахриддинга қараб, гапида давом этди. – Сизларга ҳам осон эмас. Узгаларнинг ҳасратини эшитавериб, дийдангиз қотиб кетган. Аммо менимча, бирор тұғрисида

тұла тасаввурға эга бўлиш учун... ҳалигидай... унинг юрагига қўл солиши, ички дунёсини ўрганиш лозим... Хуллас үша воеа ҳәётимизни издан чиқариб юборди. Аввал ишдан кетдим. Кейин киракашлик қилишга ўтдим. Йўқ жойдан машинамни туртиб олишди. Фойдам майда бўлиб, бу ишниям ташладим. Анча пайт иш излаб, хунобим чиқди. Уйда ўтириб, хотиннинг кўлига қараб қолдим. Сиқилаверганимдан... ҳалигидай бедаво дард ёпишди. Куруқ сув ичсам-да, семирадиган бўлиб қолдим. Ҳаш-паш дегунча 80 кило тош босувчи йигит 150 килога чиқиб олдим. Одам эмас, бир халта, йўқ, йўқ, бир қоп гўштга айландим, қолдим! Бунисиям ҳолва экан! Кўп ўтмай инсульт олиб, бир томоним ишламай қолди. Кўча-кўйга чиқолмай, тухум босган товукдай уйда ўтиришга маҳкум бўлдим... Ўзимизнинг духтирларга кўрсатсақ, бизда бунга даво йўқ, Германия ёки Истроилга бориш керак, дейиши. Эх, у ёқларга бориш учун отни калласидай пул даркор. Битимизни сотиб борармилик. Дардин берган шифосиниям берар-да, деб кутиб ётишдан бошқа иложимиз қолмади. Кўчага чиқолмасанг, ўзинг мустақил ҳаракат қилолмасанг, йигит бошинг билан аёлингга музтар бўлиб термулиб ўтирсанг, шуям ҳаёт бўлдими?! Накд жаҳаннамнинг ўзгинаси-ку! Боланинг онаси тушмагур тоза боплаб, юракдан қарғаган экан-да!

Шомақсуд бироз жимиб қолди. Авзойидан дарду ҳасратини тўкиб солиб, сал бўлса-да, юрагини бушатиб олгандай эди.

- Одатда одамлар бизга ўхшаганларни кўрганда ачиниш ҳисси билан қарашади, - давом этди у, - қандайдир яхшилик қилиб, ҳеч бўлмаганда ширин сўзини аямасдан қўнглимизни кўтаришга ва шу йўл билан савоб олишга ҳаракат қилишади. Бошида ўзгаларнинг сенга нисбатан

бундай муносабати... ҳалигидай эриш, ҳақоратдай туюларди. Кейинчалик ўрганиб қоларкансан, киши... Бир куни уйга посанг кийиниб олган бир йигит кириб келди. Отини Қодир деди. Қанақадир ногиронларни ҳимоя қилиш жамиятиданман, сизни хорижга олиб бориб, даволатиб келиш бизга топширилган, деди. Қулида бир даста қоғоз. Мана ўқиб чиқиб, имзо қўйинг, деб ҳужжатни олдимга ташлади. Исламфамилиямни кўриб, ўқиб-пўкиб ўтирмасдан қўл қўйиб бердим.

– Қодирнинг фамилиясини биласизми? – сўради Фахриддин.

– Келган пайти – ўзини таништиргандага фамилиясини ҳам айтганди, Абдуллаевми, Абдувалиевми, ишқилиб шунга ўхшаш “а”дан кетарди-да ҳалигидай...

– Ёши неchalарда эди?

– Қирқларда бориди-ёв!

– Юз тузилиши қанақайди, бирор жойида хос белгиси, холими, чандиғими бормиди? – Санжарбек гапга аралашди.

– Оқкувадан келган, қирра бурун, қўй қўз, манглайи кенг, сочига бирда ярим оқ оралаган олифтагина бола эди, гавдаси сизниича бор-ов! Бирор жойида хол ёки тилинган, шилинган жойига қўзим тушмади. Аммо, ҳалигидай...

– Хўш,хўш! – Санжарбек бу одамнинг ҳар икки гапнинг бирида ҳадеб “ҳалигидай” деявериши ғашини келтираётган бўлса-да, бирор “янгилик” айтармикан, деган ўйда ўрнидан сапчиб туриб, унга яқинлашди.

– Қайсиdir билагида, чапидами...ҳа-ҳа чап қўлида “КА” деган татуировкага қўзим тушганди. Билмадим нима дегани бўлса! Балки “К” Қодир, “А” фамилиясини англатар!

– Ёзув билагининг қасрида эди?

– Кўлининг ички тарафида, бирор нарсага қўл узатгандан сингидан кўриниб кетади.

– Ёзув қанака рангда эди?

– Кўкми... ҳалигидан кўкиш эди.

– Кейин нима бўлди? – Фахриддин воқеанинг давомини ишитишга шошиларди.

– Кейин ҳужжатларни олиб, қайтиб кетди. Уч-тўрт кун утиб яна келди. “Бўлди, раҳбариятдан рухсат тегди, паспортларингизни берсангиз, самолётга чипта оламиз” деди. Паспортларни бердим, менга ва аёлимга чипта олиб келди. Кейин бир муаммо пайдо бўлди. Эски аравачамни кўналигиданми ёки ҳажми катталигидан самолётга чиқариб бўлмаскан. Янгисини буюртма қилиб, ясатиб олишимиз лозим бўларкан. У ўлгирам фалон сўм турса керак, олишга қурбимиз этмайди, дедим. Унда ариза ёзинг, бу масаланиям... ҳалигидай ўзимиз ҳал қиласиз, деди Қодир. Мени бўйимни, энимни, вазнимни ўлчаб олди. Буюртма беш-олти кунда тайёр бўлди... Буёғи ўзларингизга маълум... ҳалигидай...

– Қодир буюртмани кимга бергани, аравачани қаерда ясатишини айтмаганмиди?

– Йўқ, буни айтмаганди.

– Балки ўзим ясайман, дегандир?

– Йўғ-е, унақа демади.

– Майли, давом этинг, - деди Фахриддин гувоҳдан кўз узмай. – Қаерда қолгандини?

– Учишимизга бир кун қолганда Қодир аравачани уйга олиб келди. Ўтириб кўрдим, бемалол сиғдим. Кейин у ўша ёқда учрашамиз, деб хайрлашиб, чиқиб кетди.

– Сизларни аэропортга ким олиб чиқди? Қодир келаман демаганмиди?

Амирликнинг олтин тахти изидан

- Йўқ, у билан аэропортда учрашувга келишгандик. Бизлар аэропортгача таксида бордик.
 - Сизларни Франкфуртда ким кутиб олиши керак эди?
 - Шифохона ходимлари кутиб олади, деганди.
 - Қодирнинг ўзи-чи, бормоқчи эмасмиди?
 - Сизларни шифохонадан ўзим топиб оламан, деганди.
 - Демак, орқалариигиздан учиб бормоқчи бўлган.
 - Шунақага ўхшайди...
 - Сизда у қўл қўйдирган хужжатлардан бирортаси сақланиб қолганми?
 - Йўқ. У хужжатларга қўл қўйдириб, ўзи билан олиб кетган. Менга... ҳалигидай ҳеч қандай қофоз қолдирмаган.
 - Ҳорижга – шунча узоқ йўлга даволанишга кетаяпсизу, наҳотки ҳеч нарсага эътибор бермаган бўлсангиз? – Санжарбек луқма ташлади. – Хужжатингни бир кўрсат-чи, демадингизми?
 - Э қизик экансиз-ку! Энди... бир бегона одам... ҳалигидай куйиб-пишиб сенга ёрдам кўрсатмоқчи бўлса-ю, сен унга документингни кўрсат, десанг уят бўлмайдими?
 - Йўқ, бунинг ҳечам уяти йўқ! Бир фирибгарнинг найрангига учиб, алданиб ўтириш, жиноятига шерик бўлиб қолишни уят деса бўлади!
- Фахриддин “сал ошириб юбормадиларми?” дегандай шогирдига маъноли қараб қўйди.
- Одамларнинг шунақа лақмалиги фирибгарларга қўл келади! – Санжарбек бироз “пастлади”. – Икки оғиз ширин гапирса, танимаган одамига ўз жониниям тикишга тайёр-да булар!
 - Бизга ўхшаган оми одамларнинг фожиасиям шунда-да, укажон! – Шомақсуд бу кони қайнок терговчига ён беришга

мажбур бўлди. – Биздай Худо урган, нотавон бандаи ожиздан жаҳлингиз чиқмасин.

– Балки сизнинг ёнингизда бирортаси билан телефонда гаплашгандир, бирортасининг исмини ёки қандайдир корхона, ташкилот номини тилга олгандир. – Фахриддин мавзуга қайтди.

– Гаплашишга, гаплашди... аммо ... ҳалигидай бирорвнинг гапини пойлаш...

– Кулогингизга чалингандир...

– Эсимда йўқ... Фақат бир сафар телефонда сўзлашганда... ҳалигидай “ВДНХ”, “Космос” деган сўзларни эшишиб қолдим. Куз олдимга Москвадаги “ВДНХ” метроси ва “Космос” меҳмонхонаси келди. Омбор мудири бўлиб ишлаб юрган кезларимда бошлиғимиз санаториядан қайтишда бешолти кун ўша ерда қолганди. Орқасидан кўришга бориб, икки кун ўша меҳмонхонада тунағандим. Ўша атрофни беш қўлдай билиб олгандим... Бурунғиларда меҳр-оқибат бошқача бўларди... Шулар ёдимга тушиб кетганди... ҳалигидай...

– Гап авзойидан нима ҳақида кетаётганини ангай олдингизми? – деди Фахриддин дадилланиб.

– Қодир нариги хонага ўтиб гаплашди. Гап нима ҳақидалигини фахмлай олмадим. Ўзимча, ким биландир ўша ерда учрашмоқчи бўлса керак деб тахмин қилдим... Гаплашиб бўлгач, мақтангим келиб, менам Москвага борганимда “Космос” деган меҳмонхонада турганимни айтдим. У “эшишиб турганмидингиз?” дея кулиб кўйди. Хижолат бўлиб қолдим... ҳалигидай...

– У сизникига пиёда келганмиди?

– Менимча, пиёда... хотиним эшикда кутиб олиб, кузатиб кўйганди... машинаси ҳақида айтмаганди... Балки

Фахриддин Каримович Санжарбекка керакли тошширикларни бериб, ўзи Ёзувчилар уюшмасидан олган манзил бўйича Худойберди Тўхтабоевникига қараб йўл олди. Катта кўчадан бурилиши билан ўнг томонда боқقا кўзи тушди. Демак, адашманти. Кўча бошидаги иккинчи дарвоза очик туради. “Кундуз эшиги очик туради” дейишганди, тўғри экан. Ичкарига муралади. Ҳовли кичикроқ бўлсада, шинамгина, ортиқча безаклардан холи, қандайдир фариштали кўринди кўзига. Қўнғироқни босди. Бироз фурсат ўтиб, ичкаридан аёл кишининг “кираверинг, эшик очик” деган овози эшитилди. Фахриддин бир-икки қадам ташлаши билан унга истараси иссиқ онахон пешваз чиқди:

– Ассалому алайкум! Келинг гиргиттон, хуш келибсиз!

Фахриддин ёши улуғ одамнинг унга олдинроқ салом берганидан хижолат тортиб, қўлини кўксига қўйиб, одоб билан саломлашди.

– Келинг, айланай! Уйга киринг. Адаси боғда эдилар. Ҳозир айтиб чиқаман, сиз бирпас ўтириб туринг, ҳозир чой қўяман...

– Онажон, ташвиш қилманг, ўзим устознинг ёнига ўта қоламан. Ўша ерда...

– Вой, бир пиёла чой ичмай, кўчадан қайтасизми? Уят бўлади-я, болам! Мехмонни туз-намаксиз кузатиб бўларканми?

Онахоннинг танимаган кишига бунчалик илтифот кўрсатаётгани Фахриддинга қизиқ туюлди. Ичидан буюк инсонларнинг аёллари ҳам буюк бўлади-да, деган ўй ўтди.

– Онажон, безовта қилганим учун узр. Мен шошиб тургандим. Домлага икки оғиз...

— Майли, жоним болам, сиз боққа ўтаверинг, мен ортингиздан дастурхон олиб чиқаман...

Фахриддин йўлни кесиб ўтиб, боққа кирап экан, хаёлидан “бу аёлни қаердадир кўргандайман” деган фикр ўтди. Бир текис экилган дарахтлар оралаб юрар экан боғ тўрида бошида кўқон дўппи, эгнига тошкентча тўн ташлаб олган мўйсафид кўринди.

— Ассалому алайкум! Ҳорманг устоз, ҳорманг! – Бу сафар иккинчи бўлишдан чўчиб, олдинроқ салом берди Фахриддин.

— Ваалайкум ассалом! Келинг, мавлоно, келинг! – илик қарши олди ёзувчи. - Дарахтлар билан сирлашиб ўтиргандим. Катта йўл яқин, транспорт кўпайиб кетган. “Нафас олишимиз қийинлашиб бораяпти!” деб зорланмоқда.

— Нимасини айтасиз, устоз! Экологиянинг бузилиши табиатга кирон келтирмоқда...

У ёқ, бу ёқдан гаплашиб, боққа кираверишдаги чайлага ўтишди.

— Киш ҳавосидаям офтоб нури танга хуш ёкиб, ичкарига киргинг келмайди! - Ёзувчи худди асардан парча ўқиётгандай гапиради. – Киринг, шу ерда гурунглашамиз. Ҳозир чиқиб, уйдан чой...

— Устоз, одамни хижолат қилманг! Ҳозир уйингизга киргандим, сизнинг шу ердалигингиизни онахондан билдим. У киши ҳожати йўқ десам ҳам дастурхон олиб чиқаман деб қолгандилар...

— Ҳа, Санобар шунаقا аёл! Мехмонни қуруқ кузатмайди, барака топкур!

— Санобар опам, жуда меҳрибон инсон эканлар... кимгадир уҳшатдим...

— Онангиз хаётмилар? – сўради ёзувчи жиддий тортиб.

– Бу дунёни тарк этганларига анча бўлган онам раҳматлининг! – маъюс жавоб берди терговчи.

– Оллоҳ раҳматига олган бўлсин! – отахон дуога қўл очди. – Онангизга ўхшатгансиз! Ўзи шунака булади, Онасиз кишига қайси аёл бир оғиз ширин гапирса, жиндай меҳрибонлик кўрсатса, кўзига онаси булиб кўринади.

– Тўғри, Санобар опанинг қаерлариdir онамга ўхшаб кетаркан. Гапиришлари... содда ва самимиyлиги... Ажойиб аёл эканлар!

– Шу опангизни деб, бир замонлар ўзимизни ўққаям-чўққаям урганимиз-да! – Ёзувчи худди радиода Ҳошимжон Рўзиевнинг саргузаштларини ўқиётгандай қироат билан гап бошлиди.

Фахриддин гарчанд вақтдан сикилиб турган бўлсада, шундай улуг инсоннинг сухбатидан баҳраманд булаётганидан хурсанд эди:

– Э-э-э, ўшандан сўзланг-да, устоз! – Фахриддин болалардай беғубор, дилкаш ва қувноқ бу инсон билан бироз бўлса-да чақчақлашгиси келди.

– 1949 йили Қўқондаги педагогика билим юртини тутатгач, қишлоққа ўқитувчи қилиб юборишиди. – домла гапни узокдан бошлиди. – Юраги орзуларга, билаги кучга тўла, қадамидан ўт чақнайдиган келишган йигитмиз ўша пайтлар. Санобар опангиз ўнинчи синфда ўқиркан. Чиройда тенги йўқ суксурдай... иболи, хаёли... Бир кўришда ақли-хушимни олди-кўиди. Муҳаббат дардига мубтало бўлдим. Ишқнинг озори ҳам ширинлигини ўшанда англадим. Ҳаётимга янгидан мазмун киргандай бўлди. Анчагача ўз ёғимга ўзим қоврилиб юрдим... Уни кўрганда кўзим у томонга тойиб кетаверганиданми, у ҳам менга рўпара келиб қолганда, бирров кўз уриштириб, чиройли ишва қилиб кетадиган бўлди.

Унинг ҳам менга бефарқ эмаслигига амин бўлгач, юрак ютиб, хатларимга жавоб бермаса-да, менга нисбатан муносабати ўзгармагани ишқимни тан олгани эди... Бир-икки бор пинхона учрашдик... Тез орада ишқ савдомиз одамларнинг оғзига тушди. Мактаб директори мени чақириб, ганбех берди, “севишни тўхтатмасангиз, комсомолдан ўчираман” деб шарт қўйди. У замонларда комсомолдан ҳайдалиш фожия эди. Аммо муҳаббатимдан ҳам кеча олмасдим. Шу сабабли мактаб директорига ахир уни севаман, мактабни битирса, тўй қилиб уйланмоқчиман” дедим. Баджаҳл директор бақириб кетди: “ё қиздан воз кечасиз, ё ишдан кетасиз!”. Мен албатта сўнгисини танладим. Ишдан ҳайдалиб, бошқа туманга бадарга бўлдим... Орадан бир йил ўтар-ўтмас Санобар мактабни битирди... Тўйимиз бўлди... Опангизга шундай қилиб етишганмиз... Кўп гапириб юбордим-а! Энди сиз гапиринг!

– Санобар опамлар ҳам шунга арзийдиган аёл эканларда, устоз! – Фахриддин сўз навбати текканидан фойдаланиб, гап бошлиди. – Худойберди ака, безовта қилганим учун узр, камина Сош прокуратурадан Фахриддин Каримовичман...

Э-э-э шунаками? Ёш ёзувчиларимиздан бўлсангиз керак, деб ўйлаб тургандим. Фахриддинжон биздан нима хизмат.

– Бир масалада ёрдамингиз керак булиб қолди. Қодир деган йигитни танийсизми?

– Қодир... Қодир... Унақа йигитни ҳеч эслолмаяпман-а! Каерлик экан? Нима иш қиласди?

– Қаерлиги, касби-кори маълум эмас. Ўзини ногиронларни ҳимоя қилиш жамиятидан деб таништирган.

– Нима иш қилибди, айби оғирми? – қизиқсинди ёзувчи.

Амирликнинг олтин тахти изидан

– Қимматбаҳо маданий меросни мамлакатдан яширинча Германияга олиб чиқиб кетмоқчи бўлган.

– Унда бизга нима дахлдорлиги бор экан? – деди устоз жиддий оҳангда.

– Унинг қулида сизнинг қаламингизга мансуб “Сариқ девни миниб” номли китобни кўришган... Дастиҳат ёзиб берган экансиз.

– Дастиҳат берган эканманми? Демак, учрашганмиз. Лекин, Қодир деганлари ёдимга келмаяпти... айтгандай дастиҳатни қачон берган эканман?

– Бу ёғи номаълум. Қодирнинг шахси аниқланмаган. Шунинг учун сиздан ёрдам сураб келгандим.

– Бу асарим кўп бора нашр этилган, қизиққан одам дўкондан бемалол сотиб олиши мумкин... Учрашувларда, турли тадбирларда, баъзан кўча-кўйда таниб қолган муҳлислар дастиҳат сўрашади. Вақтимиз зик бўлса-да, ёзиб берамиз. Уларнинг дилини оғритгимиз келмайди. Отини сураб, чиройли тилакларни ёзиб бераверамиз...

– Тушунарли! – Фахриддин сухбатга хотима ясаб, ташриф қофозини узатди. - Устоз, мабодо бирор нарса ёдингизга тушиб қолса, қўнғироқ қиласиз.

Эшикда бир қулида дастурхон, бир қулида чойнак кўтарган Санобар ая кўринди... Фахриддин шошилиб турган бўлса-да, ичида бу очик қўнгил, дилкаш инсонлар билан яна бир муддат сухбатлашиб ўтириш имкони пайдо бўлганидан суюнди.

— Устоз, кечирасиз-у шу ишни ўзимизга олиб тўғри қилдикми? — дилини ёрди Санжарбек “корни қаппайиб” қолган жиноят ишини вараклар экан. — битта тилло курси деб... “транспорт”дагиларнинг ўзи ҳам эплайверишмасмиди...

— Гап бу ерда фақат битта олтин тахт ҳақида бораётгани йўқ-да! —эътиroz билдириди Фахриддин босиқлик билан. — Такрор айтишга мажбур қиласяпсиз. Гап ўзингиз менга ҳикоя қилиб берган Бухоро Амирлигининг бутун бошли хазинаси ҳақида кетмоқда. Тоҳир Фофурович бу ишни бизга бе-кор-га бер-ма-ган... Тушунарлими, жаноб терговчи!

— Хазина тўғрисида кўп маълумотга эга бўлганим учунми унинг шунча пайт беталофат сақланиб қолганига ишонгим келмаяпти... ахир орадан юз йилга яқин вақт ўтиб кетган... Шу давр ичидан уни излаб, кимлар девона бўлмаган... Ҳаловатини йўқотганлар сон-саноғи бўлмаса керак...

— Тўғри айтасиз, хазинани кимдир олдинроқ топган бўлиши мумкин. Аммо, шунча бойликни “ҳазм” қилиб юбориши бир авлоднинг кўлидан келадиган иш эмас. Хазина авлоддан-авлодга ўтиб, сақланиб келаётган бўлиши эҳтимолга яқинроқ. Шўролар даврида чегаралар тақа-тақ ёпик эди. У пайтда чегарадан бирор нарсани олиб ўтишнинг имкони бўлмаган. Мустақиллик халқقا эркинлик берди. Хорижга чиқиш, дунёни кўриш учун имкон эшиклари очилди. Кимдир шундан фойдаланиб, турли йўллар билан хазинани четга олиб чиқиши йўлга кўйган кўринади. Олтин тахт — йирик хазина. Жиноятчилар уни чет элга олиб чиқиб кетишининг уддасидан чиқа олишмади. Божхонадагилар сергаклик қилишди. Бироқ, уларнинг халқимизга тегишли қанча бойликни чегарадан эсон-омон ўтказиб кетганликлари бизга номаълум. Айни пайтда қанча хазина ўтказиш учун тахт

Амирликнинг олтин тахти изидан

қилиб қўйилгани ҳам аниқ эмас. Бизнинг вазифамиз эса фақат ўша жиноий тұдани қўлга тушириш эмас, балки бебаҳо миллий меросимизни асраб қолишдан иборат. Хўш, мухтарам терговчи тушунарлим?

– Тушунарли, устоз! – деди Санжарбек илжайиб.

– Энди бугун амалга оширган ишларимизни бир сархисоб қилиб олсак. Хўш, сизда нима гаплар?

– Шомақсаднинг кўрсатмаси бўйича Москвадаги “Космос” меҳмонхонасида 1-7 феврал кунлари Узбекистондан кимлар бўлганлиги, улар орасида “Қодир” исмли шахс бор-йўқлиги ҳақида россиялик ҳамкасларга сурвнома юбордик. Шунингдек, Германиядаги неврохирургия йўналишидаги шифохоналарда Шомақсад Шоумаров даволаниш учун навбатга қўйилган-қўйилмаганлиги, уни даволашни ким ташкил этаётганлиги хусусида ҳам алоҳида топшириқ юборилди... Узимиздаги ногиронларни қўллаб-куvvatловчи жамиятлар, bemорларни чет элда даволатиш билан шуғулланадиган компания ва фирмаларга ҳам тегишли хатлар юбордик. Аммо, булардан қанчалик наф бўлади... ақлим етмай турибди...

– Мен Худойберди Тўхтабоев билан учрашиб келдим. У киши “Қодир”ни шахсан танимас экан. Мухлис сифатида китобга дасхат қўйдирив олган шекилли.

– Устоз, мен шу фирибгарнинг исми “Қодир” эканига ҳам унчалик ишонмай турибман-да! – Санжарбек кўнглига келган гапни ўртага ташлади.

– Нима бирор асосингиз борми? Бекорга шундай хуносага келмагандирсиз!

– Аввало, ўзингиз айтгандай “интуиция” деган гаплар бор! Қолаверса, қайси аҳмоқ жиноятчи ортида из қолдиришни хоҳлайди? У бизни чалғитиш учун атайлаб ўзини “Қодир” деб таниширган...

– Унда китобдаги дастхат-чи? Амина “Қодир укамизга” деган ёзувни аниқ кўрган-ку! Билагидаги татуировка-чи!

Менимча, бу айёр китобни атайлаб, кўрсатиш учун олиб келган. Худойберди Тўхтабоевнинг дастхатини ким таниб ётибди. Ўзи ёзиб олган. Амина кўрсин учун атайлаб стол устида қолдирган. Бу билан у ўзининг “Қодир” эканлигини тасдиқлатиб олмоқчи бўлган. Эртага қидир-қидир бошлангандা ҳам терговчиларни нотўғри йўлга солиши юборишини кўнглига туккан. Билагидаги ёзувга келсак... “К.А” дегани “Қодир”ни англатмайди. “К” дан бошланувчи исмлар қанча... Карим, Комил, Камол... Козим...

– Умуман олганда фикрлашингиз ёмон эмас, – жилмайди устоз, – каминада анча тузук тассурот қолдираяпсиз... кейинги пайтларда...

– Ха, энди устозимиз зўр-да!

– Аммо хәёлимда тергов қилаётган ишимиз анча чигал кўринади. Уни очишга устозингизнинг ҳам ақли етмайдиган кўринади.

– Ундей деманг, Фахриддин Каримович, сиз устозимизни яхши билмас экансиз. У киши бир ишга киришсалар, охирига етмасдан тинчмайдиганлар хилидан. Қийналиши мумкин, лек таслим бўлмайди! Жиноятчилар ликиллаб шохида юрса, у киши баргини санайдилар. Жиноят очилмагунча ҳеч кимга тинчлик бермайдиганлар сирасига киради!

Кулишди. Сўнг яна жиноят иши тафсилотларини ақл чархидан бирма-бир ўтказишга киришдилар:

– “Аравача”дан олинган излар бўйича эксперталар бирор нарса топишибдими?

– Бугун экспертлар билан гаплашдим. “Аравача”дан ўнлаб излар олинган. Шомақсуд, Аминани чиқариб

ташлагандада ҳам беш-олти бармок изларнинг кимга тегишли экани номаълум, картотекамиздаги изларга тұғри келмади...

– Тұғри-да, - маъқуллади Фахриддин, - “аравача”ни машинада ташиб келтиришда, Шомоқсұдникига туширишда, кейин аэропортда күп одамнинг күли теккан бўлиши мумкин.

– Аммо, олтин курсининг үзида бирорта яроқли из топилмаган. Демак, уни филофга жойлашдан олдин изларни артиб ташлашган.

– Ҳа, жиноятчилар қўлга тушиб қолиши мумкинлигини олдиндан кўра билишган. Режалари қанчалик пухта бўлмасин, эҳтиёткорликни ҳам ёдларидан чиқармаган... Экспертиза якуний хуносаси қачон тайёр бўларкан?

– Эртага!

– “Қодир”нинг фотороботи тайёр бўлдими?

– Мутахассислар ишлайпти, бугун кечга қадар қилиб берамиз дейишган.

– Фотороботни кўпайтириб, барча ички ишлар бўлимларига, участка нозирларига, маҳаллаларга ва бошқа зарурый жойларга тарқатиш зарур. Шу билан бирга эртага аэропорт худудида ўрнатилган барча видео камералар архивини кўтаришимиз лозим. Олтиннинг эгаси ҳеч маҳал ундан узоқлашиб кетолмайди. Шомақсұд хотини билан божхонадан утаётганда “Қодир” уларни аэропортнинг бирор нуқтасидан кузатиб турган бўлиши керак. Уша кунги видео ёзувлар дикқат билан қараб чиқилса, бирор иш чиқиб қолиши ҳеч гапмас. Энг муҳими, уларни эр-хотиннинг үзларига кўрсатишимиз зарур. Улар таниб қолса, нур устига нур бўларди.

– Анови Шомақсұдни аэропортга олиб бориш... бироз муаммо бўлмасмикан?

– Нима қиламиз, керакка терак йиқилибди. Аммо, бошқа енгилроқ йўли ҳам бор. Муҳаммад тоққа бормасаб тоғни Муҳаммаднинг олдига олиб борамиз.

– Шундай қилганимиз маъқул. Бу “дев”ни кўтариб сарсон бўлганимиздан “тоғ”ни унинг ёнига элтганимиз осонроқ.

– Энди яна бир муҳим масалада ягона тўхтамга келиб олишимиз лозим, - Фахриддиннинг қиёфаси жиддийлашди. – “Кодир” ўз режасини амалга ошириш учун Шомақсудга қандай чиқкан? Улар олдиндан таниш бўлмаган. Демак, кимдир уни тавсия қилган. Жиноятчиларга Шомақсуднинг касаллиги, Германияга бориб даволанишга муҳтоҷлиги, аммо бунга маблағи йўқлиги ва ниҳоят унинг ҳаддан зиёд семизлиги олдиндан маълум бўлган. Шомақсуднинг ана шу сифатлари жиноятчиларнинг айнан уни танлашларига сабаб бўлган. Бемор одам бирор беғараз ёрдам бераман, чет элга олиб бориб даволатиб келаман, деса олди-ортига қарамай рози бўлади-да! Иккинчи тарафдан бу “савобли иш” ҳеч кимда ҳеч қанақа шубҳа уйғотмайди. Қайтанга бунақа хайрли ишни олқишлишади... Бошқа томондан қарагандা хорижга бориб даволаниш истагида юрган, аммо бунинг учун пул тополмай ноилож кун санаб ўтирганлар камми? Шу ерда Шомақсуднинг мисли кўрилмаган “тош” босиши жиноятчилар танловига сабаб бўлган. Маълумки, супер семизлар учун пойабзал, уст-бошлар дўконларда сотилмайди, улар бу буюмларни маҳсус устахоналарда буюртма асосида тикириди. Табиийки, Шомақсуд учун ногиронлар аравачаси топиб бўлмайди. Унга аравачани маҳсус ясатиш лозим... Жиноятчиларга айнан шу нарса керак бўлган... Тўғри-да, бир нотавон, ногирон одам ўтирган аравачани текшириб куриш кимнинг хаёлига келарди! “Кодир” ҳаммасини тўғри ўйлаб,

тўғри амалга оширган. Фақат... фақат... анави божхона нозири...

– Равшан!

– Равшаннинг ўша куни кимдандир эшитган “Лениннинг ҳайкали” ҳақидаги латифаси уларнинг режасини чиппакка чиқарган. Шу “операция”га қадар ҳам улар шунака йўуллар билан кўп нарсани чет элга чиқариб кетган бўлиши мумкин! Қиссадан яна бир ҳисса шуки, эртага Республика бўйича сўнгги бир-икки йил ичидан ҳомийлар ёрдамида хорижга даволанишга юбориш жараёнида алданиб ёки шунга ўхшаш ноқулай шароитларга тушиб қолганлиги ҳақида ички ишлар, прокуратура ва суд идораларига тушган аризаларни ва улар бўйича юритилған ишларни сўраб олиб, урганиб чиқишимиз лозим. Шунингдек, Шомақсудга ўхшаган жойидан туролмайдиган беморларга кўрсатилған “беминнат” ёрдамлар ҳақидаги маълумотларни барча давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларидан сўраб олишга тўғри келади. Бундан ташқари шу масалада аҳолига хизматлар кўрсатувчи фирмалар билан боғланиш талаб этилади...

Санжарбек устозининг “илҳоми” жўшиб турганда айтиётган гапларини қоғозга туширас экан унинг фикрини бўлмасликка харакат қиласди.

– ... энди яна “Қодир”нинг Шомақсудни қандай топганлиги масаласига қайтсак: танлов бемор даволаниб юрган шифохона орқали амалга оширилган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Агарда унинг кейинги пайтда кўча-кўйга кам чиқишини инобатга оладиган бўлсак, бу фикр янада ишончлироқ кўринади. Шу сабабли Шомақсуднинг даволовчи врачидан тортиб, ҳамширасигача батафсил сўраб чиқишимиз даркор. Ўзини ҳар хил ногиронларни ҳимоя қилувчи ташкилот вакиллари қилиб кўрсатиб, у билан қизиққанлар бўлганми, телефонини, уй манзилини олишга

ҳаракат қилганлар учраганми? Мабодо бундан ҳеч иш чиқмайдиган бўлса, у ҳолда маълумот берган шахсни беморнинг қариндошлари, таниш-билишлари, кўни-кўшнилари орасидан излашга тўғри келади. Маълумот маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчилари ёки у ерда ишловчи бошқа шахслардан чикқан бўлиши ҳам мумкин. Кейинги йилларда одамлар бирорлар тўғрисидаги маълумотларни маҳалладан олишга ҳаракат қилишаяпти... Санжарбек, чарчаб кетмадингизми? Қўлингиз толмадими?

– Йўқ, йўқ! Ҳаммаси жойида! Давом этаверинг, устоз!

– Кейинги йўналиш: “Қодир”нинг қўлбola аравачани қаерда ясатганини аниқлаш масаласида. Бир тарафдан, мутахассис бўлмаган одамнинг бундай аравачани ясашига ишониш қийин. Иккинчи тарафдан “олтин таҳт”ни бирорга кўрсатиб, “хитлантириш” ҳам ақлсизлик бўларди. Демак, жиноятчи бу ишга ўзининг ишончли одамини, айтайлик қариндошини жалб қилган ёки унинг ўзи муқаддам шундай касб билан шуғулланган. Нима бўлгандаям аравачанинг айрим деталлари, хусусан ғилдираги қўлда ясалмаган. Заводда тайёрлангани куриниб турибди. Мутахассислар билан гаплашиб, аравачанинг ғилдираклари ва бошқа айрим қисмлари қаерда, нима мақсадда ишлаб чиқарилганлигини аниқлашимиз ва ўша корхоналарга бориб, сўраб-суриштиришимиз лозим... Яна нима қолди? Ҳммм...

– С-с-с-у-у-в! – деди шогирд ёзувдан тўхтамай.

– Қ-қ-а-а-а-н-а-қ-а с-с-у-в!

– Тошкен суви, отасига асфальт текислайдиган машина, онасига конфет заводи, укасига маг-маг-магнитофон, холасига тор шим, аммасига кенг юбка... – деди Санжарбек машҳур фильмдаги совчи ролига кириб.

Беғубор кулги кўтарилди. Терговчилар кўнгилларидан фубор аригандай енгил тортишди...

“Қодир”нинг шахсини аниқлаш бўйича кенг кўламли тадбирлар бошлаб юборилди. Терговчилар ва уларга бириктирилган тезкор ходимлар бир неча кичик гурухларга бўлиниб, ишларни тақсимлаб олди. Санжарбек “Шомақсуд” йўналиши бўйича иш олиб бориш учун бир гурух мутахассислар билан унинг уйига келди. Экспертлар бир пасда эр-хотиннинг кўрсатамалари асосида “Қодир”нинг фотороботини яратишиди. Сўнг тезкор ходимлар аэропортда ўрнатилган видеокамералар архивини етказиб келишди. Уша кунги видеоёзувлар гоҳ катталаштирилиб, гоҳ кичиклаштирилиб, баъзан секинлатиб, баъзан тезлатиб эр хотинга намойиш қилинди. Аммо, улар кўрсатилган кадрлар орасидан жиноятчини ёки унга ухшаш нусхани тополмади. Бу ишдан натижа чиқмагач, Санжарбек “Қодир деганлариям анойилардан эмас, шунча ишни қилган одам, аэропортда видеокамера борлигини яхши билади, унга тушиб қолмаслик йўлини қилган” деган холосага келди ва кейинги тахминлар устида ишлашга киришди. Эртаси куни қўни-қўши nilар, яқин қариндошлар, маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчи ва бошқа фаоллар билан учрапиди. Участка нозири билан сухбатлашди. Улардан арзигулик маълумот ололмагач, Шомақсуд даволанган шифохоналарга борди. Беморнинг касаллик тарихи билан танишиб чиқди, даволовчи врачни, ҳамшираларни батафсил сўроқ қилди. Уларга “Қодир”нинг фотороботи кўрсатилди. Йўқ, ҳеч ким ҳеч нарса кўрмаган, ҳеч нарса эшифтмаган. Одамлар ҳам сўнгги пайтларда роса бефарқ бўлиб кетаяпти-да! “Кўрдим дедим - тутилдим, кўрмадим дедим – қутулдим” қабилида иш тутадиган бўлиб кетишган. Бунга маълум маънода милиция, прокуратура, суд идоралари ходимларнинг ўзлариям сабабчи. Бир иймонли киши

фуқаролик бурчини бажариб, кайси дир жиноят буйича гувоҳлик берсин-чи, олдин милиция беш-олти марта чакириб сарсон қиласи. Кейин прокуратура, суд... Мабодо иш суддан терговга қайтариладиган бўлса, урди Худо! Яна ҳаммаси бошқатдан бошланади. Чакир-чакирлар шу даражага бориб етадики, гувоҳ шу ишга аралашиб колганидан, гувоҳлик берганидан минг бир пушаймон бўлади. Ўзига ўзи “иккинчилай гувоҳлик берсам, одам эмасман!” дея касам ичиб юборганини билмай қолади. Иккинчи бор шунаقا вазиятга тушадиган бўлса, виждонига хилоф бўлсада, “кўрмадим”, “билмадим”, “йўқ”, “хабардор эмасман” дея тинчини кўзлаши турган гап. Конунчиликка гувоҳларнинг манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган жиддий ўзгартиришлар киритмай туриб, бу соҳада силжишга эришиб булмайди. Гувоҳларнинг ҳукукий ҳимоясини кучайтиrmай туриб, улардан ҳақиқатни талаб қилиш мушкул... Биздақа терговчилар эса гувоҳ излаб, ичи куйиб юраверади...

Санжарбек шуларни ўйлаб, ишхонасига етиб келганини ҳам сезмай қолди. Тўғри Фахриддин Каримовичнинг хонаси томонг ўрди. “Куруқ кўл” билан қайтганидан хижолат булиб, эшикни тақиллатди. Ичкаридан устознинг “марҳамат!” деган товушини эшишиб, остона ҳатлади.

– Келинг Санжарбек, ўтиринг! – деди бошлиқ коғоздан бош кутармай. – Ҳозиргина дамлагандим, чойдан қуийиб ичиб туринг. Бир дакиқа... тамомлаб олай.

– Бемалол, устоз, bemalol. – Санжарбек рўпарадаги столга ўтириб, чойни қайтарди.

Бошлиқ компьютерда ёзаётганини тугатиб бўлгач, афтини буриштирганча иссик чойдан хўплаётган шогирдига юзланди:

— Хуш, Санжарбек, бизни нималар билар суюнтирумокчилар?!

— Э-э-й-й-й бўлмади, ҳеч нарсани аниқлаб бўлмади. Куруқ қайтдим. Ҳамма гунг, кар, кўр!

— Майли, хафа бўлманг! — Фахриддиннинг димоги чоғ эди. — Терговнинг ”ҳеч нарса аниқланмаганлиги ҳамнатижা!” деган шоҳ қоидасини яна бир бор ёдга олиб қўямиз, тамом! Илло, бизда янгилик бор!

— Нима, Қодир топилдими?

— Йўқ, ҳозирча уни тополганимизча йўқ. Аммо унга борадиган йўлни топгандаймиз...

— Хуш, хуш! — бетоқат бўлди шогирд.

— Биласизми, ички ишлар вазирлиги тизимида шу соҳада мавжуд ҳужжатларни тахлил қилиш жараёнида жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги битта материал қўлимга тушиб қолди. Үрганиб курсам, худди бизникига үхшаш воқеа. Фақат бемор Сурхондарёлик. Чори ҳам Шомақсудга үхшаб инсультни бошдан кечириб, танасининг белидан пасти ишламай, жонсиз бўлиб қолган. Уникуга ҳам қандайдир ногиронларни ҳимоя қилиш жамиятидан Ботир исмли йигит келиб, Германияда даволатиб келишни бўйнига олган. Ҳужжатлар тахланган. Франкфурт-Тошкент йўналиши бўйича самолётга икки кишига чипта олинган. Ногиронлик аравачасини Ботирнинг ўзи топган. Утган йили ноябрь ойида Чори хотини билан Германияга учган. Франкфурт аэропортида уларни бир ўзбек йигит кутиб олган. Ўзини Шодиёр деб таништирган, Ботир билан бир компанияда ишлаймиз деган. Мехмонларни аэропортга яқин “Хилтон Гарден” деган отелга жойлаштирган. Бирга овқатланишган. Эр-хотинни хонасида қолдириб, “ногиронлик аравачасини пастда - “рессепшн”да қолдираман, эрталаб олиб чиқаман” дей хайрлашган. Аммо, эртаси куни келишилган пайтда

Шодиёр меҳмонхонага келмаган. Кейинги кун ҳам кутитп билан үтган. Чүнтагида ҳар эхтимолга қарши олиб келган пулларини ҳам еб битирган меҳмонлар нотаниш шаҳарда күчада қолган. Отел ҳам бир кунга банд килинган экан, маъмурият улардан хонани бүшатишни ёки пулини тұлашни талаб қылған... Бахтга қарши аравача ҳам йүқ. Усиз ногирон киши қаергаям бора оларди. Дардини бирорға айтай деса, тилига тушунмаса... Яхшиям Чори рус тилини унча-мунча биларкан. Меҳмонхонага бир рус йигит келиб қолиб, жонига оро кирибди. Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирибди. Тез орада элчихона ходимлари келиб, эр-хотинни олиб кетишибди. Элчихонада бир кун меҳмон қилиб, сўнг ногиронлик аравачаси топиб, Тошкентга кузатиб қўйибди ва бўлиб үтган ҳодисалар ҳакида ички ишлар вазирлигига хат юборибди. Шунга асосан вазирлик томонидан суриштирув ишлари бошланган. Терговчи “Ботир”ни ва унинг “жамияти”ни топишга ҳаракат қилган. Бу йигитнинг шунча пул сарфлаб, икки кишига самолёт чиптаси сотиб олиши, уларни кутиб олиб, меҳмонхонага жойлаши, аммо кутилмаганды ногирон кишини нотаниш юртда тақдир қулига топшириб, оғир вазиятда ташлаб кетиши сабабларини ўрганмоқчи бўлган. Лекин натижа бўлмаган. Биздаги каби Чори ҳам, хотини ҳам “хожатбарор” йигитнинг отидан бошқа ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган. Жиноятчилар эр-хотинга анчагина пул сарфлаган, аммо уларни нокулай ахволда қолдирган бўлсалар-да, бирор-бир манфаат кўрмаган, уларга моддий зиён етказмаган. Шуларни инобатга олиб, терговчи жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилған...

– Вой абраҳлар-эй! Қабоҳатни қаранг! – деди Санжарбек таъсирланиб. – Шунча йўлга умидвор қилиб, олиб борганингдан кейин ҳеч бўлмаса, даволатиб қайтар!

Аравачани қўлга киритгандан “ишим битди, эшагим сувдан ўтди”, дея номардларча қочиб қолмасдан. Булар одам эмас, тўнғиз! Бойлик ортириш йўлида шу ярим жон ногирон бечоралардан фойдаланишдан ҳам чўчимайди! Иймонсизлар!

– Сиз нима деб ўйлайсиз, “Қодир” билан “Ботир” бир одамми ёки жиноий ҳамкорларми?

– Менимча, бир одам... Шодиёр эса шериги...

– Мен ҳам шу фикрдаман. Аммо бошқача бўлиб чиқишиям мумкин... Гуруҳ бўлиб ҳаракатланган бўлишлари мумкин. Кимдир юрт кезиб, қулайроқ “мижоз” топади, кимдир уни чет элга даволаниш мақсадида боришга кўндиради. Бошкаси уларни кузатиб боради. Яна бири хорижда “мехмон”ларни кутиб олади. Вазифалар аниқ белгиланган. Йўқса, бундай қалтис ишни бир одамнинг эплаши қийин. Туда бу иш билан анчадан бери шуғулланиб келган кўринади. Ҳозирча бизга аниқ бўлгани иккита ҳолат... Хуллас ҳали қиласидан ишларимиз анчагина борга ўхшайди. Энди Санжарбек бир иш қилсақ, – Фахриддин гугурт чўпини синдириб, қулинни орқасига қилиб, чўпни яширди. – Ҳаммаси ҳаққоний бўлсин. Марҳамат, чўпни топсангиз, Сурхондарёга мен кетаман, топмасангиз – сиз!

Санжарбек бироз ўйланиб туриб, устозининг чап қулини тутди:

– Чап қўл юракка яқин, дейдилар!

– Вале, бу сафар адашдингиз! – Устоз чўпни ўнг кўлидан чиқарди. – Эҳ аттанг! Бойсун деган жойларни бир айланиб келмоқчи эдим, насиб қилмаган экан...

– Ия устоз, билишимча, Бойсун тоғли жой. Кўклам ёки ёз бўлганда борсангиз арзирди. Қиши чилласи... қаҳратонда...

– Қишининг ҳам зийнати бор, дейишади... Қисқаси, эрталаб Термизга учасиз. Ҳамкасларимиз кутиб олишади. “Қодир”нинг фотороботини олиш ёдингиздан чиқмасин.

Тўрт-беш кун кетсаям шошилмасдан ўрганиб чиқинг. Кўрасиз ҳали “Кодир” ўша томонларнинг одами бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Балки излар бизни хазина яширилган макон сари йўллаётгандир... Зарурият бўлса, биз ҳам ихтиёрингизга етиб борамиз! Энди ижозатингиз билан бугун амалга ошириладиган ишлар ҳақида гаплашиб олсак...

Хўп ажойиб замон бўлди-да! Бир пасда дунёning бу чеккасидан нариги чеккасига ўтиб кетишинг мумкин. Нари бери бир соат олдин Тошкентдан кўтарилилган “олтин қанот” Термиз аэропортига келиб кўнди. Айтилганидек, Санжарбекни вилоят прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Рамазон Ҳусанов кутиб олди. Ёшига номуносиб сал қорин қўйган юборган бўлса-да, анчагина чаққон ва зийрак бу йигитда прокурорларга хос салобат бор эди. Мезбоннинг шаҳарда енгилгина тамадди қилиб олиш таклифини рад этган Санжарбек олдин Бойсунга бориб, ишни битиришни, тушликни бироз кейинроққа қолдиришни маъкул кўрди. Терговчилар тушган “Нексия” Бойсун томон одимлар экан, ойнадан атрофни томоша қилиб кетаётган Санжарбек сўради:

– Бу ерларда ҳаво анчагина илиқ экан, намгарчилик ҳам йўқ. Қор ёғмаганингайм анча бўлгандир?

– Тирмизда қор кам бўлади. Қиши чилласида бир-икки ташаса ташайди, бўмаса йўқ. Айниқса бу йил курғоқчилик келди. Қаранг, ерлар қақраб ётибди...

– Аммо, ҳавосига гап йўқ!

– Ҳавонинг тозасини Бойсунда оласиз. Кислороднинг кўплигидан нафасингиз адашади. Бизнинг юртларда аввал ҳам бўлганмисиз?

- Йўқ, биринчи келишими.
- Унда бир олам таасурот билан қайтасиз! Шу дегандай... йўл бўлсин энди?
- Тушунмадим! – деди меҳмон анқайиб.
- Ҳа, биз томонларда меҳмоннинг ташрифи мақсадини билиш учун шу саволни беришади.
- Шунаками? Тушунарли...
- Агар сир бўлмаса-да! Бирга ишлайдиган бўлсак... билиб қўйганимиз яхши-да... шу дегандай...
- Албатта! Жуда ноёб воқеа! Эшитсангиз ёка ушлаб қоласиз, - гапни узоқдан бошлади Санжарбек. – Етти ухлаб одамнинг тушига кирмайдиган гаплар...
- Ростданми? – деди Рамазон баттар кизикиши ортиб.
- Санжарбек аввал “Қодир” воқеасини, сўнг “Ботир” воқеасини бутун тафсилотлари билан ҳикоя қилиб берди.
- Шу дегандай... “Қодир” билан “Ботир” бир одам эканда! – ўзича хулоса қилди Рамазон.
- Бизам шу фикрдамиз! Аммо, анигини Чори ва унинг хотини билан гаплашсак биламиз. Улар кўп нарсаларга аниклик киритиши мумкин.
- Чорининг бу инга аралашиб қолиши бежиз бўлмаса керак. Шу дегандай... жиноятнинг бир чеккаси Бойсунга келиб тақалади чамамда...
- Нега бунака деб ўйляяпсиз?
- Амир Олимхоннинг хазинаси ҳакида бир пайтлар мен ҳам раҳматли бобомдан анча-мунча нарсаларни эшитгандим.
- Хўш, хўш! Эшитайлик-чи! – сергакланди Санжарбек.
- Бобомнинг айтишларича, Амирнинг хазинаси ортилган карвон Бухородан чиқиб, Косон, Карши, Яккабоғ, Лангар орқали Бойсунга етиб келган. Амирнинг ишончли одамларидан бир гурӯҳи хазинани ҳеч кимга сездирмасдан тоғдаги бир ғорга яширган. Амирнинг фармонига кура хазина

яширилган жойни биладиган гувоҳлар йўқ килиниши лозим бўлган. Шунга кўра сардор қўл остидаги навкарларни ўлдириб, гувоҳларни йўқотган. Аммо, кейинчалик хазина яширилган жойнинг харитаси қўлига теккач, Сайд Олимхон ўша сардорни ҳам нариги дунёга равона қилган экан. Тақдирни қарангки, навкарлар орасидан бири оғир яралангандан бўлсада, тирик қолган. Анча пайт ўзини улганга солиб ётган. Сардор кетгач, судрала-судрала тоғ этагидаги қишлоқлардан бирига етиб олган навкар Оллоҳнинг инояти билан тирик қолган... шу дегандай...

– Кейин-чи, кейин нима бўлган? – деди Санжарбек бетоқат бўлиб.

– Узоқ йиллар бу ҳақда бирорвга лом-мим демаган. Кийинчиликда, қашшоқликда яшаса-да, хазинага куз олайтирган. Сир очилиб кетиб, кимдир унга эга чиқишидан кўрқсан. Қулай фурсатни пойлаган. Тинч, осойишта кунлар келишини кутган. Аммо, хазина бечора навкарга насиб этмаган, армон билан бу дунёдан утиб кетган. Ўлимидан олдин хазина ҳақидаги маълумот ва харитани болаларига ҳам қолдирмасдан яшириб кетган. Юртимиз мустақилликка эришиб омон-омон замонлар келгач, навкарнинг болалари харитани топиб, хазинани қўлган киритганмиш... шу дегандай. Билмадим, бу ривоятми ёки бўлган воқеами, ҳар калай жуда ишончли.

– Бобонгиз ҳозир ҳаётмилар?

– Оламдан ўтганига анча бўлди. Раҳматли жуда ўқимишли, донишманд одам эди-да!

– Бобонгиз ҳам Бойсунлик бўлганми?

– Ҳа, бобом Бойсунлик полвоиблардан. Отам ҳам шу ерда туғилган. Ўқишига кириб, Тирмизда яшаб қолишган... Э-э-э буни қаранг, гап-гап билан манзилгаям етиб келибмиз... Бу

Бойсуннинг маркази... Бир ён тоғ, бир ён чаман...
Жаннатмакон гўша!

Санжарбек ойнадан ташқарини кузатиб кетар экан олд томонида ястаниб ётган бепоён адирларга, булутларга туташ қорли қояларга нигоҳини қадади:

– Демак, Бухоро Амирининг хазинаси шу тоғларга яширилган экан-да!

– Ҳа, худди шу тоғ-да! Аммо унинг чегараси шунчалик поёнсизки, бир томони Қашқадарё, Сурхондарё, нари тарафдан Самарқанду Жиззах, бу тарафдан эса Тожикистонга туташиб кетган. Аниқ жойини билмасдан бу тошлар орасидан хазина ахтариш – бедапояда игна қидириш билан баробар. Дарвоҳе, қайси томонга ҳайдай, анави гувоҳнинг манзили қанақа эди?

Санжарбек сумкасидан ҳужжатларни чиқариб, Чорининг уй манзилини топди. Сўраб-сўраб айтилган манзилга етиб боришли. Дарвоза очик экан. Ичкарига киришди. Ҳовли бўйлаб юриб, пастқамгина уй ёнига борганда эшикни қоқди:

– Ҳовли тоға, ҳовли тоға!

Санжарбек ҳамкасининг бу гапига ҳайрон бўлмади. Утган йили Қашқадарё сафарида ерли аҳолининг уй эгасига шундай мурожаат килишини эшитганди. Ичкаридан 40-45 ёшлардаги аёл киши чиқиб, сўраб-сурингириб ўтирмасдан меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Хонага киришлари билан қандайдир кўланса ҳид димоғларига урилди. Тўрдаги кароватда кимдир ухлаб ётарди. Терговчилар хона ўртасидаги “чўлоқ” хонтахта атрофига ўтиришди. Аёл бир пасда дастурхон ёзди.

– Ҳўжайн дам оляяптиларми? – сўради Рамазон короватга ишора қилиб.

— Кайда дейсиз, мазаси қочди шўрликди! — оҳиста тан бошлади аёл эри ётган томонга бир қараб олиб. — Бугун уч кун бўлди, тилдан қолди. Ҳуши ўзида эмас, зўрга нафас оп жотинти... комага тушиб колди...

— Дўхтир-пўхтир чақирдингларми?

— Кеча дўхтироҳонадан опкелдик. Дўхтирлар “Биз қўлимиздан келганини қилдик, қоғони Худовоңдадан, тиловатингизни қип ўтираберинг” деб уйга жавоб берди... ҳайтовур!

— Нима қилган, қанақа касал экан? — Санжарбек гапта қўшилди.

— Миясиға қон қуйилган — инсульт дейишаяпти ҳайтовур... бундан икки йил олдин биринчи марта инсульт олганларида белидан паси ишлаймай қобиди. Энди бу ахволда... кўргилик экан-да! — аёл енги билан кўз ёшлирини артди.

— Майли, шифосини берсин! — Рамазон бироз ўнгайсизланди. — Сал bemavrid бўлсаям хизматчилик экан-да, янгажон! Мен вилоят прокуратурасидан Ҳусановман, меҳмон Республика Бош прокуратурасидан Санжар aka буладилар.

Уй эгаси “прокуратура” сўзини эшитиб, бироз сергак тортди, нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо “нима гап, тинчликми?” дегандай мўлтираб Рамазонга қаради.

— Гап эрингизни даволатишга Германияга олиб борганингиз масаласида...

— Барчиной Панжиевасиз-а? — деди Санжарбек сумкасидан бир даста қофоз чиқариб, хонтахта устига ёзар экан.

— Ҳа, шундай! — гап нимадалигини англаған аёл ўзини бироз босиб олгандай эди. — Германиядан қайтиб келганимиздан сўғин Ташкентда “Эмвд” деган жайда ҳаммасини ёзиб-чизиб бергандик-ку! Тоғин нимага...

Ҳаммасидан хабаримиз бор! Яна айрим нарсаларга ойдинлик киритиш керак бўлиб қолди, - деди Санжарбек қоғозлар орасидан “Кодир”нинг фотороботини олиб, аёлга узатар экан. – Мана бу одамни танийсизми?

Барчиной расмни қўлига олиб, дикқат билан разм солди:

– Йўқ танимадим, ким экан?...

– Яхшилаб қаранг! Сизларни Германияга юборган йигит шу эмасми?

– Ботир... демоқчимисиз? – мезбон яна расмга тикилди.

– Аммо, унчалик ўхшамай турибди-да! Каерлариридир... кўзлари десаммикан, қошлари десаммикан.... ишқилиб бир жайлари сал ўхшагандаям бўп кетаяпти. Бироқ, унинг бўйи сал новчароқмиди-ёв...

– Бўйига эътибор қилманг, - кўлди Рамазон. – Расмда одамнинг пакана ё дарозлиги билинмайди. Афти-ангoriga эътибор қаратинг!

– Тиникрок туширилгани йўқми? – деди Барчиной соддалик билан. – Бундан кишини таниб олиш...

– Бу расм эмас, фоторобот. Кўлда чизилган, шунака хиравоқ чиқади. Сиз шу дегандай... юз тузилиши, кўзи, оғзи, лаби, сочига қараб, таққослаб кўринг, ўхшаш жиҳатлари борми?

– Энди менгина ўлай, ўша Ботир деганни бор-йўғи икки-уч марта кўрдим, бундок баширасига тикилабам қарамапманда! Акангиз сов бўлганда анифини айтиб берарди...

– Демак, унчалик ўхшамаяпти, шундайми?

– Ўхшаш жайлариям бордай...

– Ботирнинг қўлида, билаги ёки бармоқларида бирор бир ёзув, белгига кўзингиз тушмадими?

– Йўқ, қўлига эътибор қилмаган эканман.

– Хўп, майли! Ўша Ботир сизларни қандай топиб келди?

Амирликнинг олтин тахти изидан

– Унда аравачани қандай олиб келган? – Терговчининг саволи сал зардалироқ чиқди.

– Мен қайдан билай, орқасидан пойлаб журиппанми! – Аёл ҳам гапига жиндек “аҷчиқ” кўшди. – Уйимизди олдига машина тўхтаганини кўрмадим-да! Арава ўлгурни бирда-ярим такси-паксида олиб келгандир...

– Хўш, давом этинг, кейин нима бўлди?

– Учишимиздан бир кун олдин, уйга “Ласетти”да келди. Такси шекилли. Шопирнинг гапиришидан тирмизликка ўхшатдим. Эр-хотин оркага ўтиридик, вузи олдинга ўтириди. Аравачани амаллаб багажга солишиди. Шу кетишда кечаси Тошкентга кириб бордик. Ҳа, айтгандай Самарқандда бир гидириб, у-бу жеб олдик. Ботир бизни аэропортга яқинрок жойдаги бир гастинасага жойлаштириб, “эрталаб келаман” деб кетди.

– Аравача меҳмонхонада қолдими?

– Йўқ, аравачада хўжайнди гастинасанинг ичигача киритиб, кейин судраб опкетди. “Хонада туриши мумкин эмас, пастга қўйиб кетаман, эрталаб ўзим опчиқаман” деди. Биз қолдик, у уйига кетди.

– “Уйимга кетдим” деганиди?

– Ундей демадию, гастинасада қомагандан кейин мен ўзимча шундай вўйладим-да! Уйига бормай гўрга борармиди!

– Кейин-чи?

– Эрталаб аравачани опкелди, бирга овқатландик. Гастинасанинг олдидан бир сарғиш таксига ўтиридик. Олдиндан чақириб қўйган шекилли-да. Ботир бизарни аэропортнинг эшигигача кузатиб борди. Вуёғига қўймас экан. Шўйирда хайрлашдик. Франфуртда силарди вакилимиз кутиб олади, касалхонага оппоради, ҳаммасини ўзи қиласди, силар маза қилиб дам олиб, отдай буп қайтаслар” деди. Катта самолётга ўтиридик. Борганча “эй Худо бегана журтларда

ўзинг шарманда қима, хужайнимга шифо бериб, ёсон омоний уйимга қайтар” деб калимамни қайтариб кетдим. Гури соатми, беш соатми деганда етиб бордик. Аэропортиям тоза каттайкан. Тилини тушунмасангам бир бало экан. Вўлар немисчами, инглизчами бир нерсалар деб гапиради. Бизар ўзбекча жавоб берамиз, хўжайн ҳар замонда русчалаб гапириб қўяди. Кашки тушинса. Ишқилиб имо-ишораман амалладик. Туртина-туртина тошқари чиқдик. Қаёқдан бўсаям Ботир айтган бола пайдо бўп қолди. Отини Шодиёр деди. Эгали бўп қоғонимиздан хурсан бўп кеттик. Боласи тушмагур отларимизди айтиб, тувушқондай қаршилади. “Бугунча “хотел”да дам оласизлар, эртага озонда сизларни Германиядаги энг зўр шифохонага олиб бораман” деди. Ичимда “хотели” не бўлдийкан” деб кетаяппан. Бир маҳал чиройли гастинсага бориб қолдик. Отиям бир аллатасин, эсимдан чикиб кетти. “Хотел” дегани немисчада гастинса деганийкан. Шодиёриям Ботирга үхшағон тоза “жўлик” болайкан. Бир жайга обориб, овқатлантириди. Овқатиям бир алламбало. Турки совук. Хўжайнинга фарқи йўқ. Олдига нима қўйсанг, нушқурт чиқармайди. Менинг бадимга ёқмади. Сўмкага нон соб борибидим, шўндан бир туйрам еб кўйдим. Кейин бизди “хотел”да қолдириб, вўзи кетди.

— Аравача хонада қолдими?

— Қаерда дийсиз, хонада қолдириш мумкин эмас эканку! Пасда қоровулхонами, анов эгаси ўтирадиган жайда қолдириб, эрталаб вўз чиқараман” деди. Мен шуйерда турайбирсин, кечаси ҳожат-пожаттга... дегандай керак бўлиб қолар” десам, “мумкин эмас, жарима қилишади, ҳозир айтаман, “торшок” чиқариб беришади, амаллаб тураслар... бир кеча минг кеча бўлармиди!” деди. Шуниман кетти... Тонг озондан туриб, хоё кийимларимизди кийиб, чоғланиб олдик... Обет бўлдиям Шодиёр қурғурдан дарак йўқ-да! Бизга дувол

суютиб кетган экан. Шу туришда қорасиниям курсатмади, жувонмарг. Кўзимиз тешилиб, икки кун кутдик. Буёқдан гастиносанинг эгалари “чик” деб қистаб турибди. Ҳалиям акангиз чўнтағига озроқ пул соб олган экан. Шуни туладик. Овқатлари bemаза бўлсаям заҳардан қиммат экан. Учинчи кунига чўнтағимизда бир мирам комади. Бу томондан хўжайин асабийлашиб, қон босими ортиб бораяпти. Балнисасига узимиз борай десак, отиниям, қаердалигиниям билмаймиз. Борганда бизди қабул қиласмиди! Ана шармандачилик, мана шармандачилик! Ноинсофлар вўзлари шунча пул сарфлаб, бизди begana журтга обориб, яrim жулда ташлаб кетгани нимасийди, деб эр хотин бу ёқда ёқа йиртамиз... Топган одами курсин, деб бақираман. “Мен барибир ўладиган одам, қаерда ўлишимнинг фарқи йўқ, сенга бало бормиди бу ерларда, болалар кимга қолади энди?! ” деб у менга ташланади... Дунёда яхши одамлар борлигигаям шукр. Бир Саша ака деган урис учраб қолди. Уям биз турган “хотел”да тураркан. Эрим бир амаллаб унга бошимизга тушган кўргиликни тушунтириди. Самолёт билетимизни қараб курди, билетам фақат боришга – бир томонлама экан, қайтиб кетишимизга чиптамизам йўқ экан... Бегана журтларда кучада қолиб, ўлиб кетамизми деб кўркқандим... Йул билганам яхшида! Саша Узбекистоннинг элчихонасига телефон қилиб, аҳволимизни тушунтириди. Дарров элчимизнинг узи келиб, бизни олиб кетди. Барака топгурлар бизди бир кун меҳмон килиб, самолётта чиқариб, Тошкентга қайтариб юборишиди... Бу ердаям вазирликдан одамлар кутиб олиб, уйимизгача олиб келиб кўйишиди. Эсон-омон болаларнинг ёнига етиб келдик... Оллоҳга шукр!

– Шодиёрнинг ёши нечаларда, куриниши қанака эди? Мўйлов кўйганмиди, юзида холми, чандикми – хос белгилари бормиди? – Санжарбек аниклик киритишга ўтди.

– Ёш бача, йигирма беш-йигирма олтиларда бор он Новчагина... оққувадан келган... мўйлови йўқ эди... юзиям текисгина...

– Сизларни қайси шифохонага жойлаштирмокчи эди?

– Бунисини бизга айтмаган. Билганда хўжайин ўша ёқса борамиз дерди-да! Ботир “Шодиёр кутиб олиб, ўзи жойлаштиради” деганди. Бизам туппа-тузук галстук тақсан одамлар-ку” деб лаққа тушиб ўтирибмиз. Одамнинг оласи ичидা, деганлари рост экан.

Санжарбек яна бир талай саволлар бераб, воқеага ойдинлик киритди ва тегишли хужжатларни расмийлаштирди.

– Чори аканинг комага тушиб қолганини қаранг-а! – деди терговчи қоғоз қаламини йиғиштира туриб. – Кўп нарсани айтиб бериши мумкин эди. Ҳа майли, дардини берган, шифосини ҳам беради. Соғайиб кетсин!

– Раҳмат, айтганингиз келсин, гиргитон!

– Ҳушига келса, - Санжарбек буқланган қоғозни уй эгасига узатди, - мана бу менинг телефон рақамим, хабар қиласиз.

– Шў кунларга етказсин!

Терговчилар аёл билан хушлашиб, кўчага чиқдилар. Кишининг совуқ, аммо мусаффо ҳавоси димокқа урилди...

Санжарбекнинг Бойсундан туриб қилган қўнғироғи Фахриддинни хафсаласини пир қилди. “Демак, Чори йўналиши бўйича тахмин ҳам боши берк кўчага тақалди. Аёлидан пичоқقا илинадиган гап олиб бўлмаса, ўзи комада ётган бўлса. Бахтга қарши иккинчи инсультни бошдан кечирган. Одам бўлиб кетишига умид қилмасаям бўлади...

Энди калаванинг учини қаердан излаймиз? Германияга алоҳида топшириқ берib, меҳмонхона ходимларини, ўзимизнинг элчихона вакилларининг гапини олсак, бундан бирор наф чиқармикан? Ишни юритган терговчи Чорини саёзроқ суроқ қилган. Балки жабрланувчи суроқ баённомасига тушмаган гапларини терговчига оғзаки айтгандир. Нима бўлгандаям терговчи билан гаплашиб кўришимиз керак... Ҳа, бу жиноятни ҳам очиш осон кечадиганга ўхшамайди. Жиноятнинг учи ҳали қаерларга бориб тақалади, бу ёғи номаълум. Одатда олтин аралашган жойда кўп қабиҳ, разил ишлар содир бўлади. Халқимизда олтин, зар эгасига вафо қилмайди, деган гаплар бекорга айтилмаган. Амирлик тиллоси ўша машъум 1920 йилда хазинадан чиққанидан то шу кунгача қанчадан-қанча одамнинг бошига етган. Калапуш ва унинг ўнлаб навкарлари, Даврон ва унинг қанча дарвешлари... хазинага кузи тушган кимсалар бари ер тишлаб кетган. Кейин бойлик горга яширилган. Ўзи билан кулфат, бахтсизликни ҳам ер қаърига олиб кирган ва узок йиллар давомида ўша жойда “тинч” ётган. Вақт ўтиб, кимдир уни гордан олиб чиқкан. Бахтсизлик ҳам “Эркинлик”ка чиқкан ва яна касофат уруғини қадашни бошлигани. Нечовларнинг хаётига зомин бўлгани аниқ эмас. Охиргиси “Қодир”. Унга ҳам касри тегиб бўлди. Олтиннинг навбатдаги жинниси ҳам аллақачон ҳавфли жиноятчига айланишга улгурди... Тоҳир Фофурович деворнинг ортидагисини кўра оладиган тажрибали раҳбар, буни олдиндан сезган. Оддийгинадек туюлган жиноятнинг орқасида мудҳиши воқеалар турганлигини ҳис қилган. Биз жиноят иши билан танишиб, унинг тафсилотлари билан учтўрт кун шұтулланиб фаҳмлаган нарсаларни у киши ўша куни жиноят ишини кўлига олган куниёқ англаб етган... Бизни түсатдан йўқлаб қолишининг сабаби ҳам шунда...”.

Эшик тақиллаб, хонага гурух аъзоларидан бири – жиноят қидирув бўлими бошлиғи Ўткиржон ҳаллослаб кириб кириб келди.

– Мумкинми, ўртоқ бошлиқ!
– Келинг Ўткирбек, ўтириңг! Нима янгиликлар?
– Шаҳар бўйича ўндан ортиқ ногиронларни ҳимоя қилиш жамиятлари бор экан. Ҳаммасига бирма-бир кириб чиқдим. Фотороботни кўрсатдим, ҳеч ким танимади. Уларда “Қодир” ёки “Ботир” деган шахслар ишламас экан. Яна саккизта хусусий фирма ҳам шу иш билан шуғулланар экан. Шулардан иккитаси беморларни Германияга олиб бориб даволатиш билан шуғулланиб келган. Аммо, улар ҳам расмдаги шахсни танишмади. Хуллас, бундан бир иш чиқадиганга ўхшамайди...

– Яна нима гаплар?
– Яна... аравачанинг қисмлари бўйича мутахассислар хулосаси олинди. Иккита катта ва икки кичик фидираклар Украина ning “Артемсварка” заводида ишлаб чиқарилган янги аравачадан ечиб олинган экан. Қолган қисмлари барчаси қўлбола усулда цехда ясалган. Йигитларимиз бу иш бажарилиши мумкин бўлган катта цехларнинг ҳаммасини айланиб чиқишиди. Лекин, натижа йўқ. Ҳозир бунақа ишларни бажара оладиган цехчалар ҳар бир гаражда, ҳовлида бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммасини текшириб чиқишининг сира имкони йўқ...

– Фидираклар бўйича нима қилмокчисизлар?
– Нима қилишгаям ҳайронман, - ғудурланди Ўткир. – Қанақа кўрсатмалар бўлса...

– Эътиборингиз учун Республикамизда ногиронлар аравачаси ишлаб чиқарадиган корхона мавжуд эмас. Улар бизга икки йўл билан – хайрия ташкилотлари ва савдо фирмалари орқали кириб келади. Бунақа ташкилотлар унча

кўп бўлмаса керак. Улар орасида Украинадан аравачаларни олиб келувчилари бармоқ билан санарли булади. Шу фирмаларга чиқилса, анча-мунча нарсага ойдинлик киритилиши мумкин.

– Тушунарли! – изқувар ўрнидан қўзгалди. – Бугундан шу йўналишда иш бошлаймиз.

– Xa, дарвоқе хайрия йўли билан тарқатилган аравачаларни ҳам изидан қувиб кўришга туғри келади. Туман прокуратурасида ишлаб юрган кезларимда хайрия ташкилотлари уларни текин тарқатиш ўрнига қалбаки хужжатлар асосида пуллагани ҳолатларини аниқлаганмиз...

– Яхши, текшириб қўрамиз!

Ўтқир чиқиши билан хонага бошқа бир тезкор вакил – “Космос” меҳмонхонаси йўналиши бўйича ишлаётган Жасурбек деган йигит кириб келди. Салом-аликдан сунг терговчи мақсадга кўчди:

– Хуш, сизда нима гаплар?

– “МУР”даги ҳамкасларимиз кўмагида “Космос” меҳмонхонаси менежери билан гаплашдим. Бизни қизиктирган санада отелда Ўзбекистондан 15 киши жойлашган. Аммо, улар орасида “Қодир” ёки “Ботир” дегани йўқ. Меҳмонларнинг тулиқ рўйхати ва манзилларини бугун факсда юборадиган булишди...

– Рўйхатни олга, ўн беш кишининг барчасини навбатма-навбат прокуратурага таклиф қиласиз. Ўзим улар билан гаплашиб чиқаман. Ажабмас, бирортаси “Қодир”ни таниб қолса.

– Германиядаги шифохоналардан жавоб олинмадими?

– “Интерпол”даги дўстларимиз орқали масалани сал тезлатдик. Аммо шифохоналарда Шомақсуднинг ҳам, Чорининг ҳам даволаниш учун навбатга кўйилмаганлиги маълум бўлди. Уларнинг номи хеч қаердан чиқмади.

“Кодир”нинг уларни даволатиш нияти умуман бўлмаган. Улардан божхона назоратидан ўтишда курол сифатида фойдаланмоқчи бўлган... Энди бунга заррачаям шубҳа қилмаса бўлади...

– Тушунарли! Расмий жавобни қачон оламиз?

– Уч-түрт кунда етказишади... Яна бир боғланиб қўраман...

– Майли, - терговчи гапга якун ясади, - у йўналишдаги ишлар ниҳоясига етди, десак ҳам бўлади. Энди сизга бошқа топшириқ бор.

– Эшитаман! Нима қилиш керак...

– Тарихчилар билан гаплашасизми, кутубхонага кириб манбаларни ахтарасизми ёки интернетни ковлаштирасизми ишқилиб... Бухоронинг сўнгти Амири Сайд Олимхоннинг авлодлари ҳақидаги маълумотларни тўплайсиз. Фарзандлари, невараю чеваралари қачон туғилган, қачон вафот этган, қаерда яшаган, ҳозир ўша сулоладан кимлар ҳаёт ва улар нима билан шуғулланишади ҳаммасини аниклайсиз. Тегишли хизматлар билан боғланиб, улардан қайсилари нима мақсадда Ўзбекистонга ташриф буюрганлиги, қанча муддат бўлганлиги, қачон қайтиб кетганлиги, қаерда яшаганлиги, кимлар билан учрашганлигини аниклаш керак бўлади... Мақсадни тушунгандирсиз? Яна қанча ёрдамчи, мутахассис лозим бўлса, берамиз.

– Тушундим! Ишга ҳозирдан киришаман! – Тезкор вакил ўрнидан қўзғалди.

– Ундей бўлса, сизга омад! Масала бўлса, торгинмасдан чиқаверинг! – Фахриддин меҳмонни коридоргача кузатиб чиқди.

Анчагина муҳим маълумот бериши мумкин бўлган гувохнинг ўлим тӯшагида ётганидан тарвузи кўлтиғидан тушган Санжарбек шунча йўл босиб келиб, Тошкентга куруқ қўлда сўппайиб қайтгиси келмади. Шу куни меҳмонхонада қолиб, эртаси куни сураб-суриштиришни давом эттирмокчи бўлди. Аммо, Рамазон “Бойсунда тоғаларим туради, қачондан бери уларни кўришга келмоқчи бўламан, қўл тегмайди, бугун уларнида межмон бўлайлик, баҳонада уларни хурсанд қилган бўлардик” дея туриб олди. “Бу юртларда межмон келса, олдига қўни-қўшни, ёр-биродар чақирилади... Балки ҳангома орасида Амирликнинг хазинаси ҳакида гап очиб, айрим маълумотларни билиб олишимга имкон бўлар” деган ўйда Санжарбек таклифга рози бўлди. Шаҳар марказидан чиқиб, тоғ томонга бироз йўл босишгач, янги ҳовлилар бошлиланди.

– Тоғамлар шу маҳаллада туради, – деди Рамазон замонавий типда чиройли қурилган уйларга ишора қилиб. – Бир умр “Дарбанд” деган тоғдаги ҳўжаликка раислик қилган. Ҳозир нафақада... Олти ўғли бор. Бари тадбиркор, топарман-тутарман, полвон жигитлар... Анави хазина масаласиниям сўрасангиз бўлади. Бойсуннинг кейинги 40-50 йиллик тарихини бу кишидан яхши биладиган одам бўлмаса керак...

– Яхши бўларди, – Санжарбек ҳамкасбига “ичимдагини топдингиз-да” дегандай маъноли қараб кўйди. – Бу кишилардан кўп нарсани ўрганса бўлади. Қари билганини, пари билмайди дейишади-ку!

– Тоғам оёқда юрувчи энциклопедиянинг ўзи-да! Билмаган, қизиқмаган нарсаси йўқ. Саксонга қараб кетаяпти, кўлидан китоб тушмайди, шу дегандай... очкиям тақмайди.

Машина бир нақшинкор дарвоза ёнида тұхтади. Күтиб турған шекилли ҳовлидан бир бұз йигит отилиб чиқиб, дарвозаны очди. Рамазон машинаны тұғри ичкарига ҳайдади ва айвон остида тизилиб турған иккى машина ортига қадаб тұхтади. Ҳовли анчагина кенгиш экан. Кираверишіда тандирхона, үчөк, үңг томонда ёрдамчи бинолар, тұрда пишик ғиштдан қад күтарған қатор уйлар, үртада чиройли, шинам бое. Уч-тұрт киши дараҳтга осилған ширвознинг терисини арчиш билан оввора. Үчөк бошида беш-олти өфли хотин-халаж уймалашиб олган.

- Бирор маърака булаяптыми, дейман-да! – секингина сүради Санжарбек машинадан тушар экан атрофға аланглаб.
- Йүр-е, боя “ұтамиз” деб құнғироқ қилиб қўйгандим!
- Биз учун шунча ташвишми?
- Ташвиши бормикин, меҳмоннинг ҳурмати-да! Йи бахонасида бир келибсиз - келибсиз-да! Йуқса, тuya сўйиб чакирса, келармидингиз!

Шу пайт қассобнинг ёнида турған узун бўйли, оппок, соқоли үзига ярашиб турған бобо илдам юриб, меҳмонларга пешвоз чиқди:

- Ѕ-э-э прокурор бово, келинг, келинг!
- Ассалому алайкум, тоғажон яхшимисиз? – Рамазон чол билан құчоқлашиб куришди.
- Шунақа одамни хурсанд қилиб турингда! Хуш келибсизлар! –деди оксоқол жиянининг елкасига қоқиб.

Сурашиш навбати Санжарбекка келганда у күл бериб қўришмоқчиди, мўйсафид худди эски қадрдонлардай уни ҳам бағрига босиб, самимий саломлашди.

- Тоғабаччалар билан ҳам шу тахлит илиқ қўришишди.
- Қани, ичкарига марҳамат! Оббо жиян-эй... отанг, энант яхшими? Уларниям ола келмабсан-да!

Амирликнинг олтин тахти изидан

— Хаммалари яхши, салом деб юбориши! Биз иш билан...

— Ишнинг бори яхши жиян, бори яхши! Сизларнинг айни ишлаб чарчамайдиган пайтларинг, садағай!

Үчоқбоши ёнидан үтаётганларида хушбүй патир хиди димокқа урилди. Уйга кириши. Каттагина меҳмонхонада ўн-ун беш ҷоғли одамга мос дастурхон безатилиб қўйилганини кўриб, Санжарбек баттар хижолат бўлди. Хонага кираверишда печкага яқин жойда бир кайвони мулгиб ўтиради. Меҳмонларни кўриб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.

— Кенжা полвон, кимиrlаманг! — уй эгаси қарияни турмасликка ундади.

Меҳмон эгилиб, мўйсафид билан кўришар экан хаёлидан “кишлок одамларида меҳр-оқибат бошқача-да, бор йўғи икки меҳмон учун шунча тараффуд, шунча ташвиш, биз шаҳарликлар эса ярим кило гўшт билан ўн одамни кузатамиз” деган фикр ўтди. Чоллар кўярда қўймай Санжарбекни хонтахтанинг тўрига ўтқазди.

— Халқимизда меҳмон отангдан азиз, деган нақл бор, садағай!

— Тоға, бирорлар бу мақолни “меҳмон отангдай азиз” деб ишлатишшапти, қайси бири тўғри. — Рамазон “тоға”ни яхши билгани учун оловга керосин сепди.

— Мақоллар халқимизнинг узоқ йиллар давомида тўплаган дурдона хазинаси. Уларга ўзгартириш киритишга, бузиб ишлатишга, садағай, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Айрим “акдлилар” отадан улуғ, азиз зот бормикан, шунинг учун меҳмон отангдек азиз ёки устоз отангдек улуғ дейиш тўғри бўларди, дея иддао қилмоқдалар. Отадан улуғ, азиз инсоннинг йўқлиги ҳакиқат. Халқимиз бу маколда чиройли ва ўринли муболаға ишлатиш орқали аслида отани улуғлайди. Нақлларни ҳар ким ўзича, ўзига мослаб ишлатиши урф

булаётган ҳозирги замонда, садағай, буни ёшларимизга тұғри тушунтира билишимиз лозим.

– Бизам ёшлигимизда бу мақолларни меҳмон отанғдан азиз, устоз отанғдан улуғ тарзида құллаб келғанмиз. – Санжарбек “төға” билан фикри бир жойдан чиқаётганидан хурсанд, гапга қүшилди. – Үтган йили бир даврада шу мақолни айтсам, бир институтда ишлайдиган домла, “отадан улуғ зот йүк, ука, “отанғдек улуғ” десандың тұғри бұлади, дея танбек берди. Изза бұлиб колдим...

– Бунақа “чаламулла”лар күпайиб кетган, садағай... Илмисизлик ёмон иллат... Бунга бирламчи сабаб кейинги йилларда китобхонлик савиямизнинг тушиб кеттегендегі бұлды... Гапираман десанды, гап күп... садағай...

– Тоғамнинг каттагина күтубхонаси бор, - деди “жиян” ёнбоштады хонага ишора қилиб. – бутун маҳалла ундан фойдаланади. Бизларгаям бирор китоб керак булыб қолса, тоғамдан сұраймиз.

– Кечки пайт бир айланарканмизда унда!

– Албатта құринглар, садағай! Үзи бировга китоб бермайману, аммо сизге бир дона китоб тухфа қиласан!

– Раҳмат, жуда улуғ иш буларди! – отахоннинг самимиyllиги Санжарбекқа үзини эркинроқ тутишга имкон берди.

– Санжар ака, биласизми, менинг юрист булишимгаям тоғам сабабчи бұлған. Үзим селхозга ҳужжат топширмоқчыйдим. Адолатли прокурор бұлиб, одамларни ҳимоя қиласан, деб туриб олди. Адолатсизлик роса жонидан үтиб кетган экан... тоғам бечоранинг!

– Э-й-й-й, қўйинг жиян, үша кунларни эслатманг, садағай! – деди “төға” иссиққина патирни ғижирлатиб синдирап экан.

— Нима, бирор күнгилсизлик бўлганми? — сўради Санжарбек кизикиши ортиб.

— Нимасини айтасиз, садағай! - оғринибгина сўз бошлади оқсоқол. — Бизам ўша Гдлян, Иванов деган кazzобларнинг исканжасига тушганмиз-да! Қани жиян, Санжарбек дастурхонга қараб ўтиринглар, патирдан олинглар, бир пасда “жиз”ам тайёр бўп колади...

— Раҳмат, мазали экан, ўзингиз ҳам олинг!

— Мен унда катта чорвачилик хўжалигига раҳбар эдим, - давом этди “тоға” чойдан хўплаб. — Улар пахтадаги қўшиб ёзишларни текшириб туриб, менга ташланиб қолса бўладими, садағай... Айбимиз пахта пайти бизам қўшни туманга ҳашарга борганимиз. Ҳар куни чакириб, атайлаб кечгача олиб ўтиради. Нукул “силар пахта термагансизлар, пулларинг терган, туман раҳбарига қанча бергансан, шуни тан олсанг сени қўйиб юбораман” дейди. “Ҳой одам, нега туман раҳбарига пул берар эканман, биз ҳашарчи бўлсақ, пахта терганмиз, декабргача жўякма-жўяк кезганмиз, ҳатто қорни арқон билан тушириб, бир чаноқ излаганмиз, кўсак чибиганмиз!” десам, “не ври! Все вы взятичники!” деб бақиради, садагай! “Қандай қилиб, бир инсонга тұхмат қиласман” десам, “остальные уже признались, ты что, до конца своей жизни хочешь провести в тюрьме!” деб кўрkitади. Бир марта қамаб қўйди. “Ты самый умный что-ли?!» деб роса калтаклаган кунлариям бўлди. Ўлардай таёқ есам ҳам бир бошга бир ўлим, дея шақшайиб туравердим. Бизга ўхшаганлардан бир-иккитаси жони курғур ширинлик қилиб, айтганини ёзib бериб, кутулди. Қараса, менга гап ҳам, таёқ ҳам таъсир қилмайди. “Раз ты не признаёшь, значит ты соучастник, активный член приступной банды, и теперь получишь на всю катушку!» деб, ўн икки йилга кесиб юборишид... садағай! Айбинг бўсаку-я, қилмишимга яраша

жазомни олдим-да, деб ўзингга таскин берасан. Заррача айбинг бўлмасдан, тухматдан отни калласидай муддат олиб кетсанг алам қиласкан. Одам ўзини-узи еб қўяркан! Адолатсизликдан ёмон хўрлик, ҳақорат... азоб бўлмаса керак! Яхшиям ўз вақтида мустақиллик шамоллари эсиб, бизлар окланиб қолдик, оиласиз бағрига қайтдик... Ушанда Рамазон жияним мактабни битириб, ўқишга отланиб юрган экан. Адолатли, инсофли, халқпарвар прокурор битта бўсаям кўпайсин, бизга ўхшаганларни тухмат балосидан кутқариб қолсин, деган мақсадда жиянга хукуқшуносликка ўқишга киришини маслаҳат берганман... Шундай айтмоқчи-да, садағай!

— Ўзларингам латта бўлгансанлар-да, айланай! — анчадан бери “қилт” этмай мардош куриб ўтирган Кенжа полвон гажирланиб гап бошлиди. — Арманими, чурчитми, миллатининг тайини йўқ икки bemaza бутун бошли бир давлатга келиб, ярим халқини жиноятчига чиқарса, эрларини қамаса, хотин-халажларини ҳақоратласа, урф-одатларини таҳқирласа, қадриятларини ерга урса! Ҳамманг қўйдай қараб туравергансанлар! Қани ўша олифталар Арман ёки Озор ёхуд Чеченистонга бориб шу қилигини қилиб кўрсин-чи! Эртаси куни, айланай, ўлиги аҳлатхонадан топилади! Бизнинг одамлар қўй! Ҳа, ҳа қўйдан фарқи йўқ! Кейинги мустабид тузумда қўйга, манқуртга айланиб қолдик. Ахир биз кимларнинг авлоди? Алломишлар, Гўруғиллар, Мангубердилар, Паҳлавон Маҳмудлар... Қани ўша шижоат, қани ўша ғайрат, қа: ўша марду майдонлар! Ҳаммаси мозийда қолиб кетдими, айланай? Айрим раҳбарлар номусига чидай олмай, ўзларини ўлдиришгача борди! Ўзинг ўлиб кетаркансан, тўппончангни олдин ўша Гдляннинг миясига қадамайсанми, олдин ўша Иванов деган маразнинг жонини олмайсанми? Кейин тўппончани ўзингга қарат! Шаҳид бўлардинг! Бугун сенга ҳайкал қўярдик, халқ қаҳрамонига

айланардинг, номинг тарихда қоларди...айланай! Энди уруш туғагандан кейин қаҳрамон кўпайганини қаранглар!

Ўтирганлар бу чапани чолнинг гапини маъқуллаб, бош силтаб ўтиришарди. Фақат “тоға” у билан тенгқур шекилли гапни ҳазилга бурди:

– Шунчалик мард экансан, мен қамалганда нега ўзинг шу ишни қилиб, мени кузғун чангалидан куткармадинг! Гапириш осон, Кенжা полвон! Одам ўша пайтда ўзингни эмас, кўпроқ бала-чақангни, ахли байтингни ўйлаб қоларкансан. Уларга бирор зиён-заҳмат келмасин, деган ғамда жонинг ҳалак бўларкан.

– Гапирдим қўйдим-да, айланай! – Полвон афтини буриштириди. – Ўша газандаларни эсласам ғазабим қўзғаб кетади.

– Шу баҳона биз хукуқшуносликка ўқишга кирдик-да! – Рамазон чолларнинг баҳсига якун ясаш максадида атайлаб гапни бошқа ёққа бурди.

– Ниятингиз холис экан, мана жиянингиз ишончингизни оқладиган прокурор даражасига етди. – Санжарбек ҳамкасбини якиндан билмаса-да, билгандай гапирди.

– Оллоҳга шукр, садағай! Сизлар прокурор – давлатнинг энг ишончли одами. Сизга иши тушган, нажот истаб келган ҳеч бир кимсани норизо қилманглар. Қўлларингдан келса, беғараз ёрдамларингни аяманглар. Ёрдам қўлларингдан келмаса, кувиб солмасдан бир пиёла чой куйиб бериб, дардини охиригача эшитинглар, йиглаб-йиглаб юрагини бўшатиб олишига имкон беринглар, маслаҳат бериб, туғри йўлга йўлланглар! Иши битмасада, олдиларингдан кўнгли юмшаб, енгил тортиб кетсин. Ҳайдаб солсангиз, дардига қулоқ тутмасангиз, кўполлик қилсангиз, у сиздан эмас, давлатдан хафа бўлади, прокуратурага ишончи сўнади, жамиятдан норози бўлади... Э-э-э қарилик курсин, садағай...

одам кўп гапирадиган бўлиб қоларкан. Қани, овқатга қаранглар!

Сал ўтмай давра ёшу қари, яқину йироқлар билан тўлди. Кудалар, қўшнилар, тоға-жиян, амаки-тамакилар кўшилиб кетди. Қизғин сұхбат бошланди. Санжарбек стулда ўтиравериб, мардош куриб ўтиришга бироз қийналсада, етмиш-саксонни қоралаган чолларнинг синини бузмасдан тик ўтирганини кўриб, чидашга ҳаракат қиласади. Бошқа жойда бўлганда аллақачон ёнбошлаб, ёғини чузиб юборган бўларди. Ҳангоманинг қизиши унга далда булаётганди. Гап шоир айтгандай “гоҳ калла, гоҳ туёққа” бориб кадаларди. Ниҳоят сұхбат мавзуси корис сериалларига бурилди. Тўрда Санжарбекнинг ёнида ўтирган саксонлардан ошган, бўйдор серсокол “ҳожи бобо” ташаббусни қўлга олди:

— Карисларнинг тарихий сериалларини ҳамма севиб томоша қиласяпти. “Сарой жавоҳири” “Сарой табиби”, “Жумонг” дейсизми, ҳатто ёш бачалар ҳам телевизорнинг олдидан кетмай қолди. Режиссёрларининг отасига раҳмат! Карис халқи тарихини, маданиятини жуда чиройли тасвиirlаяпти. Урф-одатлари, кийимлари... тарихий обидалар... ҳақиқатда ўша замонларга тушиб қолгандай буласан. Бор тарихми, йўқ тарихми ишқилиб бу карислар бало экан, мозийини ўшунчалик кўкка кутараляпти, дунёга кўз-кўз қиласяпти. Бизнинг кино ижодкорларчи? Келин, қайнона, мебель... турмуш-икир чикирлари, ишқ-муҳаббат дегандай... уч-тўрт ақидапарастнинг қилмишлари.... Мақтанса арзигулик тарихимиз, жаҳон тамадунига бекиёс хисса кўшган тарихий сиймоларимиз бўлатуриб, нуқул сийқаси чиққан мавзуларга кўл уришларига ҳеч тоқат қилолмайман-да! Амир Темур бобомиз ҳақида бирорта арзигулик кино қачон олинади? Бобур, Мирзо Улугбек каби ўнлаб дунё тан олган буюкларимиз тўғрисида сериаллар яратинига кучимиз

етмайдими? Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Термизий, Бухорий, Яссавий, Нақшбандий каби дунё илм-фани бешигини тебратган улуғларимиз сиймосини қачон жонлантирамиз? Бу кетишда ёшларимизга тарихимизни қандай ургатамиз?

— Ҳожи бобо, ҳақ гапни айтдингиз! — гавдасига номуносиб ингичка овозли куса сифат чол чидаб туролмади. — Кино чиқаришда Ҳиндистонам чангимизда қолиб кетди-ёв! Аммо мазмун-мохияти айтганингиздай бир хил. Нима, буларга бошқа нарсалар қуриб кетганми?

— Садағай, бунга киночиларимизнинг билим савияси пастлиги сабаб, — “тога” салмоқли овозда гап қўши. — Ҳали нонни “нана”деб юрган бачалар режиссёр бўп кетаяпти. Умрида бир китобни охиригача ўқиб тутатмаган, ҳаётни кўрмаган чаласаводнинг ўзи киму киноси нима бўларди?

— Лекин ўша бетайин, енгил-елли киноларниям ёшларимиз бош кутармай кўраяни-ку! — деди ёши олтмишлардан ошган бакалоқ “куда” пойгакда утирган йигитлар томонга ишора қилиб. — Ҳозир буларга тарихий фильмларни кўрсатсанг, афти буришади!

Санжарбек мавзу йўналишини анчадан бери ўйлаб утирган томонга буриб юборишга фурсат етганлигини англаб, гап бошлиди:

— Яхши кинолар ҳам бор, аммо бармоқ билан санарли. Олди-қочди фильмлар кўзиқориндай қўпайиб кетаяпти. Хўн, ўша режиссёrlар жиддий тарихий мавзуларга қўл уролмас экан, тарихимизнинг айrim жиҳатларини суратга олиб, ёшу қарига бирдай ёқадиган бир-икки серияли кино олса бўлади-ку! Масалан, Амир Темурнинг ёшлиги, Темурийларнинг йўқолган кутубхонаси, Мирзо Улуғбек фожиаси, Жаҳонгир Мирзо ҳаёти ёки Бибихоним жасорати... Канча мавзулар ётибди. Агар улар оғирлик қилса, тарихимизнинг кейинги юз

йиллги воқеаларини ёритиш мумкин. Мана Амир Олимхоннинг ҳаёти, муҳожирлиқда ўтказган кечинмалари, қолаверса Амирликнинг хазинаси тақдири ҳақида гузал кино олса, ҳаммага маъқул келмайдими? Бу ҳақда халқ орасида қанчадан-қанча ривоятлар юради...

— Дарвоқе, меҳмон ука, Саид Олимхоннинг хазинаси бизнинг тоғларга яширилганлигини биласизми? — Ҳожи бобо илиб кетди.

— Ростданми? — деди Санжарбек ўзини ҳеч нарса билмайдигандай тутиб.

— Ўспирин пайтимизда то уруш йилларига қадар эл ичида бу ҳақда кўп ривоятлар, миш-мишлар юарди. Кимнингдир ўша хазинани излаётгани, бошқа бироннинг аллақачон уни топиб олгани ҳақидаги узункулоқ гаплар эшитилиб қоларди. Шамол бўлмаса, дарахнинг уни қимирламайди. Мундоқ ўйлаб қарасак, садағай, у гаплар бекорга чиқмаган. Тарихдан маълумки, Саид Олимхон Москвада таҳсил олиб келгандан сўнг уч йил Насаф вилояти ҳокими бўлган. Бу томони Лангар, бу тарафи Бойсун тоғларини беш қўлидай билган. Унинг шикорга иштиёқмандлиги эътиборга олинса, бу тоғларнинг ҳар дарасию қояси, гориу харсанги таниш бўлганлигини анғлаш кийин эмас. Шу сабабдан у хазинасини ўзига таниш жойларга яширишни ўйлаган... садағай...

Даврадагилар “тоға”нинг гапларини кўп бора эшигтан бўлсалар-да, худди олдаридан хазина чиқиб қоладигандай ҳаяжонда ўтиришарди. Кейин “музокара”лар бошланди. Ҳар ким ўз билганича, воқеаларнинг кемтигини тўлдиришга ҳаракат қилишди. Тўқсабо Калапуш, Даврон дарвеш, хазина талашиб бир-бири билан ур-пичоқ бўлган навкарлари, тенгсиз бойликни бағрига босиб, кўпчиликнинг ҳаловатини ўтираган

мингъум гор воқеалари Санжарбекнинг хаёлида яна бир бора жонингандай бўлди.

– Амир Олимхон кейинчалик хазинани ғордан олиб кета олганми? – сўради терговчи мақсад сари яқинлашиб.

– Ҳамма гап шунда-да, садағай! – деди “тoғa” тиззасига уриб. - Амир Афғонга чикиб кетишда ўзи билан анчагина бойликният олиб ўтган. Шу сабабли ғордаги хазинага тегмаган. Уни кейинчалик олиб чиқиб кетишни ўйлаган. Аммо хазина ҳакидаги мин-мишлардан хабар топган большевиклар давлати бу жойларни қаттиқ қўриклаган, ўзлари ҳам хазинани ахтаришдан тұхтамаган. Аммо аниқ жойини билмасдан туриб, бу тoғu тошлар орасидан хазина излаш уммонда танга қидирицидай гап.

– Демак, хазина хозир ҳам ғорда эгасини кутиб ётган эканда-а!

– Ҳа, садағай... изламоқчи буляяпсизми?

Ҳамма кулиб юборди.

– Ҳа, нима! Бир экспедиция ташкил этсак, топилса, ҳаммамиз бўлиб олардик! – гапни ҳазилга бурди Санжарбек.

– Биз билан сизга ўхшаб, изловчилар кўп бўлган. Афусски, уни топиш ҳеч кимга насиб этмаган...

– Тoғa, анов навкарлардан биттаси ўлмай қолибми ёки ўзини ўликка солиб ётибми хазинанинг сирини кейинчалик болаларига айтгани ҳакидаги ривоятингизни меҳмонгаям айтиб беринг! – илтимос қилди Рамазон чой қайтара туриб.

– Уям бир ривоят-да, садағай! Ҳақиқатга қанчалик яқин - буни биргина Яратганинг ўзи билади. Айтишларича, Даврон дарвешнинг сипохларидан бири оғир яраланиб, жанг майдонида хушсиз қолиб кетибди. Орадан бир кунми, икки кунми ўтиб, бояқиш узига кеңти. Ажали етмаган экан-да, судралиб-судралиб тoғnинг этагидаги “Дарбанд” кишилогига етиб опти... Бошқа бир ривоятда ўша ярадорнинг күшни

Оқработ қишлоғига бориб қолғанлиги ҳикоя қилинади. Бу қишлоқ ҳозирги Дехқонобод тумани ҳудудида жойлашган... Ривоятлардан қай бири ҳақиқатга яқин билмадиму, менга Дарбанд воқеаси яхшироқ таниш... Хуллас, бояти навкар Дарбанда макон куриб, уйланган, бола-чақа орттирган. Бироз бурни кемтикроқ бўлганми, Алмат пучук дейишаркан. Совхозда оддий ишчи бўлиб ишлаган. Кўп қатори яшаган. Ичи дайро одам бўлган экан-да! Хазина яширилган жойни аниқ билса-да, уни олишга шошилмаган, бировга чурқ этмаган. Нимани уйлаб юрган, Тангри билади. Қарияларнинг эсласича, Алматнинг тоғдан яраланиб қишлоққа келиб қолиши, тили Бухоро шевасига тортиши, ўзининг келиб чиқиши, ўтмиши тўғрисида ҳеч қачон гапирмаслиги одамларнинг ривоятдаги дарвеш шу бўлса керак, деган хулоса қилишларига сабаб бўлган. Аммо, ўзи буни инкор этиб келган. Кобулдан Бухорога кетишида йўлда қароқчилар қулига тушиб, бор-йўғидан айрилиб, зўрга тирик қолганини айтиб юрган. Пучуқнинг бошқалар қатори оддийгина яшаб юриши кўпчиликда у ҳақидаги гап-сўзлар асоссиз эканлиги хусусида тасаввур ўйғотган. Аста-аста вақт ўтиши билан хазина ҳақидаги миш-мишлар одамларнинг ёдидан кутарила борган. Мен етмишинчи йилларда директор бўлиб борганимда Алматнинг вафот этганига икки-уч йил бўлган экан. Ушанда эшитганман бу гапларни... садағай...

– Алмат бобонинг фарзандлари бўлганми? – Санжарбек “тағин чол бошқа томонга чалғиб кетмасин” деган хавотирда йуналиш берди.

– Пучуқнинг беш ўғли, бир қизи бўлган. Болалари хаммаси уйли-жойли бўлиб, Тирмизга, Бойсунга чиқиб кетишган. Ота ҳовли кенжা ўғил – Норпӯлатга теккан. Бошқаларини билмадим-у аммо шу боласи роса топарман-тутарман чиқсан дейишади, садағай...

— Мани катта құдам дарбандлик, — гапга қүшилди “кұса” соқолли қария тожикча талаффузда. — Уша бачагина қишлоқнинг үрида катта сарой курганмиш... Галландийдан миинг бөш сара зотдор қора мол опкеганмиш... гүпсанларни-ку ҳисоби йүк... уй-жойида шаҳарникидай ундақа шароит қиб опти... ииссик сув, совуқ сув дегандай... ҳожатхонасиям уйини ичидаймиш... тоза тадбирли бача дейишади... мактабга стадион қуриб берибди... Фақирларга беғараз ёрдамини аямаётгандынниш...

— Хозир бунақа валламот ишбилармонлар күпайиб кеттган, — деди “қүшни” чол дүриллаган овозда. — Мана үзимизнинг Бойсунданам Аҳматбой деган ишбилармон чиқибди. Юздан зиёд “Дамас”ни одамларга ижарага бериб қўйибди. Учта тўйхона, 2 та заводни ишга туширибди. Маҳалласининг ҳаммасини ишли қипти, барака тоигур!...

Санжарбек сұхбат йўналиши бошқа томонга ўзгариб кетганидан надомат қилаётган бұлса-да, яна хазина тўғрисида гап очишига, мавзуни ўзи хоҳлаган тарафга буриб юборишга журъат қилолмади. Аммо, ичида “тегирмондан бутун чиққан” Алмат пучук ва унинг қўққисдан бойиб кетган ишбилармон ўғли Норпұлат билан шугулланиш лозимлиги ҳақида ўйлаб қўйди...

Кеч бўлганда Санжарбекнинг қўнғироқ қилиб, айтган гаплари Фахриддинни ўйлантириб қўйди. “Наҳотки одамларнинг гапида жон бор! Хазина ҳакидағи миш-мишлар афсона деб юрсак, чинга ўхшайдими дейман... Алмат пучук... Норпұлат... аниқ номларнинг қалқиб чиқаётгани... оддий қишлоқ йигитининг бир думалаб, иирик тадбиркорга айланиб колиши... кутилмаган жойдан бойиб кетини... бежиз эмасми,

дайман-да! Алмат пучук ғарифликда ҳаёт кечирган экан... нега хазинадан фойдаланмаган? Кўрқанми? Ё қулай фурсатни кутганми? Ёки бошқа бирор сир борми бу ерда? Ҳар қалай фарзандига хазина сирини қолдиришини эплаган-ку... Норпўлатнинг акалари ҳам улуш олганмайкан? Ўзбекларда одатда ота-онанинг бойлиги у билан бирга яшовчи фарзандга утади... Балки шундан кенжা фарзанд бойликка эга чиққандир. Балки пучук ҳар эҳтимолга қарши хазинанинг чизмасини бирор жойга яшириб кетгандир. Иссик жон... одам қутилмаган пайтда жон таслим қилиши мумкин. Сирни ўзи билан қабрга олиб кетмаслик учун чизмани тайинли жойга бекитиб кетган бўлиши ҳақиқатга якин... Негаки, Алмат бобо етмишинчи йилларда бандаликни бажо келтирган. Агар Норпўлат сирдан воқиф бўлганида, ўша йиллари талтайиб кетиб, босар-тусарини билмай қолган бўларди. Санжарбекнинг айтишига қараганда у кейинги уч-тўрт йил ичидан бирдан бойиб кетган. Демак, мантиқан олиб қараганда унинг қутилмаганда чизмани топгани ва хазинага эга бўлгани ростга ўхшайди... Майда-чуйда тилло буюмлар, тангаларни қийинчиликсиз ўтказишнинг уддасидан чиққану, лекин олтин тахтга харидор топишга қийналган. Кимданdir уни сотиб беришда ёрдамлашишни сўраган. Шу тариқа Амирнинг тилло тахти Қодирнинг қўлига утиб қолган. Санжарбек Дарбандга бориб, изига тушиб кўрсин-чи, шояд бирор нарсага аниқлик кирса... ”.

Эшик тақиллаб, қуварлар бошлиғи Үткирбек кириб келди.

— Фахриддин Каримович, мумкинми, ҳалақит қилмадимми?

— Келинг, келинг! Хаёлан Бойсун тоғларида кезиб юргандим, Тошкентга олиб келиб қўйдингиз? – ҳазиллашди терговчи.

тундан 16 таси ўғил, 21 таси қиз бўлган. Уч фарзанди ольшевиклар қулида қолиб кетган. Улардан 1910 йилда ўғилган Султонхон Москвада рабфакда таълим олган. Кузи жизлар жамиятида ишлаган. Раҳимхоннинг тақдирин аянчли ўлган. Шуролар давлати уни жосусликда айблаб, отувга укм қилган. Тўртинчи ўғил Шомуроддан большевиклар курол” сифатида фойдаланишади. Дастреб у Москвадаги аффакни, кейин ҳарбий муҳандислик академиясини тутгатади. Иккинчи жаҳон урушидаги жасорати учун Совет Иттилоқи генерали унвонига сазовор бўлган. Унинг машҳурлик иллапояларидан кўтарилишида ўз падари бузрукворига езган а “Известия” газетасида эълон қилинган очиқ хати муҳим рин тутади...

— Хўш, нималар дейилган экан ўша хатда? — қизиқсинди ҳаҳиддин.

— “Мен сенга биринчи ва сўнгги мактубимни ёзаяпман. — Ҳасурбек коғозга қараб ўқий бошлади. - Истайманки, ҳамизда ҳеч қачон алоқа тикланмасин. Аммо, кейинги юз ёрган воқеалар мени мажбур этдики, конга тўлганрагимдан чиқариб, мана шу сўзларимни ёзib маълум юмоқдаман. Кирдикорларингнинг бари ҳануз кўз олдимда ғирибди: сенинг зулмингдан Регистон қон кусар эди. Зулм-ғирибдодингдан додга келган ҳалқни маслакдошларинг афқатсиз талар эди. Сен кеча-кундуз айш-у ишрат билан инд бўлиб, ҳарамдан бошинг чиқмас эди. Биз иккимиз – мен ўғил, сен – ота бўлиб, бир йилда бир марта кўришармилик, юстини айт-чи! Мана ҳозир Москвада таҳсил кўрмоқдаман. ўстларим, ўртоқларим ҳузурида ўзимни шод сезаман. Мен раҳмлигингу шафқатсизли-гингдан, афсус, кеч огоҳ ладим. Ҳозир ўзимни отасиз ҳисоблайман. Ва сенга ҳам юлаҳатим шуки, бундан буён ўғлим бор, деб асло ўйлама. арзандларим бор деб ўйлашга ҳаққинг йўқ”.

– Хатни ёзганда Шомурод неча ёшда бўлган?

– 9-10 ёшларда!

– Гўдак ўз отасига шунаقا мактуб ёзиши мумкинми?

– Мактубни шуролар ҳукумати ташкил этгани, боланинг бунга дахли йўқлигини ҳамма тушуниб турган... на илож замон қалтис бўлган... Амир Олимхоннинг фарзандлари асосан Туркия, Германия, АҚШ, Саудия Арабистонида яшар экан. Жумладан, қизлари Шукрия Роъл Америкада, Мұхсина, Узри, Муслима, Солиха, Назокат, Муборак, Мўъбина, Софиялар Туркия ва Германияда истиқомат қилишаркан. Ўғилларидан Сайд Умар АҚШда, Сайд Мурод Саудияда, Сайд Абдулло, Сайд Мұхаммад Германияда, Сайд Иброҳим, Сайд Абдураҳим, Сайд Абдулфаттоҳ, Сайд Абдуқабир, Азим шоир, Сайд Мансур, Сайд Абдулҳоди, Сайд Абдуғаффор, Сайд Ҳожи, Сайд Абдусаттор, Сайд Абдурауфлар Туркияда яшар экан. Улар орасида шоирлар, журналистлар, врачлар ва бошқа касб эгалари етишиб чиққан. Ҳаммалари - ўқимишли, маърифатли ва тадбирли инсонлар. Улардан қайси бири отасининг яширилган хазинаси билан қизиқиши мумкин деган масала хусусида бош котира туриб, бир нарсага дуч келдим. Олимларнинг ёзишича, Амир Олимхон ўлеми олдидан фарзандлари ва қариндош-уруғларига васият қилган экан: “Пешовар банкида сақланаётган пулларга бирортанг қўл текизмайсан, Ўзбекистон мустақил бўлгач, бу пулларни унинг ҳисобига ўтказасанлар. Лондонда сақланаётган жамғармалар асосан авлодлар уч , лекин унинг бир кисми ҳам Ўзбекистонга берилиши мумкин. Бу сенларга боғлиқ”. Фарзандлар ҳам ота васиятига содик қолишган. Демак, Амир Олимхон шуролар ҳукумати таъкидлаганидек бойликка муккасидан кетган, хасис, зикна, факат айш-у ишрат билан кун ўтказадиган ҳукмрон бўлмаган экан-да! Ўзи мухожирлиқда, қочқинда юрган бўлса-да, юртини – Она

Амирликнинг олтин тахти изидан

ватанини ўйлаган ватанпарвар инсон бўлган экан-да! Амирликнинг олтинларини яшириш, Афғонистон заминига олиб чикиб кетишдан мақсад уни босқинчи большевиклар кўлига тоширмаслик, вақти келганда ватанга қайтариш бўнганига шубҳам йўқ. Олманинг тагига олма тушади. Фарзандлар ҳам шундай руҳда камолга етишган. Ота вадийтига фамал қилиб, банқдаги пулларни олмаган заминийлаги төғ-у тошлар орасидан хазина қидиришига ишониш кийин. Менимча, хазинанинг харитаси уларнинг кўлларидан бўлганда, мамлакатимиз мустақилликка эркагандан доктор Кейин ҳеч иккиланмасдан уни Узбекистон халқота тоширган бўларди...

Мушоҳадаларингиз чакки эмас! – тан берди Фахриддин. – Жакиқатан ҳам ўқимишли, зиёли инсон учун ўзга тортга бориб, ҳаётини хатарга кўйиб, хазина ахтариш кимага керак?

Шуни айтаман-да! – ғолибона жилмайди Жасурбек. – Уйдай ҳолда ижозатлари билан бу тахминни рўйхатдан ўчирсан! ҳам булади. – Фахриддин стол устидаги кобозга чизик тортди.

пук тиетдоғно втказиқп

Эртагабек ширчойдан сўнг терговчилар “тога” ва унинг барваста фарзандлари билан хўшлашиб, Дарбанд томон йулга тушдилар. Кечда оксеколлар билан бўлган сухбатдан кейин Санжарбек турт раҳбари билан қўнгироқлашиб, Дарбанд сафарини маслаҳатлашиб олганлигини Рамазон ҳам эшитган эди. Марнина тог тарафга бироз юргач, “шафёр” гап очди:

Санжар ака, ростдан ҳам шу ривоятларга ишоняпсизмас! – нетемпю

– иннингдоғ әд-вакъуғи н

– Ҳар қандай ривоятда жиндек бўлсаям ҳақиқат булади. Йўқса, улар тилдан-тилга кўчиб, халқ ичидаги юрмайди. Шамол бўлмаса, дараҳтнинг учига қимирамайди.

– Шахсан мен уларга унчалик ишонмайман. Одамлар нималарни тўкиб чиқармайди дейсиз. Чолларнинг гапига бунчалик жиддий эътибор берасиз деб ўйламагандим...

– Негадир Норпўлатнинг қўққисдан бойиб кетиши мени ўйлантириб кўйди. Бу жойларда тадбиркорлик қилиб, бунчалик тез бойиб кетиши ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бизнинг қишлоқда ҳам бир камбағал йигит бўларди. Топгани зўрга қора қозонни қайнатишга етарди... жўжабирдай жон... Уша йигит омади келиб, бир хумча тилла топиб олган. Бирпасда машина, мол-ҳол сотиб олиб, қишлоқнинг бадавлат кишиларидан бирига айланди қолди. Ҳамма ҳайрон. Ҳар хил ривоятлар тўқилди. Кейинчалик унинг ҳазина топиб олгани қишлоққа овоза бўлиб кетди... Кўрдингизми, халқ ҳамма нарсани кузатиб туради. Ҳар бир қишлоқда тадбиркор бор. Уларнинг бадавлат бўлиб бораётгандари қанча? Аммо халқ улар ҳақида ривоят тўқимайди. Буни табиий жараён деб қабул қилишади. Бирор киши ҳазина топиб олиб, тусатдан бойиб кўрсин-чи, эл буни дарров пайқайди. Турли миш-мисплар, афсоналар тўқишини бошлайди. Аминманки, Норпўлат ҳазинани топган бўлса, бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто хотинигаям айтмаган. Лекин зийрак эл унинг юриш-туришидан буни аллақачон сезиб кўйган. Чоллар айтган ҳангомалар шундан пайдо бўлган...

– Тўғриси, мен ҳам қизиқиб кетаяпман. Бориб кўрайликичи, балки айтганингиздай бирор нарса чиқиб қолса...

– Натижа чиқмаслигининг ўзи ҳам - натижа! – Санжарбек устозининг шоҳ қоидасини қистириб кетди. Ҳали анча юрамизми?

Гумми марказидан 25 километр чиқади. Мен ҳам борпүн икки уч марта борганман. Дарбанд жуда қадимий қыллоқ. Айтишларича, уч минг йиллик тарихга эга. “Буюк шак йўли” икки томонлама шу қишлоқ орқали ўтган. Александр Македонский, Доро, Кутайба, Чингизхон, Амир Темир, Бобур, Шайбонийхон ҳаммалари шу ердан ўтган экан. Бутун дунё археологларини қизиқтириб келаётган машхур Темир дарвоза шу ерда. Мозори Сангоб, Хўжа майхона, Чилламазор каби кадамжолари ҳам бор... Одамлар ким қаерлардан келиб, зиёрат қилишади.

– “Дарбанд” нимани англатади?

– Тоғамнинг айтишича, тоғдан ўтадиган йўлнинг киравериш жойи ёки даранинг танг ва сиқиқ жойи форсчада дарбанд дейиларкан.

– Тушунарли! Қани энди вақт бемалол бўлса, бизам бир зиёрат қилсак ёмон бўлмасди, – деди Санжарбек рўпарада ястаниб ётган қорли чўққилардан кўз узмай.

Шу пайт машина чегарачилар постига келиб тұхтади.

– Чегара пости борми? – суради меҳмон ҳарбий кийимдаги йигитларга ишора қилиб.

– Ха, Тожикистон чегараси яқин бўлгани учун... хавфсизлик максадида...

Чегарачилар бирпасда хужжатларни текшириб, оқ йўл тилаб, ўтказиб юборишиди. Машина чайқала-чайқала юқорига одимлаб, қишлоққа кириб борди.

– Оҳо, ана табиату, ана манзара! – деди Санжарбек гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга алантаб. – Мана бу қанақа дарё?

– Туркон дарё дейишади, форсийда нима маънони англатишини билмайман. Қишлоқда асосан тожиклар истиқомат қилишади.

– Норпўлатнинг уйини қандай топамиз?

— Сўраб-сўраб Маккани топган экан, ҳозир бирортасидан сўраймиз.

Йўл чеккасидаги уй олдида уч-тўрт киши шалтақ трактор атрофида уйлашиб турганини кўриб, тўхташди. Улар “росба, сўлба” деган сўзларни такрорлаб, ярим гожик, ярим ўзбекчалаб Норпўлатнинг уйига бориш йўлини тушунтиришди. Машина қишлоқ оралаб, гоҳ ўнгта, гоҳ чапга бурилиб, ниҳоят кичикроқ кўприкка етиб келди.

— Шу “жинкўприк”дан ўтиб, бир чақирим юрсак, тепаликдаги қаср Норпўлатники бўлади, - деди Рамазон мөхмонни хотиржам қилиш учун.

Машина муюлишдан ўтиб, чапга бурилгач, тепаликда шаҳардагидек муҳташам, салобатли бино кўринди.

— Ана холос, пишди гилос! – деди Санжарбек бинодан кўз узмасдан. – Мақтаганларича бор экан! Нақ шоҳ саройининг ўзгинаси-ку!

— Нима бало, курғур Норпўлатнинг хазина топгани ростми дейман-да!

— Ҳақиқий қалъанинг ўзи! Беш-олти гектар жойни пишиқ ғишт билан ўраб олганини қаранг!

Үйдим-чуқур йўл тугаб, тепаликка қараб текис асфальт йўл бошланди. Машина пишқира-пишқира катта нақшинкор темир дарвоза олдига бориб тўхтади. Шарпадан беш-олти чоғли кучук дарвоза олдига югуриб келиб, вовиллай кетди. Рамазон дарвозага яқин бориб, “домофон” тұгмасини босди. Ичкаридан аёл кишининг “Ки вай?” дегани эшитилди.

— Кечирасиз, Норпўлат аканинг уйлари шуми?

— Хўжайн уйда йўқ эдилар... Ниима...

— Қаерга кетганлар?

— Масквага... ниймайдии! Сиизларни таниимай турибман...

– Биз вилоят газетасидан... мақола тайёрламоқчийдик. Норпӯлат ака қачон кайтадилар?

– Билмайман... ишлари битса, қайтиб қолар...

Шу пайт эшик шараклаб очилиб, 20-25 ёшлардаги барваста йигит меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Терговчилар кучуклардан хавотирлангача атрофга аланглаб, йигитга эргашди. Кираверишдаги темир панжарали итхонада 8-10 чоғли кучук түсикни ёриб юборгудай ташланаётганини кўриб, ўпкаларини бироз босиб олди. Оқ, қора мармар, гранит ва бошқа қимматҳабо тошлардан қурилган йулак, пиллапоялар бўйлаб, каттагина фавворани айланиб, миллий ва европача аралаш услубда қурилган “сарой”га киришди. Меҳмонхонадаги чўтдай товланиб турган гиламлар, дид билан териб қўйилган катта-кичик хориж мебеллари, уларнинг ичидаги қимматбахо чинниларни, шипга осиғлиқ биллур қандилларни кўриб терговчиларнинг оғзи очилиб қолди. Йигит меҳмонларни ўтиришга таклиф қилиб, чиқиб кетди. Зум ўтмай хонага эллик ёшлар атрофидаги кийган кийими ўзига ярашиб турган лобар аёл кириб келди. Саломаликдан сўнг “мухбир”лар мақсадга кўчишди:

– Норпӯлат ака бир савобли ишга қўл уриб, болалар учун стадион қуриб берган экан. Шуни батафсилоқ ёритмоқчи эдик, – ёлғон ишлатиб турганидан Рамазоннинг юзлари қизарип кетди. – Шунга бир-икки саволларимиз...

– Хўжайн Москвадан қайтиб келса, гаплашииб оларсизлар, - деди аёл бепарволик билан. – Мен у кишининг ишларига аралашмайман...

– Опа, кечирасиз исмингиз нимайди? – деди Санжарбек ўзгача бир тавозе билан.

– Шарофат.

– Менинг исмим – Санжарбек, бу киши – Рамазон. Шарофат опа, биласизми, Норпӯлат акадай саховатпеша

тадбиркорлар жуда кам. Кўплари фақат ўзини ўйлашади. Ҳатто ёнидаги қўшниси оч ўтиrsa ҳам, бир бурда нонини кўзи қиймайди. Эл-юртга нафинг тегмаса, яшашдан нима мақсад. Бу борада бошқалар ҳам хўжайнингиздан ўrnak олса яхши бўларди. Қаранг, бир йилда қанчадан-қанча хайрия тадбирларини ўтказипти. Бунда албатта оила бекаси сифатида сизнинг хиссангиз катта бўлиши керак...

— Эрни эр қилодигон ҳам, қаро ер қиилодигон ҳам хотин дейишади-ку! — Шарофатнинг чехраси очилди. Унинг ўқимишли хотин эканлиги гап-сўзидан билиниб турарди. — Камбағалпарвар бўлинг, элга нафингиз тегсин деб кўп айтаман... Одам ўтмишини ҳам ёддан чи ласлиги керак-да! Ахир бизам шу даражага етгунча, ҳа оғир кунларни, камбағаллик азобини тортганмиз... у кунларни унутиб бўладими?

— Мақолани айнан шундан бошлаймиз. — Санжарбек қоғозга нималарнидир ёза бошлади. — Ўша даврлар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Акангиз менга уйланганда ғиирт камбағал эдик, — Шарофат бироз қийналиб бўлса-да, адабий тилда гапиришга ҳаракат қиласади. — Қайнота-қайнонамдан қолган эски ҳовлидан бошқа ҳеч вақомиз йўқ эди. Битта тирриқ эчки сотиб олишни орзу қиласадик. Тиш берган Эгам, ризқ ҳам бераркан. Хўжайнинг ишининг тайини йўқ эди. Болаларнинг давлатдан тегадиган нафақа пулига яшардик. Яшардик десам хато бўлар... нон-чой қилиб, амаллаб кун ўтказардик десам тўғрироқ бўлади. Мен олий маълумотли бўлсам-да, уст-устига тўрт бола туғиб, ишломадим... Камбағаллик курсин! Болалар мактабга чиқсан бўлса-да, қўлини ҳалоллашга шароит йўқ. Бу ёқдан одамлар, “нима болаларинг мусурмон эмасми, нега уларни суннат қилдирмайсан?” дея куз очирмайди. Мен акангизга

“эркакмисиз, пул топинг, тўйини ўтказинг” дея зарда киламан. Акалари ҳам жўжабирдай жон, бирорга ёрдам қиласидиган холи йўқ. Бечора нима килишини билмай, жаҳл устида чиқиб кетиб, тоғасидан отнинг калласидай қарз кўтариб келди. Тўрт боланинг тўйини амаллаб ўтказдик. Бирпастда қарзни кайтариш муддати кеп колди. Қарзни олишга олибмизу, аммо уни қандай кайтаришни ўйлаб кўрмаган эканмиз. Худо ўзи йўл курсатишидан умидзор бўлганимиз. Хўжайнин түёнага ишонган экан. Бирорга берган бўлсанг, кайтади-да! Хуллас, қарзни ой тугул, олти бундан бўёғига хар кунига фоиз тулаб турасанпар” деб шарт кўйди. Хўжайнин тоғасининг зардаларидан кутулиш учун “майли, проценти билан қайтараман” деб юборди. Ҳаммасидан процент деган бало ёмон экан. Кун тукканда, уям туғиб тураркан. Олти ойга бормай қарз икки ҳиссага ошиб кетди. Тоғаси ўлар-колар жойда эмасди. Кутиб турса бўларди. Аммо, “қарзни фоизи билан тезрок қайтар, сенгарада лағиз борми?” дея ҳақоратлаб, тепамизда туриб олди. “Уғил борми?..” қиз чиқараман” деб, минг бир баҳонани үйлантираман, қиз чиқараман” деб, минг бир баҳонани қалаштириб, кўз очирмай қўйишиди. Уят ўлимдан қаттиқ экан. Хўжайниннинг боши эгилиб, кучча-кўйга чиқолмай қолди. Охири... ёз куни эди. Тоғага эски ҳовлини бушатиб бердик. Үзимиз мана шу жойга чодир қуриб, кўч-кўронимизни кўчириб ўтдик... Тоға қурмағур, уйга қайнисини оиласи билан кўчириб келди. Бизнинг тўрт бола билан кўчада қолганимизга ахамият ҳам бермади... Куз тушса, тамом. Бу ерларда чотирда яшаб бўлмайди. Олти жон бирорнинг уйига сиғармиди... Ғурури толталган, иззат-нафси ер билан яксон бўлган одам ёмон бўларкан. Яшаш учун курашишга мажбур бўларкан. Үзини ўққа-чўқка уриб бўлса-да, йўқни йўндириш чораларини кўраркан... Эрим бирдан ўзгарди. Калласини

ишлатишга мажбур бўлди. Бойсунга бориб, яхши одамларга ошно бўлди. Иш топди... оиласини жар ёқасидан олиб чиқиш учун жон-жаҳди билан курашди...

— Ушанда ишни нимадан бошлаганди, бу масалани ёритсак уқувчи учун, бўлажак тадбиркорлар учун жуда қизиқарли-да! – деди Рамазон рўлга кириб.

— Бир синфдош ўртоғи Африкадан “Папая” деган дарахтни олиб келиб, экибди. У жонивор роса доривор ўсимлик эканда ўзиям. Тоғасининг даккиларидан безори чиқиб кетган хўжайин шу жўрасининг олдига ёрдам сўраб, бош уриб боришга мажбур бўлди. Шуйтиб “папаячи”ларга қўшилиб қолди... Бошида Тирмиз, Самарқанд, Тошкент қилиб, бўзчининг мокисидай чопищди. Кейинчалик ўзлари уйгинасидан олиб кетадиган бўлишди. Бир йиллар ўтиб, хўжайин қишлоқ қайтиб келиб, ўзи мустақил папая етиштира бошлади...

— “Синфдош”нинг исми ким эди? – талмовсиради терговчи.

— Сухроб... у ҳалиям “Папая” билан шуғулланади. Бутун Ўзбекистонни “папая” билан билан таъминлаяпти...

— Ундан ҳам интервью олсак зўр бўларди? – деди Санжарбек ҳамроҳига яширинча кўз қисиб.

— Уйини билмайман... Бойсунда туради...

— Кейин нима бўлди, кейин. Қишгача уйли бўлдингизларми?

— Пул пулни топға деганлари рост экан. Қулига озроқ пул тушгандан сўнг ишлар бу ёғига ўз-ўзидан юришиб кетди... Кузга бормай тоғадан уйимизни қайтариб олдик. Келгуси йил баҳорда шу ерга қозиқ тортдик... Оллоҳга шукр, қўрамиз молга, омборимиз донга, чўнтағимиз пулга тўлди. Акангиз чиндан ҳам саховатли инсон. Баъзида хотинлигимга бориб, қилаётган ишлари ғашимни келтиради. Бошқаларга

майли, ҳатто ўша төғасига ҳам мурувват күрсатади. “Бир пайтлар сизни уйдан қувиб чиқаргани ёдингизда йўқми?” дея бақирсан, “кўявер хотин, тоғам ўшанда бизга қарз бериб, кунимизга яради, кейин уйимиздан қувиб чиқариб, кўчага ҳайдади. Унинг айнан шу хатти-ҳаракати бизнинг янги ҳаёт бошлишимизга, яшаш учун курашишимизга, чора ахтаришимиизга, имкон қидиришимизга ва ниҳоят ўзлигимизни англашимизга сабабчи бўлди. Фақат шундан кейингина менинг зардам қайнаб, шижоат камарини белга боғладим. Агар тоғам ўшанда кўнгилчанлик қилиб, бизни кўчага қувиб солмаганда, ҳали ҳам борига шукр қилиб, қўл учиди кун кечираётган булармидик, эски тос, эски ҳаммом қилиб. Тоғамдан ҳафа эмас, қайтанга миннатдор булишимиз керак!” дейдилар. Бир ҳисобга у кишининг гапи тўгрию, аммо барибир ҳужайиннинг ўрида мен булсан ўша найновга ёрдам бермаган булардим.

— Менимча, Яратган Эгам давлат берган одамига ақлу фаросат, кенгфеъл, олижаноблик, саховатпешалик, мардлик каби хислатларни ҳам кўшиб беради. Турмуш ўртоғингизнинг бағрикенглиги шундан.

— Гапингизда жон бор... аммо...

— Ҳужайингиз билан қандай гаплашсак бўлади?

— Кўл телефони ишламай турипти. Бир марта ховотир олманглар, йшларим битса, бориб қоламан деб “sms” ёзди...

— Қачон ёзганди?

— Бир ҳафтача булди-ёв... ҳозир, - аёл чўнтағидан телефонини чиқариб, ковлай кетди. — Ҳа, мана утган ҳафта шу куни ёзган экан.

— Узр, кўрсам буладими? – сўради Санжарбек ҳижолат тортган кипидай ийманибгина.

— Марҳамат! – Шарофат телефонни узатди. Сунг бу мухбирларнинг терговчидай “майдалашиб” бораётганидан

кунгли бехузур бўлди шекилли, ёлтоқланди. – Тинчликми ўзи? Ё хўжайинга бир кор-хол...

– Тинчлик, тинчлик! Биз журналист халқини биласиз, ҳар нарсага кизиқиб, бурнимизни тиқаверамиз! Ҳамма нарсани ипидан игнасигача билишни хоҳлаймиз! – гапни ҳазилга бурди меҳмон.

– Тинчлик бўлса, гўрга! Бошқа ҳаммасини топса бўлади!

Санжарбек “sms”ни овоз чиқариб ўқиди: “Ишларим кўпайиб кетди. Қунғироқ қилишга ҳам вақт бўлмаяпти. Ҳавотир олманглар. Ўзим алоқага чиқаман”.

– Эҳ, Норпўлат акани учратмаганимиз чакки бўлди-да! – деди Рамазон қувлик билан. – Тезда бойиб кетиш сирларини сўраб олган бўлардим. Бир йил ўтиб, эҳтимол мен ҳам каттагина тадбиркор бўлиб кетармидим... шу дегандай.

– Буям юққанга юқар экан-да!

Гаплашадиган бошқа гап қолмагач, “мухбир”лар уй бекаси билан хайрлашиб, изига қайтишди.

– Ҳўш, жаноб терговчи, таассуротлар қанақа? – машина жойидан қўзғалгач, Санжарбек шеригига юзланди.

– Ростини айтсам, тушунмай қолдим! “Папая” деган нарсадан шунчалик бойиб кетиш мумкинми? Менимча, бу ерда бир гап бор! Наша-паша билан шуғулланганми... шу дегандай... Бойиб кетиш шунақа осон бўлса, ҳамма миллионер бўлиб кетмасми! Такрор айтаман, бу ерда ростанам бир гап борга ўхшайди!

– Бўлиши мумкин. Чегара ҳудуд. Тожикистон бир қадам... Афғонистон ҳам узоқ эмас. Наркотрафик учун қулагай жойлар. Бирорта жиноий гурухга аралашиб қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

– Ҳайронман, завжаси ҳеч нарсани билмайди ёки билсаем муғомбирлик қилиб турибди. “Папая”дан бойиганмиш... Бутун Узбекистонни таъминлагандаям

Амирликинг олтин тахти изидан

бунчалик даромад топиши қийин-ов! Индамаса, кулогимизга лағмон илмоқчи бұлаяпти... шу дегандай!

– Айрим одамлар пухта бұлади, - хулоса қилди Санжарбек. – Хотинига сир-бой бермайды. Узумини ею, боғини суриштирма қабилида... Норпұлат ҳам шунақалардан бұлса ажабмас. Йүкса, бу опа үзини бунчалик бамайлихотир тутмаган бұларди. Хаёлимда эрининг папая сотиб, бойиб кетганига астойдил ишонадигандай. Янаям Худо билади, одамнинг ичини билиб бұлмайди!

– Энди нима қымлоқчисиз? – деди Рамазон йүлдан күз узмай.

– Участка нозири, маҳалладагилар билан гаплашиб күрсак бұларди.

– Унда бу томонга юришимизга тұғри келади. – “Шоффер” машина рүлини чапга бурди. – Хотирам панд бермаса, топиб борамиз.

Икки қаватли мактаб биносидан үтиб, йүл четидаги чиройли имарат олдида тұхташды. Маҳалла оқсоколини топиш қийин кечмади. Олтмиш ёшлар атрофидаги шопмұйловли полвонсифат маҳалла раҳбары “мухбир”ларни илиқ кутиб олди. Салом-алиқдан сұнг гап Норпұлаттага қадалғач, оғзидан бол томиб, уни мақташга тушиб кетди. “Қани энди ҳамма тадбиркор ҳам ундай саховатпеша бұлса... барака топсин, маҳалла учун нима десак йүқ демайды... ким ёрдам сұраб останасига борса, бенасиб қайтармайди, мактабга стадион... шифохонага жиҳоз... маҳаллага гилам...” – оқсоколнинг жағи очилиб кетди.

– Бу ҳақда одамлардан әшитдик, уларни ёзамиз. Аммо, үкувчиларга Норпұлат аканинг қандай қилиб шу даражага етгани қызықарлы бұлади, - Санжарбек оқсоколни “жиловлаб”, үз йүлиға солишиға ҳаракат қилды.

– Буям бир омад-да, бутам! Худо берса, эрта-кечи йўқ экан, - деди чол пиёладаги чойдан ҳўплай туриб. – Ўзи гирт камбағал бола эди. Акалари шаҳарга зир қатнаб, кунини кўриб кетишиди. Бу шурлик – жўжабирдай жон отасининг чироғини ёқиб ўтириш учун ҳовлисини ташлаб кетолмади. Бошида кўп қийналди. Итдан бир суюк қарз булиб, уйини сотишгача борди. Тувишғон тоғаси тушмагур уйини тортиб олди. Бола-чоғаси билан беш-олти ой чодирда кун куриши... шу замонда-я! Кейин бизларам тушунмай қолдик... Ҳизр йўлиқдими, кўза-пўза топиб олдими, бирдан гуркираб кетди. Бошида қандайдир қовунга үхшаган нарсани сотиб, пул қилиб юрганди. Шуни орқасидан пул топишнинг қаловини топиб олди, омон бўлгур... Оғзига кучи етмаганлар отаси Бухоро Амирининг навкари бўлган экан, аммо чол уни ишлатишга кўркиб, яшириб қўйган экан, кенжэ ўғил ўша хазинани топиб олганмиш деган гапларниям тарқатишиди. Яна бировлар... эй, нимасини айтай, бутам, элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди! Биров сал кўриниб қолса, тамом, миш-миш тарқатишида...

– Ота, Сиз ўзингиз қандай фикрдасиз? Айтилган тахминлардан қай бирини тұғри деб хисоблайсиз?

– Ҳеч бирига қўшилмайман! – шартта узди чол. – Уддалаб пул топибди, ҳалоли бўлсин! Элга ёрдами тегиб турибди, отасига раҳмат! Үгрилик қилмаётган бўлса, бировнинг насибасини тортиб олмаётган бўлса, миш-мишдан кимга фойда, бутам! Бу гаплар дангаса, ялқов ва бировга беролмас, берганни кўр имас ярамасларнинг иши-да!

– Ҳалқимизда шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, деган нақл бор? – Санжарбек гап олиш ниятида атайлаб чолни мубоҳасага чорлади. - Одамлар шунча гап-сўзларни ҳаводан олмаётгандир. Бунга қандайдир асослари бордир. Масалан, Алмат бобо чиндан бу ерлик эмас, Бухоро томоннинг одами эканлиги аниқ-ку! Айтишларича, бу

кишлекда асрлар давомида юз фоиз форсийзабон тожиклар яшаб келишган. Алмат ота эса ўзбек бўлган экан. Бунга нима дейсиз? У кишини танирмидингиз?

– Эй-й бўтам, Алмат бобо тилло одам эди-да! - Мўйсафид сал “паст”га тушди. - Узи камбағал бўлсаям, ориятли, инсофли, иймонли чол эди. Биронинг дилини оғритганини билмайман... У пайтлар қариялар қандайдир фариштали бўларди. Ҳозиргидай жizzаки... тажанг эмас! У одамнинг миллати хусусида гапингизда жон бор, бўтам! Дарбанд қадимий тожиклар ватани. Бу жойда бошқа миллат вакиллари яшамаган. Алмат пучук... э-э кечирасиз, у кишини кўпчилик шунақа деб чақиришарди. Бечора хафа бўлишниям билмаган экан-да! Алмат бобо гирт ўзбак эди, Бухоро лаҳжасида сўзларди. Кўчада одамлар билан тожикча гаплашса-да, оиласида фақат она тилида мулоқот қилишган... Биласиз, 20-30 - йилларда одамлар қорин тўйдириш учун қаерларга боришмаган. Бу киши ҳам насиба ахтариб келиб қолган бўлса ажабмас... Аммо бу одамнинг хазинаси бўлганига ишонмайман. Уни яхши эслайман... Умр бўйи ноҷорлиқда яшаган. Хазинаси бўлса, чиқаарди-да!

– У пайтлар замона қалтис бўлган, кўрққандир-да!

– Тўғри, замон оғир эди, бўтам! Аммо камбағаллик ёмон нарса... айниқса, эркак бўла туриб, бола-чақанғ олдида музтар ва нотавон бўлиб ўтиришдан аччиқ қисмат йўқ. Шунча молдавлати бўлган одамнинг нонга зор, ўзгага хор бўлиб юриши ақлга сифмайдиган иш... Йўқ, йўқ! Ҳамма ишонса ҳам мен бунақа сафсаталарга ишонмайман. Миш-миш тарқатиш ҳам, унга ишониш ҳам, аслида бўтам, аёлларнинг юмуши... Келинглар, эркаклигимизча қолайлик!

– Энди отахон... биз мухбирлар ҳам мишишларга, шов-шуввларга ўч бўламиш-да! – деди Санжарбек кулимсираб.

— Бу бизга чинни ёлғондан, ҳақиқатни рўёдан ажратишимизга ёрдам беради.

— Яххиси, олди-қочди гапларни бир чеккага буриб, Норпўлатнинг қилган савобли ишларию, чиройли амаллари ҳақида кўпроқ ёзинглар... бутам!

“Мухбир”лар оқсоқол билан хайрлашиб, участка нозири билан мулоқотда бўлишиди. Ёшгина лейтенант яқиндагина бошقا жойдан бу ерга ишга келганлиги боис ҳеч қандай фойдали маълумот беролмади. У бу масалада собиқ участка нозири, нафақадаги майор Ҳамро Тохиров билан гаплашишни тавсия қилди ва қўнғироқ қилиб, уни чақириб берди. Уйи шу атрофда экан шекилли, майор узоқ куттирмади. Санжарбек у ёқ, бу ёқдан гап ташлаб, сұхбатдошини сал “қиздириб” олгач, мақсадга кўчди:

— Ҳамро ака, сиз узоқ йиллар шу ерда ишлаган экансиз, дарбандликларни беш қўлдай билсангиз керак!

— Ҳа энди, касбимиз тақозоси билан-да, - камтарлик қилди майор. — Йигирма йил бир жойда ишлагандан сўғин...

— Норпўлат ака ҳақида мақола ёзмоқчи эдик. Бахтга қарши ўзлари сафарда экан. Завжаси, маҳалла оқсоқоли билан гаплашдик. Аммо, ҳеч ким у кишини сизча билмаса керак!

— Мен у кишини “бой ота” деб чақираман. Худо берган валламат йигит. Гап йўқ! Тадбиркорларнинг орасидаям беш бармоғини оғзига тиқадиган қурумсоқлариям қанча! Лекин “бой ота” вообще нечтэкайигит! – деди майор кўзи сузилиб.

Шундагина терговчилар Ҳамронинг бироз кайфи борлигини пайқаб қолишиди. “Мастлик – ростлик” деганларидек йигитиинг бу ҳолати ҳақиқатни аниқлашда кўл келиши мумкинлигини ҳис қилган Санжарбек гап оҳангини узгартирди:

— Ҳамро ака, қойилман, шунча йил ишлаб бирорнинг бурнини қонатмаган экансиз! Айниқса, тадбиркорларни

кўллашда... камбағалларнинг ҳақ-хукуқини ҳимоя қилишда қатъиятли ва одил бўлган дейишаяпти...

— Ҳаммасини етказишибти-да! — тиржайди Хамро. — Оллоҳга шукр, ёмон ишламадик. Адолат тарозисини қўлдан қўймадик. Оқни оқ, қорани қора дедик. Ўзганинг ҳақини емадик. Камбағални қақшатмадик...

— Норпўлат ака тадбиркорликни асли нимадан бошлаган? — терговчи ҳамсухбатини мавзуга “йўллаш”га ҳаракат қилди.

— Бой отаси тушмагур бало чиқди! Қишлоғимиздан чиққан бир бола бўларди... отиям нима эди-я?...

— Суҳроб.

— Вот, вот ўша Суҳроб... ишни ўша ошнаси билан папая етиширишдан бошлаган. Папая деганлариям ғижиллаган пул экан-да! Бирпасда ўнгирини кўтариб олди... Аммо, тоғаси ноинсофлик қилди. Буни ўша хасиснинг бетигаям айтганман. Мард бўп қарз бердингми, номард бўп қисталанг қилма-да! Мана, бошингни деворга уриб, сакрайвермасанг ҳам вақти-соати келса, қарзингни тўларкан-ку! Улар-қолар жойда эмасдинг-ку! Бечорани бола-чақаси билан кучага ҳайдади-я, мараз! Бош омон бўлса, дўппи топиларкан! Ана, ҳаш-паш дегунча, ҳовли-жойиниям қайтариб олди, бойиб ҳам кетди. Энди ўша номард тоға жиянининг кетидан чопиб, пахта қўйиб юрибди...

— Демак, “бой ота” дастлаб папая билан шуғулланган. Кейин-чи... кейин нима қилган...

— Мол қилди, боф экди, дехқончилик дегандай...

— Оғзига кучи етмаган айрим ғаламислар Норпўлат аканинг тўсатдан бойиб кетишини...

— Тушундим, тушундим! Ўша ғаламисчаларингиз бекорларнинг бештасини айтиби. “Бой отам” ҳеч қачон

наркошага аралашмаган. Ўзиям истеъмол қилмайди. Мен биламан-ку! Бунинг бари куролмас баччағарларнинг иши!

– Айримлар эса уни хазина топган...

– Ҳа ўлманг, ука! Бу гапга ишонса бўлади! – Ҳамронинг чехраси ёришди. – Ўзим айтсан, гийбат қилгандай бўп қолардим. Ўзларинг сўраб қолдиларинг, энди гапирсам бўлади...

Ҳамро ошириб-тошириб Алмат бобо ҳакидаги афсоналарни яна бир бор ёдга олди. Ниҳоясида қўшимча қилди:

– Алмат бобо қўрқоқлик қилиб, сирни ҳеч кимга айтмасдан ўтиб кетди. Норпўлат пишиқ экан. Семизликни қўй кутаради, деганларидек, шошиб қолиб, ўзини йўқотиб қўймади, ҳоволаниб кетмади... Қандини урсин, уддалади! Ўзиям еди, бошқаларгаям едирди... Одам деган шундай бўпти-да!

– Бу гаплар миш-мишми ёки шундай дейишга қандайдир асосингиз борми?

– Кимлар учун миш-миш. Аммо гап шу ерда қолсину мен унинг кимгадир тилла танга сотганини эшитганман. Сўрасам, тан олмади, хумпар! Майли, эплапти, ҳалоли бўлсин!

– Кимдан эшитгандингиз?

– Э йўқ, буниси энди сир. – Ҳамро хушёр тортди. – Бирорни сотадиган одатим йўқ.

– Ҳа, энди қизик! Нима биз миш-мишларни мақолага киритиб ўтирамидик. Ўзимиз учун... шундок...

– Билдим дедим – тутилдим, билмадим дедим – қутулдим. Мен гапирмадим, сизлар эшитмадингизлар! Бошқа гапларинг бўлмаса, кетдим... чойхонада улфатлар кутишашапти.

Майор хайр-хўшниям насия қилиб, чиқиб кетди.

Терговчилар ортга қайтди.

– Хўш, жаноб терговчи, майорнинг гапига нима дейсиз?

– суради Санжарбек шеригининг фикри ўзиникига мос келиш-келмаслигини билиш ниятида.

– Менимча, у ёлғон гапирмади. Норпӯлатнинг кимгадир тилло тангалар сотганини сезиб қолган...

– Ёки сотиб олган одамнинг ўзи унга бу гапни айтган. Лекин исмини айтишни хоҳламади хумпар...

– Яқинроқ таниши бўлса керак-да! Аralаштиргиси келмади.

– Нима бўлгандаям бу факт Бухоро Амирининг олтинлари ҳақидаги гаплар афсона эмас, ҳақиқатга яқин эканлигини, хазинанинг мавжудлигидан дарак берувчи далил сифатида баҳоласа бўлади... Норпӯлатни тополмаган бўлсанда, ҳар ҳолда шунча йўл босиб келганимиз зое кетмади.

Машина шитоб билан пастга қараб одимлади. Анчагача ҳар ким ўз хаёли билан жим кетишиди. Бойсунга яқинлашганларида Рамазон орадаги сукутни бузди:

– Санжар ака, қаёққа хайдай? Термизга қайтамизми?

– Балки анави Сухроб билан гаплашиб кўрармиз. Уни Бойсундан топса бўлармикан? Бахтга карши фамилиясини, турар манзилини ҳам сўрамапмиз.

– Топамиз! Бойсунда папаяпурушлар унча кўп эмасдир.

– Раҳмат, сизниям роса овора қиласидиган бўлдим-да!

– Э овораси бормикан, ота маконимизни зиёрат қилиб юрибмиз-да, маза қилиб. – Рамазон машина ойнасини очиб, бошини сал чиқарди. – Оҳ, юртим шамоли, юртим шамоли!

– Э, э, э! Нима қиласидиз! Қиши ҳавосида шамоллаб қолманг тағин! Юртингиз шамоли сизни аллақачон эсдан чиқариб юборган куринади! – ҳазиллашди Санжарбек.

Машина ўйдим-чукур йўллардан чайқала-чайқала ўтиб, тоғнинг гўзал, фусункор манзараларни ортда қолдириб, Бойсунга яқинлаша бошлади. Шаҳарга кириб келишда Рамазон машинасини йўл четига тұхтиб, тоғасига қўнғирок қилди. Сухроб шаҳарда таникли одам экан. “Тоға” уни дарров таниди ва уйига бориш йўлини тушунтириди.

“Папаячи”нинг уйи Норпўлатникидай бўлмаса-да, каттагина экан. Сухробни папаязордан топишиди. Узларини “мухбир” деб таништирган терговчилар тадбиркорни гапга тутди. Мезбон газетачиларнинг савол-жавобларига ўрганиб кетган шекилли, мақтана кетди:

- Папая дарахти асосан Жанубий Америка ва Африка мамлакатларида қадимдан етиштириб келингган. Ўн бешинчи асрдан бу дарахтни европаликлар ҳам ўстиришии йўлга қўйишиган. Бу ўсимлик инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали. Юз грамм папаянинг энергетик қуввати 26-74 калорияга тенг. Таркибида глюкоза, органик кислоталар, оқсил ва турли витаминлар мавжуд. Шу сабабли уни айрим давлатларда “ион дарахти” дейишади. Бизда “қовун дарахти” номи билан машхур.

“Муҳбир”лар бу шифобахш ўсимлик тўғрисида кўп нарсани билгилари келаётган бўлса-да, нима мақсадда келганликлари ёдига тушиб, мақсадга кўчишиди:

- Биз шогирдингиз – дарбандлик Норпўлат ака ҳақида мақола тайёрлаётгандик. Шу хусусда бир-икки...

- Э-й-й, шунаقا демайсизларми? Менам асли дарбандданман. Бешинчи синфгача Норпўлат билан билла ўқиганмиз. Кейин отам Бойсунга ишга ўтиб, кўчиб кетдик...

- Норпўлат аканинг шу даражага етишига сиз сабабчи бўлган экансиз-а? – мўлжални аниқ олди Санжарбек.

- Э-э-э, бу нима деганингиз!? – эътиroz билдириди Сухроб. – Ишсиз бўп оиласи билан қийналиб қолганда,

ёнимга олгандим. Бирон йил бирга ишладик. Кейин ўзи йўлини топиб кетди... Уддабурон инсон-да! Худо омадини берди. Мендан унча-мунча ўрганган бўлса, бордир. Аммо одамнинг ўзида бўлмаса, минг ўргатган билан тадбиркор чиқмайди.

– Нега у сиз билан ишламай кўйди? Ёки...

– Ҳеч қанақа ёки-покиси йўқ! Папаяни ўстиришни билиб олди, бўлди-да! Сотиш муаммо эмас. Ўзлари келиб, уйингдан кутарасига олиб кетишади.

– Ҳозир Норпўлат ака папая етиштирмас экан-а?

– Тадбиркор ҳам итни уруғидай кўпайиб кетди-да! Папая экаман деган сон мингта. Эплагани бор, эпламайдигани қанча... Норпўлат бошқа томонга уриб кетди... лекин, кам бўлмади... бойвачча бўлди! Каллали одам ҳеч қачон кам бўлмайди!

– Ҳозир дўстингиз қанақа бизнес билан шуғулланади? – мезбонни “хуркитиб” юбормаслик учун мулойимлик билан сўради Санжарбек.

– Қаердан билай! Дўстимиз ҳозир супербизнесмен бўлиб кетган. Фақат Тошкент, Москва... чет эллар билан гаплашади... Анча пайтдан бери кўришмадик. Биласиз, бу замонда ҳеч ким ўзидан ортмай колди.

– Охириги марта қачон у билан учрашгандингиз?

– Эҳа... сенлар мужбирми, терговчими? Намунча бошимни қотирдиларинг! Ўзи санларга нима керак! – Сухроб жаҳли бурнининг учидаги сариқ эмасми, “вовиллаб” берди!

– Биз Норпўлат ака ҳақида яхши нарса тайёрламоқчийдик, – каловланди Санжарбек. – У кишининг тажрибасини кўпчиликка ибрат қилиб курсатмоқчи эдик-да! Қандай қилиб, камбағалгина йигит, бир думалаб, қисқа муддат ичидаги тадбиркорга, бой-бадавлат инсонга

айланиб қолганини, бизнесдаги муваффақиятлари сирини ўқувчиларга очиб бермоқчи эдик-да! Чиройли нарса чиқарди...

— Мендан нима истайсизлар, билганимни айтдим. Бошқа гапим йўқ! — Суҳроб гапни мухтасар қилиб, ишида давом этди.

Терговчилар бу қайсар одамдан тузукроқ гап ололмасликларига кўзи етиб, ортга қайтдилар...

Вакт алламаҳал булишига қарамасдан Санжарбек тұғри ишхонасига келди. У Фахриддин Каримович билан телефонда бир неча бор гаплашиб, вазиятдан хабардор қилиб турган бўлса-да, юзма-юз кўришиб, “отамлашиб” олишни хоҳларди. Бош прокуратура тўрт қаватли биносининг кўпчилик хоналари чироқлари ўчган, фақат айрим хоналар, шу қатори учинчи қаватнинг охиридаги деразадан ёргулек таралиб турарди. Хаёлидан “шу ерда экан” деган фикр ўтди. Юқорига кутарилди. Бошлиқнинг эшиги очик, ичкаридан кимларнингдир гаплашиб турган овози эшитилди.

— Мумкинми? Халақит килмадимми?

— Э-э-э келинг Санжарбек, бўрини йўқласанг қулоғи куринаркан. Фийбатингизни қилиб тургандик, - гурух раҳбари ўрнидан туриб, саломлашди. — Яхши етиб келдингизми?

— Раҳмат, устоз! Е өпасда...

— Изқуварларни ҳам ушлаб тургандим, қани курган билганингиздан гапиринг-чи! — деди бошлиқ қули билан “үтириинглар” ишорасини қилиб.

Санжарбек сафар тафсилотларини бир бошидан муфассал айтиб берди.

— Норпӯлат қачон қайтаркан? — сўради Фахриддин ҳикояни тинглаб бўлгач.

— Хотини ҳам буни аниқ билмайди. Бир марта “хавотирланманглар. мен яхшиман, ўзим қўнғироқ қиласман” деб sms ёзган экан. Кўл телефони ўчирилган, Москвада янги рақам олган бўлса керак-да! Аёлига телефон рақамимни бериб келдим, алоқага чиқса, айтади.

— Хуш Санжарбек, умумий хулоса қанақа?

— Ростини айтсам бошим қотиб колди. Ҳаёлимда ишимиизга Бойсун, Дарбандларнинг аралашиб қолиши бежиз эмасга ўхшайди. Тилла таҳтнинг Амир Олимхон хазинасига тааллукли эканлиги аниқ... Амирнинг бойликлари Бойсун, Лангар тоғларига яширилганлиги ҳам факт. “Қодир” ёки “Ботир”нинг қайсиdir маънода Бойсунга даҳлдорлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Энди факат бу воеалар занжирига Норпӯлатни улани масаласи очиқ колмокда. Аммо унинг хазина топгани ҳам афсонага ўхшамаяпти... Йўқ жойдан бойиб кетиши, номаълум шахстга олтин танглар сотгани.. қолаверса, отасининг бухоролик эканлиги, дарбандлик эмаслиги... эл оғзида юрган ривоятиар... ҳаммаси Амирлик тиллоларининг сири айнан унга мълум эканлигини курсатмоқда... Менимча, Норпӯлат тиллоларни, жумладан олтин таҳти термизлик бирорта заргарга сотган. Негаки, бундай кимматбаҳо молни сотишнинг ўзи бўлмайди. Бизда бундай товарни “ҳазм” кила оладиган харидорнинг ўзи бўлмаслиги мумкин. Хорижда эса олтин таҳти коллекция сифатида жуда катта нархга ўтказса бўлади. Ёки иккинчи - вариант кимдир таҳти Норпӯлатга сотиб беришга ваъда берган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу одамнинг Москвама-Москва кезиб юришининг сабаби ҳам шу бўлса керак, деб ўйлайман. Товарнинг божхонада кўлга тупниб қолиши уларни тентиратиб қўйган...

– Нимани таклиф қиласиз? – деди бошлиқ соатига бир қараб қўйиб.

– “Қодир”, “Ботир” йўналиши бўйича ишни сусайтиримаган ҳолда “Норпўлат” билан жиддий шуғулланиш...

– Ха ўлманг, шу гапингизни кутиб тургандим! Тилла тахтнинг келиб чиқиши Норпўлатга бориб қадалаяпти. Уртада бир қўл ўтганми, икки қўл ўтганми “товар” унинг “корхонаси”дан чиқсан кўринади. Бу одамнинг Москвага чиқиб кетгани ҳам тасодифга ўхшамайди. Мол қўлга тушиб, тергов бошлангани уни чучитиб юборган. Шериклари билан жуфтакни ростлаб қолган...

– Кўл телефонидан унинг айни пайтда қаерда эканлигини билиб олса бўлади, - гапга аралашди Ўткирбек. – Рақамини берсангиз бас!

– Телефонини ташлаб кетган бўлиши мумкин. Москвада ишламайди...

– Унда янайм яхши. Телефонини топсак, кўп нарсага ойдинлик киритиш мумкин бўларди.

– Норпўлатнинг Москвага кетгани ҳам ҳозирча аниқ эмас, - фикр билдириди гурух раҳбари. – Бу чалғитиш учун қилинган нағма бўлишиям мумкин. Шунинг учун Ўткирбек, Сиз аввало “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ва темир йўл вокзалларидан Норпўлатнинг номига чипта олинганд олинмаганлигига аниқлик киритинг. Умуман божхона постлари, чегара хизмати орқали бу одамнинг Республикадан чиқиб кетган-кетмаганлигини аниқлаш лозим.

– Тушунарли! – деди Ўткирбек ён дафтарчасига нималарнидир қайд қила туриб.

– Санжарбек, сиз...

– яна Сурхондарёга қайтиб кетишингиз лозим, - деди шогирд устознинг фикрини олдиндан уққандай.

Ҳамма кулиб юборди.

Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзиди! – Фахриддин шогирдининг елкасига қоқиб күйди. – Жасурбек сизга ёрдам беради. Кеча қўнғироғингиздан сўнг роса уйладим. Калаванинг учи барибир Сурхон элига бориб тақаладигандай. “Қодир”ни излаб анча вакт йўқотдик. Энди қидирувни охирги нуқтадан бошлаб кўрайлик-чи, қандай натижа чиқар экан.

– Шунака фикр эргалаб менинг ҳам хаёлимга келган эди, - Санжарбек устозининг гапини маъқуллади.

– Кўнглингиз сезган-да! Бирга ишлайверса, одам бир хил фикрлайдиган бўлиб қолади, дейишади.

– Шунакага ўхшайди.

– Иккингиз ҳам тажрибали ходим, - деди Фахриддин жиддий киёфага кириб.

– Нима қилишни ўзларингиз яхши биласиз. Норпўлатнинг алоқалари доирасини пухта ўрганиш керак. Анави майор орқали тилло сотиб олган шахсни топиш муаммо эмас. Аммо, у қўрқиб, тан олмаслиги мумкин. Кейин Бойсун, Термиз, умуман ўша атрофдаги заргарлар, тиллафурушлар билан ишлаб кўриш керак. Норпўлатнинг телефон сўзлашувлари таҳлилини олиб, ҳар бир шубҳали шахсни чиғириқдан ўтказиш лозим. Унинг ўзи топилсаку-я, ишнимиз анча енгиллашпарди. Алоқага чиқиб қолса, хазина ҳақида гап очмасдан бошқа бирор нарсани баҳона қилиб, чақирилса, тўғри бўларди.

– Тушунарли, қачон жўнашимиз керак?

– Эртага пешиндан кейин, чигтага буюргма берилган. Ишхонадаги, уйдаги юмушларни битириб олишга фуреат етарли бўлади... Ҳа дарвоқе, олгин топган одам унинг атрофидан узоқ кетолмайди. Махаллий чўпонлардан, кўни-кўшнилардан Норпўлатнинг асосан қаерларга бориб-келиши, қайси дарада кўп ўралашиб юрганини аниқлаш муҳим. Агар у

одамлар айтгандек чиндан ҳам пухта ва уддабурон одам бўлса, хазинанинг асосий қисмига тегмаган, узига керакли қисмини олиб ишлатган. Бойликни сақлаш учун ғордан тузукроқ, бехавотирроқ жой йўқ...

– Гапингиз тўғри. Шунча бойликни ғордан олиб чиқиб, уйда ёки бошка жойда сақлаш ўта хатарли эканлигини билган. Зарурият бўлганда ҳеч кимга сездирмасдан токқа чиқиб, ғордан секингина пастга олиб тушишни маъқул кўрган. Бундан ташқари ғордан тез-тез хабар олиб турган бўлиши керак. Одамлар буни сезмасдан қолиши мумкин эмас... Ҳар бир қишлоқнинг ер остида илон қимиirlаса сезадиган инсонлари бўлади!

– Нима дейсиз, хотини бу ишлардан воқифмикан? – суради Фахриддин.

– Менимча, йўқ! Норпўлат пухта йигит. Аёлига айтса, унинг яқин дугонаси, ота-она, амма-тоғаси эшлитишини яхши билган. Бир киши билган сир – сир, икки киши билган сир – сир эмас дейишади. Ҳар ҳолда ўзини тутишидан менга шундай туюлди. Ҳўжайнининг тадбиркорлик орқасидан бойиб кетганига қаттиқ ишонадигандай...

– Эркаклар икки гурухга булинади, – томдан тараşa тушгандай Жасурбек гап қўшди. – Биринчи гурухга хотини билан бор сирини баҳам курадиганлар, иккинчи гурухга аёлини қанчалик ҳурмат қилмасин, севмасин сирини бой бермайдиганлар киради. Норпўлат иккинчи гурухга...

– Бугунча етарли' – деди бошлиқ соатига қараб. – Вақт ҳам ўн бирдан ошиб кетибди. Ҳаммага жавоб, яхши дам олинглар...

Уткирбек аэропортлар, темир йўл вокзаллари оркали Норпўлат Алматовнинг кейинги бир ой ичида Москвага чиққан йўловчилар рўйхатида йўқлигини аниқлади. Шундан сўнг текшириш доирасини кенгайтириб, унинг хорижга жўнаб кетган-кетмаганлигини аниқлашга киришди. Бахтга қарши божхона, чегара хизмати ва бошқа муассасалардан олинган маълумотлар унинг умуман Ўзбекистондан четга чиқмаганлигини кўрсатди. Бу ҳолат, устига устак унинг ўн кундан бўён алоқага чиқмаётгани, телефони ўчирилгани терговчиларни ташвишга солиб қўйди.

Терговчининг топшириғи бўйича изқуварлар телефон тармоғидан Норпўлатнинг қўл телефони пеленгацияси (қўнғироқ жойини аниқлаш усули) таҳлилини сураб олишди. Маълум булишича, охирги қўнғироқ Сергели тумани Дўстлик даҳасидаги б-уй атрофидан амалга оширилган. Норпўлат хотини билан гаплашиб, Москвага кетишини билдирган. Терговчилар ундан олдин амалга оширилган кириш-чиқиш қўнғироқлари ва уларнинг пеленгацияси таҳлилига киришдилар. Қўнғироқларнинг асосий қисми Термиз, Бойсун, Дарбанддаги телефон тармоғи мижозларига тегишли бўлиб, улардан фақат учтаси Тошкент шаҳрига даҳлдор экани аниқланди. Тезда уларнинг шахси ва яшаш манзиллари аниқланди. Энг кўп гаплашилган рақам эгаси Сергели тумани яшовчи Норгул Кўчимова терговчилар дикқатини тортди.

— Норгул айнан Дўстлик даҳасидаги б-уйда яшаркан, Норпўлат охирги қўнғироқни унивидан туриб амалга оширгани аниқ, — мулоҳаза қилди Уткирбек тилла топган одамдай суюниб. — Бундан ташқари, икковининг телефонлари пеленгацияси таҳлили охирги икки кунда улар кўпинча бирга бўлганликларини кўрсатмоқда...

– Демак, анча яқин бўлишган, - деди Фахриддин изқувар олиб келган хужжатларга тикилганча. - Одам юборганимисиз? Қачон олиб келишади.

– Ҳа, йигитлар ҳали замон келиб қолишиша керак. Норпӯлат мулоқотда бўлган иккинчи мижоз Шота Руставели кўчасидаги хусусий меҳмонхона хўжайни Сабина исмли аёл экан. Учинчи рақам Эргаш исмли нафақаҳурга тегишли. Уларга ҳам одам юборганиман...

– Мехмонхона эгаси тушунарли, нафақаҳур билан нимани ҳал қилган бўлиши мумкин?

– Ўзи келиб айтмаса, бирор нарса дейишга каминанинг ақли ожизлик қиласадур, - деди изқувар тиржайиб.

– Ўзидан эшитганимиз бошқа нарса! Аммо сиз билан биз юристлармиз. Уларнинг нима дейишларини олдиндан тахмин қила билишимиз ва шунга қараб савол-жавобга тайёр туришимиз лозим. Кўп терговчиларни курганман, айбланувчи, гувоҳнинг олдида ўзининг билимсиз, ваколатсиз эканлигини курсатиб, шумшайиб ўтиришади...

– Энди бизнинг услуг сизларнидан фарқ қиласди-да! Сизлар олдин далил тўплаб, кейин бўйнига қўясизлар. Бизлар эса аввал бўйнига қўйиб, кейин далил тўплаймиз. Бундай олиб қараса, икки ўн беш – бир ўттиз.

– Кечириб қўясиз, жаноб изқувар! – Фахриддиннинг юзи тиришди. – Сиз айттаётган нарсалар бошқа-бошқа. Бизники – қонуний ечим, сизларники – зўравонликнинг ўзгинаси. Uriш, мажбураш, сўкиш... ахир биз йигирма биринчи асрда яшаяпмиз-ку! Ҳукукий давлат...

– Баъзида шу услуг ҳам фойда беради! – деди Уткирбек паст кетгиси келмай. – Катта-катта жиноятлар очилиб кетади... Шунаقا “шакаллар” борки, яхши гап билан улардан бир оғиз ҳам сўз олиб бўлмайди. Йигитларимиз сал

“тарбиявий” ишлар олиб боргач, булбулдай сайрай бонилайди...

– Ким айтади сизни юрист, милиция ходими деб! Бу услугингизнинг фойдасини билмадиму, аммо зиёни беҳисоб. Одамларнинг ички ишлар, прокуратура идораларига, колаверса давлатга ишончини йўқотади. Жамиятга нисбатан норозилик кайфиятини уйғотади.

Шу пайт эшик тақиллаб, изқуварлардан бири хонага ёши кирқларга борган бўлса-да, ҳали латофатини йўқотмаган, қадди-қомати хушбичим, кийган кийимлари ўзига ярашга аёлни бошлаб келди:

– Норгул Кўчимова шу киши...

– Яхши, сиз бориб ишингизни қиласверинг! – Жасурбек ходимига изн берди.

– Марҳамат опа, ўтиринг! – деди Фахриддин гувоҳга жой кўрсатиб.

Аёл ийманибина кўрсатилган жойга ўтирди. Бунақа жойларга олдин иши тушмагани сабабли бўлса керак, унинг ниҳоятда безовталанаётгани кўриниб турарди. Фахриддин буни сезиб, чой қўйиб узатди. У ёқ-бу ёқдан саволлар бериб, “мехмон”нинг ҳаяжонини босишга ҳаракат қилди:

– Болалардан нечта, опа?

– Икки ўғлим бор, бири олтинчида, иккинчиси саккизинчида ўқиди.

– Турмуш ўртоғингиз...

– Ажрашганмиз... беш йил бўлди.

– Кечирасиз... ўргада икки фарзанд... ёлғиз ўзингизга қийин бўлмаяптими?

Аёл бир муддат жимиб қолди, сунг тортина-қимтина синик овозда давом этди:

– Қийинликка қийин. Моддий жихатдан эмас... ўзим ўқитувчиман, маошим қора қозонни қайнатишга етиб

турибди. Аммо болаларга ота меҳри керак бўларкан... Ажрашаётганмизда ҳам она, ҳам ота ўрнини боса оламан деб уйлагандим. Йўқ, адашган эканман. Уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни бор экан. Ҳозир болаларим тарбиясига бир ўзимнинг кучим етмай қолаяпти... Ёмон йўлларга кириб кетишидан қўрқаман...

— Гулдай хотини... ширин-шакар фарзандлари бўла туриб... турмуш ўртоғингиз...

— Ҳаммасига... ў-з-и-м са-баб-чи-ман!

— Ўзингиз?!

Ўткирбекка гурух раҳбарининг вақт тифиз пайтда бу аёл билан бемалол “ҳасратлашиб” ўтириши эриш туюлиб, ўрнидан қўзгалди ва деворга осиғлик дунё харитасини тамоша қила бошлади.

— Эрим ёмон йигит эмасди. Тадбиркорлик қиларди. Топиш-тутиши жойида, болаларига меҳрибончилигининг чеки йўқ... менинг ҳам ҳурматимни жойига қўярди. Фақат бир камчилиги... аёлларга суюги йўкроқ... бегона аёлларга учроқ... “юради”!

— Э-э қизиқ аёл экансиз-ку, юрмайдиган эркак бормикан? — Ўткирбек чидаб туролмади. - Ҳожибой қизиқ айтмоқчи, юрадигани майли, югурадиганлари қанча бу эркак зотининг! Шунинг учун ажралиш керак бўладиган бўлса, бирорта оила соғ қолмасди-я!

Аёл “сенам шуларнинг туридан бўлсанг керак-да!” дегандай изқуварга ўқғ ՚иб қараб қўйди.

— Парво қилманг! Кейин-чи, кейин нима бўлди? — Фахриддин томоқ қириб, касбдошига “шу гаплар нимага керак!” дегандай маъноли қараб қўйди. – Давом этаверинг!

— Пешонамиизда бор экан, қўраяпмиз. Энди афсус-надомат чекищдан нима маъни!

— “Ҳаммасига мен ўзим айборман” деганингизга шунолмай турибман, - терговчи аёлнинг юрагига йўл лишга ҳаракат қиласди, – одатда ажрашиб кетган эр-хотин борирининг устига мағзава тукишга ҳаракат қилишади...

— Йўқ, мен эримни айбламайман. Ҳаммасига ўзим борман. Мени рашк деган бало адои тамом қилди, – анча йитдан буён кўнглини бировга очолмай қийналиб юрган килли, жон кулоги билан эшигадиган одам топилганидан дмон Норгулнинг чакаги очилди. – Мени яхши кўрмасди, байтолмайман. Мехрини аямасди, атрофимда парвона эди. Сирин сўзлар билан кўнглимни олишни ҳам биларди. Лапарвар, болажон эди. Аммо, тарозининг бир палласига оча яхши хислат ва амалларини қўйгандага ҳам... хиёнат ган бало турган иккинчи палласи босиб кетарди. Босида тона аёллар билан муносабатини мендан яширади. Мен телефонини ковлаб, ҳаммасини билиб олардим. Телефонидан аёлларнинг рақамларини ёзиб олиб, ўзига тадирмасдан улар билан бир-бир гаплашиб чиқардим. То млигини аниқлаб, масаланинг тубига етмагунча очимасдим. Кимdir эримга бу ҳакда айтса, уша куни уйда нжал чиқарди. Энди ўйлаб қарасам, Отабек акам билан ўн бирга яшаб, неча марта жанжаллашган бўлсак – ҳаммаси шик туфайли бўлган экан...

— Узиям роса ошириб юборибсиз-да, опа! – деди кирбек учакишгандай. – Сизни, болаларини, оиласини ши курса... сизга яна тош керакмиди?

— Аёлларнинг сочи узун, ақли калта бўлади, деганлари шт экан, – Норгул Ўткирбекка бир қараб қўйиб, сўзини зом эттириди. – Болалар ҳамма нарсани тушунадиган бўлиб лишиди. Эрим юришдан, мен рашк қилиб, жанжал қаришдан чарчамадик. Хаёлимда тўполон кила-қила имни тарбиялаб оламан, бегона аёлларга кўз қирини ҳам

ташламайдиган, факат менга қарайдиган қилиб, ўз йўлимга солиб оламан дея хомхаёлга берилган эканман. Аммо ҳаммаси олдинга қараб эмас, орқага қараб кетаётганини ўша пайтда сезмай қолипман. Бошида бегона аёллар билан юришини яширадиган, зўр бериб ўзини оқлайдиган эрим аста-секин юзи очилиб, “ҳа, нима бўлти, ресторонда ўтирдик, ўтиришга бирга бордик!” деб қилмишларини қисман тан оладиган бўлди. Бу ёги ҳам ҳолва экан. Эр-хотиннинг уруши - дока румолнинг куриши, деган нақл бўларди. Бу мақол менимча, эр-хотиннинг рашидан бошқа барча уриш-жанжалларига таалуқли бўлса керак. Рашик туфайли буладиган келишмовчиликлар учун “дока рўмол қуришига” кетадиган вақт кўр қилмайди. Бу турдаги жанжаллар ҳафталар, гоҳида ойларга чўзилади. Бир кун жанжал чикқан жойдан қирқ кун барака кўтариларкан. Ҳафталарга, ойларга чўзилган жанжалларимиз сабаб ўртамиздан меҳр-оқибат, рўзгоримиздан кут-барака кўтарила борди. Жанжаллашишга жанжалланиб, ярашишга келганда иккимизнинг ҳам буйин бергимиз келмасди. Менинг хаёлимда “у айборми, ўзи ёнимга келиб, узр сурасин” деган фикр ҳукмон бўлса, унинг кунглида “жанжални у чиқарди, менинг айбим йўқ, нега энди хотинга буйин эгарканман, нега энди уни бошимга чиқаришм керак” деган ақида ин курганди. Бора-бора у ўзининг бегона аёллар билан юришларини яшириб ҳам ўтирмайдиган, жанжал чиқарганимда бақрайиб “нима қипти, ҳамма эркак юради, аканг ҳам, отанг ҳам, бобонг ҳам юрган, Куръони каримда эркакка тўртта хотин олишга рухсат ўтилган, мен ундей қилмаяпман-ку! Сен чида, ҳаммаси ўтиб кетади, бир кун инсоф берса, бизам сўпи бўлиб қолармиз!” дейдиган бўлди. Мен эса орамизга совуқчилик тушаётгани, оиласам, болаларимнинг тақдири хавф остида қолаётганини сезиб, билиб турсам-да, эр жонворни бировга бериб кўйишни

ақтимга сиғдиролмасдим. “У ё томомила меники бўлиши ё умуман бегона бўлиши керак, бирорларнинг сарқит ошини егандан кўра, оч юрганим маъқул” деб ўйлардим... Билмадим, бу касалликми, эримга боқканда кузларида қайсиadir танизнинг аксини кўргандай, кўлим кўлига текканда бу бармоқлар бошқа аёлнинг соchlарини силаганини сезгандай, кўкрагига бош кўйганимда ўзгача атирнинг бўйи димоғимга урилгандай бўлаверарди. Шундай пайтлар ёстиқдошим кўзимга балодай кўриниб, қалбимдаги муҳаббатим нафратга айланиб бораётгандай туоларди. Узимга-узим “бўиди, бугундан бошлаб рашк қилимайман, менга деса ит билан дон олишмайдими, қадримга етмайдиган одамдан қадр тилаб нима қилдим, яшасам шу болаларим учун яшайпман-да!!!” дея үзимни овутган киши бўлардим. Аммо, эртаси куни Отабек акам соқол олишга ваннага киргандами ёки ухлаб ётганиаридаими имкон топиб, телефонини кавлашга тушардим... яна жанжал, яна машмаша.. ҳаммаси бошқатдан бошланарди.. Ҳар нарсанинг чеки бўларкан. Сабр-бардош ҳам чегарасиз эмас экан. Биз ўша чегарани кесиб ўтган эдик...

— Кейин нима бўлди? - боядан бери тик турган Уктамбек жойига келиб ўтириб, “ўқитувчи”нинг “дарси”ни тинглашга тушибди.

— Эрим мендан безиб, уйга қадам босгиси келмай қўйди. Менинг ҳам уни кўришга кўзим, отишга ўқим қолмаганди... Муҳаббат билан нафратнинг ораси бир қадам экан... Бир кун келиб, одам ўзининг энг муқаддас нарсаларидан воз кечишга ҳам рози бўлиши мумкинлигини ўшанда ҳис қилгандим... Хуллас, ажralишдик... Эрим уйни бизга ташлаб, чопонини елкасига ташлаб, чиқиб кетди... Ҳаммаси яхши бўлар деб ўйлагандим... Ёшман, тенгим чиқса, турмуш қуарман, яиги оила тиклайман, б олаларимни тарбиялаб, баҳтли яшайман деган хаёлларим чинпакка чиқди. Бонида бир-иккитаси оғиз

— Норпұлат... Алматов... ким экан у? Танимадим. — гувоҳ бироз үнгайсизланиб, күзини олиб кочди.

— Илтимос, туғрисини айтаверинг. Бизда телефон сүзлашувларингиз таҳлили бор. Ўтган ҳафта бошларида күп қўнгироқлашгансизлар. Сўзлашувлар пеленгацияси натижалари сизга ва Норпұлатга тегишли телефонлар бир жойда булғанлигини курсатмоқда.

— Тушунмадим! — ажабланди Норгул.

— Демак, сиз-лар бир-га бўл-ган-сиз-лар! — деди Уткирбек дона-дона қилиб.

— Қанақа... бу нима деганингиз?

— Бирга юргансизлар демокчи, - аниқлик киритди Фахриддин.

Норгул ёлғон гапирганидан хижолат бўлиб бироз уйланиб қолди. Сўнг ҳикоясини бошлади:

— Шу ойнинг бошида Самолётда Термиздан Тошкенга қайтаётгандим. Шу ака билан бир жойга тушиб қолибмиз. Гаплашиб келдик. Бойсунлик экан. Гап-сўзларидан ёмон одамга үхшамади. Очиққина, самимий... дўлооп... “Куйиб қўйгандай раҳматли онамга үхшаб кетаркансиз!” деб ота-онаси ҳақида гапириб берди... Кейин олмайман десам ҳам “онамдан қолган хотира, сиз такиб юринг, сизни кўрсам онамни кўргандай бўламан” деб бир жуфт билакузук ҳадя килиди.

— Билакузук... қани уша...

— Н-и-м-а, ў-ғ-и-р-л-а-н-ган м-о-л... э-к-а-н-ми? — бидиллади Норгул кўзларини катга-катта қилиб.

— Йўқ, йўқ! Ҳозир қаерда уша нарса?

— Менда, уйла турибди...

— Яхши, давом этинг! — деди Фахриддин воқеалар нима билан тугашига қизиқиши ортиб.

- Москвага бораман, демаганмиди?
- Йўқ... нима Москвага кетиштими?
- Сизникига келган куни уйидагиларга телефон қилиб, Москвага кетаяпман, деган экан.

– Менга Москва тўғрисида оғиз очмаганди, - узича ингиллади Норгул. – Мен бусам, нима бўлдийкан, деб инмай қўнғироқ қип ётипман. Телефони ўчирилган... Узимам айрон булдим. Нега бир оғиз айтмасдан... Ҳали шу ерда ўламан... болаларни циркка олиб бормоқчи булаётганди...

– Балки шошилинч кетишга тўгри келиб колгандир-да, - еди Үткирбек аёлнинг ҳавотирини ёзиш мақсадида.

– Уша ёқдан ҳам қўнғироқ килса бўлади-ку! – Аёл чуқур ўрсинди. – Эркак зотининг ҳаммаси бир гўр, иши битиб, шаги сувдан ўтгунча, борини аямайди... кейин думини ўрсатмай қочиб қолади... Узр сўрайман... одамга алам иларкан-да!

Фахриддин яна бир қанча саволлар бериб, масалага йдинлик киритди. Норгулнинг уйидан Норпўлат ҳадя қилган илла билакузуклар далилий ашё сифатида олиниб, хулоса эриш учун эксперталар ихтиёрига топширилди...



Шота Руставели кўчасида жойлашган хусусий еҳмонхона эгаси Сабина Шарифовна элликлардан ошган ўлса-да, чаққонгина, ҳали қариликнинг “қ” ҳарфиниям ўйнига олай демаган, ўзини худди ўн саккиз ёшлардай тадиган, танноз аёл экан. Кийган кийими ҳам негадир ахриддиннинг кўзига бачканা куриниб кетди.

– Нима гап ўргулай, биз хусусий тадбиркор бўлсак, ўнунни бузган бўлмасак, прокуратарарага чақириби сезлар! – л “хужум”га ўтди.

- Биз бир жиноят иши буйича...
- Нима... қанақа жиноят...
- ... гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун чақирдик.
- Ҳа, шунака демайсизми? Хўш... эшитаман.
- Норпұлат Алматовни танийсизми?
- Норпұлатчикними? Конечно танийман, бизнинг доимий клиент! Нима қипти бечора? Локин маладес одам...
- Охирги марта қачон кўргандингиз?
- Мана бир ҳафта-ўн кун олдин ётиб кетганди. Беш-олти йиллардан бери Тошкентга тушса, бизнинг меҳмонхонада тунаиди.
- У билан гаплашғанмидингиз?
- Ну конечно, у келса, албаттa олдимга киради. Бу сафар ҳам озгина гаплашиб ўтиридик. Сурхондарёнинг тандиридан олиб келган экан. Пулини берай, десам – олмади. Шунака саҳий... оққўнгил. Ҳақиқий мужик-да!
- Нима мақсадда Тошкентга келган экан? – кейинги саволга ўтди Фахриддин.
- Бунисини билмадим. Ишлари билан келгандир-да! Тадбиркор одамнинг иши тугармиди? Ё бир ўйнаб, битини тўkkани келгандир-да! – Аёл юзига ажин туширмаслик мақсадида беухшов тиржайди.
- Нима деганди? Ишлари, режалари ҳақида гапирғанмиди? - терговчи саволни бошқачароқ тарзда тақрорлади.
- Олдинлари қаг қадир доривор “папай”ми-эй... па... па..
- “Папая”.
- Папая тўғрисида кўп гапиради. Кейинчалик бошқа крупнироқ бизнесга ўтди шекилли, анча дадилланиб қолди.
- Унинг олдига кимлар келарди?

— Честно, бирортасининг келганини кўрганим йўқ. Мен кўпинча кабинетимда бўламан. Келган бўлсаям, кўрмай қолган булишим мумкин. Ёнимизда “Манас” деган ресторон бор. Мехмонларини ўша ерга бешбармоққа чақиради...

— У охирги марта қайси хонага жойлашганди?

— Ҳамиша 202-хонага жойлашарди. Биласиз, бизда унча клиент кўп бўлмайди. Кўпинча хонанинг қалитини ўзи билан олиб кетарди... Вақт-бевақт келса кириб келаверарди.

— Қалитни ўзи билан олиб юрса, сизларга зарар бўлмайдими? Хона бўш турса...

— Қанақа заар? Норпӯлат керак бўлса, гостинсанинг бир-икки ойлик ҳақини бирйўла тўлаб қўярди.

— У турган хона ҳозирам бўш турибдими?

— Норпӯлат қалитни топшириб кетмаган экан, ўн кунча кутдик, кўнғироқ қилсак, телефони учирилган. Ҳайрон қолдим. Шошилинч чет элга жўнаб кетган бўлса керак, деган хаёлга бордим. Кейин бошқа клиентни қўйишга мажбур бўлдик... меҳмонлар кўпайиб қолди-да!

— Кўч-кўронини олиб чиқиб кетганмикан? – Фахриддин савол беришди давом этди.

— Қанақа кўч кўрон. Икки-учта кўйлак, шим... майдачуда кийимлари қолган экан. Йиғишириб, мени кабинетимга ўтказиб кўйдик.

— Уша буюмларни кўрсак буладими? – терговчи ўрнидан кўзғалди.

— Ну конечно! – Опа чап томондаги шкафни очиб, кўк рангли спорт сумкасини чиқарди. – Вот, ҳаммасини йиғишириб, сумкага жойлаб кўйдик.

Терговчи барча процессуал қоидаларни жойига кўйиб, холислар иштирокида сумкани куздан кечирди. Бахтга қарши кийим-кечаклар орасидан терговга нафи тегадиган бирорта далил топилмади.

Терговчи яна бир талай саволлар ёғдириб, анча пайттача аёлни “сувини сикди”.

— Яхши, мана менинг телефон рақамим, - нихоят қош қорайганда қоғоз-қаламини йигиштирас экан Фахриддин ташриф қоғозини узатди, — бирор нарса ёдингизга тушиб қолса, кўнғироқ қиласиз.

— Конечно, конечно! - аёл қоғозни олиб, ўрнидан турар экан аста шивирлади:

— Узи нима иш қилган? Айби оғирми?

— Ҳозирча бирор хулоса қилишга эрта! – Фахриддин ҳам муҳим сирни ошкор қилаётгандай секин гапирди.

— Ўзимам ўйлагандим-а, - деди аёл шахло кўзларини ўйнатиб, - шу одамнинг бир балоси бор, деб. Қадам босиши... нето эди-да! Ана, кўнглим сезган экан... Товба қилдим!

Фахриддин бошини иргаб қолар экан “танноз қарисада, ғамзаси қаримас” деган мақол ёдига тушди.

— Худо давлат бергани билан ақл-фаросатдан қисган экан-да!” дей минғирлади тезкор ходимлардан бири.

Шу куннинг ўзида хусусий меҳмонхонанинг бошка ходимлари, “Манас” ресторани хизматчилари сўроқ қилинди. Улар Норпӯлатни танисалар-да, унинг ишлари, режалари, учрашган одамлари хақида тайинли гап айта олмади. Навбат Эргаш бобога келди. Терговчи бу одам Норпӯлатнинг бирор қариндоши бўлса керак деб ўйлаганди. Аммо бошқача бўп чиқди. Чол бунаقا одамни танимаслигини, сурхондарёлик таниши ҳам йўқлигини билдириди.

— Эргаш ота, муйсафиц бошингиз билан ёлғон гапиришингиз яхши эмас, - туппа-тузук оқсоқолнинг тап тортмай ёлғон сўзлаб туришидан ғазабланган Фахриддин дашном берди.

Амирликиниң олшін таҳти шыдан

— Э-э иним, бу нима деганинг? Танисам, “танидим” дердим-да! Шу ёшымда ёлғон сұзлаб үлипманми? — деди чол тутқоқиб.

— Манов телефон рақами сизга тегишслими?

— Қанака телефон, нималар деб жовраяпсан, болам! Мен умуман күл телефони тутмайман. Нафакада бұлсам... уйда телефон ишлаб турған бұлса, нима қиласам.

— Эргаш Собиров сизмисиз? Чилонзор тумани 20-мавзе 15-хонағонда...

— Түшпә-түғри! Мен Собиров! Нима демоқчисан? — үдоғайлади чол.

— Сизнинг номингизга “сим” карта олинган. Ұша рақамдан бизни қизиқтираётган Норпұлат Алматовга беш-олти марта құнғироқ бұлған. Балки болаларингиздан бирортаси сизнинг номингизга рақам олғандыр. Ким билан турасиз? Балки кампириングиз...

— Даққионусдан қолған кампирим билан тураман. Бир үғлим Москвада яшайды. Қизим Самарқандда туради... Билдинг?

— Билдим, билдим! Лекин рақам сизнинг номингизга олинган-да!

— Балки... — чол бирор нарса ёдига тушди шекилли, қироат билан томоқ қирди.

— Хүш, хүш! Паспортиңизни у-бу кимга берғанмидингиз?

— Үтган йили рўзи пайти паспортимни йўқотиб қўйгандим... яқинда янгисини олдим, билдинг!

Фақат шундан кейингина терговчи гап нимадалигини англағ, чолнинг телефон құнғироқларига алоқаси йўққа үхшайды, деган хулосага келди. Тезда телефон тармоғидан “сим” карта олишга асос бўлған хужжатлар олинди. Ҳақиқатда Эргаш бобонинг эски паспорти илова қилинган

экан. “Paynet” шахобчаси сотувчисидан ҳам тайинли жавоб олинмади. Терговчиларнинг “нима учун бирорвинг паспорти билан “сим” карта сотдингиз деган саволига “кимдир қари отасининг, онасининг паспортини олиб келиб, узлари касал, келолмайди, деб илтимос қилишади, узи келсин дейиш нокулай бўлади” дея жавоб берди.

Терговчининг жиноятчилар изига бу тарафдан тушиб бориши режаси ҳам иш бермади. Шу орада телефон сўзлашувлари пеленгацияси якуний таҳлили олинди. Норпӯлатнинг хотинига “Москвадаман” деб юборган смс Тошкент вилояти Зангигита туманидаги Эшонгузар маҳалласи худудидан юборилгани маълум бўлди.

– Демак, Норпӯлат Москвага бормаган. – Фахриддин мантикий хулоса қилишга киришди. – Унинг бундай ёлғон маълумот юборишига нима сабаб бўлган? Уйдагилари хавотирланмаслиги учун шундай қилдимикан?

– Нима “Тошкентдаман” деса бирор унга нега Москвага бормадинг, дермиди! – эътиroz билдириди Үткирбек.

– Балки алоқага чиқмай қўйишини хаспушлаш учун қилинган найрангdir! – гурух раҳбари хаёлига келган ўйдан узи чўчиб кетди. – Москвага бормаган, уйдагиларни ҳовотирланмаслик, тўғрироғи излаб, тўполон қўттармасликлари учун огохлантирган, мана ўн икки кундан бўён ҳеч қаерда йўқ... Уйдагиларга ҳам қўнғироқ қilmagan...

– Нима, уни ўлдириган демоқчимисиз?

– Афсуски, нақага ўхшайди! Норпӯлатнинг мижозлари фирромлик йулини танлаган куринади. Олдин майда-чуйда олтинларни сотишда ҳамкорлик қилиб юрган шерикларни тилла тахтнинг қўлга тушиб қолиши гандираклатиб қўйган. Бир-бирини айблашга тушган. Тахт эгаси жиноий шерикларидан молини ёки унинг пулинни қайтаришни зўр бериб талаб қила бошлаган. Қодир бунча

пулни қаердан топсин?! Без бўлиб туришдан ўзга чораси қолмаган. Мол аччиғи - жон аччиғи, дейдилар. Тилла таҳтнинг қора бозордаги қиймати миллион-милион долларлар билан баҳоланиши табиий. Норпӯлат шунча давлатни шамолга учирив, жимгина кета олмасди. Қўл қўлни танийди деганларидек, “мен молни сизларга топширганман, “товар”нинг қўлга тушиб қолганлиги менинг муаммом эмас” дея ҳакини талаб қилиб тураверган. Ўртада нифоқ чиққан ва у бора-бора катта жанжалга айланган. Шунда ҳамкорлар муаммони ҳал қилишнинг ягона йўли бу “кишлоки”дан қутулиш, деган хulosага келган. Унинг тўсатдан йўқолиб қолиши, уйдагиларининг милицияга мурожаат қилишига сабаб бўлиши мумкин эди. Шу важдан Москва режаси тўқиб чиқарилган. Норпӯлатни алдаб ёки мажбурлаб, “Москвага кетаяпман” деган маънода хотинига қўнғироқ қилдиришган. смсни эса унинг телефонидан ўzlари юборган. Бу пайтда Норпӯлат бу фоний дунёни тарк этган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас...

– Гапингизда жон бор! – маъқуллади Ўткирбек. – У ҳолда Норпӯлатни ҳозирча бедарак йўқолган деб эълон қилишига тўғри келади-ку!

– Майли, хужжатларни тайёрланг! – гурух раҳбарининг хаёли бошқа ёқда эди.

– Зебу зар хўжасига касофат келтиради, деганлари ростда! Амирликнинг хазинаси яна ўз “иши”ни бошлади, шекилли. Форда ётган 80-90 йиллик танаффусдан сўнг тағин инсонларга касофат улашишни бошлади. Алмат бобо шуни билиб, ночорликда кун кечирса-да, аждарни “уйғотиш”га шошилмаган экан-да! Кўрккан. Фарзандларига ҳам ўйтмаган... Норпӯлат қаердандир бу сирдан вокази бўлиб, ўждарнинг думини босган. Мана оқибати, ўзининг бошига

стиб ўтирибди.... Ҳали бу хазина кимларнинг ақлини олиб, кимларни ўз домига тортиб кетмайди...

Эшик тақиллаб, тезкор ҳодимлардан бири экспертиза хulosасини олиб кирди. Ўткирбек қоғозга кўз югуртириб, деди:

— Норгулдан олинган билагузук ўн саккизинчи аср Бухоро заргарлари томонидан ишланган экан, кимёвий таркиби тилла тахтга яқин экан... Ҳа, Норпӯлатнинг хазина топғанлигига энди шубҳа қилмасаям бўлади...

— Ҳа, Ўткирбек! Энди бошқа ишларни бир четга сурисб, Норпӯлат билан жиддийроқ шуғулланишимизга тўғри келади,

- деди Фахриддин хulosани қўлга олар экан. — Сиз йигитларни тўпланг. Мен Тохир Фофуровичга ахборот бериб чиқаман.

Санжарбек Рамазон билан Дарбандга кетар экан устозининг телефонда айтган гапларини ақл чиғириғидан ўтказишга ҳаракат қиласади: “Норпӯлатнинг Амирликнинг хазинасини топганига энди шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Йўқса кучада тасодифан танишган аёлига шундай қимматбаҳо ҳадяни оғринмасдан бериб юбормаган бўларди... Бу ёқда хотини “эрим Москвага кетган” деб бемалол ўтирибди. Бироқ, эрининг ҳаёти ҳавф остидалигини, ундан ҳам ёмони аллақачон дорилбақога рихлат қилган булиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ёки у ҳаммасидан хабардорми? Бу ишларнинг бошида ўзи турган булиши ҳам мумкин-ку! Аёл кишидан ҳамма нарсани кутса булади. Бу хилқат аҳлини тушуниш қийин. Лекин гап-сўзидан унақа ёмон аёлгаям ўҳшамайди... Негадир ўзини эрининг ишларидан умуман бехабардай тутаётгани қизиқ. Шунақа булиши мумкинми?

Наҳотки, Норпұлат хазинанинг сирини хотинидан ҳам яширган бұлса! Балким сирни унга ошкор қилишдан ҳайикқандир. Ҳар ҳолда үқимишли аёл, олтин-жавохир кишига вафо қымаслигини айтиб, давлатта топширишни талаб қилиб туриб олиши мүмкін... Бир том остида яшаб эрининг нима ишлар қилиб юрганини сезмай қолиши мүмкінми? Тиллаларни уйдагилардан яширинча қаерда сақлаган бұлса! Машинаси бұлған әркакнинг гаражи бұлади. У ерга одатда аёллар қадам босмайды...”.

– Қаёққа ҳайдай? – Рамазоннинг овози Санжарбекнинг хаёлини бузди.

– Қаёққа бұларди, аввал анави нафақадаги майорни... Энди сиз ҳам тергов гурухининг тұлақонли аъзосисиз. Нима қилиш кераклигини мустақил ҳал қилишингизга тұғри келади, – ҳазиллашды Санжарбек.

– Тушунарлы! Биз үзимизни терговчига ҳайдовчи деб ҳисоблаб юргандик-да! – “шофёр” мулойим жилмайиб, рұлни участка инспекторининг ишхонаси томонға бурди.

Ҳамро “журналист”ларни дарров таниди:

– Э келинглар, келинглар! Эски қадрдонлар-ку!

Санжарбек гапни чўзиб ўтирасдан үзини ва ҳамрохини таништириди ва ўтган сафарги хизмат юзасидан тұқылған “ёлғон” учун узды сүради. Гувохнинг үзини у ёқ, бу ёққа ташламаслиги учун масаланинг жиiddийлигини ҳам эслатиб күйди:

– Ҳамро ака, биз олтин билан боглиқ ишни тергов қилаяпмиз. Норпұлат аканинг ҳам шу ишга аралашыб қолғанлиги гумон қилинмоқда. Баҳтта қарши у кишини ўн иккى кундан бүён топиб бўлмаяпти. Уйдагиларга “Москвага кетаман” деган. Аммо Россияга бормаган. Телефони үчирилған... Умри узоқ бўлсину, бизда уни жиноий шериклари ўлдириб кетган булиши мүмкин деган тахмин бор.

Утган сафар сиз Норпӯлатнинг кимгадир тилла согланлигини...

— Конечно, конечно! Вазият бунақа қалтис экан... айтмасак бўлмас... Сизларга фойдаси тегса бўлгани! Локин яхши бўлмапти-да! Валламат жигит эди-да! Балки хали тирикдир... Бирор жойга кетган бўлса....

— Бўлиши мумкин! Ўша тилло масаласида...

— Да, да! Термизда бир ошнам бор, Бахтиёр бозор дейишади. Машина олди-сотдиси билан шуғулланади. Норпӯлат ундан “Прадо” олган экан. Ўлгудай қиммат машина! Пули етмай қолган жойига... тилла танга таклиф қилган экан... Бор гап шу!

— Ошнангиз тилла тангаларни олиптими? — сўради герговчи.

— Омапти! “Тиллангни тушунмасам, кейин уларни қаерга ўтказаман!” деб таклифига кўнмапти. “Ўзинг бирортасига сотиб, пулини кейинроқ берарсан” депти.

— Қанча экан ўзи, кўпми? Нархи қанақа...

— Нархини билмадимку-я, тангачалар бир ҳовуч... эллик, олтмишта бўлган чоғи, - деди Ҳамро қўли билан чамалаб.

— Кейин-чи, кейин нима бўпти?

— Кейин нима бўлганини қайдан билай! Ўзи камгап, “ичимдагини топ” деган йигит. Ўша куни анов “қултамитсин”дан сал отиб олгани учун жағи очилганди-да! Бўмаса бирорни сотадиган бола эмас!

— Ана Норпӯла и сотиби-ку! — Рамазон атайлаб майорнинг жигига тегди.

— Мен милиса... бўлсамам бирорга ёмонлик соғинмаганман! Шунинг учун... ишониб... Ҳа, кейин шунча гиллани куриб, Норпӯлат тушимагур тангаларни қаердан олдийкан, деб ўйланиб юрган экан шекилли мендан “нима бало бу ҳамқишлоғинг кўза-пўза топиб олганми?” дея сўраб

қолди. Мен “пулдор одам бирортасидан сотиб олган бўлса керак-да!” деб қўя қолгандим. Ҳозир энди манави гапларни эшитиб, ўйланиб қолдим... Бахтиёр бозор ер остида илон қимирласа сезадиган одам. Ўшанда кўза ҳақида бекорга сўрамаган экан-да! Нима бало миш-мишларда жон борми дейман?

— Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирлармиди? Одамлар бир нарсани билмаса, гапирмайди. - Рамазон гувоҳни “қитиклаб” қўйди.

— Мен мўъжизаларга кўпам ишонавермайман! Оғзига кучи етмаганлар нималарни гапирмайди...

Кейинги манзил Норпўлатники бўлди. Уй бекаси чақирилмаган меҳмонларни унчалик хушламай кутиб олди. Шундай бўлса-да, одоб юзасидан уларни ичкарига таклиф қилди. Йўл-йўлакай “нима, ҳали мақолаларингиз битмадими?” деб сўради. Санжарбек “йўк-да!” дея кулиб қўяқолди. Айвон тўридаги чорпояга ўтиргач, терговчи ҳақиқатни айтишга ҷоғланди:

— Шарофат опа, аввало бизни маъзур тутасиз. Вазият шуни тақозо қилгани учун сизга ўзимизни мухбир сифатида танишитирғандик. Аслида биз прокуратура терговчилари, мен республикадан, Рамазон вилоятдан.

“Прокуратура”, “терговчи” деган сўзларни эшитиб, хонадон соҳибасининг ранги оқарди:

— У-к-а-жон, т-и-н-ч-л-и-к-ми? Норпўлат акамга... бирор нарса... – аёлнинг дами ичига тушиб кетди.

— Тинчлик, тинчлик! Фақат айрим нарсаларга ойдинлик киритишга тўғри келмоқда. Хўжайнингиз ўшандан кейин ҳали қўнғироқ қилмадиларми?

— Йўқ, қўнғироқ қилмади. Аммо, “ҳали ишларим битмаяпти, бўшасам ўзим телефон қиласман” деган маънода смс юборганди...

- Қачон?
- Кечада... шанба куни.
- Қани ўша смс?
- Аёл чўнтағидан телефонини чиқариб, ковлай бошлади.
- Мана, соат ўндан ўн бир дақиқа ўтганда келган экан. — Шарофат телефонни терговчига узатди.
- Санжарбек телефондаги хабарни овоз чиқариб ўқиди:
 - “Аяси, яхшимисизлар? Менинг ишларим кўпайиб кетди. Бўшасам, ўзим алоқага чиқаман. Хавотир олманглар!”.
 - Менам жавоб ёзиб юбордим, - Шарофат телефонни қулига олиб, ёзганларини кўрсатди.
- Санжарбек юборилган хабарни ўқиб чиқиб, аёлга юзланди:
 - Ижозатингиз билан телефонингиз вақтинча бизда турса!
 - Майлику-я... тинчликми ўзи, нима гап? — аёлнинг қалбига шубҳа аралади.
 - Биласизми, турмуш ўртоғингизнинг Россияга кетгани ёлғон бўлиб чиқаяпти. У Республикадан чиқиб кетмаган. Бунисини билмадиму, лекин муқаддам юборган смс хабарлари сизга Тошкентдан юборилган...
 - Тушунмадим! Нега унда менга Россиядаман, деб айтди экан. Нима бало, бирорта ўйнашиникида...
 - Биз бошқа нарсадан хавотирдамиз, - Санжарбек “карта”ни очишга қарор қилди. — Норпӯлат aka қандайдир жиноятчиларга ўралашиб қолган бўлиши тахмин қилинмоқда. Шериклари ундан ниманидир талаб қилиб, ушлаб турган бўлиши ҳам мумкин...
 - Нима деяпсиз! Қанақа жиноят. У киши у-н-а-қ-а... ишлар...
 - Булар ҳозирча бир тахмин ҳолос. Ҳақиқатни аниқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Шу сабабли сиз

саволларимизга пухта ўйлаб, батофсил жавоб беришингиз лозим.

– Жоним билан! Аммо... қандай қилиб... ахир... хўжайн...

– Эрингиз Тошкентга бирор нарса олиб кетганмиди? Кўлида юки бормиди?

– Ўзининг спорт сумкасидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди кўлида...

– Уйдан қай ҳолатда чиқиб кетганди? – терговчи сал тушунарсиз савол берганини англаб, аниқлик киритди. – Уйдан ким билан, нимада чиққанди?

– Бир ўзи эди, ташқарида оқ машинага кўзим тушгандай бўлганди... Бизникига ўхшаш “жип”...

– Ўша машинани олдин ҳам кўрганмидингиз?

– Йўқ. Балки эътибор қилмагандирман. Танишибилишиям кўп бўлса...

– Сиздан сир яширмасмиди?

– Қ-а-н-а-қ-а с-и-р? Тушунмадим...

– Қилаётган ишлари ҳакида гапиравмиди? – аниқлик киритди терговчи.

– Хўжайн “ичимдагини топ” деганлар тоифасидан, ҳамма нарсаниям айтавермасди. “Хотин киши қанча кўп билса, шунча маҳмадона бўлиб кетади” деб ҳазиллашарди.

– Эрингизнинг хазина топганидан хабарингиз бормиди?

– Санжарбекнинг сабри чидамади.

– Қ-а-н-а-қ-а ха-зи-на, нима деяпсиз? Тилла топган демоқчимисиз? – таажжубланди аёл.

– Ҳа, каттагина олтин хазина! Биздаги маълумотларга кўра, эрингиз Бухоро Амирининг йўқолган хазинасини топиб олган. Йиллар давомида уни ҳеч кимга сездирмасдан сарфлаб келган.

— Булиши мумкин эмас! Бирга яшаб, менинг сезмаслигим...

— Ўйлаб кўринг, Норпўлат ака хазинани қаерга яширган булиши мумкин?

— Бу гапларни қаердан топаяпсизлар билмадиму, аммо менинг ҳеч қандай хазинадан хабарим йўқ. Тўғри, хўжайнин ўз ҳалол меҳнати билан каттагина бойлик орттириди. Оғзига кучи етмаганлар нималар деб чиқармайди. Прокуратура кўчанинг гапига...

— Йўқ, бизни кўчанинг гапи қизиктирмайди. Асос булмаса, гапирмаймиз. Ишимиз шунаقا! — терговчи овозига расмий тус берди. — Демак, хазинадан хабардор бўлмагансиз, турмуш ўртоғингизнинг кейинги пайтлардаги хатти-ҳаракатида ҳеч қандай шубҳали, файриодатий ҳолатни сезмадингизми?

Шарофат “йўқ” дегандай бош иргаш билан чегараланди. Шу тобда унинг вужудини титрок босиб, қалбини вахима, даҳшат олови қамраб олганини сезиш қийин эмасди. Аммо терговчиларни бўлган бундай ҳолатига сабаб зриининг хавотирланинми еки ойла сирининг фош турдиган чишиими, тушувонмай турдигарди.

— ... я-га Кўнглиқи Бўлса... Ахлияр... дудукланда уй бекаси — телефон килган бўларди-да! Бунақа одатлари...

— Сиз ҳалиям вазиятни англаб етмадингиз шекилли! — Рамазон ўрнидан тури кетди. — Унинг хаёти ҳавф остида эканлигини наҳотки тушунмаган бўлсангиз!

Санжарбек “сал ошириб юбормадиларми?” дегандай шеригига маъноли қараб кўди ва ранги оқариб кетган уй Бекасинин овутишга туиди.

— Шарофат опа, Норпўлат аканинг Россияга кетмагани аник. Вазият тақозоси билан “Россияга кетдим” ўея ёлтон

гапириб, сизга телефон қилмай турган булиши мумкин. Балки шерикларининг талаби билан ҳозирча яшириниб туришга мажбур бўлгандир. Нима бўлгандаям у кишига тегишилиги гумон қилинаётган олтин таҳт Республикадан олиб чиқиб кетилаётганда божхоначилар томонидан қўлга олингани факт. Эрингиз билиб-билмасдан оғир жиноятга ўралашиб қолганига шубха йўқ. Жиной шериклари Норпӯлат аканинг қўлга тушишидан манфаатдор эмаслигини инобатга олганда унинг ҳаёти хавф остида эканлигини англаш қийин эмас... Сиз бизга ёрдам беришингиз лозим!

– Н-и-м-а қилишим зарур... – деди аёл шалвираб.

– Эрингизнинг хазинасидан хабардор бўлсангиз... ҳақиқатни тан олиб, бор гапни очиқ-оидин айтиб беришингиз...

– Ҳеч қанақа хазинадан хабарим йўқ дедим-ку... н-е-г-а ишонмайсизлар-а... билсам айтардим-да! – зорланди Шарофат. – Болаларимнинг отасидан азизосқ нарсам бормикан?

– Яхши, яхши! Унда уйингизни, хўжайинингизга тегишили ашёларни кўздан кечириб, айрим нарсаларга аниқлик киритиб олигимиизда кўмаклашишингиз лозим.

– Марҳамат! Нафим тегса... жоним билан... факат хўжайнинга бир кор-ҳол... миям ишламай қолаянти! – деди Шарофат сал дадилланиб.

– Яхши ният қиласилик! Умидсизликка тушиш яхши эмас! – далда берди Санжарбек.

Терговчилар уй бекасининг рухсати билан уйнинг ертуласидан тортиб, ёрдамчи биноларнинг томигача, ўтинхонадан тортиб, ўчоқбошигача, молхонадан тортиб, итхонагача – ҳамма иншоотларни кўздан кечириб чиқишиди. Норпӯлатнинг иш столи ва анжомлари, кийим-кечаклари,

тўнгакларини қарашиб ҳам кутилган натижа бермади, терговга срдами тегиши мумкин бўлган далилий ашёлар топилмади...

Шу куннинг ўзида сўрок қилинган Бахтиёр бозор Ҳамронинг кўрсатмаларини тўла тасдиқлади. Унинг таъкидлашича, Норпўлат “турса давлат, сотсанг пул” дея тиллаларини роса мақтаб, олиб қолишни илтимос қилинган. Рад жавобини эшитгач, “аммо, кўп нарсани йўқотадиган бўлдинг-да!” деб кулиб кўёғолган. Бахтиёр “ниҳоят бобойният кўммасини топибсиз-да!” дея ҳазиллашган. Норпўлат негадир ўзини ноқулай сезиб, “сизга ким айтди?” деган. Кейин дўстининг ҳазилашаётганини пайқаб, “сизгаям жойини кўрсатишим мумкин!” дея кўшиб кўйган.

Мутахассисларнинг Норпўлат номидан юборилган сўнгги смс ҳам Россиядан эмас, Зангиота тумани худудидан юборилгани ҳақидаги холосаси билан танишиб чиқкан Фахриддин чуқур ўйга толди: бунаقا бемаъни ўйин кимга керак экан? Ёлғондакам смс хабарлари юборишдан мақсад нима? Хотинини тичлантиришми? Вақтдан ютишми? Терговни чалғитиб, бошқа йўналишга буриб юборишми? Ёки бу ишларни Норпўлатнинг ўзи ташкил қиласяптими? Нега, нима мақсадда? Балки ўзини Россияга кетган қилиб кўрсатиб, шу ерда паноҳ топмоқчидир. У ҳойнахой фан-техниканинг имкониятлари ҳозир телефон кўнғироғи, смс хабарлари юборилган жойни аниқ айтиб беришидан бехабардир. Балки у аллақачон...

Эшикда Уткирбек кўринди:

— Фахриддин Каримович, ниҳоят Норпўлатнинг телефони “тил”га кирди! Зангиота тумани худудида...

юрмокчимиз. Сизни огохлантиришта кирдим...

– Жуда соз! Наҳот Норпұлат...

– Бунга кафолат бериш қийин! Лекин ким бұлсаям, телефон унда. Топсак аник булади. Истасангиз сиз ҳам...

- Кетдик!

Гурух Зангита туманиға қараб йүл олди. Махсус автомашина Эшонгузар қишлоғидан үтиб, шаҳардан узоқлаша борган сари телефон тұлқини тиниклаша борди. Асфальт йүл тугаб, шағал йұлак бошланды. Қиши сөвуғида жунжикиб “дам” олаётгап әкінзорлар ортда қолиб, машина тутзор оралаб, қишлоққа кириб борди.

– Етиб келдик шекилли, - деди аппаратура ёнида қулоғига эшитиш усқунасини осиб олган мутахассис йигит. – Сигнал шу атрофдан... чап томонға...

Машина құмлоқ сұқмоқ оралаб бироз юргач, алоқачи тұхташ ишорасини қилды.

Фахриддин атрофға алаңглар экан хаёлидан “Норпұлат бу қишлоқда нима қилиб, улоқиб юрган бұлса” деган үй үтди. Атрофи пастқамгина девор билан үралған ҳовлиниң дарвозаси ланг очиқ, ичкарида оғилемона олдида бир тұда құй-құзилар күзға ташланды.

– Сигнал шу үйдан тараляпты, - деди мутахассис қулоғидаги усқунани ола туриб.

Гурух аъзолари машинадан тушиб, дарвоза тарафға қараб юришди. Молларга емиш бериш билан овора үн түрт-үн беш ёшли бола мәжмонларға күзи тушиб, құлидаги чөлакни бир четға қўйиб, уларнинг истиқболига чиқди:

– Ассалому алейкум, адам үйда йүқ эдилар! – уялибгина саломлашди йигит.

– Ваалайкум ассалом! Болажон, яхшимисиз! – Фахриддин күл беріб күришди. – Исмингиз ким?

- Содиқжон, уйда катталардан ким бор?
- Адам Россияда... Ойим бозорга кетгандилар!
- “Россия” сүзини эшитиб, терговчи Уткирбекка міньоли қараб қўйди:
 - Адангизнинг исми нимайди?
 - Пўлат ака.
 - Россияга қачон кетганди?
 - Уч йил бўлди...
 - Норпўлат ака-чи! У киши қаерда?
 - Ким у?
 - Норпўлат акани танимайсизми?
 - Қ-а-н-а-қ-а Нор-пў-лат! Адамни оти Пўлат...

Шу пайт дарвоза олдида “Тико” машинаси тўхтаб, ундан чамаси 35-40 ёшлардаги тўладан келган аёл қулида бир дунё юки билан пилдираб гушди. Эшик олдида бегона машина, нотаниш одамларга кўзи тушиб, солиқчилар деб ўлади шекилли, ранги оқариб кетди. Машинадан тушишга гушдию, кайтиб кетишнинг иложини қилолмай қотиб қолди. Уткирбек аёлнинг аҳволини тўғри англаб, вазиятдан кугқармокчи булди:

- Опа яхшимисиз! Сиз Содикжоннинг ойисимисиз?
- Аёл бир қулидаги юкка, бир ўғлига қараб, пичирлади:
- Яна бир касофатни бошладими бу ер ютгур!
- Йўқ, йўқ! Содикжонда айб йўқ! – Фахриддин ўзини ва ҳамроҳларини таништи иб, мақсадга ўтишни лозим топди. – Биз Норпўлат акани қидириб келгандик.

Гап дараксиз кетган эри хақида кетаётганини фахмлаган аёлнинг чехраси сал ёришди, қулидаги юкларни бир четга қўйиб, терговчига юзланди:

Амирликнинг олдин таҳми үзидан

— Акангиз Россияга кетганига уч йил буп қолди! Уйинг куйгур, на ўзи келади, на бола-чақасини ўйлаб, пул юборади, на ўлиқ-тириклиги хабарини беради.

— Биз Норпӯлат акани...

— Э канака Норпӯлат! Эримнинг оти Пулат! Нима деяпсиз? Сизларга ким керак ўзи?

— Демак, эрингизнинг исми Пўлат, шундайми? — деди Фахриддин орадаги тараангликка бархам бериш учун мулоимлик билан. — Бизга сурхондарёлик Норпӯлат ака керак эди. У кишини танийсизми?

— Сурхондарёлик? Йўқ унака танишим йўқ! Норпӯлат деганларини умуман билмайман...

— Балки эрингизнинг таниш-билишлари ичида...

— Бўлса бордир! Агар тополсангиз ўзидан сўраб кўринг! Ўзимни ташвиш имконига ўзимга...

— Унда Норпӯлат акага тегишли телефон уйингизга қандай келиб колганини тушунтириб берарсиз!

— Т-у-ш-у-н-м-а-д-и-м! Қанака телефон... Менда шу алмисокдан қолган телефондан бошқа... - аёл чўнтағидан белига пулни ўрашда ишлатиладиган резина вайлантирилган ранги учеб кетган телефонни чиқарди.

— Аммо, тулкин сизнинг уйингиздан чиқаяпти? Балки ўғлингиз билар? — Уткирбек бир чеккада ер чизиб турган Содикжонга яқинлашиди.

Бола гап нимадалигини англади шекилли чўнтағидан чиройли кул телефонини чиқариб, унисиз Уткирбекка узатди. Буни кузатиб турган она жаврай кетди:

— Ҳа уйинг куйгур, буни қаердан олдинг, ўғирладингми? Сен бола одам бўлмадинг, бўлмадинг-да! Ҳа, отангта ўҳшамай ўл! Куйдиргилик... Сени нима ниятда...

Фахриддин бурнининг суви шўрғалаб турган боланинг олдига яқинлашиб, секин сўради:

– Содикжон, бу телефонни қаердан олдингиз?

– Ҳа, ер ютгур, гапир! Нега оғзингга толқон солиб ўтирибсан! Қаердан олдинг? Бошимда шу ташвишлар ҳам бормиди-а! – она ҳамон шанғилларди.

– Она, илтимос ўзингизни босиб олинг! – Фахриддин аёлни тинчлантиришга уринди. – Ижозатингиз билан ичкарига кириб гаплашсак.

Аёл енги билан кўз ёшларини артиб, тугунларини судраганча меҳмонларни ичкарига бошлади. Йигитлар аёлга ёрдамлашди. Айвондан ўтиб, меҳмонхонага киришди. Хонага анчадан буён одам кирмаган шекилли, зах ва салқин эди. Хонтахта атрофига ўтиришди. Меҳмонларнинг “қўй-қўй”га қарамасдан уй бекаси бирпасда дастурхон ёзди, чой келтирди. Фахриддин мавридини кутиб, ёнида ўтирган болани сўроққа тутди:

– Содикжон, сизга телефонни ким берди? Унинг эгасини танийсизми?

Бола пойгада қовоғидан қор ёғиб ўтирган онасига бир қараб олиб, минғирлади:

– Ўғирлаганим йўқ, топиб олдим...

– Қаердан топиб олдингиз? Қачон? – Фахриддиннинг юраги ниманидир сезгандай сесканиб кетди. Боланинг гали рост чиқса, Норпӯлатнинг ўлеми исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлиги хаёлидан ўтиб, ичидан зил кетди.

Бола индамай тураверди.

– Қаердан топдинг, гапир, мум тишлаб турмасдан! – она боласига танбех берди.

– Содикжон, қани бир бошидан сўзлаб беринг-чи! Фақат ёлғон қўшманг. Бу биз учун жуда ҳам муҳим! – Үткирбек тоқатсизланди.

– Кўл бўйига... қўйларни оёғини ёзгани олиб чиққандим, - нихоят бола тилга кирди.

— Хүш, хүш, кейин-чи!

Кейин... буталар орасига ҳожатга... ўтиргандим. Йўл чеккасида бир қора машина тұхтади. Ундан икки одам тушиб, мен ўтирган бутазор томонга қараб кела бошлади. Тепамга келиб, бироз гаплашиб туришди, сигарет чекишиді. Мен нима қилишимни билмай, индамай ўтиравердим. Туриш нокулай... Бир пайт боягилардан биттаси چүнтагидан бир нарса чиқариб, қулоғимга қалинди. Иккинчиси эса “қўркма, қўлнинг тагидан ким топиб оларди, ёзгача чириб кетади” деди... Бегона кимсалар машинасига ўтириб кетгач, бояги нарсанинг қаерга тушганини чамалаб кўрдим. Балки анави акаларнинг гапини эшитмаганимда, сувга ташланган нарсага унчалик эътибор бермаган бўлардим. Бирорта кераксиз буюмми, ялтироқ филофми деб ўйлаб кўя қолардим. Уларнинг “биров топиб олса нима бўлади?” дея ҳадиксираши қизиқишимни янада орттириди... Қиши куни бўлса-да, ҳаво унчалик совук эмасди. Кўчада одам аришини кутиб турдим. Фурсатини топиб, ечиниб, сувга тушдим. Баданим жунжикиб кетаётган бўлса-да, чидадим. Қўлнинг чамалаб қўйган жойига бир неча бор шўнғиб, ялтироқ нарсани олиб чиқдим. Қарасам, телефон...

— Ана ўғирламапти-ку, топиб опти! Одамнинг ўтакасини ёриб юбораслар-эй! Сураб-суриншириб ўтирмасдан бир бечорани айблайвераркансизлар-да! Камбағални тужнинг устидаям ит қопади деганларича бор-да!... — аёл жоврашдан тұхтамасди.

— Кейин-чи? Содикжон, сиз давом этаверинг! — Фахриддин онанинг гапига парво ҳам қилмай боланинг оғзини пойларди.

– Телефонни уйга олиб келиб яшириб қўйдим. Бир исчада купдан кейин сабрим чидамай кечаси телефонни жойидан олиб, ишлатиб кўрмоқчи бўлдим. Аммо, очсан “сим картаси”, батарейкаси йўқ экан. Бир синфдошимнинг шунаقا телефoni бор эди. Ундан эски батарейкасини сўраб олдим. Ўзимнинг “сим картам”ни кўйиб, телефонни ёқдим... Узи кеча...

– Номаълум кимсалар сигарет чекканини айтдингиз. Демак, “бичоги”ни ўша ерга ташлаган, шундайми?

– Балки! Мен бунга эътибор бермапман.

– Улар қанақа кийимда эди? Кийимидағи белгиларга, сўзуларга кўзингиз тушмаганмиди?

– Қора плашми, пальтоми... ишқилиб шунаقا кийимда ёди...

– Синфдошингизнинг исми-шарифи ким эди?

– Султон... Шарипов...

– Телефонни кўлга иргитган кишиларнинг юз куринишини эслаб қолдингизми?

– Мен буталар орасида эдим. Улар тепаликда... юзини яхши кўролмадим.

– Машинаси қанақа марка эди?

– Қора рангли... овозидан “Нексия”га ухшади... “Жигули”, “Москвич” эмас-да!

– Машинанинг қайси томондан келиб, қайси ёқса юрганини кўрдингизми?

– Қаердан чиққанини кўрмай қолдим. Юрдандан кейин буталар орасидан чиқиб, ортидан қарасам машинанинг Эшонгузар томонга кетаётганини кўрдим.

– Демак, машина маркаси ва рангини аниқ кўргансиз, шундайми?

– Шундай! Машина маркаларини яхши ажратаман... “Нексия” эди.

Содиқжон, яхшилаб ўйлаб куринг, улар тепада гаплашиб турганда яна нима ҳакда сұхбатлашишди? Балки бир-бирига мурожаат қилғанда исмини айтгандир...

– Билмадим... ёдимда йүк!

– Гап-сұзидан, шевасидан улар шу ерликка үхшадими ёки шаҳарликмиди?

– Улар бу үртанинг одамига үхшамади... шаҳарлик шекилли...

Шу куни терговчилар Содиқжоннинг кўрсатмаси буйича воқеа жойини кўздан кечиришди. Кўлга яқин йўл атрофидан бир неча сигарета қолдиқлари топилди. Терговчилар уларни авайлаб салафан халтачаларга жойлаштириб, текшириш учун жўнатишли. Бола ўтирган буталар орасини кўздан кечирган терговчилар боланинг ёлғон сўзламаганига яна бир карра амин бўлдилар. Султон Шариповни топиб, сўроқ қилишди. У дўстининг гапларини тасдиқлади.

– Менимча, энди Норпўлатни тирик кўришга умид қилмасак ҳам бўлади! – хулоса қилди Ўткирбек кун адоғида.

– Бўлиши мумкин! Аммо мурда топилмагунча уни тирик деб ҳисоблашга мажбурмиз! – эътиroz билдириди гурух раҳбари. – Нима деб ўйлайсиз, қотиллар бу жойларга нима мақсадда қадам ранжида қилган бўлса? Ҳар нечук телефондан кутулиш учун атайлаб шунча йўл босиб келишмагандир!

– Менимча, қотиллар ё шу атрофинг одами ёки мурдани гумдон қилиш учун шу жой танланган. Агар улар шу ерлик булиб чиқса, Норпўлатнинг ҳаётлигига умид қилса бўлади. Шаҳарлик бўлса, бу томонларга фақат битта мақсадда келишлари мумкин...

– Ҳа ўлманг, Ўткирбек! Ҳақ гапни айтдингиз! Бироқ айрим нарсаларни эътибордан четда қолдирдингиз. Биринчидан, шартли жиноятчилар бу жойларга мурдадан кутулиш, аниқроғи мурдани яшириш учун келган бўлса,

муҳим далилий ашёни шу атрофда сувга улоқтириши акли одамнинг иши эмас. Эртами-кечми телефон топилса, мурда яширилган ҳудуд чегараси анчагина қисқаришини тушуниб гасликлари мумкинмас...

— Ахир улар Содикжоннинг бута тагида “муҳим юмуш” билан ўтирганини тушларида кўрибдими? - деди Уткирбек гапни ҳазилга буриб.

— Иккинчидан, - давом этди Фахриддин, - улар бу жойларга балки ўз юмушлари билан, балки танишибилишлариникига, қариндош-уруғлариникига келгандир, балки жиноий шериклари шу ерликдар. Учинчидан, балки улар шунчаки ижрочиладир, асосий жиноятчиларнинг топшириғини адo этиб юргандир. Түртинчидан... Курдингизми, муҳтарам ҳамкасаба, вариантлар қанчалик бисёр... Шунга яраша қилинадиган ишлар ҳам талайгина...

— Демак, - билағонлик қилди Уткирбек, - галдаги бирламчи вазифа қора “Нексия”нинг кимга тегишили эканлиги ва қаердан рўйхатга ўтганлигини аниқлаш ҳамда шу атрофдаги қишлоғу овулларни, тепалигу пастликларни, ҷангалзору бутазорларни, далаю даштларни, ҳар бир овлоқни ҷиғириқдан ўтказишдан иборат. Бироқ мени бошқа нарса хавотирга солмоқда. Масаланинг ичига одимлаганимиз сари ҳақиқат биздан узоқлашиб кетаётгандай. Ўзи қайси ишни тергов қиласяпмиз? “Олтин таҳт”ними ёки Норпӯлатнинг ўлимними, йўғ-э ҳозирча бедарак йўқолишиними?

— Ҳар иккисини!

— Балки Норпӯлатнинг бедарак йўқолишини бошқа иш юритишга ажратиб...

Терговчи индамади. Тезкор ходим саволини такрорлади:

— Ўзимизни қийнаб нима қилдик! Мабодо бу ишларда ўзаро алоқадорлик аломатлари яққолроқ кўринадиган бўлса,

бираштириш қийин эмас-ку! Бу туришда чалғиб кетишимиш ҳеч гап эмас...

Сұхбатдошининг кейинги гаплари Фахриддиннинг қулогига кирмасди. Шу тобда у хаёлтнинг турлы кучаларига кириб чиқмоқда, аммо уларнинг барчасидан қуруқ құл билан умидсиз қайтаётганди...

Эшонгузар кишлоғи атрофида ишлар қызғин кетаётган бир пайтда Шарофатнинг телефонига Норпұлатдан яна бир смс келиб қолди. Каттагина матнли хабарда шундай дейилганди:

“Шарофатжон! Орадан унча күп вақт үтмаган бұлсада, сени болаларни соғиниб қолаяпман. Қанийди қанотим бұлса, ёnlарингизга учеб борсам...

Онаси! Сен ақлли, эсли-хушли аёлсан. Сенга айтмасдан бир иш бошлаб қўйгандим. Биласан, эркак кишининг қорни бир кося овқат билан тўйса-да, оиласи, бола-чакасини ўйлаб, ўзини ўққа ҳам, чўққа ҳам уради... Бизнинг ёшлигимиз қийинчилик, азоб-уқубатда, хўрликда үтди. Уша кунлари ёнимда туриб барисига чидадинг, менга тиргак бўлдинг. Биргаликда ҳаммасини енгиг үтдик. Эсингдами, тоғам бизни уйдан кувиб чиқарганда хўрлигим тутиб роса йиғлагандим. Ушанда сен бирам чиройли шоирона сўзлар билан “қўйинг ўксинманг, тўрут мучамиз соғ бўлса, гулдай фарзандларимиз, тотув оиласиз, дилда меҳр-муҳаббатимиз, билакда кучимиз бўлса, нимадан кўрқамиз, давлат деганлари ўзи бизни излаб келади!” дея далда бергандинг. Уша сўзинг қалбимда учеб бораётган умид учқунини оловлатганди, юксак чўққиларга қанот бағишилаганди... Кейин ҳаётимиз изга тушиб кетди... Мол-давлат орттиридик. Еганимиз олдимизда, емаганимиз

ортимизда булди. Пул одамни бузади деганлари рост ёки
Одам бойиган сайин бойишни истаб қоларкан...

Биз бир неча ҳамкорлар бир иш бошлагандик. Ҳаммаси
биз ўйлагандек осуда кетаётганди. Бирдан ишимиизда ишкал
чиқиб, барча режаларимиз чиппакка чиқди. Энди аҳволни
ўнглаш учун вакт керак. Уша шерилларимиз билан Россияяда
3-4 йил тер тўкишимизга, бой берилган имкониятларимизни
қайтариб олишга тұғри келади. Энг ёмони, шу даврда сизлар
билан учрашиш у ёқда турсин, телефон орқали ҳам мулокот
қилишининг имкони бўлмайди... Йўқ, йўқ! Сен хавотир олма!
Мен соғ-омонман. Аммо биз бошлаган уша ярамас
“уйин”нинг шарти шунаقا! Ҳали уйга қайтгач, ҳаммасини
ётиғи билан тушунтириб бераман. Илтимос, мендан бошқа
изоҳ талаб қилма... Сураганларга мени бизнес ишлари бўйича
хорижга кетган, у ёқда катта иш бошлаган деб қўявер...

Сенинг, болаларнинг тўкис яшаши учун уйда ҳамма
нарса старли. Ўзинг ҳаммасига эгалик қилиб, оқила оиласбоши
бўлиб, менинг йўқлигимни билдиримай туришингга ишонаман.

Эсон-омон уйга қайтишимни истасанглар мени
қидирманглар, топишга ҳаракат қилманглар, органга хабар
қилиб, аризабозлик қилиб юрманглар. Биз шундай шартни
қабул қилганимиз. Унинг бузилиши ишимиzinинг орқага
кетишидан бошқа “фойда” келтирмайди. Бу савдолар учун
сендан ва болажонларимдан узр сўрайман. Яратгандан сизлар
билан омонликда учрашувимизни сўраб қоламан”.

Мутахассислар хабар ҳақиқатдан ҳам Норпӯлатга
тегишли телефон рақамидан, Москва шаҳридан шу куни соат
17 дан 54 дақиқа ўтгандаги юборилганлигини тасдиқлаши.

Хабар Шарофатга ҳам кўрсатилди. У смс чиндан ҳам
эри томонидан ёзилганини таъкидлади.

Терговчиларнинг “балки хабар Норпӯлатнинг номидан
бошқа шахс томонидан атайлаб, чалғитиш учун ёзилгандир?”

деган саволига аёл “йўқ, йўқ, бу хатни хўжайиним ёзгани аник” деб жавоб берди. Унинг далиллашича, хабарда тилга олинган айрим воқеалар, хусусан тоғаси томонидан уйдан ҳайдаб чикарилганда, хўжайинини овутиш учун айтган гаплари эр-хотиндан бошқага маълум бўлмаган. Эри ҳатто бу гапларни бирорларга ошкор қилган ҳолда ҳам ўзга шахс бу сўзларни бунчалик муфассал баён қилиб беролмаган бўларди.

Шарофатнинг мушоҳадалари терговчиларга ҳам асосли туюлди. Бу ҳолат Норпўлатнинг ўлганлиги ҳақидаги тахминларни йўққа чиқариш билан бирга қидиув доирасини кенгайтириб, кундан кунга боши берк кўчага кириб бораётган тергов ишининг янада чигаллашиб бораётганини англатарди.

– Хўщ, Мавлоно Санжарбек, буёги қандоқ бўлди? – анчадан бери бир нуктага тикилиб ўтирган Фахриддин Каримович шогирдига юзланди. – Норпўлатни бедарак йўқолди дедингиз ишондик, ўлган дедингиз инондик! Энди тириклик даъвосини қилиб турибсиз! Буни қандоқ англамоқ лозим?

– Маъзур тутгайсиз, устоз! – Кун бўйи жиддий ишлар билан банд бўлган шогирднинг ҳам ҳазилга мойиллиги билинди. – Тергов деганлари шунаقا бекарор нарса бўларкан. Ҳаёлни гоҳ пастга, гоҳ ўрга, гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга олиб қочар экан. Қай бирининг ортидан тушишни билмай эсинг кетаркан. Ўзингиз айтгандек қочувчида бир йўл, қувувчида минг йўл бўларкан. Норпўлат хусусида турлича тахминлашимизнинг сабаби ҳам шундан!

– Боракалло Мавлоно! Ахён-аҳён сиздан ақлли мулоҳазалар чиқишига яна бир бор амин бўлдик! Офарин! Мошолло!

Кулги кўтарилиб, кўнгиллар бироз ёришгандай бўлди...

Кун кеч бўлиб қолишига қарамай тергов гурухи россиялик ҳамкаслари ёрдамида смс юборилган телефон

рақамини аниқлашга киришилар. Маълум бўлишича, Норпӯлатга тегишли “сим карта” Москва шаҳрининг “Белорус” вокзали яқинидаги уяли алоқа тармоғи тулқинига уч дақиқа уланиб, кейин учирилган ва ҳозирга қадар қайта тармоққа уланмаган.

— Демак, “смс”ни юбориш учун тармоққа уланилган, — тахмин қилди Санжарбек.

— Гапингиз асосли, — Фахриддин шогирдини қувватлади.
— Аммо, уч дақиқада шунча катта ҳажмдаги смс хабарини ёзиб, юборишга улгuriш мумкинми?

— Йуғ-э, айниқса бунақа дарду андуҳ тўла хатни соатлаб ёзишга тўғри келади!

— Ҳа, ўлманг Санжарбек, демак хат олдиндан ёзилиб, фақат уни шу рақамдан юбориш учун “сим карта” телефон аппаратига уланган. Менимча, кейин телефон аппарати ахлатга ташлаб юборилган.

— Нима, бу ишни кимдир Норпӯлатнинг номидан амалга оширган демоқчимисиз?

— Тўғри англадингиз! Бу “үйин” бизни чалғитиши учун килинаётган навбатдаги нағмалардан бири бўлса ажабмас.

— Шарофат хатни эри ёзганига...

— Шарофат ҳақ! — шогирдининг гапини бўлди Фахриддин. — Нома чиндан ҳам Норпӯлат томонидан битилган. Уни алдаб ёздириб олган бўлишлари керак...

— Ёки мажбурлаб... кейин унинг баҳридан ўтиб кўя қолишни маъқул кўришсан...

— Қўлимизда бунга етарлича далилимиз йўғу, лекин мантиқан олиб қараганда воқеалар ривожи шунга шаъма қилмоқда.

— Аҳа! Жиноятчилар негадир зўр бериб бизни Норпӯлатнинг тириклигига ишонтиришга уринмокда. Нима сабаб?

– Сабаби аниқ! – босиқлик билан тушунтиришга харакат қилди гурух раҳбари. – “Олтин тахт” хусусидаги жиноятта Норпўлатни “аралаштирмаслик” ва унинг бедарак йўқолиши фактини хаспўшлаш! Бу билан улар, биринчидан, Шарофатнинг эрини ахтариб, оламга жар солиши, аризабозлик қилишдан тийишни, иккинчидан, бизни хотиржам қилиб, терговни нотўғри йўналишга буриб юборишни мақсад қилган бўлса ажабмас. Жиноятчилар уларга тўғридан-тўғри чиқиш имконимиз йўқлигини англагани ҳолда, Норпўлат орқали чиқиб келишимиздан хавотир қилаётганликлари кундай равшан.

– Энди нима қиласиз? – деди Санжарбек елкасини қисиб.

– Тергов давом этади! – дадил жавоб берди Фахриддин.
– Сиз вақтни кетказмасдан яна Сурхондарёга жунашингиз лозим. Барibir калаванинг бир учи ўша ёқقا бориб қадалади. Вилоятдаги ҳамкаслар кўмагида Норпўлатнинг хазинасини топиш, унинг алоқаларини ўрганиш, хотини ва бошқа яқинлари билан чуқурроқ шуғулланиш ишларини жадаллаштирасизлар.

– Бундан бирор иш чиқармикан?

– Аввал ҳам таъкидлаганимдек, иш чиқмаслигининг ўзи ҳам натижа! Терговчи учун қилаётган ишига ишонч мухим масала! Усиз ҳеч бир жиноятни фош қилиб бўлмайди! – Фахриддин “уқдингизми?” дегандай шогирдига қараб кўйди. Ундан тасдик ишорасини қабуллагач, сўзини давом эттирди. - Биз ҳам бунда қараб турмаймиз. Ҳамма тахминлар устида ишлашни давом эттирамиз. Эшонгузар атрофидаги изланишлар ҳам сусайтирilmайди...

Терговчилар Дарбандга келиб, ишни бошлаганларида қишлоқда Норпӯлатнинг йўқолиб қолиши хусусида узун-қулоқ гаплар болалаб қолганлиги маълум бўлди. Бирор “бизнес қилишга Россияга кетганмиш” деса, бошқаси “кимданdir катта қарз бўлиб, қочиб кетганмиш” дейишарди. Яна бошқалари “бирон ишга чалкашиб, қамалишидан қўрқиб, жуфтакни ростлаган” дейишса, айримлари “тузуккина бола эди, бирорта суюқоёққа илакишиб, шу куйга тушганмикан!” деган даъвони қилишарди. Аммо, мишишлар орасида Норпӯлатнинг ғойиб бўлиши “олтин тахт”та ёки Амирликнинг хазинасига боғлиқлиги ҳақидаги тахмин учрамаслиги терговчиларни ҳайратга соларди. Демак, Норпӯлат жуда пухталик билан тадбир тузган, шунча хазинаси бўла туриб, ўзини ҳеч нарса кўрмагандай бехавотир тута билган, бирорга оғзидан гуллаш у ёқда турсин, хидини ҳам чиқармаган. Ҳатто бор сирини хотинидан ҳам пинхон тутганини айтмайсизми! Бу ҳар кимнинг ҳам қулидан келадиган юмуш эмас. Шунча нарсани ичида сақлаб, ёрилиб кетмаганига қаранг-а! Бирорлар кўчадан бир чақа топиб олса, ўзини қўярга жой тополмай, босар-тусарини билмай, қадам олиши ўзгариб қолади. Бу одамнинг ғойибдан шунча хазинани қўлга киритиб, ҳеч нарса кўрмагандай бамайлихотир юриши, устига устак эл ичида ўзини тадбиркор қилиб кўрсатиб, бойлиги манбасини “қонунлаштириб” олиши ақл тарозисига сифмас мушкул иш. Қанча пухта бўлмасин, у ҳам бир жойга келганда адашди. Қаердадир хатога йўл қўйди. Уша нуқтани, уша хатога қўл урилган вазиятни топиш лозим!

Санжарбек шуларни ўйлар экан, уйқуси қочиб кетди. Миясида чарх ураётган саволларга жавобни муқаддам тергов қилган ишлари орасидан излаб кўрди. Нормурод чўпон

Амирликнинг олтин тахти изидан

хазинанинг бир қисмини итхонанинг ичидағи яшириң жойга беркитганди, аммо қолган қисмини ғорнинг ўзида сақлаб келганди. Норпўлатнинг уйини роса илма-тешик қилишди. Аммо хазина беркилган жойни топишолмади. Балки у ҳам хазинәчинг керагини олиб, қолган қисмини ўша ғорнинг ўзида саклашни лозим кўргандир. Ҳар ҳолда бошқа жойга қараганда ишончлироқ, кўздан пана. Шунча йиллар бу сирни бегона кўзлардан сақлаб келган ғордан ишончли жой топиладими?... Нима, бир ками энди хазина қидириб, тоғматоғ, қирма-қир юрмагани қолди! Бу чек-чегарасиз тоғу тошлар орасидан хазина ахтариш, бедазордан игна ахтаришдай бир гап. Ўша замонлардан то бугунга қадар бу хазинани излаб нечовлар ақлдан озмаган! Аммо, унинг “васли”га етишмоқ бахтига фақат Норпўлат муюссар бўлган. Сабаби, унда отасидан қолган харита – калит бўлган! Усиз хазинани топиш амримаҳол эди. Дарвоқе, Норпўлат харитани қаерда сақлаб келган бўлса!

Санжарбек яшин ургандай ётган жойидан туриб, ёнидаги диванга қўнди. Нега олдинроқ бу фикр калласига келмаганидан таажжубланди. Харита қаерда бўлиши мумкин? Ўзи билан олиб юрганмикан? Йўқ, йўқ! Бу ақлли одамнинг иши эмас. Йўқотиб қўйиши, ўзгаларнинг қўлига тушиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Уйида сақлаганми? Хонадонида шунга мувофик ишончли жой қаер бўлиши мумкин? Йўқ, уйида сақлашга кўркиши табиий... Уйида сейф ёки шунга ўхшаш нарса йўқ эди. Бўлганда ҳам уларда сақламаган бўларди. Чунки бегонанинг назари аввало ўшанақсанги нарсаларга тушиши аниқ. Ё том устидаги эски-туски нарсалар орасида яширганмикан? Нима бўлганда ҳам у ер хатардан холи. Шара-бара ҳеч кимда қизиқиш уйғотмайди, назардан йироқ... Ёки жойини билиб олгач, харитани ёқиб юбордимикан? Жойи аниқ бўлгандан кейин харитага нима

ҳожат? Йўқ, йўқ! Бундай қилолмаса керак! Унга хазинанинг сирини очган тилсимдан воз кечиши қийин...

Эртаси куни Санжарбек ишни Норпұлатнинг уйидан бошлиди. Таниш терговчиларни кўриб, Шарофат таажжубга тушмади. Хушламайгина уйга таклиф қилди.

– Опа, яхшимисизлар? Зерикмасдан ўтирибсизларми? – Санжарбек вазиятни юмшатиш учун уй бекасидан ҳол сўради.

– Норпұлат акадан хабар бўлмадими?

– Қандай яхши бўлайлик ука, – Шарофат олий маълумотли эмасми, адабий тилда гапиришга ҳаракат қиласарди. – Акангизнинг анови хатини ҳазм қиломай, бошимиз шишиб, нима қиласаримизни, қандай йўл тутаримизни билмай гаранг бўлиб ўтирибмиз? Ўзларингизда нима янгилик?

– Ҳозирча бизлар ҳам бир тўхтамга келолмай турибмиз?

– мавҳумроқ жавоб қилди терговчи.

– Ўйлаб ўйимга етолмайман! – Шарофат дардини кимга айтишини билмай турган экан шекилли, йўл-йўлакай ҳасратини тўкиб солди. – Кўл телефонини нега бировларга қолдириб кетган экан-а? “Сим карта”си эса ўзида қолган... Бошқасини билмайману аммо охирги смсни шахсан ўзи ёзган! Буни кўнлим сезиб турибди... Бироқ Россияга нима юмушда бордию, нима учун қайтишнинг иложини тополмайди? Ё зўравонларнинг қўлига тушиб, тутқунлик балосига дучор бўлдимикан? Одам савдоси дегандай... Унда нега мени хотиржам қилмоқчи булади? Нега сизлардан ёрдам сўрамайди? Ё анов ер ютгурлар кўрқитиб...

Санжарбек биринчи бор аёлнинг кўзида ёш кўрди. У оиласига балодай ёпирилиб келаётган хавфни эндиғина англаб етганди.

– Ҳозирча ваҳимага ўрин йўқ! – далда берди Рамазон. – Аҳён-аҳён бўлса-да, сиз билан хабарлашиб турибди-ку!

Демак, тани-жони соғ! Бошида муаммоси борлиги ҳам аниқ. Мана, үшани ҳал қилиш учун биз елиб-югуриб юрибмиз-ку!

– Борларинга шукр! – Аёл рўмолининг учи билан кўз ёшлини арта туриб, чукур хўрсинди. – Ҳайтовур шу балоқазолардан эсон-омон кутулиб, болаларининг олдига келсалар бўлгани! Мол-дунёси ҳам қуриб кетсин!

Терговчилар яширинча бир-бирларига қараб қўйиши:

– Нега ундаи деяпсиз? Мол-давлатнинг қандай алоқаси...

– Эркак зотининг бошида синадиган таёқ сабаби ё зебу зар, ё аёл киши бўлади, дерди қайнотам раҳматли. Факир бўлсалар ҳам кўп иймон-эътиқодли, диёнатли одам эди жойинг жаннатдан бўлгур! Уффф...

Шарофат гапдан тўхтаб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди:

– Келинглар, ўтириб гаплашайлик!

Терговчилар аёлнинг нимадир айтмоқчи бўлаётганини ҳис этиб, чурқ этмасан унинг ортидан юрдилар. Уйга кириб, стол атрофига жойлашгач, гўёки, бир сўз билан ҳамсухбатлари фикридан айниб қоладигандай унсиз оғиз пойладилар.

– Машойихларнинг “олтин одамга вафолик қилмайди!” деганлари рост экан. -- аёл гапни узоқдан олди. -- Пешонамиз тошга бориб урилмагунча на наклга амал қиласиз, на бироннинг ўгитини тинглаймиз. Бошқалар ҳисобини тополмаган, шунинг учун тонгган дунёси бевафолик қилган, мен бошқача йўл тутиб, қойиллатиб қўяман, деган хаёл билан ўзимизни овутамиз. Зебу зардан тараалаётган шафақ кўзларимизни қамаштириб, ақл-у шууримизни олиб қўяди. Акангиз ҳам шу куйга тушганлардан бири бўлди Хотин бошим билан уни бу йўлдан қайтаришга кўп ҳаракат қилдим. Аммо у киши ўр ёнини бермади, қайсарлик килди. Мана оқибат! Уфф...

Шарофат бир нуқтага тикилганча жимиб қолди. Айни чоғда унинг мақсадга қандай күчишни, гапни нимадан бошлишни билмай кийналаётгани аниқ эди. Шундай бўлса-да, терговчиларнинг хаёлини “кўп ўйланиб қолди, ишқилиб нималарнидир мушоҳада қилиб, фикридан қайтиб қолмасайди” деган хавотир эгаллай бошлишганди.

– Ҳаммаси мана бу хатдан бошланганди, – Шарофат ҳалатининг чўнтағидан сарғайиб, титилиб кетган бир парча қоғозни чиқариб, стол устига қўйди. – Қайнотам раҳматлидан мерос!

Санжарбек тилла топган одамдай хатни олиб, ҳижжалаб ўқишга тушли: “Норпўлат, болам! Бу қоғоз қўлингга тушадими йўқми, минг бир ўйга борсам-да, уни топиб ўқишингга умид қилдим. Бошқа тарафдан уни топмаслигингни истардим... Худовандаи Каримнинг инояти билан мабодо хатни ўқишга муюссар қилса, сўзларимни дикқат билан тинглаб, ўгитларимни қулоғингда сақлашингни сўрайман. Илло, мен сенга каттагина хазина қолдираյпман. Акаларингдан кўнглим тўқ, улар жойини топиб кетишли. Улар бу сирдан воқиф бўлмай қўяқолсинлар. Бойиб кетганингда уларга қўлингдан келганича мутивват курсатиб, ўнгирларини кўтариб олишларида ёрдам берасан деб ўйлайман. Илло, хазина ҳаммаларингта етади. Улар хазинадан хабар топса, ораларингта нифоқ тушишини ўйлаб шундай қарорга келдим. Сенга ота сифатида ҳеч нарса қилиб беролмадим. Балки шу сабабдан бутун бошли хазинани сенга раво кўраётгандирман. Бу олтинларнинг қаердан келиб қолгани хусусида гапириб утиришимдан маъни йўқ... Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Үзинг ҳам ўша миш-мишлар ҳақида эшитгандирсан. Бухоронинг сўнгги Амири Сайд Олимхонга тегишли хазина ҳамда унинг йўқолиши, олтинларни қўриқлаш топширилган

силоҳлар ҳамда улар орасидан омон қолган бухоролик йигит ва унинг қисмати ҳақидағи гап-сўзларда жон бор эди. Ўша гап сўзлар туфайли мен бу хазинани бир умр сир сақлашга мажбур бўлдим, қўл учida кун кечирсан-да, сариқ чақасини ҳам ишлатиш имконидан маҳрум этилдим... У замонларнинг бети қурсин, қалтис эди! Бир гап билан отувга ҳукм қилишарди... Шу олтинлар сабаб бир ўлимдан қолгандим, қанча йигитлар ер тишлаб кетди. Шу важдан узок йиллар мум тишлаб юришга мажбур бўлдим. Жўжабирдай жон эдик... Сизларни едириб-ичиришни уddaрай олмай, ич-ичимдан эзилган, юрак-бағрим қонга тўлган кунлар кўп бўлган. Камбағаллик жонимдан ўтса-да, олтинларни ишга солмадим, оч қорним, тинч қулоғим деганлариdek, хонадонимнинг хотиржамлигини пеш билдим... Олтинларнинг касофати уришидан кўркиб яшадим. Тұғри, бир куни йўқчилик ҳаддан ошганда таваккал қилиб, олтинлардан бир ҳовучини сотиб, камимизни тўлдирмоқчи бўлдим. Аммо, олтинларни кимга, қанақа сотишни билмасдим. Қишлоқда Мардон чўлоқ деган “дўм” бўларди. Йўл-йуригини билар, ҳар ҳолда шаҳар кўрган йигит деб келиб-келиб шу маккорга тиллалардан бир донасини курсатиб, сотиб беришни илтимос қилибман-да! Келаси куни у “бўлди, танганг жуда қадимий экан, яхши пул турадиган бўлди, қолганларини ҳам олиб кел, пуллаймиз” деб қистаб қолди. Нақ 40 дона тилла тангани баччағарга ўз қўлим билан олиб бориб бердим. Кейин уйига бўзчининг мокисидай қатнай бошладим. Бироқ, Мардон ҳақимни еб кетди. Бир борганимда “ҳаққимни бер!” деб сал овозимни кўтариб, дўк қилгандим, милиса чақириб, “давлат одамини ҳақорат килди!” деб тухмат қилиб, туриб олди... Равшанки, мен милисага олтинлар тўғрисида оғиз очолмасдим... Тиллаларимдан айрилганим етмагандай уч ой терговга қатнадим... Чўлоқ ҳайтовур тоза ноинсоф эмас экан... Ўзининг

айтишича, мен берган тиллалардан 5-6 тасини милисага бериб, ишимни ёпти-ёпти қилиб берди... Балодан эсон-омон кутулганимга шукр қилиб, уйга қайтдим. Иккинчи марта сен оғир касал бўлиб қолганингда ноиложликдан шу ишга қўл урдим. Сени кўрсатмаган табиб, дўхтир, фолбин қолмади. Бириси бир дунё дори ёзса, бириси қон чиқар дейди... Охири чўнтақда бир миришим қолмагач, олтинлардан 20 донасини олиб Термизга тушдим. Заргарлик дўконини топиб, бир бақалоқقا тангалардан бирини кўрсатдим. У қўзойнагини бошига кўндириб, “жуда қадимий экан, қаердан олгансиз, ўзи қанча бор?” дея роса бошимни қотирди. Мендан тузукроқ жавоб ололмагач, қўлидаги лупада тангани обдан текшириб, сотиб олди. Қайтишимда “яна бўлса, тўгри ўзимга олиб келаверинг” деб тайинлади. Тўгри дориҳонага кириб, керакли дори-дармонларни харид қилдим. Сен тузалиб кетдинг... Шу сабаб бақалоқнинг олдига қайта боришга зарурият бўлмади. Орадан бир ойлар утар-ұтмас кечаси уйга уч-турт милиса келиб, Термиздаги заргар кўлга тушганини ва мендан олтин тангалар сотиб олгани ҳақида кўрсатма берганини рўкач қилишиб, тангаларни ўз ихтиёrim билан давлатга топширишни, акс ҳолда “қамоқда чиришим” ҳақида дағдаға қилдилар. Ноилож қолган 19 та тангани ҳам уларга чиқариб бердим. Улар “қолгани қани?” дея уйни ағдар-тўнтар қилишди, чеккароқقا чиқариб оч биқинимга тепишиди. “Туруш-турмушимга қаранглар, тилласи бор одам шунака яшайдими, отам раҳм лидан фақат 20 та танга қолганди, ишлатишга қўрқиб юргандим, болам касал бўлмагандা, тиллани жойидан қўзғатиб ўтирмасдим!” дея туриб олдим. Охири улар тангаларни “давлат фойдасига мусодара қилиб”, “чурқ этмаслигим” ҳақида огохлантириб, даф бўлишди. “Келган бало шуларга урсин!” деб қолавердим. Бир марта шу олтинларни деб, үлиб кетишимга бир баҳя қолганди. Куним

калта эмас экан, шунча одамнинг ичидан битта мен омон қолгандим. Иккинчи марта қамалиб кетишимга оз қолди... Учинчи марта бу қўргиликлар... Шу-шу бўлди-ю бу касофат олтинларга яқин йўламасликка ўзимга ўзим қасам ичдим. Бу гапларни айтишдан мақсадим, болам, тилло одамга вафолик қилмайди... Менга қолса, уни ишлатмаганинг маъқул... Оллоҳ бераридан қисмасин. Кўй, турган жойида тураверсин. Илоннинг бошини босиб нима қилдинг! Борлигининг ўзи белингни бақувват тутади, шу ҳам катта гап. Сендан мерос бўлиб, бола-чақангга ўтар. Омон-омон зомонлар келганда, олиб яхшиликка ишлатишар, корларига ярар... Агарда жуда зарурат бўлиб, ишлатишингга тўғри келиб қолса, ўзингдан қолар гап йўқ, эҳтиёт бўл, болам! Такрор бўлса-да, айтаман бу олтинлар кишига вафолик қилмайди!

Энди хазинанинг жойини ошкор қиласман: ҳовлимиз тўрида мен эккан ёнғок дарахтидан кунчиқар томонга уч қадам ташлаб, уч кулоч ерни ковласанг, кичкина ергуланинг оғзига дуч келасан... Хазина агарда уни ақл оиласан ҳарж қилсанг – ўзингдан ортиб, етти уруғингта ҳам етади... Ёдингда тут, юзингни қиблага буриб, дуода бўлсанг давлатингга давлат қўшилади. Менинг коримга ярай олмаган бу хазина сизларга асқотишига, менинг тинчимни ўғирлаган олтинлар сизларга ҳузур-халоват олиб келишига умид қилиб қоламан. Отанг Алмат Ашир ўғли. 1974 йил 26 октябрь куни ёзилди”.

Санжарбек хатни ўқиб бўлиб, нима гаплигини англай олмай турган Рамазонга узатди ва Шарофатга юзланди:

– Мактубни қаердан топдингизлар?

– Аввал айтганимдек, жондай тоғамиз бизни ўз уйимиздан қувиб солгандан кейин бир муддат чайлада яшашимизга тўғри келганди. Кўч-кўронимизни ҳам олиб кетдик. Фақат уйнинг чордоғида кайнотам раҳматлидан

қолган эски-туски буюмларни қолдириб кетгандик. Тогамиз зиқна одам эмасми “чордоғдаги жандаларингният обкет!” деб хўжайинни ҳол-жонига қўймади. Хўжайин жаҳл қилиб, эски ҳовлимизда қолган барча шара-бараларни бир арава қилиб, босиб келди. Ташиб юборишга кўзи қиймай, “дала ҳовли” мизнинг бир четига туширдик. Хўжайин унини унга, сомонини сомонга, донагини донакка, пучагини пучга тахлашга тушди... Бир пайт ҳоллослаб олдимга югуриб келса, капалагим учиб кетди. Ранги докадай оқариб кетган. Тили калимага келмай қолган. Нимадир демоқчи бўладиу, овози чиқмайди. Эски ҳовлимиз тарафга қараб нималарнидир имлайди... Қўлида шу қоғоз. Олмокчи бўлсам, бермайди. Атрофга олазарак аланглайди. Жин-пин уриб, эси оғиб қолдими, деб қўрқиб кетдим. Хатни қўлидан юлиб олиб, ўқиб чиқиб, мен ҳам унинг ҳолатига тушаёздим... Ҳ-э-э тиллолариям қуриб кетсин! Одамни накд жинни қилиб қўяркан... Чайлага киролмай қолдик. Эр-хотин ниманидир баҳона қилиб, алмашиб ҳовлимизга қатнаймиз. Гоҳ қолиб кетган ўроқ, гоҳ кетмонни баҳона қилиб, ёнғоқ атрофида уралашмамиз. Беш дақиқа ичкарига кирсак, худди бирор хазинани ковлаб кетадигандай. Шу пайтгача тоғасини сўқиб юрган одам ҳалимдай юмшаб, яхши гапирадиган бўлиб қолди. “Тоғажон, ўйлаб кўрсам сиз ҳақ экансиз! Мен сиздан бекорга аразлаб юрган эканман. Сиз зарур кунимда бошимни силаб, пул топиб бердингиз, мен ношуд қарзни ўз вақтида қайтариб бермаганим етмагандай сизга қўрс гапирдим, дилингизга озор бердим. Одамгарчилик қилмадим. Ҳалиям сиз дарё инсон экансиз, шунча чидадингиз. Беармон муҳлат бердингиз. Мен бетавфиқ ваъдамнинг устидан чиқолмадим. Шунча гап сўздан кейин ҳа, сиз уйни сотишга, бизни кўчага ҳайдашгаям ҳакли эдингиз. Тўғри қилган экансиз! Одам зоти узи шунаقا экан, то пичоқ сүякка бориб қадалмагунча,

Амирликнинг олтин тахти изидан

ҳаракатини қилмас экан. Кўзим энди очилди. Раҳмат, сизга тоғажон! Мажбур бўлсанг, ҳаракат ҳам қиларкансан, имкон ҳам топаркансан, чора ҳам аҳтараркансан. Жиянингиз шу кунларда катта ишларни бошлаб юборди. Мана кўрасиз, тез фурсатда қарзимни ошиги билан узиб, ҳовлимни ҳам қайтариб оламан” дея тоғанинг кўнглини кўтарди. Тоғамиз ҳам шайтонга дарс берадиган хилидан эмасми, жиянининг гапига унчаликам ишонмаса-да, ҳарқалай унинг юшаб қолганидан суюнди. Бир қориндан талашиб туған опасининг боласини кўчага ҳайдаб чиқарганидан қийналган виждони бироз бўлса-да, ором топган бўлса керак. Шундай қилиб, ҳовлимизга кўчиб келмасак-да, эмин-эркин кириб чиқишимизга шароит яратилди... Эндиғи масала қандай қилиб булсада, уйга кўчиб кириб олиш, хазинага яқинроқ бўлиш. Куруқ ваъдаларга ишонмай қўйган гогага ҳеч бўлмаганда қарзининг бирор улушкини бермасдан уйга қайтиб келишимиздан умид йўқ эди... Бирордан вақтинча қарз кўтарсак қандай бўларкан? Шу замонда, менимча барча замонлардаям камбағалга кимам қарз берарди... Бор хазинами, йўқ хазинами ҳарна бўлгандаям хўжайнинг гаплари сал дадилланиб қолди. Бир куни “бирортасидан катта фоизга бўлсаям пул тониб келаман” деб уйдан чиқиб кетди. Мен ҳовлида, “ёнғок”ни қуриклаб қолдим. Олдинам айтгандим, папая етиштирадиган Суҳроб деган синфдоши бўларди. Тўғри ўшаникига бориб, нима деб авраган бўлса, билмайман, ишқилиб бир ўрам пул кўтариб кепқолди. Пулни кўрган тоға жиянинг чиндан ҳам бир ишнинг бошини туттанига ишониб, ҳовлимизга кўчиб киришга рухсат берди... Хазинага яқин келиб, ҳовуримиздан сал тушдиг-у, аммо олтин васвасасида қолдик. Айниқса, хўжайнин... Қўйиб берса, кўрпа тўшагини ёнғокнинг остига обориб олса. Мен “ҳой инсон, одамларнинг диққатини жалб қиласпиз, шунча

йиллар турган нарса, қаёкқаям кетарди!” деб тинчлантироқчи бўлсан, унамайди. У кишига қўйиб берса, ҳозир қўлига кетмон олиб, қазишга тушса! Ҳайтовур уч-тўрт кун ўтиб, сал ўпкамизни босиб олдик. Аммо нима қилишни билмасдик. Бирор билан кенггашиб ҳам бўлмасди. Олтинларнинг иси чиқса, қайнотам айтмоқчи, мисимиз чиқиб, бошимизга не кўргиликлар ёпирилишини ҳис қилиб турардик... На уйкумизда, на ўнгимизда ҳаловат бор. Ит ётиш, мирза туриш. Кўчага чиқишга, одамларга қушилишга кўрқамиз. Худди ҳамма бизга қараётгандек, ҳаракатларимизни кузатиб тургандек, олтинларни қазиб олдингларми деб бўғзимиздан оладигандек туюлаверарди. Ҳовлига бегона тугул, қўни-қўшни хотинлар чиқиб қолсаям акангиз ваҳимага тушиб, “шайтонлаб” қоладиган бўлди. Энди ёнғоқ дарахти тарафда бирор кишининг шарпаси куринса, қўяверинг! Ҳаловатимизни йўқотганимиз чин эди... Шу билан бирга юракда зил-замбил ётган армонларимиз ҳам орта чекиниб, қандайдир ширин орзу-умидлар ҳам юз курсата бошлади. Ўзимизча режалар туза бошладик... Шу тахлит орадан ўн-ун беш кун ўтди. Ҳаяжонимиз бироз чекингандек эди. Эр-хотин дўппини бир чеккага қўйиб, вазиятни муҳокама кила бошладик...

Шарофат ҳикоясини тұхтатиб, терговчиларга “гапираверайми?” дегандай қараб олди.

– Кейин нима бўлди? Марҳамат, гапираверинг!

– Қишлоқда ҳар бир хонадоннинг аҳволи бошқаларга маълум бўлади. Бирорнинг қўққисдан бойиб кетиши ҳаммани ҳайратга солиб қўйиши, майда-чуйда гап-сўзларнинг болалаб қолинишига сабабчи бўлиши аниқ. Боз устига қайнотам ҳакидаги афсоналар ҳали эл орасида унут бўлмаган бир пайтда бизнинг йўқ жойдан бирдан бойиб кетишимиз ҳамқишлоқларнинг диккатини тортиб, Амирликнинг

йўқолган хазинаси хақидаги узунқулоқ гапларнинг авжга чиқишига сабаб бўлиши тайин. Бу ҳақда тегишли мажкамалар хабар топса ёки турли-туман зўравону фирибгар, кazzобларнинг қўлогига чалиниб қолса, ахволимиз нима кечиши аён эди. У ҳолда хазинадан куруқ қолишимиз етмаганидай, ҳаётимиз ҳам хавф остида қолиши турган гап. Эр-хотин шуларни ўйлаб, ўзимизча тадбир тузишга тушдик. Хатни ҳар қўлга олганимизда қайнотамнинг огоҳлантиришлари бизни шундай йўл тувишга мажбур қилганди... Авало хазинанинг жойида турганига, бор-йўқлигига ишонч ҳосил қилишимиз лозим эди. Аммо, қишлоқ жойда ҳовлининг ичини ҳеч кимга сездирмасдан қазиб бўлмайди. Кўни-кўшни сезиб қолади. Кудук-пудук ковляяпсизми, дея ҳашарга келишдан ҳам тоймайди. Бир кечада ковлаб, хазинани олиб, ёпиб ташлашнинг ҳам иложи йўқ... Хўжайин бу ишнинг ҳам чорасини топгандай бўлди. Хазинанинг аниқ жойини белгилаб олиб, молхонанинг ичидан ер ости йўли - туннел ковлашга тушди. Асосан тунда ишладик. Кундуз кунлари уранинг оғзини бекитиб, устига сомон ташлаб қўярдик. Урадан чиқкан тупроқни сомонхонага бекитдик. Шу тариқа ташқаридан қараганда ҳеч қанақа қазиш ишлари сезилмасди. Ҳар куни бир ярим-икки қулоч туннел қазиб, беш-олти кунда хазина кўмилган жой – ертўлага яқинлашдик. Жума куни тонгта яқин тупроқ юмшаб, ертўланинг оғзи кўринди. Эр-хотин сирпаниб ичкарига эмакладик. Ўргимчак ин куриб ташлаган шекилли юзимга нималардир ёпишгандай бўлди. Анчадан буён бу ерга одам қадами тегмагани аниқ эди. Акангиз қўлидаги белкуракни силтаб, қалин ўргимчак тўрларини узиб, йўл очган киши бўлди. Атроф сал очилгач, қўлимиздаги фонар ёрдамида ҳужра ичини ёритиб, аланглай бошладик. Икки ёнга беш олти ҷоғли сандиқчалар қатор қилиб териб кўйилган. Тўрда қандайдир кресло...

Шу пайт терговчилар “хайрият-э” дегандай бир-бирлари билан пинҳона кўз уриштириб олишди.

— Хўжайн менга жойимдан қимирламасдан жим турнишмни тайинлаб, охиста сандиқлардан бирига юнилашди. Олтин бор жойда албагта уни қўрикловчи илон бўлади, деб эшитганим бор эди. Юрагим орқага тортиб кетди. Ҳуди ҳозир чор тарафдан “вишиллаб” илонлар чиқиб келадигандай тиззамгача қалтираб кетдим. Сандиқлардан бирини очишга уринаётган эримга “эҳтиёт бўлинг, илон булиши мумкин!” деб бақирдим. У фонарини у ёқ бу ёқка киратиб, ҳеч нарса кўринмаганига ишонч ҳосил қилиб, ишини ином эттириди. Мен ҳамон титраб турардим. Хаёлимда илонлар олтинларга даҳл қилинган пайтдан хужумга ташланадигандай эди... Шу пайт кўзимга тепада ҳеч нарсадан бехабар ухлаб ётган болаларим кўринарди. “Бойлигиям қуриб кетсин, ўлиб-нетиб кетмасагиди!”. Хўжайн амаллаб сандиқни очди шекилли мени ёнига имлади. Фонар шуъласида сандиқнинг ичи ялтираб кетди. “Буни қара, о-л-т-и-и-л-а-р! Шунинг ҳаммаси олтин! Энди бойиб кетамиз, хотин, бойиб кетамиз!”- эрим олтинларни кафтига олиб, юз-кузларига сурарди. Мен ҳам атрофга олазарак кўркув аралаш сандиққа кўл тиқдим... Кейинги сандиқлар ҳам тилла танглар, қимматбаҳо дуру-гавҳарлар, жавоҳирлар билан тўла ши... Акангиз “ҳа, отагинамдан ўргилай, бизга шунча мерос колдириби-я! Жойинг жаннатларда бўлгур... ўзи емай бизларни ўйлаган, отажоним-а!” деганча кувончи ичига сиғмай бидирларди. Юрагимда кўркув ҳадиги бироз чекиниб, курсандчилик билан алмашина бошлаган бўлса-да, қуриб турганларим туш бўлса керак деб ўйлардим. Ҳозир уйғониб кетадигандек... Бир қарасам хўжайн тўрдаги креслога ўтириб, кўлидаги курагини ерга уриб, “Маликам, буюрсинлар, кўнғиллари нени тусайдур? Мен ким олампаноҳ

- Бухоро Амири Сайид Олимхон бугундан сизнинг бойваччалардек яшашингизга фармони олий берурман!” деб турипти. Олтин деганлари одамни қандайдир кўтарармикан, мен ҳам ўзимни маликалардай ҳис қила бошлагандим... Эримнинг қилиқларини кузатиб, кулгим қистайди. Бир хаёл “нима бало, хўжайнин жинни-пинни бўлиб қолмадилармикан” дея хавотирга ҳам тушиб қўяман... Тонг отиб бораётгани ёдимизга тушиб, ақлимиизни йиғиштириб олдик. Хўжайнин билан маслаҳатлашиб, “хозирча хазинадан сарик чақа ҳам олмаймиз, пухта ўйлаб, кейин бир илож топармиз!” деган тўхтамга келдик. Мехри гиёси тортиб турган бўлса-да, хазина билан вақтингча “хайрлашиб” ортга қайтдик...

– Эрингиз ўтириб олган таҳт мана бу эмасмиди? – Санжарбек папкасидан расм чиқариб аёлга узатди.

Шарофат раэмга кўз ташлаб, “уша” дегандай бош чайқади.

– Аммо уша пайтда таҳтнинг соф олтиндан эканлигини тасаввур ҳам қилмагандик, – изоҳ берди жувон. – Негаки, креслонинг устки қисми чарм билан ўралганди. Буни кейин билганмиз...

– Хўш, давом этаверинг, ундан сўнг нима бўлди? – Санжарбек bemavrid савол бериб, “воиз”ни чалғитганини сезиб, дарров “ортга чекинди”.

– Кейин нима бўларди, туриш-турмушимиз, дарди касалимиз шу ўлгур бўлди қолди. Одамнинг жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмаскан. Ҳалиям иродамиз бақувват экан. Бошида “Олтин девор”даги чолларнинг аҳволига тушиб қоламиزم, деб қўрққандим. Йўқ, Худои талонинг қарашгани бўлдими, бир ойлар ўтиб, ақлимиизни йиғиштириб олдик. Шу қашшоқ ҳолимизга олтинларни “ишга солиб” одамларнинг кўз ўнгига гердайиб бошласак, одамлар буни сезмасдан қолмасди... Ўйлаб-ўйлаб бунинг ҳам чорасини топгандай

бўлдик. Ўзингиз биласиз ўша даврларда ҳамма тоне за тадбиркорлик, фермерчилик ҳаракати бошланиб кетган. Укуви бори ҳам, йўғи ҳам ўзини бизнесга урган ким бўлди? Жонимизга яна ўша Сухроб aka ора кирди. Одамлар из унгидаги хўжайин ўзини папая бизнесига урган ким бўлди? Кўрсатишимиш лозим эди. Ҳеч нарсадан бехабар Сухроб хўжайинни хурсандчилик билан ўз ёнига олди. Шу тахти яхшигина бизнесга "шерик" бўлдик. Орадан беш-олти ой утиб, олтинларни кам-камдан ишлатадик. Пул пулни топади деганлари рост экан. Тез орада хўжайнинг ишлари олдинга кета бошлади. Энг асосийси, одамлар назарида хўжайин каттагина тадбиркорга айлана борди. Аста-секин уй солдик, машина дегандай... Кейинчалик хўжайин папая билан чегараланиб қолмасдан бизнеси кўламини кенгайтира борди. Ҳар ҳолда одамлар назарида шунаقا...

- Норпӯлат aka олтинларни кимларга сотарди?
- Термизда бир одами бўларди... отиам нимайди-я! Ҳа, Жўра деган таниши орқали... Узи заргар одам. У билан анча йиллар апок-чапоқ ишлади...
- Жўранинг телефон рақами ёки уй манзили борми?
- Йўқ, мен у кишини курмаганман! Гаплашиб юрганини ўзидан эшигтанман.
- Эрингиз олтинларни қаерда сакларди?
- Уша турган жойида... керак бўлганда кам-камдан олиб чиқарди. Кейинчалик янги уй-жой кургач, хазинанинг қолган камрок қисмини бу ёқка олиб келдик. Олтин саклашниям ўзи бўлмаскан. Яшира юриб чарчадик. Қаерга кўйсанг, бирор тониб оладигандай туюлавераркан... Охири болишларга жойлаб, тахмонга тахлеб ташладик. Ҳар ҳолда одамнинг кўзи туний турса юраги хотиржам бўларкан...
- Олтин тахт-чи, уни нима кийдинглар?

Амирликнинг олтин тахти изидан

– Биз ковлаган туннелдан уни олиб чиқиб бўлмасди. Лекин шунча олтинни эски ҳовлида – овлоқда қолдиришга ҳам кўзимиз қиймасди. Жойи тайин бўлса-да, одамнинг кўнглига ҳар хил хаёллар келавераркан. Хўжайнинг ҳоловати йўқолиб, кечалари ўша ёқقا кетиб қоладими-эй... Хуллас, бўлмади. Туйнукнинг оғзини каттароқ ковлаб, тахтни ҳам тунда олиб келдик. Омборхонага эски-туски нарсаларнинг тагига яшириб қўйдик. Шундаям тинчимай, омборхонага темирдан эшик қўндиридик.

– Ҳозир олтинлардан қолганми? – Рамазон чидаб туролмади.

– Қайда дейсиз! Тилла тангалар-ку жойини топиб кетганига анча бўлди. Бир қисмини ишлатдик, бир қисми ҳаром-ҳариш бўлиб кетди. Бир сандиқчада тилла буюмлар, тақинчоқлар, идишлар бўларди, уларни ҳам олиб чиқиб кетганди. Охири шу тахт қолганди... ушани йўқ қилмагунча тинчимади-да! Минг марта айтдим. Бу ўлгур кичкина нарса бўлмаса, ими-жимида бирорвга ўтказиб бўладими? Ишқилиб ғойибдан келган нарса ғойибга кетаркан-да!

– Тилла тангалар қанча эди?

– Бошида санаганимизда тўрт сандиқчада жами 4245 дона тилла танга чиққанди. Яна бир каттароқ сандиқда тилла буюмлар, тақинчоқлар... анави тахт...

– Тилла буюмлар нималардан иборат эди?

– Асосан қадимги аёллар тақинчоқлари – узук, зирак, билагузик, занжир, тилла қош... дегандай, унақасини ҳозир тақишимайди. Кейин тилла буюмлар – соат, қошиқ, пичоқ...

– Шунча нарсани қандай қилиб сарфлаб юбориш мумкин? Ё эрингиз уларни бирор жойга яшириб қўйганмикан? Ҳар эҳтимолга қарши...

– Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Бу томонда хўжайнинг хотамтойлиги... Саховатпеша тадбиркор деган

ном чиқарыб олган... Ҳали маҳаллага, ҳали мактабга... мұхтожға дегандай...

– Ҳар ҳолда турмуш ўртоғингизнинг бизнеси борлиги сілғон эмас-ку!

– Бизнесгаям қараса бұлади-да! Ишнинг жиловини бирөвларга бериб қўйиб, устидан назорат бўлмаса, бизнес ривожланадими? Бориям йўқ булади! Бир-икки йил олдин ўзи учча-мунча аралашиб турарди. Каерданам анов биттаси билан ~~тозишди~~! Эси-дарди катта пул топиш булди-қолди!

– “Ахов” детанингиз ким? Очигроқ гапиринг!

– Термизлик Сайд дегани бор... Охирги пайтларда ўша билан кўп ош-қатиқ бўп қолганди.

– Сиз ўзингиз ўша одамни курганмисиз? Уйларингизга келганми? – Санжарбек тетиклашиди.

– Кўрмаганман, нуқул телефонда гаплашишарди. Сўнгти дамларда Термизга унинг олдига серқатнов бўлиб қолганди.

– Сайднинг телефон ракамини биласизми?

– Бир-икки марта яширинча хўжайиннинг телефонини ковлаганимда кузим тушганди, охирги раками “44” эди адашмасам... колгани ёдимда йўқ.

– Улар нима ҳақида гаплашардилар, кулогингизга чалинмаганми?

– У билан гаплашганда “жим” деб бизни хонадан чиқарыб юборарди. “Ким у?” деб сўрасам, “бизнес шеригим, жуда уддабурон, бадавлат инсон, кўп фойдаси тегаяпти” деб кўярди. Нима қисаям шу шайтон қилди... Туппа-тузук одамни йўлдан урди, ҳайвондан тарқаган!

– Оти аниқ Сайдмиди?

– “Сайджон” деб гаплашарди. Телефонидаям “Сайджон шерик” деб чиқарди, кузимман курганман...

— У йигит хақида яна нималарни биласиз? Фамилияси... манзили...

— Фамилиясини итим билиптими! Лекин бир марта уйига боргандай бўлгандим.

— Хўш, хўш! — сергакланди терговчи. — Қаерда турар экан у жаноб!

— Хўжайн мени машинада қолдириб, ўзи кириб кетганди. Термизни тоза яхши билмайману, лекин “ЦУМ”нинг қаршисидаги “дом”ларга боргандик...

— Кўчаси, уй рақами ёдингизда қолмаганми?

— Кўчасига ким карапти! Лекин кўрсатиб беришим мумкин...

— Яхши! - Санжарбек дафтарига нималарнидир кайд қилиб, яна савол ташлади:

— Шу пайтга қадар, яъни Тошкентта олиб кетилгунча тилла тахт қаерда сакланарди?

— Боя айтганимдай яқингача тахт омборхонада эски-туски нарсаларнинг тагида чанг босиб ётарди. Шундай бўлгани тузук экан, бегонанинг эътибори тушмайди. Омборхона калити хўжайнда сакланарди, ҳеч кимга ишонмасди. “Унга тегмайман, болаларга мерос бўлиб қолади!” деб айтиб юрарди. Қаерданам шу бехосиятга илакишиди, феъли айниб қолди.

— Тахтни сотиб нима қилмоқчи эди? Бирор режаси бормиди? Ёки бирор зарурият...

— Э қанақа зарурият, - Шарофат терговчининг гапини бўлди, - хамма нарсамиз бор бўлса! Бунинг бариси анави уйинг куйгурнинг нағмаси... Унга қўшилган пайтдан негадир шу тахтга кўп осиладиган бўлиб қолди. Нимаймиш, тахтни “лом” сифатида сотса, арзимас пул бўлармиш. “Антиквар” сифатида чет элга ўтказса, беш-олти баравар қимматга кетармиш... Анов тилла буюмларнинг ҳам кўпи ўша

ифлоснинг жиғилдонидан ўтиб кетди. Бу анди ўзига шерик юмас, нақд касофатнинг ўзини орттирган экан-да! Мана оқибати... сўзимга кирмади... Айниқса кейинги пайтларда қизиқча бўлиб қолганди. Қадам олиши бежо эди. Хаёлида тилла тахт... Кўли бўшади дегунча пастки ҳовли тарафга кетиб қоладиган одат чиқарди. Ярим кунлаб ўша ёқда қолиб кетадими-эй, тушунмайман! “Ҳамма олтинни олган бўлсангиз, шу эски чордеворда нима қиласиз?” деб зорлансан, “отам билан гаплашаман” деб ҳазилга оларди. Ичимда вос-восга учраб қолмадимикан, деб ўйлаб қўярдим. Шу уйинг куйгур жўралари туппа тузук одамни бузишдида ишқилиб... Пешонамда шу кургиликлар ҳам бор экан-да!

Шарофат кўзидан қўйилиб келаётган ёшларни рўмолининг учи билан артиб, чукур “уфф” тортди ва Санжарбекка юзланди:

— Ука, энди нима бўлади? Хўжайн ишқилиб... омонмикан? Ҳеч бунака одатлари йўқ эди-я... Нима бўлсаям, тан-жонлари соғ бўлса...

— Унчалик ҳавотирга ўрин йўқ, — далда берди Санжарбек. — Аммо, хозирча бирор тўхтамга келишга эрта.

— Бизни алдамасдан шу гапларни олдинрок айтганингизда шу кунгача анча нарсага аниқлик киришган бўлармидик! — деди Рамазон норози оҳангда. Санжарбек “ўлганнинг устига тепишдан нима фойда!” дегандай унга ўқрайиб қараб кўйди.

Терговчилар яна ...рим нарсаларга аниқлик кириггач, уй бекасидан ҳазина сақланган жойларни кўрсатишни илтимос қилишди. Аёл меҳмонларни дастлаб миллий услубда безатилган, икки томонлама тахмонига кўрпа-ёстиқлар бир текис қилиб тахланган хонага бошлаб кирди:

— Ёстиқларни қайтадан сўтиб, тикиб чиқдим, - деди Шарофат тахмонга ишора қилиб.

Рамазон тахмонга яқин бориб, ёстиқлардан бирини сийпалаб күрди.

– Хавотирланманг, сариқ чақаям қолмаган! – изоҳ берди бека.

– Умримда тилла тангани кўрмаган эканман, баҳонада ушлаб кўрмоқчи эдим-да! – ҳазиллашди Рамазон.

– Сал олдинроқ келмапсиз-да унда! – Шарофат ҳам қолишмади.

Сўнг деворидан шифтигача майда-чуйда нарсалар билан тўлдирилган омборхонага ўтишди.

– Тахт мана буларнинг орасида сақланарди, - деди аёл бир чеккада синган стол-стуллар, люстра, телевизор, радио, гилам ва шунга ўхшаш эски-туски буюмлар қалашиб ётган тарафга ишора қилиб.

Санжарбек хонага зимдан разм солиб, “тушунарли!” деб қўйди ва бу ерда қиласиган иш йўқлигини англаб, ортига бурилди:

– Энди бизга хазина сакланган ертулани кўрсатсангиз!

– Майлику-я, - деди Шарофат бироз иккиланиб. – Фақат... узларингиз яхши биласизлар... агар сиримиз халққа ошкор бўлса... бизни тинч қўймасликлари мумкин! Узларингдан қолар гап йўқ! Балога қолиб, бу кунимиз ҳам йўқ бўп ўтирмасин тағин...

– Албатта! – деди Санжарбек қатъий қилиб. - Сир сирлигига қолади. Кетдикми?

– Кўни-қўшнилар сўрашса, “мухбирлар келишган экан” деб қўяман-да! – деди аёл ҳамон безовталаниб.

Санжарбек “маъқул” дегандай бош ирғаб қўйди. Машинада қишлоқ оралаб юришиб, пастқамгина ташландик бир ҳовли ёнида тўхташди. Бегона машина ва ундан тушган нотаниш кишиларни куриб, ҳовлисида қандайдир юмуш билан ивирсиб юрган кўшни аёллар девордан мўралашди:

— Ҳа, ҳамсоя яхшимисиз! Мулла акам кўринмайдилар?

— Раҳмат қўшни, ўзларингиз эсон-омонмисизлар! Шаҳардан мухбирлар келишган экан, Қарши акангиз сафарга кетганди. Мақола қилишмоқчийкан... шунга... ўтмишимиизни ҳам ёзмоқчи эканлар...

— Мақоланинг бир чеккасига бизни ҳам қўшиб кўйишса бўларкан! – деди қувлик билан бошқа бир қўшни.

— Албатта, бусиз мақола бўлармикан! – Рамазон ёлғон сўзлаётганидан хижолат чекиб турган аёлни “қўллаб” юборди.

Ранги үчиб, “оқсоқланиб” қолган ёғоч эрганакдан ичкарига киришди. Каттагина ҳовлининг тўрида пахсадан кўтарилиган чўпкари уйлар, чап томонда молхона, оғилхона... баҳайбат ёнғок дарахти кўзга ташланди. Шарофат атрофга аланглаб, меҳмонларни оғилхона тарафга бошлади. Гўнг ҳиди димоққа урилди. Рамазон чўнтағидан рўмолчасини чиқариб, бурнини беркитиб олди. Очик айвондан юриб, икки тарафи охурли узун молхонага ўтишди. Молхонанинг адогида икки эшик кўринди. Шарофат чўнтағидан калит чиқариб, ўнг томондаги темир эшикни очди ва деворни пайпаслаб чирокни ёқди. Ҳамма ичкарига киргач, эшикни ичидан қулфлади. Омборхонанинг бир томонига том бўйи ўтин тахланган, чап томонга қий, таппи-тезак уйиб ташланган.

— Йўл мана бу ерда, – деди уй эгаси қий уюмiga ишора қилиб. Ва хонанинг тўридаги асбоблар орасидан белкуракни олиб, қий уюмини кўчиришга тушди. – Форнинг оғзи шунинг тагида!

Рамазон чаққонлик билан аёлнинг қўлидан белкуракни олиб, тиршанглай-тиршанглай қийни жойидан кўчиришга тушди. Қўлма-қўл қилишиб, тез фурсатда қий жойидан кўчирилди. Тупроқ кўрингач, яна доира шаклдаги из бўйлаб

бир қаричча ковлангач, нихсят темир копқоқ кўринди. Йигитлар амаллаб қопқоқни жойидан четга олгач, ғорнинг оғзи очилди.

– Дастрлаб одам фақат эмаклаб ўтса бўларди, – Шарофат “шу тешикка сигармикинмиз?” деб анқайиб турган терговчиларга изоҳ берди. – Тахтни олиб чиқишида, хўжайин туннелни анчагина кенгайтиришга мажбур бўлди. Ҳозир сал энкайган ҳолда бемалол юриб ўтса бўлади. Фақат кийимларингиз чанг бўлиши...

– Ҳечқиси йўқ! – Санжарбек телефонининг чирогини ёқиб, ғорни ёритди. – Қани, опа йўл бошланг!

“Опа” чаққонлик билан ғор оғзига сунянган нарвонга оёқ кўйди. Терговчилар бирин-кетин унга эргашди. Борган сайин ҳаво камайиб, нафас олиш қийинлашиб бораради. Шу тахлит 20-30 қадам юришгач, нихоят ертўлага тушишиди. Нафас олиш бироз яхшилангандай бўлди. Терговчилар телефон чироқларида атрофни зиддан кузатишди. Сандиқлар ўз ўрнида турарди. Санжарбек эринмасдан уларнинг оғзини очиб кўрди, бўм-буш!

– Мана бу ер тахтнинг жойи! – деди Шарофат ертўла тўрини кўрсатиб. – Тиллолардан бошка ҳеч нарсага тегмадик, қандай турган бўлса, ўшандайлигича жой-жойида...

Рамазоннинг кўнглига “яхшиям, сандиқлар қолибди, уларни ҳам пулламабсизлар-да!” деган гап келдию, аммо уни тилига чиқаришдан торгинди.

Санжарбек ертўланинг ҳар бир қаричини диққат билан кузатар экан хаёлан Алмат бободай оми одамнинг шунча ишни пухталик билан бехато амалга оширганига таҳсин ўқиди. “Тилла одамнинг белини бақувват қилиб, кучли килади дейишарди, ақлини ҳам пешлармикан-а! Шунча бойликни ҳеч кимга сездирмасдан тоғдан қандай олиб тушган бўлса... Кейин ими-жимида ертўла қазиб, хазинани жин

топмас қилиб беркитганига қаранг! Шунча мол-дунёси бўла туриб, ночорликда яшашга сабри-бардошининг, иродасининг етганини айтмайсизми?! Дунёдан ўтар чоғида усталик билан хазина сирини ўғлига билдириб қўйганига нима дейсиз! Мактубнинг ўта саводли ёзилгани-чи! Неча бор ўқиб чиқсан бўлса, ҳар гал унда бир сир, яширин маъно топгандай бўлаверади... бир жойида “юзингни қиблага буриб, дуода бўлсанг давлатингга давлат қўшилади” деган сўзлар бормиди? Бу нима дегани бўлса! Мусулмончиликни маҳкам тутиб, қўлинг дуода бўлса, бойиб кетасан демоқчими? Ёки...”.

Санжарбек калласига келган фикрдан чўчиб тушди. Атрофга аланглаб, бир чеккада турган аёлдан суради:

– Қибла қайси томонда?

Шарофат бироз ўйланиб, таҳт турган тарафга қарама-карши томонни кўрсатди. Терговчи ўша тарафга юриб, деворни қўли билан сийпалаб чиқди, деворнинг ҳар жой-хар жойини мушти билан уриб кўрди. Сўнг бошқа тарафлар, оёқ ости, шифтни ҳам қўли етганича мушти билан дўппаслаб чиқди, бунгаям кўнгли тўлмай сандикларни бир четга суриб, тагини ҳам пайпаслаб кўрди. Ўйлаган нарсаси натижа бермади шекишли, чиқишга “команда” берди. Коронғида урилиб-сурилиб, терлаб-пишиб ертўладан чиқишиди... Устбошини қоқар экан Рамазон минғиллади:

– Ўз кўзим билан кўрмасам, чекка бир қишлоқда одамларнинг шунаقا “ихтиро”лар қилишига ишонмаган бўлардим!

– Хали бу ҳаммаси эмас! – деди Санжарбек терлаб кетган пешонасини арта туриб. Унинг нимани назарда тутаётгани ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум эмасди...



Зангиотга туманидаги қора “Нексия” ва унинг соҳибларини кидириш, ўлими тахмин қилинаётган Норпӯлатнинг жасадини излаб топиш ишлари ҳеч қандай натижа бермаётган кунларнинг бирида туман ички ишлар бўлимидан Каҳрамон қишлоғи яқинидаги тепаликдан тахминан 50-55 ёшлардаги номаълум эркак кишининг мурдаси топилганлиги хақидаги тезкор хабар олинди. Фахриддин Каримович изқуварлар билан бирга тезда воеа жойига етиб борди.

— Қишлоқ болалари шу атрофда молларини ёйиб юришган экан, - изоҳ берди меҳмонларни кутиб олган туман прокурори Малик Омонов. – Биласиз, улар итсиз юришмайди. “Мўйноқ” лақабли бир кучук мурданинг хидини олганми, фингшиб, шу ерни ковлашга тушибди. Ҳайдасаям кетмасмиш. Болалар қарашса, тупроқ юмшоқ, кимдир уни яқингинада қазиб, нимадир яширгани сезилиб турганмиш. Қазиб кўришса, одамнинг жасади. Қўрқиб кетиб, участка нозирiga хабар беришган. Башараси таниб булмас даражага келган. Ёши, буйи, ташки куриниши сизлар берган “ориентировка”даги шахсга мос тушғанлиги боис, сизларни кутиб тургандик... Гувоҳлар, холислар ҳаммаси шу ерда...

— Тушунарли! – Фахриддин тўпланганларга салом бериб, тўғри чуқур тепасига борди. Таниш ёқимсиз хид димоғига урилиб, кўнгли беҳузур бўлди. Мурда тупроқдан тозаланиб олиб чиқишга тайёрлаб кўйилган, тезкор гуруҳ ходимлари чуқур атрофида уймалашиб, ҳар ким уз юмушларини адо этишарди.

– Бу киши судмедэкспертимиз Карим Ширинович, - туман прокурори чуқур ичидаги майитни кўздан кечираётган оқ халатли кишини таништириди.

— Карим ака, ўлганига канча кун бўлган? Улимга нима сабаб бўлган? — Суради гурух раҳбари чукурга энгасиб.

— Тахминан 10-12 кун атрофида, - деди эксперт кўзойнагини пешонасига кўндириб. — Танада анчагина жароҳат излари бор, қийноққа солингани аниқ.

— Юзи танимас даражага келиб қолибди, баданида бирор хос белгилари борми?

— Ҳозирча кўзга ташлангани... хўш... бўйининг чап тарафида ёнғоқдай холга ўхшаш... нимайди нор дейишадими, шунаقا жойи бор экан...

Фахриддиннинг хаёлидан “бу аниқ Норпўлат!” деган ўй утди. Эски пайтларда кексалар танасида нори бор чақалоқларга ирим қилиб, “Нор” билан бошланувчи исм кўйишиган. Норпўлат... Нормўмин... Нормейли... Норгул... Норбобо... дегандай.

Гурух раҳбари туман прокурорига айрим кўрсатмалар бериб, жасадни жойидан олишга рухсат берди ва сал ортга ўтиб, Санжарбекка қўнғироқ қилди.

— Санжарбек, омонмисиз! Яхши... яхши... Кейинроқ батафсил гаплашамиз. Ҳозир менга зудлик билан бир нарсани аниқлаб берсангиз. Шарофат билан гаплашиб, эрининг баданида хос белгилари - холими, норими бўлган-бўлмаганлитини билиб беринг... Ҳа, ҳа шунга ўхшаш! Қўнғироғингизни кутаман.

Тезкор ходимлар расмиятчиликни ўрнига қўйиб, майитни машинага ортишди. Үткирбек воқеа “қаҳрамонлари” – чўпон болаларни сўроқ қилиш билан овора эди. Фахриддин бориб, уларнинг суҳбатига қўшилди.

— Шу “Мўйноқ” бўлмаса, ҳеч ким тополмасди! – деди болалардан новчаси. - Ким қиган бўлсаям, роса пихини ёрганлардан экан-да ўзиям! Кўмиб, бирор сезмаслиги учун устига чим бостирибди...

– Сизлар ҳар куни шу ерда мол боқасизларми?

– Йўқ, ҳар куни эмас... фақат кун исигандада... совук, ёғингарчилик кунлари чикмаймиз, - деди новча бола ёнида “эркаланиб” турган итининг пешонасини силаб.

– Бундан ўн кунлар олдин шу агрофда қора “Нексия”га кўзларинг тушмаганмиди?

– Бу ерга “Нексия” чиқолмайди, йўл йўқ-ку! – деди болалардан бири соддалик билан.

– Жасадни шунча йўлдан қўлда кутариб келишмагандир, ахир! – эътиroz билдириди Уткирбек. – Машина шу ергача келмаган бўлса, сал яқинроққа тұхтагандир.

– Менимча, машинасини ҳов анави жойга кўйишган! – фикр билдириди “новча” кўли билан тепаликнинг нариги ёнини кўрсатиб. – Уша ергача машина бенжалол келади. Бу ёғига икки-уч киши кутариб ёки судраб келишган чоғи...

– Демак, ҳеч ким қора “Нексия”ни кўрмаган? – савонни такрорлади терговчи.

– Қишлоқда тўрттacha қора “Нексия” бор... лекин бу атрофда... кўрмадик. – деди бояги бола. Қолганлар ҳам унинг гапини маъқуллагандай бош чайқашди. Шу пайт Фахриддининг қўл телефони жиринглади:

– Эшитаман Санжарбек!

– Устоз, опа билан гаплашдим, Норпўлатнинг бўйнида ёнғоқдан каттароқ нори бор экан. Шунинг учун отини...

– Тушунарли! – Фахриддин гапни қисқа қилди. – Зангиота тумани худудидан номаълум шахснинг жасади топилди. Бўйнида нори бор... Хотинини таниб олиш учун Тошкентга юборинг. Бўшасам ўзим алоқага чиқаман. Раҳмат!

Воқеа жойи ва унинг атрофидаги ҳар бир қарич ерни синчковлик билан кўздан кечириб чиқсан мутахассислар мурда топилган жойдан тахминан юз метрлар нарироқда

зовур бўйидан енгил автомашина шиналари изини топишиди. Ҳодиса рўй берган куни ер нам бўлганидан шина излари беталофат сақланиб қолганди. Экспертлар ушбу шина излари “Нексия” автомашинасига тегишли бўлишлиги мумкинлиги хақида хулоса килишди. Бундан ташқари мурданинг кўмиб кетилиши вақти Содикжоннинг қора рангли “Нексия”ни кўрган пайтига тўғри келиши аниқланди.

Санжарбек Шарофатга шум хабарни етказишдан олдин ундан “Сайд”нинг уйини топища фойдаланиб қолишини ўйлаб, Термизга келди. “ЦУМ”нинг қарама-қархисидаги уйлар олдида тўхтаб, аёл кўрсатган тўрт қаватли уйга киришиди. Уй олдида учраган бир неча кишидан “Сайд” аканинг уйини сўрашди. Аниқ жавоб ололмагач, бир канча хонадоннинг эшигини тақиллатиб, суриштиришди. Аммо, ҳеч ким “Сайд” ёки “Сайджон” деган кимсани танимади.

– Мен шу уйда, кўшни уйларда турадиган ҳамсояларни жуда яхши биламан, - деди биринчи қаватда турадиган Чори ота, - Сиз ахтараётган одам бизни уйда турмайди.

– Балки мана бу инсонни танирсиз? - Ноилож колган терговчи сумкасидан Норлўлатнинг расмини чиқариб, чолга кўрсатди.

Қария расмга зимдан тикилиб, иршайди:

– Бу куёв-ку! Учи и қаватдаги Сайданинг хўжайини.

– Отахон адашмаяпсизми? – Рамазон гапга кўшилди. – Бу одамнинг хотини бошқа...

– Бўлса бордир, унитика вақти-вақти билан келгувчийди... Иккинчи-пиккинчиси дегандай... битта боласиям бор, ўргилай!

– Балки чиндан ҳам адашаётгандирсиз, бу одамнинг оти Норпӯлат, Дарбандда туради, - деди Санжарбек расмни кўлига олиб.

– Адашиб ўлиппанми! Худди ўша Норпӯлат! Менга тоғдан кийик ўти олиб келиб бермоқчиди, - деди чол соддалик билан. – Тинчликми, нима гап?

– Тинчлик, тинчлик отахон! - “Мухим маълумот”ни қўлга киритган терговчилар Сайданинг уйи томонга шошилишиди.

Маҳобати билан бошқаларникидан ажralиб турган қалин темир эшик тугмачасини босган терговчиларнинг хаёлидан “олтиннинг қудратини қаранг-а!” деган ўй ўтди. Эшикни биринчи синфга бориб-бормаган болача очди ва оstonада бегона одамларни кўриб, онасини чақирди. Зум ўтмай ичкаридан тахминан 30-34 ёшлардаги қорашибрғайдан келган кўхликкина аёл чиқиб келди:

– Сизлар... кечирасизлар... газ... токдан қарзимиз йўқ!
Ҳаммасини тўлаб қўйганман...

Санжарбек чўнтағидан хизмат гувоҳномасини олиб, ўзини таништириди ва ичкарига киришга изн суради.

“Прокуратура”, “терговчи” деган сўзларни эшлиб, бирдан аёлнинг ранги ўзгарди, ортига тисарилиб, “мехмон”ларга йўл берди:

– Т-и-н-ч-л-и-к-ми? Н-и-м-а...

– Сиз Сайдамисиз?

– Ҳа, ш-у-н-д-а-й, н-и-м-а-й-ди!

– Биз Норпӯлат Алматов масаласида, - мақсадга ўтди Санжарбек. – У кишини танийсизми?

– Ҳа, у киши хўжайним... Шамшоджоннинг дадаси бўладилар! – деди аёл ийманибгина. – Шаръий никоҳдан ўтиб...

– Норпӯлат акани охирги марта қачон кўргандингиз?

– Йигирма кунча бўп қолди... “Тошкенга кетяниш” деганди... Шундан бери на дарагини берди, на қўнгирок қилди... телефони учирилган... хавотир олиб ўтирибидим... нима гап ўзи?

– Афсуски, тинчлик эмас! Хўжайнингиз...

– К-а-м-а-б қ-у-й-д-и-н-г-л-а-р-ми? – деди аёл бўшашиб.

– Йўқ, хўжайнингиз бедарак йўқолган эди... Бугун Зангиота туманидан номаълум шахснинг жасади топилган... Эрингизнинг баданида бирор хос белгиси – норими, холими бормиди?

– Н-и-м-а... қ-а-н-д-а-й қ-и-л-и-б... Субхон Оллоҳ... У киши соппа-соғ...эдилар-ку! – Сайданинг ранги докадай оқариб, турган жойида қотиб қолди.

– Ҳозирча ваҳимага ўрин йўқ. Бу бир тасодиф ҳам бўлиши мумкин, - Санжарбек вазиятни юмшатишга уринди ва аёл ўзини бироз босиб олгач, саволини такрорлади:

– Баданида холи, нори бормиди?

– Бўйининг чап томонида каттагина нори бориди... бошқа...

– Шундай денг! Ҳа майли, ҳозирча яхшиликка умид қилиб турайлик.

– Зангиотадан... топилди деяпсиз, хўжайним ахир... Тошкентга кетган эдилар! У бошқа одам... – ўзича ғудрлади аёл.

– Сиз ҳақсиз! – Санжарбек гувоҳ билан кечадиган сухбатни ўйлаб, гапни бошқа ёққа бурди. – Балки бирор юмуш билан юргандир. Бизнесменнинг ишини биласиз-ку! Бугун Тошкентда бўлса, эртага Москвада... Энди бизга Норпўлат aka ҳақида батафсилоқ гапириб берсангиз, қачон, қаерда танишгансизлар, қачон турмуш қургансизлар?

Аёл терговчининг гапларидан қаноат ҳосил қилиб, ўпкасини босиб олди шекишли чукур хўрсаниб, кўзларини бир нуктага қадаганча гапни узокдан бошлади:

– Бу одамни менга Яратганинг ўзи юборди... Бўлмаса ҳолим нима кечарди, ҳайронман! Бир пайтлар мен баҳтли оиланинг эрка қизи эдим. Ота, онам, икки опам ва мен. Оиламизда ўғил фарзанд бўлмаса-да, отам бирор марта онамнинг юзига солмаган. “Қизларим кайси ўғилдан кам, биттасини ўн ўғилга алмашмайман!” дерди раҳматли бизни суйиб. Онам “отаси, бир умр қийналиб юришингизни хоҳламайман, уйланинг, мен рози” деса-да, отам зиёли, ўқимишли одам эмасми “кўй хотин, мен ўғил суйгим келганда, сенинг суйгинг келмайдими? Худо хоҳласа куёвларимиз ўғил ўрнини босади!” дерди. Фаришталар “омин” деган экан, опаларимга яхши жойлардан ато этди. Поччаларим ота-онамга куёв эмас, ўғил бўлишиди. Фақат мен... шумқадам... бадбаҳт... қотил... лаънатланган фарзанд бўлдим. Мени дунёга келтириб, оқ ювиб-оқ тараган жигаргўшаларимнинг ҳаётига зомин бўлдим...

Ўғринча кўз уриштириб олган терговчилар гап нима ҳакда кетаётганини англолмай анқайиб туришарди.

– Отам раҳматли мени ҳам опаларим қатори ўзи куриб-билиб юрган қадрдонларининг фарзандига узатиш ниятида эди. Мен ахмоқ... шундай одамнинг юзига оёқ қўйдим, насиҳатини қулоққа олмадим, ўз айтганимдан қолмай гумроҳлик қилдим, тузлифига тупурдим... Кўзимни ёғ босиб, бир олифтага илакишиб қолдим. Унинг чўнтағидаги жарак-жарақ пуллари, миниб юрган машинаси, қўша-қўша уй-жойлари кўзимни қамаштириди, ақлимни олди. Отам куюниб, “қизим teng – tengи билан, тезак қопи билан, у бизнинг тенгимиз эмас” деса, устидан кулибман. Онам, опамлар “давлатига учма, бойда виждан бўлмайди” дейишса, “сизлар

мени куролмаяпсизлар!” дей уриб-енгибман. Ушанда мени хам сут эмган банда ота-онамдан бошқа дусту-мехрибоним, жигарларимдан бошқа ғамхўрим йўқлигини тушумаган, ҳаётни ўйинчоқ, умрни фақат роҳат-фароғатдан иборат деб ўйладиган калтабин эканман. Оиламиз бошига ёпирилиб келаётган бахтсизликни кўнгиллари сезган шекилли, ота-онам бўлажак кудалари, куёви ҳақида роса сўраб-суриштиришди. Ойни этак билан ёпиб бўлармиди? Яқинларим тезда “куёв”нинг гирт такасалтанг ва наркоман бола эканлигини аниқлашди. Аммо, менинг бу гапларга ишонгим келмасди. Назаримда буларнинг бари мени боладан совутиш учун қилинаётган навбатдаги найранг эди. Уларни текшириб кўриб, тагига етиш у ёқда турсин, тузукроқ мушоҳада ҳам қилиб ўтирмапман. Бир-икки марта “куёв бола”дан бу ҳақда сўрамоқчи бўлиб, оғиз жуфтласам, “сен менга эмас, кўчанинг гапига ишонаркансан-да!” дей вовиллаб берди... Шу-шу ота-онамни зориллатиб, оила курдик... “Мұхаббат”имиз, ширин дамларимиз – асал ойимиз бир ҳафтадан нарига ўтмади. Ҳа демай Даврон акам юзидағи ниқобни олиб ташлаб, асл башарасини намоён қилди. Уни на ота-она, на хотин, на оила, на бола-чақа қизиқтирмас, дарди-фикри ўша қорадори ўлгурни топиш, заҳрига чекиб олиб, чўчқадай ағанаб ётиш экан... Бошида эримни тарбиялаб, бу йўлдан қайтариб оламан деб ўйлагандим. Чучварани хом санаган эканман. Бу кўчага кирган одамнинг қайтиб ундан чиқмоги даргумон экан. Ҳаракатларим зое кет. Умид учқунларим сўлди. Уйим уй эмас жаҳаннамнинг ўзгинасига айланди. Уриш, сўкиш, ҳақоратларнинг чеки йўқ эди. Хумори тутганда мен-ку майли, ота-онасини ҳам аяб ўтирмайдиган оқпадар кимсадан нимани кутиш мумкин? Анча пайтгача менга қилинаётган хўрликларни ота-онамга билдирамасдан келдим. Нимаям дердим? Ўзим пиширган ошнинг ёғига ўзим қоврилиб

юравердим. Сўкишу ҳақоратларни ичга ютиш мумкин, бироқ кунда-кун ора юз-кўзингни “безаб” турувчи дўппослаш изларини яширишнинг имкони йўқ экан... Қайси ота-она фарзандининг хурланишига жим қараб туради? Отам келиб, бир неча бор кўёви билан гаплашди, уни инсофга чақирди. Фойдаси бўлмади. Охири мени уйга олиб кетишиди. Шу билан бу наркомандан кутулдим деб ўйлагандим. Хато қилган эканман. У энди мени излаб уйимизга бостириб келадиган, ҳуда-бехуда жанжал чиқариб, тинчимизни бузадиган бўлди... Бир марта келганда чекиб олганми, ичиб олганми “олдимга туш, ё ўлигингни, ё тиригингни олиб кетаман!” деб менга ташланиб қолди. Кўзи қонга тўлиб, ёрдамга келган отамни ҳам уриб ташлади. Яхшиям қўшнилар келиб, жонимизга оро киришиди. Отам милицияга хабар қилди... Давронни кўчада тутиб олиб, камоқقا тикишиди. Ёнидан анчагина наша топилган. Кейин суд бўлди, б ўйлга камашди... Балодан кутулгандай бўлдик. Лекин, негадир кўнглим ғаш эди. Одамлар назарида мен ўз эрини, отам ўз күёвини атайлаб қамокка тикқандай бўлиб қолдик... Юрак ғашлигим ҳам бекорга эмас экан... Орадан тўрт йил ўтиб, Даврон жазосини ўтаб, қайтди. Қамок одамни тарбияласа керак деб ўйлардим. Йўқ, бунақаларни гўр тўғирламаса, бошқаси чикора экан! У энди оддий наркоман эмас, гирт газанданинг ўзига айланган эди... Уша машъум кунда ота-онам ёлғиз булишган, мен опамларникуга кетгандим. Үлардай ичиб, чекиб олган бу йиртқич ҳайвон тунда уйимизга келиб, ҳеч нарсадан бехабар ётган о-т-а-м-га т-а-ш-л-а-н-и-б...

Саида бир фурсат нафасини ростлаб, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди, бироз ўзига келгач, пиёладаги чойдан ҳўплаб, лабини ҳўллади. Сўнг терговчиларга ўгринча назар ташлаб, ҳикоясини давом эттириди:

— ... ун жойига пичоқ урган. Чолига ёрдам бермокчи бўлган онамнинг ҳам кўксига ҳанжар санчилган. Ҳайвон... итдан тарқаган... қутурган қонхўр бир кечада икки бегуноҳ фариштадай инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди-я! Қандай беғубор, қандай хокисор эдилар-а! Бир кунда икки қанотимдан ажралиб, бўтадай бўзлаб қолдим... Опаларим бу кургиликларда мени айбдор қилишди. Мендан юз ўтиришди... Юзимга туфлашди... Аслида ҳам бу касофатларга менинг худбинлигим, аҳмоқлигим, бир бетамизни дея ота-она юзига оёқ босиб, нонқурлик қилганим... сабаб! Ота-онамдан ажралганим етмагандай, бир қориндан талашиб тушган жигарларимнинг ҳам ўз сингилларидан воз кечиши мени бутунлай довдиратиб қўйди. Бу дунёга келганимга, тириклар сафида юрганимга пушаймон бўлдим, дунёлари кўзимга тор кўрина бошлади, бошим уйга сиғмай қолди... Эмишки, Оллоҳ одамзотнинг зуваласини лойдан пишитиб бўлгач, устидан атиги бир кун қувонч ёмғирини ёғдирибди. Кейин эса қирқ кун ғам, алам селини қўйдирибди. Менинг тақдиримда эса бир умр ғам остида яшаш буюрилгани рост эканлигига ишончим комил бўлгач, чидай олмадим, сабр-бардошим чидамади...

Уша куни эрталабдан ота-онамнинг қабрларини зиёрат қилишга бордим. Гўрларини қучоқлаб, улар билан гойибона дардлашдим... пойлаарига йиқилиб, авф этишларини сўрадим... Бу фоний дунё билан видолашар эканман тез фурсатларда нариги дунёда улар билан дийдор қўришишга ваъда бердим... Аммо ўзини ўзи ўлдириш гунохи азим эканини яхши билардим. Унда жаннатга тушишим, ота-онам билан юз қўришишм даргумон бўларди. Шу важдан бошқача йўл тутишим, бу дунёни тарқ этишнинг бошқача усулини топишм лозим эди. Ўйлаб-уйлаб, “эҳтиётсизлик” оқибатида машина остида қолиб, улим топишни маъқул билдим... Уйга

қайтиб, “сафар” тадоригини кўрдим, опаларим виждан азобида қийналиб юрмасликлари учун уларга хат қолдирдим... Режамга кўра мени бирорта йўл машина “уриб юбориши” лозим эди. Үзимни машина оёғи остига отиб, ўз жонимга қасд қилганимдан бу усулда “эҳтиётсизлик” оқибатида ҳалокатга учрашим сал бўлса-да гуноҳимни енгиллаштирас деган умиддайдим. Шуларни ўйлаб кечки пайт кўчага отландим. Серқатнов кўчанинг овлоқроқ, коронғуроқ жойини танлаб, дараҳтлар панасида қулай вазиятни пойлаб кутиб турдим. Каттароқ, бақувватроқ машина ўтса, дараҳт панасидан отилиб чиқиб, йўлига кўндаланг бўлмоқчийдим. Қатнов бир муддат сийраклашиб, узоқдан чироғи ялтираб бир машина яқинлашиб кела бошлади. Пайт пойлаб, машина шундоқ яқинлашган дамда дараҳт панасидан отилиб чиқиб, йўлнинг қатнов қисмига ораладим... Чийиллаган овоз эшитилди... Кейин нима бўлганини билмайман... Орадан бир кун ўтиб, ҳушимга келсан, шифохонада ётибман. Оёғим бир неча жойидан синган, аъзои баданим моматалоқ бўлиб кетганди. Айтишларича, мени уриб кетган машина эгаси қочиб қолган экан. Йўл четида 10-15 дақиқа қолиб кетибман. Кўчадан утаётган ҳайдовчилар айримлари олдимга яқинлашишга, ёрдам беришга ҳайиқишишган. Айримлари эса оғримаган бошларини оғриттилари келмаган. Шунда бир "жип" келиб тўхтаб, мени шифохонага олиб келган. Бу ҳам етмагандай уша инсон то тонггача тепамда туриб, ҳаётим учун курашаётган шифокорларга кўмак берган, керакли доридармонларни етказиб турган... Норпўлат акам билан танишувимиз шундай кечган... Үшанда ҳаётимни сақлаб қолгани учун мен у кишидан ҳафа бўлгандим. Сирларимдан воқиф бўлгач, янги танишим мени танлаган йўлимдан қайтаришга ҳаракат қилди. Насихатлар ўз йўлига, аммо бу

шкойиб инсон кўрсатган меҳр-муҳаббат кўнглимининг зими斯顿 хоналарини ёритгандай, муз юрагимга илиқлиқ баҳш этгандай бўлди. Ҳаётга қизиқишим, яшашга рағбатим орта борди. Ёшимиз орасида каттагина фарқ борлигига қарамасдан ҳаётимни шу инсон билан боғлашга рози бўлдим. Шаръий никоҳдан ўтиб, турмуш қурдик.... Эрим ҳамма нарсамни муҳайё қилди. Уғилли бўлдик. Уйимизга вақти вақти билан келиб-кетиб турсалар-да, биздан меҳрларини аямайдилар, ҳеч нарсага зориқтирмайдилар...

– Норпӯлатнинг хотини сизларнинг муносабатларингиздан хабардормиди? – Санжарбек аёлни яна саволга тутди.

– Йўқ, у киши билмайдилар! Хўжайнин “аёл кишининг кўнглига гумон араласа, имондан ажралади!” деб муносабатларимизни сир тутиб юрарди.

– Хўжайнингизнинг Сайджон деган танишлари ҳам бормиди?

Саида ерга қараб кулимсиради:

– Телефонига мени “Сайджон шерик” деб белгилаб кўйганди... Хотини сезиб-нетиб қолмаслиги учун...

– Тушунарли! Норпӯлат аканинг яқинлари, дўстлари, ҳамкорларидан кимларни танийсиз?

– Дўстларини билмайман... уйга опкелмаган. Фақат анави... отинг курғур нимайди-я...

– Хўш, хўш! – сергакланди Санжарбек.

– “Полковник” дейишарди... оти тилимнинг учida турибди-я... ҳа-ҳа Ялангтӯш ака...

– Шунақа исм бормикан?! – деди Рамазон таажжуби ошиб. – Балки лақаби шунақадир.

– Йўқ, менга шунақа деб таништирган! Хўжайнам “Ялангтӯш ака” деб чақиради.

– Нима “Ялангтӯш” ака полковникмиди? Формада юрармиди?

Амирликнинг олтин тахти изидан

– Формада юрмасаям, олдин органда ишлаган экан!

– “Полковник” қаерлик эди? Иш жойи...

– Ўзимизнинг Термизлик! Қаерда ишлашини билмайману органда ишлагани аниқ. Бир кеганда жиноятчиларни қандай тутганлигини гапириб берганди... Ёлғондан тўқимагандир ахир!

– Хўжайнингиз “полковник” билан нима иш қилганди, хабарингиз борми?

– Қайдан билай... менга гапириб ўтирибдими? Ёрдампордами теккандир, - деди аёл соддалик билан.

– Охириги марта “полковник” сизларникига қачон келганди?

– Как раз Тошкентга кетишидан бурун! Хаёлимда улар бирга кетишимоқчи эди... Балки у қолгандир!

– “Полковник” қанақа машинада юрарди?

– Бунисини билмадим.

– Унинг яшаш жойини биласизми?

– Қаердан билай!

– “Полковник”ни ҳозир кўрсангиз танийсизми?

– Танисам керак! Танийман шекилли...

Терговчилар яна бир қанча масалаларга ойдинлик киритгач, ортга қайтиб, Шарофатнинг олдига келишди.

– Топдингизларми? – қизиқсинди аёл.

– Унисини бўлмаса, бошқасини топдик, - мужмал жавоб берди Рамазон.

– Тушунмадим... Сайджонни топдингизларми? – деди аёл ҳайрон бўлиб.

– Топдик, топдик! Ҳаммаси жойида! – далда берди Санжарбек, сўнг қўшимча қилди. – Опа, сиз бугун Тошкентга етиб боришингиз зарур.

– Нимага? Тушунмадим...

— Биласизми, Зангиота туманида эркак кишининг жасади топилган... Балки бу бир тасодифдир, аммо айrim белгиларининг ўхшашлиги...

— Шунинг учун “қаерида нори бор эди?” деб сураган экансиз-да! Эй Худо... бу қ-а-н-д-а-й қ-ү-р-г-и-лик-а! – деди аёл йигламсираб ва дами чиққан коптоқдай ўтириб қолди. - Балки... у бошқа кишидир... Э Худо! -

— Булиши мумкин! Текшириб кўрсак, аниғини биламиз. Сизга ва яна бир кишига кечки рейсга самолётга чипта буюртма бериб кўйилган! – гапни мухтасар қилди терговчи. – Қариндошлардан бирини ёнингизга олинг. Йигитлар кузатиб кўйишади, Тошкентда кутиб олишади. Қолган гапларни келганингиздан кейин гаплашамиз, оқ йўл!

“Полковник”ни топиш қийин кечмади. Ёпи элликлардан ошган, анчагина сергайрат, бакувват, тепакал ва шоп мўйловли бу инсон узоқ муддат ички ишлар органларида ишлаганлиги боис соҳада хизмат қилаётган кўпчилик билишаркан. Гувоҳни суроқ қилишга киришар экан Санжарбекнинг биринчи саволи шундай бўлди:

— Ҳужжат бўйича исмингиз Юсуф экан, нима сабабдан сизни “Полковник Ялангтуш” дейишади?

— Эйй нимасини сўрайсиз... бунинг тарихи бор, ука, тарихи узун-да, бойноғидай! - гап бошлади “полковник”. – Бунга бир йигирма йиллар бўп кетди-ёв! Бошлиқлар билан Тошкентга кетаётгандик. Бири капитан, бири катта лейтенант, мен – оддий сержант. Жиззахга етганимизда “гаи” тўхтатса бўладими? Ҳаммамиз гражданкада! Шопирди ҳужжатида чоласи бор экан. “Гаи”нинг тоза одамига учраган эканмизда! Олдин бошлиқлар тушиб, бойноғидай “удостворение”

сини кўрсатиб, вахима қилишди. Гаи баччағар “конун ҳаммага баравар, машинани жарима майдонига тиқаман” деб оёқ тираб туриб олди. Дўқ-пўниса билан иш битмаслигини анлаган бошлиқлар ялинишга ўтишди. Фойдаси бўлмади, “гаишник” ўлгудай ўжар экан. Қарасам иш чатоқ. Машинадан тушиб, “гаи” ходимини секин четга тортиб, ўзимни “полковник” деб таништирдим. Келбатимни кўриб, унвонимни эшитиб, бояги йигитнинг попуги пасайиб қолди. “Бизларгаям полковник бўлиш насиб қилсан!” деб хужжатларни кайтариб, “чест” бериб кузатиб қўйди. Бошлиқларим ҳайрон. Йўлда уларга бўлган воқеани айтиб бердим... Шу-шу олдин “полковник” деган лақаб орттиридим. Кейинчалик қайсиdir кинодаги Юсуф Ялангтўш деган қаҳрамонга ўхшаганим учунми ёки бошқа важданми ишқилиб жарангдор лақабимиз ёнига “Ялангтўш” иборасиям қўшилиб қолди. Шутиб “полковник Ялангтўш” бўп қолганмиз-да!

– Тушунарли! – деди Санжарбек кулгидан ўзини тийиб. Сўнг бирдан жиддий қиёфага кириб мақсадга кўчди. – Норпўлат Алматов билан қандай танишгансиз?

– Тинчликми, ака! Ўзи нима гап? – сергакланди Юсуф.

Ҳозиргина “ука” деб турган одамнинг бирдан “ака”лаб қолиши Рамазоннининг ғашини келтирса-да, сухбатни бўлгиси келмади.

– Унчалик тинчлик деб бўлмайди. Норпўлат ака бедарак йўқолган! Шу сабабли сиздан саволларимизга ўйлаб, аниқ жавоб бериш талаб этилади!

– Албатта. Албатта! – минғирлади гувоҳ. – Балки чет эл-пет элга кетгандир... Пули бўлса бор...

– У ёғини бизга қўйиб бераверасиз! – зарда қилди Рамазон. – Сиз берилган саволларга жавоб беринг, хўпми?!

– Яхши, яхши... Норпўлат ака билан қачон танишганим эсимда йўғу... аммо уни анча йиллардан бери билардим.

Имон-инсофли, дўлоп жигит... бойноғидай! Бирорман сенменга борганини билмайман...

– Охирги марта у кишини қачон кўргандингиз? – Санжарбекнинг сабри чидамади.

– Ҳозир ёдимда йўғ-а! Анча бўп кетди-ёв! – тўнғиллади “полковник”.

– Биздаги маълумотларга қараганда сиз у киши билан Тошкентга бирга кетган экансиз? – терговчи ўзини у ёқдан бу ёққа ташламоқчи бўлаётган гувоҳни “бўғзидан олди”.

– Ҳа, ҳа, бунга бир ойлар бўп кетди-ёв! – “полковник” истамаса-да, ҳакиқатни айтишга мажбур бўлди. – Бир куни Тошкентга кетаётган экан, “закампания” бирга бориб келайлик деб қолди, бойноғидай. Мен нима, нафақада дам олиб юрган одам, жуфтга тоқ, тоққа жуфтмизда! “Хўп” дедим. Икки кун маза қилиб айланиб, қайтиб келдик. Бор гап шу!

– Тошкентга кимнинг машинасида кетдингизлар? Рулда ким эди?

– Машина кимники эканлиги менга қоронғу. Рулда Алишер деган йигит кетди, машина ўшанини бўлса керак-да!

– Алишер Норпўлатга ким бўларкан?

– Бунисини билмадим. Таниши бўлса керак-да!

– Сиз уни аввал ҳам кўрганмидингиз?

– Йўқ, у болани биринчи кўришим, олдин танимасдим.

– Балки у киракашдир?

– Йўғ-э, киракаш одам “Жип”да юрадими! Кўринишидан бойвачча йигитга ўхшади.

– Алишер қаерлик экан?

– Мен ундан “қаерликсан” деб сўраганим йўгу, аммо гап сўзидан тошкентликка ўхшатдим. Ҳар ҳолда бу ўртанинг жигити эмаслиги аниқ.

- Машинада неча киши кетдингизлар? – навбатдаги саволга ўтди терговчи.
 - Башқа ҳеч ким йўқ эди, фақат шу учовимиз...
 - Машинага бирорта юк ҳам ортганмидингизлар? – чуқурлаша борди терговчи.
 - Қанақа юк? Биз енгил машинада бўлсак...
 - Юхонага бирор нарса солғанмидингизлар?
 - Ҳа, айтмоқчи орқага бир кресломи, столми ортгандик... Нимайди?
 - Ортилган нарсанинг кресло эканлигини қаердан билдингиз?
 - Норпӯлат аканинг ўзи айтганди. Кейин Тошкентта кираверишдаги постда “таишниклар юхонани очиб, “бу нима?” деб сўрашганди... Нима, башқа нарса эканми? – сўради Юсуф таажжуби ортиб.
 - “Таишник”лар очиб куришмадими?
 - Қўли билан пайпаслаб кўрди, лекин очиб ўтиrmади.
- Креслонинг ичига бирон нарса сол...
- Сиз тушиб хизмат гувоҳномангизни кўрсатиб, ишга аралашган бўлсангиз керак-да! – гап қўшди Рамазон. – Қарға қарғанинг кўзини чўқирмиди!

Юсуф индамай ерга каради. Терговчи “хужум”ни бошлади:

- Машина ёллаб, Термиздан шунча йўлга кресло орқалаб юриш соғ одамнинг иши эмас-ку! Сиз олиб кетаётган юкларингизнинг асли нима эканлигини билган бўлишингиз керак!
- Ростанам ичига бирон нарса яширинганмикан? – деди гувоҳ тарвузи қўлтиғидан тушиб. – “Ўзи очилиб-ёпиладиган, массаж қиладиган электро- кресло, Тошкентта олиб бориб созлатиб келмасам, бу ерда устаси йўқ” деса, ишониб ўтирибман, қаердан билай. Аммо... Норпӯлат ака унақа одам

эмасди! Бунақа бемаза ишларга аралашади деб ўйламагандим...

– Хўш, йўлда нима ҳақида гаплашдингизлар? – Санжарбек савол беришда давом этди.

– Улар иккаласиям жим кетишиди. Асосан мен гапирдим.

– Қаерларда тўхтадинглар?

– Деярли тўхтамадик. Самарқандда бироз гидириб, нон олдик. Кейин Тошкентга кираверишда постда...

– Тошкентга қаерга бординглар?

– Мен Тошкентни унча яхши билмайман. Алишер йўлни билса керак-да, тўғри бир стоянкага бориб тўхтади. Кейин биз Норпўлат ака билан бошқа машинага ўтириб, меҳмонхонага кетдик.

– Кресло машинада қолдими?

– Ҳа, Норпўлат акадан “креслонгизни олмайсизми?” десам, “Алишер устага ўхшатиб, кетишимизга тайёрлаб кўяди” деди.

– Тўхтаган жойларингиз қайси туманда, кўчаси ёдингизда қолганми?

– Э, кўчасига ким қарапти! Лекин ёнида метро бекати бор эди... ҳа, яна тўр томонида телевидение минораси кўринди.

– Алишернинг машинаси давлат рақами ёдингиздами?

– Адашмасам 10 КА 30 33 эди, ҳа, ҳа худди шундай!

– Кейин сизларни телевидение тўхташ жойидан олиб кетган машинанинг давлат рақами-чи?

– Тўғриси, эътибор қимаппан. Машина тайёр турган экан миндик, кетдик. Карапгаям вақт бўлмади.

– Машина эгаси Норпўлат акага танишмикан?

– Менимча, таниш эмас. Кимдир олдиндан чақириб кўйган, бирортасининг шафёrimикан деб ўйладим.

– Исми ёдингизда йўқми?

– Исимини ким сўрапти.

– Кейин қаерга бордингизлар?

– Бояги машинада меҳмонхонага бориб, нарсаларимизни жойлаб, “Манаас” деган ресторонда кулчатойни уриб, дам олдик... бойноғидай...

– Қайси меҳмонхонага тунадингизлар?

– Ўша “Манаас” ресторонига яқин, кичикроқ гастинца экан... отиям ёдимда йўқ... уч қаватмиди, тўрт қаватмиди... Норпўлат аканинг бир опахандасиники экан ишқилиб...

– Кейин нима бўлди?

– Эрталаб турсам, Норпўлат ака хонасида йўқ. Телефон килсам, жавоб бермади. Бир ўзим пастда нонушта қилдим. Тушга яқин шеригим қайтиб келди. “Ука, хафа бўлмайсиз, режаларимиз сал ўзгариб қолди, сиз самолётда кетаверасиз, мен ишларни битириб, уч-тўрт кунда қайтадиган бўлдим” деб қолди. Хўп дедим! Кечки рейс билан Термизга учиб кеп қўйдим...

– Эртаси куни Алишерни кўрмадингизми?

– Йўқ, уни бошқа кўрмадим.

– Норпўлат ака билан кейин телефонда сўзлашдингизми?

– Йўқ, кейин гаплашмадик.

– Хизмат ҳақига нима берди?

– Тушунмадим, қанақа хизмат? – Юсуф талмовсиради.

– Ҳа, энди қимматбаҳо молни бехатар Тошкентгача кузатиб борганингиз ҳақини айтаяпман! – терговчи аниқлик киритди.

– Қанақа қимматбаҳо мол? Шалтоқ креслони айтаяпсизми?

– Эътиборингиз учун ўша сиз “шалтоқ” деётган кресло олтиндан ясалган экан? – деди Рамазон кўзини лўқ қилиб.

— Қ-а-н-а-қ-а ол-тин? Ҳ-а-з-и-л-л-а-ш-а-я-п-с-и-з-мн,
ука! – деди гувоҳ тили калимага келмай.

— Биласиз, биз ҳазил килмаймиз! – босиқлик билан гап
бошлиди Санжарбек.

— Чиндан ҳам ўша кресло олтин бўлиб чиқди. Норпўлат
шўлда кўлга тушиб қолищдан қўрқиб, атайлаб сизни ёнига
олган. Бунинг учун сизга яхшигина ҳақ тўлаган бўлиши
керак!

— Хммм... шунинг учун экан-да! Кетишда қўлимга 300
доллар қистирганди, – деди “полковник” шалпайиб. – Мен
буни бошқа нарсага... мен билан қайтиб кетолмагани учун
хижолат бўлиб берган деб ўйлагандим. Аммо, креслонинг
олтиндан экани етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган...

— Мана кўрдингизми, сиздан қандай фойдаланган! –
хотима қилди терговчи. – Сиз эса собиқ ички ишлар ходими
бўла туриб,чув тушиб ўтирибсиз. Огох бўлиш керак, жаноб
“полковник”, огох бўлишимиз керак!

— Энди кўрмайсизми, бойноғидай... Норпўлат акани
тузук одам десам... Мен уни жуда хурмат қилардим,
ишинардим... одамнинг оласи ичиди деб тўғри айтишган экан-
да!

— Муқаддам ҳам Норпўлат сизнинг бундай холис
хизматингиздан фойдаланган эдими?

— Йўғ-э, Худо сақласин! Бир бўп қолди, бўп қолди-да!
Аммо, бу писмиқнинг шунча тиллани қаердан олганига
ҳайронман! Товба... Бу эмони бедарак йўқолган деяпсизлар...
Тушуммай қолдим!

Терговчилар яна бир қанча саволлар билан
“полковник”нинг “сувини сиқиб қўлига беришди”. Зарурият
бўлганда чакириш шарти билан унга кетишга рухсат
қилишиди.

– Хўш, муҳтарам терговчи Сиз нима деб ўйлайсиз, “полковник” чиндан хам Норпӯлатнинг режасидан бехабар бўлганми? – Санжарбек шеригини мунозарага чорлади. – Ёки бизнинг қулоғимизга лағмон илмоқчими?

– Менимча, бу лапашанг ҳеч нарсадан хабари бўлмаган. Норпӯлат Тошкентга нима олиб кетаётганини айтганда, Юсуф бунга унамаслигини ёки каттароқ хизмат ҳақи талаб қилишини билган. Шу сабабли уни Тошкентга “бир маза қилиб айланириб келиш”га кўндирган. Унинг формада машинанинг олд ўриндиғида кетиши, товарнинг манзилга эсон-омон етиб боришига кафил бўлишини тұғри тушунган.

– Ҳа, сиз ҳақсиз! – деди терговчи деразадан ташқарига тикилганча. – Норпӯлатнинг хавотири тұғри чиққан. Агарда “полковник” бўлмаганда Тошкентга кираверишдаги постда милиция ходимлари креслони қўриб, “хитланиб” қолиши мумкин эди.

– Санжар aka иш-иш билану қоринлар ноғора чалиб юборди-ку! – ўрнидан қўзғалди Рамазон. – Қорин оч қолганда каллага жўяли фикр ҳам келмай коларкан!

– Кетдик, қолган гапларни...

– Фақат “овқат устида гаплашамиз” демант! Тановул пайти чиройли гаплардан суҳбатлашайлик!

– Хўп, сиз нима десангиз шу! – жилмайди Санжарбек. – Фақат Фахриддин Каримовичга қўнғироқ қилиб, ахборот бериб қўйсак бас!

Шарофат таниб олиш учун қўрсатилган мурдани кўздан кечириб, ўзини тутолмай бўкириб йиғлаб юборди. У майитнинг бўйнидаги норидан ташқари бўксасидаги нўхатдай холни қўриб, марҳум эри эканлигига юз фоиз икрор бўлганди.

Фахриддин ўзини у ёқдан бу ёқка ташлаб. дод-фарёд қилаётган аёлга далда беришга уринар экан, ўз навбатида пайтдан фойдаланиб, унинг “оҳ-воҳлари” самимий ёки сохта эканлигини аниқлашга ҳаракат қиласарди. Негадир унинг хаёлида Норпўлатнинг ўлемида аёлининг қули бордай туюларди. Бунга балки Шарофатнинг эрининг бедарак йўқолгани ҳақидаги хабарга анча пайтгача ишонмасдан бепарво юрганлиги, ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутиб келганлиги, ваҳимага берилмай ўзини сипо тутганлиги сабаб эди. Терговчи иш тажрибасидан баҳтсизлик олдида ҳар ким ҳар хил вазиятга тушишини яхши билса-да, бу аёлнинг ҳаддан ташқари “кенг феълигими ё хотиржамлигими” - у ҳақда шундай хулосага келишга асос бўлганди... Орадан бироз вақт ўтди. Аёлни зимдан кузатиб турган терговчи унинг хатти-ҳаракатларида сохталик, нотабиийлик кўрмади. Шунга қарамасдан аёл кишининг макри қирқ тяуга юк бўлади деганларидек, унинг айёрлик қилаётган бўлиши муминлигини ҳам истисно этмади.

Утказилган суд-тиббий, кимё экспертизалари хулосасига кўра Норпўлатнинг ўлеми орқа миясига қаттиқ жисм урилиши оқибатида келиб чиққанлиги, кейинчалик юзини таниб бўлмас даражага келтириш учун H_2SO_4 кислотасидан фойдаланилганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, мутахассислар мурданинг танасида кўп сонли жароҳат излари борлигини аниқлаб, марҳумнинг ўлемидан олдин жисмоний қийноққа солингани, шунингдек, тананинг озиб-тўзиб, қовургаси қўриниб қолганлиги ва ички аъзолари таҳлили асосида унинг анча пайт оч колдирилганлиги ҳақидаги хулосани берди.

— Мана жиноятнинг мотивиям равшан бўлди. Энди уни ким содир этганлигини аниқлаш қолди, - деди Фахриддин ҳозиргина эшикдан кириб келган тезкор ходимга қаратади.

— Мотив-ку аник, аммо қотилни топиш осон кечмайдиган кўринади! — деди Ўткирбек қўлидаги бир варақ қофозни терговчига узата туриб. — Анови “полковник”нинг кўрсатмаси бўйича уларни Тошкентга олиб келган давлат рақами 10 КА 30 33 бўлган “Жип”нинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида сўров бергандик. Бахтга қарши давлат рақами сохта бўлиб чиқди. Рақам эгаси Эрдон бобо ўзига тегишли “Москвич” русумли 1981 йилда ишлаб чиқарилган ва яроқсиз ҳолга келиб қолган машинасини бир йил олдин 100 доллар эвазига биттасига бериб юборганини тан олди. Машинани олган шахс фақат унинг давлат рақамидан фойдаланишни мақсад қилгани аник.

— Шунаقا денг! Машина олди-сотди қилинмаган эканми?

— Товук катаги бўлиб ётган шалток машинани расмийлаштириш кимнинг газагига дори! Бу ҳам майли, на чол, на унинг болалари харидорларнинг кимлигиниям билишмайди. “Шаҳарлик олифта йигитлар эди” дейишдан нарига ўтишолмади. Ҳатто исмини ёдида сақлаб қолмаган.

— Ҳа, ҳа! Демак, “Жип”ни бошқариб келган кимсанинг “Алишер” эканлиги ҳам ёлғон бўлиб чикади-да! — хулоса қилди гурух раҳбари.

- Машинанинг рақамини сохталаштирган қаллоблар исмини тўғри айтармиди! Ҳаммасини олдиндан пиширишган бу хумпарлар!

— Ўткирбек, сиз зудлик билан Термиз-Тошкент йўлидаги барча постларга сўров юбориб, 10 КА 30 33 рақамли автомашина камерага тушган-тушмаганлигини аниқлаш чораларини кўринг. Балки Термизга борища объективга тушгандир.

— Есть! — тезкор ходим ўрнидан туриб, кетишга чоғланди. Гурух раҳбарига бирор нарса демоқчи бўлиб оғиз

жуфтладио, сўнг фикридан қайтди шекилли бошини юшик томонга юрди.

Фахриддин зийрак эмасми, Уткирбекни тұхтатди:

– Нимадир демоқчисиз шекилли!

– Ҳа, мен бир нарсага ҳайронман. Норпұлатни үлдириш нимага керак бұлған бұлса! Олтин тахт құлдан кетгани аник. Бөшқа тилласи қолмагани факт. Келинімовчилик нимадан келиб чиққанига ақтим етмай турибди... Боя мотив аник деганингизда шуларни үйлаб қолгандим.

– Яхши савол! – Фахриддин ўрнидан туриб, сұхбатдошига яқынлашды. – Биласизми, мен бу масалани туни билан үйлаб чиқдим. Ҳақиқатда олтин тахт құлға тушиб, таңг ахволда турған пайтда жиной шерикларнинг бир-бирига қасдлашиб қолиши учун жицдий сабаб, инкор қилиб булмас асос лозим бұлади. Вокеалар ривожини қаранг: Норпұлат үзида мавжуд олтинларни янада қымматроқ нархда сотиш мақсадида ҳамкор излаб, қотилни (келинг уни ҳозирча бир киши деб тасаввур қилиб турайлық) топған. Улар биргаликта олтинларни хорижга чиқариб сотишга ва каттагина даромад олишга эришган. Навбатдаги товар олтин тахт бұлған. Аммо у чегарада құлға тушиган. Прокуратура бу иш билан шуғулдана бошлаган. Шундай пайтда Норпұлат шерикларидан олтин тахтни топиб беришини талаб қилиши ёки унинг зиёнини қоплашни сўраши ақлға сигмас иш. Мабодо Норпұлат очкүзлиги тутиб, шундай қылғанда ҳам қотил унинг талабини рад қылғанда ҳеч нарса қылолмаган бұларди. Органга хабар қиласай деса, ўзи ҳам шерик, чохға бирға тушиши турған гап. Балки нифок қотилнинг биринчи “операция”дан тушган пулдан Норпұлатта тегишли ҳақни бермаганлиги оқибатида келиб чиққан бўлиши мумкин, деган тахмин ҳам бор. Бироқ, Норпұлатдай тадбирли, пухта одамнинг биринчи “операция” учун ҳақ олмасдан туриб, иккинчи “операция”га, яъни олтин

тактни чет элга олиб кетишларига рози бўлишига ишониш қийин. Ундан ҳолатда менимча, фақат битта сабаб қолади? Қотилларнинг иштаҳаси очилиб кетиб, марҳумдан хазинани бугунлай топширишни талаб қилган. Улар Бухоро Амирининг йўқолган хазинаси ҳақида билишган. Норпӯлатнинг бу хазинага алоқадорлигини тахмин килишган ва ундан хазинани топиб беришни талаб қилишган. Шўрликнинг тушунтиришлари жиноятчиларга лоф туюлган ва зўр бериб хазинани топиб беришни талаб қилишда давом этишган. Яхши гаплар кор қилмагач, қотилларнинг жисмоний куч ишлатишдан ўзга чоралари қолмаган...

– Яхши тахмин, – тан берди Ўткирбек. -- Анча ишончли. Аммо жиноятчилар Амирликнинг хазинаси ҳақида қаердан эшитган бўлишлари мумкин. Ҳар ҳолда Норпӯлатнинг ўзи айтмагандир!

– Жиноятчилар ҳам анойи эмас! Шунча ишни хамирдан қил суғургандай тўқис ва беҳато уддалаган шоввозвлар учун Амирликнинг йўқолган хазинаси тўғрисида маълумот тўплаш қийин иш эмас.

– Майли шундай бўлган ҳам дейлик, бироқ Норпӯлатни ўлдиришдан нима наф! Ўлганлар гапирмайди-ку! Бор сирларини ҳам ўzlари билан олиб кетади. Жиноятчилар ўзларининг жонларини хавф-хатарга қўйиб, қотилликка қўл урганлари мантиқизликтан бошқа гап эмас!

– Албатта, гапингизда жон бор! Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйладим. Норпӯлатнинг ҳамкорлар томонидан ўлдирилиши ақлсизликдан бошқа нарса эмас. Бу ё бир тасодиф ёки ҳали бизга номаълум бўлган шахсларнинг кирдикори бўлиши ҳам мумкин.

– Фахриддин ака, бир савол берсан хафа бўлмайсизми?
– Ўткирбек қўқкисдан гапни бошқа тарафга бурди.

– Ҳар ҳолда ҳафа қиласиган савол бермассиз? кулимсиради гурӯҳ раҳбари.

– Сизлар ҳар бир ишни шунаقا шошмасдан... берилиб... маромига етказиб дейдими, икир-чикиригача майдалаб... тергов қиласизларми ёки бу иш назоратга олингани учунми...

– Терговнинг бундан бошқа усули борлигини билмас эканман! – кесатди терговчи. – “Назоратга олинган” деганингиз ҳам ҳуқуқшунос кишининг гапи эмас!

– Олтин билан боғлиқ бўлгани учун балки юқоридан назоратга олингандикин демоқчийдим-да! – ўзини оқламоқчи бўлди изқувар.

– Терговчи, изқувар ҳар бир ишга, катта ёки кичиклигидан, муҳим ёки номуҳимлигидан, сиз айтмоқчи назоратга олинган, олинмаганлигидан қатъий назар, виждон амри ва қонун тақозоси билан ёндашмоғи лозим. Зоро, жиноятни фош этиш ва жазо муқаррарлигини таъминланг терговнинг асосий вазифаси.

– Биласизми, Фахриддин ака, ҳамма терговчилар ҳам сиздек куюнчак эмас! Айниқса туманларда иш кўп булади. Ҳар бир ишни бунака майдалаб, рисоладагидек тергов қилишга вақт етмайди. Ҳатто айрим, одам ўлдириш жиноятлари бўйича ҳам ошиб борса, бир ҳафта - ўн кун тергов-қидирув ишлари жадал олиб борилади. Шу пайтда жиноят очилса, очилиб қолади, бўлмаса, кейин терговчи ва изқуварларга бошқа янги жиноятлар берилади ва энди борликқат-эътибор уларга қаратилади. Эски жиноятлар эса бироз эътибордан четда - панада қолиб кетади... Бу ерда ишнинг кўплигию, вактнинг тифизлигини ҳам инобатта олмай иложимиз йўқ.

– Ўткирбек, қўйинг, булар баҳона бўлолмайди. Биз ҳам осмондан тушмаганмиз. Туманда, вилоятда ишлаганмиз. Ўшанда ҳам терговни шу усулда олиб борганмиз! Қонундан

чекинмаганмиз. Баҳона қидирмаганмиз! Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Яхшиси, бунақа кусурдан қутулиш йўлларини ахтарсангиз бўларди.

– Ҳа, Фахриддин ака-эй! Сизга қойилман! – тан берди изкувар. – Қанийди, ҳамма терговчилар ҳам сиздай билимли, малакали ва ўз ишига фидойи бўлса! Бизга ҳам осон бўларди. Унда биз изкуварлар ҳам уқувсиз терговчиларнинг мантиқсиз топшириқларини бажаришдан қутулган бўлармидик!

– Ҳа, ҳар бир киши ислоҳотни ўзидан бошлиши лозим! – жилмайди терговчи.

Санжарбек самолётдан тушиб, тўғри уйига келди. Сафардан қайтиши якшанба кунига тўғри келганидан фойдаланиб, дам олиш кунини оиласи билан ўтказишни олдиндан режалаштириб олганди. Мафтунахон эрта тонгдан туриб олиб “адам қачон келади?” дейишдан чарчамаётган Муслимани кийинтириб, тайёр турарди. Ота эшикдан кириши билан истиқболига югуриб чиқсан қизалоғини даст кўтариб эркалади, сўнг хўжасининг келишига дид билан кийиниб олган хотини билан кўришди.

– Вой, менинг гўзалларим-эй! Қани қаерга борамиз? Тилакларингизни тиланг!

– Сийкка, ҳайвонот боғига, пайкка! – эркаланди Муслима адасининг бўйнига ёпишиб.

– Хўп бўлади, Маликам! Яна нималарни кўнгиллари тусайди, амрингизга мунтазирман! Шохона тушлик ёдларидан чиқмадими? – ҳар доимгидек сехрли сўзларни такрорлади ота.

– Табака обейасиз, мойожний... шоколад... яна... – қизча бармоғини букиб санашга тушди.

– Бўлди, бўлди, – ҳаммасига улгуарканмизми?

– Ана шунака-да, ойда-йилда бир кучага олиб чиққанингиздан кейин бечора қизнинг ҳамма да, ҳасратлари тўпланиб қолганда! - гап қўшди Мафтунахон қошлиарини учирив. – Шунга бир йиллик ҳақини одиб колмоқчи бўлаётгандир-да болапақир!

– Дарвоқе, гўзалим кўринмайди, - Санжарбек тўнгичини излаб қолди.

– Гўзалингизни кеча холажони олиб кетганди, бугун кечга қайтиб келади.

– Демак, адасини соғинмаган!

– Меен адамни ш-у-н-ч-а с-о-ғ-и-н-д-и-м, - эркаланди Муслима бармоқларини ёйганча.

Кулишди. Уйдан чиқишида Санжарбек хотинига сукланиб қараб, эштилар-эштилмас “сиз билан кейинроқ алоҳида гаплашамиз!” деб кўйди.

– Ҳа адажон, ойим билан бий гаплашиб қўйинг, кеча мени уйди! – шикоят қилди Муслима қовоғини ясама уйиб.

– Ҳа сен шайтон қиз-а, қачон урдим сен чақимчини! – ўпкалади она.

– “Боғчага боясан” деб уишган ким?

– Боғчага бормайман дея хархаша қилган ким?

– Ҳали бизнинг малика боғчани ёмон кўрадими? – деди Санжарбек қизалоғини кучоғидан қўймай.

– Ёмон кўйаман, ёмон кўйаман!

– Нега ахир? Боғча яхши-ку!

– Каша бейяди, ухлатади...

– Кашанинг нимаси ёмон экан, мазали таом! Ҳамма болалар ухлаб дам олмаса, чарчаб қолишади, бурунлари пучук бўлиб, хунук бўлиб қолишади!

– Уларнинг нимаси ёмонлигини билмадиму, - гапга қўшилди Муниса. - Аммо, муҳтарама қайнонамнинг

гапларига қараганда ўзлари ҳам болалигида айнан шу вождан боғчани хушнамаган эканлар! Отасининг боласида!

Ха қизим, бу ойингиз ҳақиқатда ёмон булиб кетибдишар, бир гаплашиб қўймасак бўлмайдиган куринади! – деди Санжарбек жилмайиб.

Аввал ҳайвонаг богини, сунг паркни айланиб хийлагина хориган оила ахоли ўртасида “уголок” номи билан машхур кафеда тушлик қилишди. Кейин қизларининг талабига биноан кинога киришди. Муслима ухлаб, эр-хотин ҳинд киносини томоша қилиб, маза қилишди. Сайрдан кайтишаркан Мафтунанинг қалбида жуфти ҳалолидан фахрланиш, турмушидан қониқиши хисси, Санжарбекнинг кунглида ниҳоят ваъдасининг устидан чиқиб, дам олиш кунини оиласи бағрида мазмунли ўтказишга имкон туғилганидан қувонч туйгуси зохир эди..

Одатдагидек ишга барвакт келган Фахриддин Каримович Санжарбекнинг хонаси эшиги очик турганини кўриб, хаёлидан “стиб келибди-да!” деган ўй ўтди ва ичкарига муралади:

– Э-э-э Санжарбек, нима бало, келин уйга қўймадиларми дейман! Каллаи сахарлаб ишдасиз..

– Ассалому алайкум, устоз! – сакраб ўрнида туриб пешвоз чиқди шогирд. - Бир кун бўлса-да сиздан барвактроқ ишга келсак дегандик-да! Шундаям гапга колиб ўтирганимизни айтмайсиз!

– Ваалейкум ассалом! Кўнгил душман-да, Санжарбек! Келиннинг жаҳли чиқиб... яхши келдингизми? – Фахриддин шогирдини бағрига босиб кўришди.

– Раҳмат, устоз! Кеча келгандим. Ҳар ҳолда келиннингиз уйдан қувиб солмасин деб дам олиш кунини уларга бағишиладик!

– Хўп савоб иш қилибсиз-да, мавлоно! Оила - муқаддас! Хотин - мукаррам, фарзанд - азиз! Уларнинг кўнглини бир кунгина овламоқ юз кунлик хотиржамликнинг гаровидир. Хўш, Сурхондарё томонларда нима гаплар?

– Телефонда гаплашганимда айтганимдек, - овозига расмий тус берди шогирд, – Сурхондарёда қиласиган ишимиз қолмади шекилли! Норпӯлатнинг олтинлари тугаган, тилло тахт Тошкентда, Шарофат ва Саида билан ишланди...

– Жиноятчиларни Тошкентдан қидириш лозим демоқчисиз-да!

– Шунаقاға ўхшайди! Сизда бошқача...

– Сиз ҳақсиз! – Фахриддин ёнидаги столга ўтириб, шогирдига ҳам “ўтиринг” ишорасини қилди. - Менинча, қотиллар чиндан ҳам тошкентлик. Аммо, кўп йиллик тажрибамиздан келиб чиқиб, Норпӯлатнинг ўлимида унинг хотинларидан бирининг кўли булиши мумкин деб ўйлагандим. Сизнинг уларнинг ҳар иккисини салкам фаришта қилиб кўйишингиз мени фикримдан қайтаргандай бўлди. Шундай бўлсаям, улар билан яна бир бор шуғулланиб кўришимиз лозим деб хисоблайман. Бошида менга ҳар иккаласининг ўзини тутишида қандайдир нотабийлик, шубҳали жиҳатлар бордай туюлганди. Кейинчалик сиз билан гаплашганимдан сўнг уларнинг айримларига жавоб топгандай бўлдим. Шундай бўлсаям, бу опалар билан жиддийроқ ишлаб кўришимиз лозим. Аёл кишининг макри қирқ туюга юк бўлади дейишади алломалар!

– Ҳақ гап! Ростини айтсан, бошида менга ҳам ўнгандай туюлганди, - маъқуллади Санжарбек. – Улар билан сухбатлашгач, фикрим ўзгарди. Опаларга эътиroz қилишга арзигулик асос қолмади.

– Дарвоке, - Фахриддин жиддий гап айтмоқчидай шогирдига юзланди, – Алмат бобонинг ўғлига қолдирган

мактубини қайта-қайта ўқиб чиқиб, бир жумласига ақлим етмай қолди. Менга ёд булиб кетган жумлаларда қандайдир сир борга ўхшамайдими? “Ёдингда тут, юзингни қиблага буриб, дуода бўлсанг давлатингта давлат қўшилади. Менинг коримга ярай олмаган бу хазина сизларга аскотишига, менинг тинчимни ўғирлаган олтинлар сизларга ҳузур-ҳаловат олиб келишига умид қилиб қоламан”. Бу нима дегани? Чол нимага шаъма қиласяпти? “Юзингни қиблага буриб...”, “дуода бўлсанг”, “давлатингга давлат қўшилади” деган ибораларнинг тагида бошқа бир маъно ётмаяптимикан? Сиз...

– У-с-т-о-з би-ла-сиз-ми? – деди Санжарбек. – Уша куни ертулага кирганимда негадир мактубдаги сиз айтган жумлалар менинг ҳам калламга уриб қолди. Чол бекорга “юзингни қиблага бурсанг” демаяпти-ёв деган хаёлда ертуланинг қибла тарафини роса синчковлик билан кўздан кечирдим, қўлим билан пайпаслаб, бирорта ёриқ ёки из ахтардим. Афсуски, бирорта шубҳали жой топилмади. Муқаддам тергов қилган ишларимиздаги Али Кушчининг сирли ишоралари, Аҳад Ботировнинг тилсимотга тўла хатларидан кейин одам ҳар бир ёзувга шубҳа билан қарайдиган булиб қоларкан.

– Шунақа денг! Демак, ертуланинг қибла тарафини яхшилаб текшириб кўргансиз! Аҳа, балки чол уйининг қиблага томонини кўзда тутгандир. Уйининг қиблага томонида нима борлиги ёдингиздами?

– Қиблага томони... кунботар тараф bog эди чамамда! Устоз, нима, сиз Алмат бобо хазинанинг бир қисмини бошқа жойга яширган деб ҳисоблаяпсизми?

– “Давлатингга давлат қўшилади” деганда бундан бошқа нимани тушунса бўлади? – саволга савол билан жавоб қайтарди Фахриддин.

— Мен ҳам шундай ўйлагандиму кейин балки чол тақводор бўлса, ўғлига “мусулмончиликни маҳкам тутсанг, кам бўлмайсан!” демокчи бўлса керак деган ўйга бордим. Қолаверса қишлоқи, оми бир чолнинг бунақа нарсаларга фаҳм-фаросати етишига ишониш қийин.

— Ҳой, ҳой, асло унақа дея кўрманг! — Фахриддин ўринидан қўзғалди. — Ахир биз Алмат бобо тўғрисида нималарни биламиз? Унинг ақл-заковати, фаҳму фаросатига беписанд булишимиз тўғри эмас! Бутун бошли карвондан ёлғиз ўзи омон қолган, чексиз хазинанинг сирини билган ҳолда бир умр ичидаги сақлаб келишга иродаси етган, ўзи почор ахволда бўлса-да, тишини тишига кўниб, шунча йиллар камбағаллик азобига чидаб келган, тоғдан ими-жимида шунча хазинани олиб тушиб, ишончли жойга яниришни уddaлаган, олтинлардан ўзи баҳраманд бўлмасада, фарзандларини баҳраманд қилини йўлни топган бу "оми" одамни қишлоқи деб буладими? Алмат бобонинг ўкишга имкони бўлмасада, анчагина ақлли, зукко ва уддабурон одам бўлгани аниқ. Нима бўлгандаям бу масала жиддийроқ эътибор беришимизга тўғри келади!

— Ҳар галидай сиз ҳақсиз, устоз! — таслим бўлди шогирд.

— Яхши, яхши! Бироздан сўнг чиқинг, батафсил гаплашиб оламиз, - Фахриддин ўтирган стулини тўғирлаб, эшик томонга индамлади.

Санжарбек жойига чўкиб, хаёлга толди: “Устознинг гапларида жон бор. Бунақа масалаларда унда қандайдир интиуция бор-а! Кўпинча тахминлари тўғри чиқади. Бунга сабаб тўғри мушоҳада юритиши, мантикий хуносаларга асоснанини бўлса керак. Ҳақиқатда Алмат бобони “оми” деб бўлмайди! Унинг қобилиятига етарлича баҳо бермаслик хато бўлгарди! Майстубдаги сирли жумлалар замирида қандайдир

тилсимот яширинган булиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Афуски, чоннинг нима демоқчи булаётганини англаш мураккаб масала. Бу жумбокни ечсан, кўп нарсаларга ойдинлик киритилармиди? Устоз бу масалани бекорга кўтартмади-ёв! Ниманидир кўнглига туйгани аниқ. Одатда у бирор бир масалада фикр билдиришдан олдин чуқур мушоҳада юритади, ҳаммасини тарозига солиб, чамани тўғри олади. Балки у мен илғай олмаган қайсиридир жиҳатни пайқаб қолгандир...”.

Шогирд ҳак эди. Фахриддин чиндан ҳам мактубдаги сирли жумлаларга катта умид тиккан, уларнинг ечимиға доир бир қанча тахминларни юрагига туғиб кўйганди. Шу сабабли воқеа жойига бориб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўриш режасини туза бошлаганди. Санжарбек билан бўлган мулоқотлардан сўнг қатъияти ортиб, эрта кунни кеч қилмасдан эртагаёқ Сурхондарёга жўнашга карор қилди. Хаёлида Алмат бобо яширган хазина оёқ остидан чиқадигандай эди...

Тушга қолмай Дарбандга етиб келган терговчилар аввал Норпӯлатнинг уйига кириб, бошдан оёқ кўк – мотам либосига уралган Шарофатга таъзия билдиришди. Куръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақига дуо қилинди. Сўнг Санжарбек мулойимлик билан азали аёлга яна бир бора хазина яширилган ертўлани кўздан кечириш зарурияти пайдо бўлганлигини айтиб, муддаони тушунтириди.

– Сизлар эримнинг қотилини изляпсизлар десам, тағин шу ертўла ўлгурга ёпишяпсизларми? – норозилик билдириди аёл йифламсираб. – Нима, бизларни эл ичидан шарманда қимоқчи сезизларми? Жўжайиннинг гўри совимасдан сизлар

билин үралашиб юрганимни кўрса, одамлар нима деб уйлади! Ўлган – ўлди кетди, яна нима дейсизлар!

– Узр опажон, бу тергов учун жуда муҳим. Зурурият бўлмаса, азали одамни безовта қилмаган бўлардик. Қотил очиқда юрибди. Уни топиш учун қўлимииздан келган ишни қиласайпмиз.

– Бир нарсани неча марта кўриш мумкин? Ахир яқинда узингиз миридан-сиригача...

– Тўғри! Аммо айрим нарсаларга ойдинлик киритиш лозим бўлиб қолди. Кўп вақтингизни олмаймиз.

Шарофат истар-истамас терговчиларга эргашди. Айни тушлик пайти бўлгани учун Алмат бобонинг эски ҳовлиси атрофида қўни-қўшнилар кўринмади. Машинани эшик олдида қолдириб, ичкарига киришди. Уй эгасини ташқарида қолдириб, терговчилар ўқувчига таниш ўша ўра орқали сртўлага тушишди. Фахриддин телефон чироғини у ёқдан бу ёққа қаратиб, аланглар экан, ертўла тасаввур қилганидан ҳам антиқа ва сирли эканлигига амин бўлди. Санжарбек “гид”лик қилиб, устозига бу сирли маскан хақида билганларини айтиб берди.

– Мана бу томон қибла экан, - деди шогирд рўпарадаги девор тарафга ишора қилиб. – Аммо айтганимдай бирор жойида шубҳали из йўқ.

Фахриддин шогирди кўрсатган тарафни чироқда ёритиб, деворнинг ҳар бир қаричини диққат билан қараб чиқди. Ҳеч нарса тополмади шекилли худди шундай бошқа деворларни ҳам назардан ўтказди.

– Сиз ҳақсиз, - деди ниҳоят устоз Санжарбекка қараб. – Бу деворлarda ёриқ ҳам йўқ, из ҳам. Туйнук бўлганда жойи билиниши лозим эди. Ҳар ҳолда оддий кўз билан қарагандан шунаقا. Менимча, мутахассисларни жалб қилиб, яхшилаб чиғириқдан ўтказсаккина бирор натижа чиқиши мумкин.

Рамазонга кўнғироқ қилинг, тегишли экспертларни асбоб-анжомлари билан олиб келсин. Ертўладан ташқари ҳовлини ҳам обдон текшириб чиқишига тўғри келади.

Мутахассислар келгунга қадар очиқ ҳавода кутиб туришни афзал билган терговчилар уриниб-суриниб ташқарига чиқишиди. Терговчиларнинг яна қўшимча одамлар чақираётганини эшитиб, Шарофатнинг жаҳли чиқди:

— Сизларни тушунмай қолдим. Ўзи нима қидирайпсизлар бу ертўладан! Ҳамма нарса олиб кетилган бўлса! Айланиб келиб шу жойга япишасанлар!

— Бир йўла шу масалани охирига етказиб қўяйлик деган ўйда мутахассислар чақирдик. Улар бир қараб беришса, сизни қайта безовта қилмасдик, узр энди! — деди Санжарбек қўлини қўксига қўйиб.

— Ўзи акангиз тўғрисида ҳар хил миш-мишлар болалаб турганда сизларники ошиб тушаяпти-да! Эл олдида шармандамиз чиқмаса гўргайди! — тўнғиллади аёл.

— Қанақа миш-миш? Одамлар нима деётганмиш? — Санжарбек атайлаб “оловга ўт сепди”.

— Нима дерди, Норпўлат хазина тонган экан, шу олтинлар охири ўзининг бошига етибди, дейишайтганмиш... Одамлар оёғи билан эмас тили билан юрадиган бўлиб кетишган.

— Ахир хўжайнингизнинг хазина топгани ёлғон эмаску!

— Топган бўлса, отасининг меросини топди, ўғирлик қилмапти-ку! - деди Шарофат тумтайиб.

— Хазина халқники бўлган, яъни унинг эгаси давлат ҳисобланади, - Санжарбек ҳам паст кетгиси келмасди. — Норпўлат aka олтинларни давлатга топшириши лозим эди.

— Н-и-м-а де-моқ-чи-сиз, ўлган одамни айбдор қилмоқчимисиз... қقا-мат-моқ-чи-ми-сиз?! Мана мени қаматинг! – деди аёл жазаваси кўзиб.

— Опа, Санжарбекни сал нотўғри тушундингиз. Биз сизларни айбдор қилмоқчи эмасмиз. Мақсадимиз котилни топиш, жазолаш, қонун устуворлиги ва жазо мукаррарлигини тъминлаш! – деди Фахриддин Каримович баҳсга барҳам бериш мақсадида мулоҳимлик билан.

Орадан икки соатча вақт ўтиб, Рамазон уч-тўрт чоғли мутахассислар билан кириб келди. Терговчи ва эксперталар тегишли расмиятчиликларни ўринлатиб, “объект”ни тадқик қилишга киришдилар, темир излашга мўлжалланган ускуналарда аввал ертўлани, сўнг бино ва томларни, ҳовлиниң ҳар бир кунжагини, ҳар бир қаричини диккат билан текшириб чиқдилар. Бироқ, терговга нафи тегиши мумкин бўлган бирорта далил, ҳолат аниқланмади. Офтоб уфққа бош қўйган маҳалда хафсаласи пири бўлган терговчилар ниҳоят қидиувни тўхтатиб, кетиш тадоригини кўришга тушишди. Алмат бобонинг хатидаги сирли жумлалар миёсида айланар экан Фахриддиннинг хаёлида нимадир уларнинг эътиборидан четда қолгандай, нимагадар акли етмаётгандай, қаердадир хатога йўл қўйгандай туюларди.

— Санжарбек, айтинг-чи, - қўқисдан сўради у сал нарида эксперталар билан чақ-чақлашиб турган шогирдидан. – Кибла деганда сиз нимани тушунасиз?

Шогирд устозинъ лаг узоқ ўйга толганидан “бошига бирор яхши фикр келдимикан?” деган ўйда унга яқинлашди:

— Кибла дунёнинг бир томони, аниқроғи Маккалаги. Каъба турган тараф!

— Туғри! Аммо мажозий маънода “кибла” деганда нималар тушунилади?

– “Онажон каъбам ўзинг, сенсиз жаҳонни на килай” деганларидаи шоирлар она ўтирган тарафни ҳам қиблага ўхшатишади. Шуни назарда тутяпсизми?

– Ҳа, ўлманг! Онани каъбага, у турган, қўним топган жойни қиблага киёслашади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, Алмат чол нимага ишора қилаётганини тушунгандай бўляяпман.

Фахриддин сал наридаги кундада чурқ этмай хомуш ўтирган Шарофат тарафга қараб юрди ва мулойимлик билан сўради:

– Хўжайнингизнинг мархум оналари қайси қабристонга кўйилган?

– Қишлоқда ўзи битта қабристон бор! – аёл “шунгаям ақлинг етмайдими?” дегандай ўқрайиб қаради. – Қайнонам бечоранинг қабри сизларга нимага керак бўлиб қолди?

– Қабристон қайси тарафда?

– Нима килмоқчисизлар? – аёл қизариб-бўзариб ўрнидан кўзғалди. – Олтин топаман деб, гўрини ковламоқчи бўляпсизларми? Ахир... бу қ-а-н-а-қ-а-с-и...

– Йўқ, йўқ, сиз бизни нотўғри тушундингиз. Ҳеч ким қабрни ковламоқчи эмас. – Гуруҳ раҳбари аниқлик киритди. – Шу турган жойимиздан қабристон қайси тарафда жойлашган?

Аёл сал чамалаб, кунчиқар тарафни кўрсатди:

– Ҳов анов қирнинг орқасида... бу ердан яхши кўринмайди. Уч-тўрт чақирим бор-ов.

– Демак, кунчиқар тараф! – Фахриддин аёл кўрсатган ғомондаги пастқам бинога қараб юрди. Қолганлар ҳам унга эргашди.

– Бу қанақа хона, - бинога яқинлашар экан терговчи орқада келаётган уй бекасидан сўради.

– Утинхона!

– Кирсак майлимни?

– Сўраб нима қиласиз? Йўқ десам ҳам кирасиз-ку! гўнғиллади Шарофат ва занжиридаги чўпини суғуриб, ёғоч эрганагини очди. – Марҳамат! Кўчиб кетганимиздан бери бу ерга одам зотининг қадами тегмаган, эҳтиёт бўласизлар, ўргимчак ин қуриб ташлагандир.

Фахриддин, ортидан бошқалар нимкоронги хонага киришди. Ҳамма бирдан юзларига ёпишган ўргимчак тўрларини артишга тушди. Кимdir телефон чироғини ёқиб, хонани ёритди. Бир тарафда ўтин, шоҳ-шабба қалашиб ётибди. Бир тарафга таппидан “ховуз” ясалиб, кий уюми билан тўлдирилган. Санжарбек устозининг ўтинхонага “ёпишиб қолгани” сабабини аниқ тасаввур қиломаётган бўлса-да, ҳар ҳолда бу инсоннинг бирор асоси бўлмаса, бунақа қилмаслигини билгани учун оёғи билан ерни тепкилаб, хонадон эгасидан сўради:

– Олдин бу ер қанақа хона бўлган? Утинхонанинг полини бетондан қилишнинг бирон сири борми?

– Бу том олдиндан ўтинхона бўлган. Бетон қилгани... қайдан билай... балки ўтин курук турсин, супуриб-сидириш осон бўлсин деган мақсадда бўлса керак-да!

Фахриддин Каримовичнинг ишораси билан эксперталар ишга киришди. Хона шоҳ-шабба ва бошқа жинслардан тозаланди. Металл қидирувчилар бинонинг деворлари, полидан тортиб, томигача текширишга тушишди. Ёлғиз қолганларидан фойдаланиб, Санжарбек устозидан секин сўради:

– Устоз, шу алмисоқдан қолган бинода бирор нарса бор деб ўйлайсизми?

– Эҳ Санжарбек, Санжарбек! Маълумотингиз учун олтин деганлари ҳашаматли биноларда эмас, шунақа алмисоқдан қолган жойларда яширинган бўлади.

— Хуп, майли. Бирор асосингиз бордир? Олдин қабристонни сўрадингиз, кейин онасининг қабрини... ўтинхонанинг бунга қандай алоқаси бор. Алмат чол шунака ишончли ертўласи турганда хазинасини ўтинхонада сақлаши миянгқото одамнинг иши эмасми? Хазина сақлашга ўша жой ишончлироқ эмасмиди? Шу томонига сал ақлим етмай турибди-да!

— Каллани ишлатиш керак-да, биродари азиз! — кулимсиради устоз. — Саводсиз бўлсаям Алмат бобо сиз билан биздан кўра ақллироқ бўлган кўринади. Агар тахминим тўғри чиқса, чол хазинанинг бир қисмини шу ўтинхонанинг остига жойлаштирган. Хазинани атайдан икки жойга бўлиб яширгани бекорга эмас. У хазинанинг ўзгалар қўлига тупниб қолишидан чўчиған. Унда ҳамма олтинлар бир йула йўқ бўлиб кетарди. Иккига бўлганда эса, бирини топишса, ҳеч бўлмаганда иккинчиси болаларига насиб қилишига умид қилган. Бу - биринчидан. Иккинчидан, чол Норпулатни синамоқчи бўлган. Яъни, унинг биринчи хазинани топиб, ўзини йуқотиб қўймасдан уни ҳазм қила олишини имтиҳон қилмоқчи бўлган. Хазина топган одам уни бекорга, бўлар-бўлмасга, номаъқул ишларга сарфласа касофатга учрашини ва аксинча, олтинларни керакли ва эзгу ишларга сарфласа, баҳту иқбол унга кулишини билган. Норпулат отасининг ишончини оклаган. Хазина топгач, жинни бўлиб қолмаган. Олтинларни ақл билан ими-жимида сарфлаб, ўзгаларда шубҳа уйғонишига йўл қўймаган. Аммо, у охирги пайтда битта хатога йўл қўйган. Олтин тахти сотиш учун хамкор танлашда адашган. Бошқа тарафдан у отасининг васиятига етарлича аҳамият бермаган ва ундаги сирли жумлаларнинг мағзини чака олмаган.

— Тўғрику-я, лекин барибир шу вайронанинг тагидан хазина чикишига ишонгим келмаялти, - деди Санжарбек

үтгихонадан бирин-кетин шумшайиб чиқиб келаётган мутахассисларга ишора қилиб. - Бўрими ё тулки?

– Тулки-да! Эй, бу ерда олтин-полтин йўқ! – ҳасрат қилди пакана бўйли эксперт. – Ҳамма жойни текширидик, “тиқ” этган овоз чиқмади.

– Асбобингизнинг сезиш қуввати қанақа? Қанча чуқурликдаги метални сеза олади? – сўради Фахриддин пакананинг кўлидаги асбобни кўрсатиб.

– Бу замонавий “металлскатель”, уч метр чуқурликни бемалол олади.

– Демак, уч метрдан чуқурдаги метални сезмайди, шунақами?

– Энди... қоғозида шунақа кўрсатилган-да! Уч метрдан пастдагини олмаса кераг-ов! – талмовсиради эксперт.

– Бўлмайди, бошқасини, ўта сезгироғини топиш керак, - деди гурух раҳбари қатъий оҳангда. – Сизларда шунақаси борми?

– Бизда йўқ, ҳарбий қисмдан олишга тўғри келади.

– Яхши, унда ишни эртага давом эттирамиз, - Фахриддин сал нарида Шарофат билан сухбатлашиб турган Рамазонга юзланди, - Ҳарбий прокуратурадагилар билан гаплашиб кўринг, энг сезгирини топиш лозим.

Эртаси куни ҳарбий қисмдан ёрдамга келган мутахассислар ўтгихонада ишни бошлаб юборишиди. Уларнинг талаби билан хонадаги барча нарсалар ташқарига олиб чиқилди.

- Мана бу ерда сезилар-сезилмас сигнал бор, - кўлидаги асбобда қий уюми турган жойни пайпаслаётган мўйловли йигитнинг овози ҳамманинг дикқатини тортди.

Ҳамма ўша жойга тўпланди.

– Демак, хазина шу ерга күмилган экан-да! – хулоса қилишга ошиқди Санжарбек. – Лекин нима сабабдан сигнал жуда заиф деяпсиз?

– Ҳа, сигнал жуда кучсиз! – мутахассис асбобидан кўз узмасдан жавоб берди. – Объект анчагина чуқурда шекилли. Цемент қалин куйилган бўлса, бу ҳам халақит бераётган бўлиши мумкин. Бетонни қўпориш керак.

Гуруҳ раҳбарининг ишораси билан бир неча киши электр ускуналар ёрдамида терлаб-пишиб бетонни уйишга киришди. Цемент анчагина қалин ёйилган экан. Беш-олти чоғли ишчилар то пешингача астойдил ҳаракат қилишиб, ниҳоят нақд ярим қулоч зичлаб қуйилган бегонни кўчиришни уддасидан чиқдилар. Ер кўрингач, асбобини қайтадан қўйиб текшириб кўрган мутахассислар “сигнал” сезиларли даражада кучайганини айтишди. Тупроқ қатламини ковлаш қийин кечмади. Тўлқин кучлирок таралаётган тарафга қараб одам бўйи баробар ковлангач, оёқ ости юмшаб, кичик ёриқ иайдо бўлди. Йигитлар ўра деворига оёқ қўйиб, белкуракда ёрикнинг оғзини кенгайтиришди. Кимdir чирокни ўша тарафга қаратди. Шундагина каттагина ертўлага йўл очилгани маълум бўлди. Ҳамма ўша ўра атрофига уймалашди. Кимdir ташқаридан ингичка нарвон топиб келиб, ўра ичига ташлади. Терговчининг имоси билан мутахассислардан бири ичкарига киришга шайланди. Шу пайт вишиллаган овоз эшитилиб, ертўла ичида нимадир ялтираб кетгандай бўлди. Ўра оғзига яқин турганлардан бири “Илон, илон бор экан бу ерда, қалинлиги нақ билакдай” деб бақирди. Ҳамма орқага тисарилди.

– Олтин бор жойда илон қўриқчилик қиласди, дейишарди устоз, адашмаган экансиз! – деди Санжарбек ўра ичига тикилар экан.

Кимдир “олов ёкиш керак, шунда илонлар тутунга чидай олмай қочиб қолишади” деган фикрни ўргата ташлади. Тезда гулхан ёкилиб, буруксиб тутаётган оловнинг бир қисми ўра ичига ташланди. Бир пасда ертұла ичи қалин тутун билан қопланди. Гулхан ёниб тугагач, тутун тарқашини кутиши.

– Ана энди кирса бұлади, - деди ёрдамга чақирилган ишчилардан бири ўрага мұралаб. – Илонлар тум-тарақай бүп кетгандир!

Гурух раҳбарининг рухсати билан бирин-кетин ертұлага тушиши. Таşқари анчагина салқын бўлишига қарамасдан гўла ичи илиқ туюлди. Мезбонлардан бири қўлидаги супурги билан йўл очиб, олдинда борарди. Телефон чироқлари порлаб турган бўлса-да, ҳали тарқашга улгурмаган тутун хонани аниқ-тиниқ кўришга монелик қиласарди. Шу сабабли кўпчилик оёғининг тагидан илон отилиб чиқадигандай чўчиб, аланг-жаланг ҳадиксираб туришарди. Фақат “йўлбошловчи” илонларнинг феълини яхши билади шекилли, тап тортмай супургиси билан ўргимчак тўрларини сидириб, олдинга одимларди.

– Мана бу ёқقا қаранглар, - деди бояги киши ертұла турига шора қилиб. – Хумлар! Уху, анчагина борга ўхшайди. Жувонмарг илонлар шуларни кўриклаб ётган экан-да!

Ҳамма ўша томонга қараб юрди. Йўлбошловчи одам бўйи келадиган хумлар олдига бориб, “нима қиласай?” дегандай терговчиларга юзланди. Кимдир чироқ нурини ўйнатиб, хумларни санашга тушди ва “йигирма битта экан” деди ҳаммага эшилтириб. Гурух раҳбаридан изн бўлгач, икки-уч киши тиршанглаб, хумлардан бирининг оғзини очишга тушди. Сопол хумнинг қопқоғи олингач, ҳамма чироғини хумнинг оғзига қаратди. Атроф ёришиб кетгандай ялтираб кетди.

— Уху, шунча тилла! — қичқириб юборди кимдир. Яна кимдир хумнинг ичига кириб кетгудай бўлиб, лов-лов товланиб турган олтинларни, турфа хил зебу-зийнатларни қўли билан ушлаб кўришга шошилди.

— Ҳамма орқага! — буйруқ берди Фахриддин. — Ҳеч нарсага тегилмасин. Санжарбек, холисларни чақиринг.

Ташқарида бир бурчакда хомуш ўтирган Шарофат хазина топилганлиги ҳақидаги хабарни эшишиб, ҳаяжонга тушмади, гўёки буни олдиндан биладиган одамдай совукқонлик билан “ҳа, шунақами?” деб қўяқолди. “Бошқа аёл бўлганида уйидан шунча олтин топилиб турибди, ваҳимага тушиши тайин эди. Бу аёлнинг пинак бузмай туришини қаранг-а!” хаёлидан ўтказди Санжарбек. У хабар аёлга қандай таъсир қилишини билиш учун уни зимдан кузатиб турарди.

— Нима бало, устоз, бу опа хазина борлигини билганми дейман, - шивирлади Санжарбек гуруҳ раҳбарини чеккага тортиб. — Мик этмай, без бўлиб туришини қаранг!

— Нима қилсин, ўйинга тушиб берсинми? — деди Фахриддин кулимсираб.

— Шунақаям одам бўладими? Бошқасининг юраги ёрилиб кетган бўларди!

— Тиллони кўрайвериб, кўзи пишиб кетган! Қолаверса бу топган олтинларингиздан унга нима наф.

— Тўғрику-я, лекин барибир...

— Аёлни тинч қўйинг! Ундан кўра тезроқ ишга киришайлик, вақт зик! — деди гуруҳ раҳбари рўмолчаси билан юз-кўзини артаркан.

Тергов гуруҳи кечга қадар хазинани қонун талаблари асосида расмийлаштириш, санаш, рўйхатга олиш билан машғул бўлди. Мутахассислар томонидан бир қанча экспертизалар ўтказилди. Қишининг тафтсиз офтоби уфқقا

бош кўйган маҳалда бутун бошли хазина – олтин, кумуш тангалар, турфа хил қимматбаҳо тақинчоклар, заргарлик буюмлари олиб кетиш учун машиналарга юкланди.

Үйдим-чуқур тоғ йўллари бўйлаб ортга қайтишар экан Санжарбек ўртадаги жимликни бузиб, ичидагини сиртига чиқарди:

– Фахриддин ака, Алмат бобо деганлариям роса пихини ёрганлардан бўлган эканда! Шунча олтинни бирорга сездирмасдан пастга ташиб тушириб, жин топмас жойга шухталик билан жойлаштирганини айтмайсизми?

– Ҳа, чол биз ўйлагандан кўра пухта чиқиб қолди, - деди гурух раҳбари бир нуктага тикилганча.

– Бу занғар Амир Олимхоннинг бор хазинасини ташиб келганми, дейман-да! Шунча олтин-а! Фордаям бирор вақо қолганмикан?

– Эҳ Санжарбек, Санжарбек! Нима деяпсиз, биз топган олтинлар Амир хазинасининг юздан бири бўлса ажабмас!

– Унда ҳақли савол туғилади: олтинларнинг катта қисми ҳамон ғорда сақланиб қолаётган экан, чол тушмагур хазинанинг харитасини ташлаб юбормагандир.

– Сиз мутлақо ҳақсиз! Алмат бобо анойилардан эмас, хазинанинг “калити”ни ташлаб юборадиган. “Калит”ни тайинли жойга яшириб кўйгани ҳақиқатга яқинроқ.

– Қаерга яширган бўлиши мумкин? – Санжарбекнинг овозидан тахмини устози томонидан қўллаб-куватланганидан мамнунлик аломати сезилиб турарди.

– Кўриб турибсизки, Алмат бобо хат-саводсиз бўлса-да, анчагина зеҳнли ва уддабурон инсон бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, бу тилсимотни қаерга яширганини аниқлаш осон кечмайди.

Мен “калиг” шу ғорга яширилган бўлса керак деб ўйлагандим! Бироқ у ердан топилмади. Энди қаердан изланишгаям ҳайронман.

– Ҳали ғорни охиригача титиб кўришга улгурмадик. Бу ишга тегишли мутахассисларни жалб қилишга туғри келади.

– Устоз хазина топганимиз яхшику-я, аммо қотилни қачон топамиз?

– Асосий масаладан чалғиб кетдик демоқчисиз-да! Фахриддин “шунақами?” дегандай орқа ўриндиқда ўтирган шогирдига ўгирилди. – Қотилни топиш кўлимииздан келмас экан, ҳеч бўлмаганда давлат хазинасига фойдамиз тегсин-да!

Кулги кўтарилиб, терговчиларнинг дили ёришгандай, таналаридағи ҳоргинлик бироз кўтарилгандаи бўлди...

Кейинги кун ертўлада ўтказилган экспертиза хulosаси билан танишиб чиқкан терговчилар ёқа ушлаб қолишиди.

– Устоз, бу ёғи қандай бўлди? – сўради Санжарбек ҳайратини яширолмай. – Норпўлат ертўлага қандай тушган? Ахир биз бетонни қўпориб... ёки кейинчалик ертўла оғзини бошқатдан бетонлаб ташлаганмикан?

– Йўқ, йўқ! – эътиroz билдириди Фахриддин. – Бетон анча йиллар олдин куйилгани аниқ. Норпўлат ертўлага бошқа йўлакдан тушган бўлиши керак.

– Нима, ертўлага тушадиган хуфёна йўл бор, демоқчимисиз?

– Менинча, шундай! – деди устоз қатъият билан. – Бу ерда сиз билан биз билмайдиган сир-синоат кўпга ухшайди.

– Аммо, менинг хаёлимда Норпўлат хазинанинг бу қисмидан хабардор эмасдай туюлганди. Отасининг хатидаги жумбоқли жумлаларга қандай “тиши ўтгани”га ҳайронман!

– Ҳа, Санжарбек! Биз шохида бўлсак, Норпўлат деганлари баргода юрадиганлардан. Бизнинг ақлимиз етган нарсаларга унинг фахму-фаросати етмайди, деб ўйлайсизми?

- Қойил қолдим! Маҳоратига балли-эй!
- Биз замонавий техникалардан фойдаланиб, ертұлани топишга мұваффак бүлдік. Демак, ертұлага олиб тушадиган йүл бошқа ерда...
- Балки ҳар иккала ертұлани бир-бири билан боғловчи маҳсус туннел бордир!

– Ҳа үлманг, бу гапингизда жон бор. Ертұлалар орасидаги масофа 60-70 метр бор-а?

– Тахминан шунча!

– Э юмроңқозық булыб кет-э! – ғұлдиради Фахриддин. Сүңг бироз үйланиб туриб құшимча қилди. – Унда бугун ишни үша жойдан бошлашимизга тұғри келади.

Шарофатнинг қаршилигига қарамай тергов гурухы яна Норпұлатнинг эски ҳовлисіда иш бошладилар. Бириңчи ертұланинг иккінчи ертұла тарафдаги деворини синчковлик билан күздан кечирған терговчилар ниҳоят йұлак изини топғандай бўлишди. Үша жойга эҳтиёткорлик билан теша тортилди. Икки-уч қарич тупроқ олиб ташлангач, ёғоч эшик кўринди. Санжарбек чаққонлик билан эрганакни очиб, телефон чирогини үша ёққа қаратди ва одам бели баробар туннелга кўзи тушиб, адашмаганига амин бўлди. Ён-атрофини тозалаб, бириң-кетин энкайған ҳолда торгина йұлак бўйлаб юра бошлашди. Шу тахлит тахминан олтмиш қадамча йўл босишгач, ёғочдан ясалган қадимий дарчага дуч келишди. Кимdir гичирлатиб, эрганакни очди. Тахмин қилғанлариdek девор кўринди. Йигитлар кўлма-кўл қилиб, ўткир теша билан деворни ковлашга тушишди. Зум ўтмай девор қулаб, ертұлага йўл очилди.

– Устоз, менинг бир нарсага ақлим етмай турибди, - сұз котди Санжарбек юзидан оқаёттан терни рұмольчаси билан арта туриб. – Биз-ку иккінчи ертұлани Алмат бобонинг хатига таяниб, замонавий техника ёрдамида топишга

Амирликнинг олтин тахти изидан

Эришдик. Норпўлат қандай қилиб иккинчи ертўлани кашф қилди экан? Ёки отаси тушмагур унга хазинанинг тархи туширилган яна бошқа мактуб қолдирғанми кан?

– Бизда бор калла унда йўқ дейсизми? – деди Фахриддин эгилиб, уст-бошини қоқар экан. – У ҳам биздек аввал мантиқни ишга солиб, отаси хазинага ишора қилаётганини сезиб қолган. Кейин эса темир излаш техникасидан фойдаланган. Ҳозирги замонда бундай аппаратни исталган ҳарбий қисмдан олиб турса бўлади. Бор гап шу!

– Аммо Норпўлатнинг шу хатга асосланиб хазинани топишга эришганига ишонгим келмай турибди. Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди.

– Яъни...

– Норпўлат биринчи хатни том устидан – отасининг эски-туски жандалари орасидан топганди. Алмат чолнинг кейинги мактуби биринчи ертўлага яширилган бўлса ажаб эмас. Бу мактубда нафақат иккинчи ертўла, балки Амир Олимхоннинг бутун бошли хазинаси яширилган ғорнинг ҳам харитаси кўрсатиб қўйилган бўлса ажабмас.

– Умуман олганда мушоҳадаларингиз чакки эмас, – Фахриддин шогирдини руҳлантириди. – Воқеа сиз айтгандай бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Негаки, охирги пайтларда Норпўлатнинг босар-тусарини билмай, оёқ олишининг ўзгариб қолганлигига ҳам шу мактуб сабаб бўлган бўлса керак деб ўйлайман. Ахир шунча бойликнинг юкини гарданида кўтариб юришнинг ўзи бўлмайди. Беҳисоб бойлик ҳар қандай одамни йўлдан уриши аниқ.

– Балки шўрликнинг ўлимига ҳам ўша харита сабаб бўлгандир? – Устозининг мақтovидан кўнгли кўтарилган Санжарбек тахмин қилишда давом этди. – Хаританинг мавжудлигидан хабар топган хамкорларнинг нияти бузилиб...

– Демак, харита қотилларнинг қўлида, демоқчисиз-да!

- Шунақага ўхшайди!
- Ундей ҳолда бугун-эрта қотиллар Дарбанд тарафларга тентираб келиб қолиши мумкин, демоқчисиз-да!
- Бугун-эрта, деб айтольмайману, аммо тергов тугаб, ишлар сал бости-бости бўлгандан кейин чақирилмаган “мехмонлар”нинг бу тарафларга қадам ранжида қилиб қолишлари тайин.

- Олтин васвасаси ёмон бўлади. Агар харита ҳақиқатда қотилларнинг қўлига тушган бўлса, нафс балоси уларни тинч қўярмиди! Жонини жабборга бериб бўлса-да, ҳеч нарсадан тап тортмасдан хазинани қидириш ишларини бошлаб юборишлари мумкин.

- Бу гапингиздаям жон бор! Бойлик одамнинг кўзини кур, ақли-хушини ожизу нотавон қилиб қўяркан.

Воқеа жойидан қайтишар экан гуруҳ раҳбари телефонда вилоят прокурори билан гаплашиб, Бойсун тоғига туташ туманлар ҳудудларида тун-у кун тезкор ходимлар ишвакильгини ташкил этиш, бегона шахслар, нотаниш транспорт воситалари пайдо бўлганда уларнинг ортидан кузатув ташкил этиш ва ҳар бир аниқланган ҳолат тўгрисида тергов гуруҳини хабардор қилиш ҳақида курсатма берди.

Курилаётган чоралар, амалга оширилаётган малакали тергов, тезкор қидирув тадбирларига қарамасдан қотиллик жинояти бўйича ишларнинг “оқсан”, турган жойидан жилмай қолаётганидан ташвишлари кундан-кунга ортиб бораётган терговчиларнинг қалбида Юсуф – полковник Ялангтўш килган қўнгироқ умид учқунини ёққандай бўлди. Шу масалада зудлик билан Сурхондарёга етиб келган Санжарбек ишни гувоҳни топиб, у билан юзма-юз гаплашишдан бошлади:

— Юсуф ака, Сиз телефонда берган хабар биз тергов қилаётган иш учун мухим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Уша айтганларингизни бир бошидан, шошмасдан гапириб берсангиз!

— Албатта, менам шундай деб ўйлагандим, ҳар ҳолда органда шунча йил хизмат қилганимиз ахир! - “полковник” ўмганини беўхшов кўтариб, мўйловини учириб, гап бошлади.

— Яқинда фалокат босиб, қўл телефонимни... бойноғидай... уйда қолдириб кетгандим. Янгангиз тушмагир унақа рашк қиласиган хотин эмас. Телефоним билан умуман иши бўлмаган. Бахтга карши ўша куни телефон уч марта жиринглаган-да энди... бирортаси адашиб тушганми? Хотин кўтарса, бир аёл киши мени сўрапти. “Кимсан” деса, “узинг кимсан, мен эримни - Юсуф акамни сўраяпман” дермиш. Хотиннинг асаби қўзиб, вовуллаб кетган. Аёл гўшакни қўйиб қўйган. Кейин қайта-қайта кўнғироқ қилса-да, аёл телефонни кўтартмаган. Бироздан сўнг телефон тамоман ўчирилган. Тўйдан қайтиб келсан, Гулсин тўнини тескари кийиб ўтириби. “Нима гап?” десам, “бор ўша хотинчангнинг олдига, қариганда орттирган ўйнашинг билан қўшмозор бўл!” деса бўладими! “Хой инсон нималар деб валдираяпсан, қанака ўйнаш, жинни-пинни бўлдингми?!” десам, “ол, матоҳинг бошингдан қолсин” дея телефонимни башарамга отди. Менам чираб туролмай, қўлимга эрк бериб юбордим... Катта жанжал бўлди. Кейин нима бўлганини қизимдан сўраб билдим. Бояги телефон рақамига қўнғироқ қилсан, ўчирилган экан. “Нима бало, бирортаси кўролмасдан орамизга совуқлик солмоқчи бўлаяптими?!” деган ўйга бориб, алоқа бўлимидан телефонимнинг кириш-чиқиш кўнғироқлари таҳлилини чиқартириб олдим. Бояги телефон эгасининг манзилини топдим. Излаб борсам, аёл Туркияга мол олиб келишга кетган экан. Эри билан гаплашдим, унинг ҳам оти Юсуф бўлиб

чиқди. Гап нимадалигини фаҳмлагандай телефон рақамини сўрадим. Тасодифни қарангки, отдошимнинг телефон рақами ҳам меники билан бир хил экан. Фақат хизмат кўрсатувчи компаниялар бошқа- бошқа – уники 90, меники 93 код билан бошланаркан. Бир неча кундан сўнг Феруза Туркиядан қайтиб келди. Унинг айтишига қараганда, ўша куни у Тошкентда самолётга чиқиш олдидан кодини термасдан кўнғироқ қилган. Натижада кўнғироқ менинг телефонимга келиб тушган. Феруза хотиним билан гаплашгач, тезда учиб кетган... Ҳақиқатни билгач, хотинимга айтсам, “Энди шуни ўйлаб топдингизми?” деб туриб олса бўладими бойногидай! Аҳмок хотиннинг кўнглини шубҳа-гумондан фориғ қилиш учун телефонимнинг кириш-чиқиш кўнғироқлари тарихини кўрсатиб, “мана кўр, агар у аёл ўйнашим бўлса, бир ой мобайнида ҳеч бўлмаса бирор марта кўнғироқ қилган бўларди-да!” дедим. Ўқитувчи эмасми, ҳар холда далил олдида ноилож қолди ва ховирдан тушишга мажбур бўлди. Шайтиб ноўрин айбловдан кўтулиб, хотин билан ярашиб олдик. Уйида тинчи бўлсин йигитнинг дейдилар-ку! Оилада хотиржамлик бўлмаса, яшаб бўладими?

– Кейин нима бўлди, анави телефон рақами... – терговчи ғувоҳнинг асосий “масала”га кўчишини истарди. – Қандай қилиб...

– Ҳа, ҳа! Воқеага ойдинлик киритгунча телефонимнинг барча кириш-чиқиш рақамларини чиғириқдан ўтказишга мажбур бўлдим. Ким билан, қачон гаплашганман... дегандай. Ішунда Норпўлат ака билан Тошкентга кетишимиизда у кишининг менинг телефонимдан кимгадир кўнғироқ қилгани сўзимга тушди, бойногидай. Терговга аскотиши мумкин деган хаёлда сизларга кўнғироқ қилгандим. Бор гап шу...

– Норпўлат ака нима сабабдан сизнинг телефонингиздан кўнғироқ қилганди, нима, ўзида телефон йўқмиди?

Амирликнинг олтин тахти изидан

— Бор эди, аммо Сирдарё вилояти худудида антеннаси чиқмай қолганидан меникидан кўнғироқ қилганди.

— Нима ҳақида гаплашганди, ёдингизда борми?

— Ким билан, нима ҳақида гаплашганига эътибор қилмадим, лекин гапни қисқа қилди... Бироннинг гапини пойлаш одобдан эмас... Менимча, кимнидир ўзининг бир соатларда етиб бориши ҳақида огоҳлантириди. Ҳар ҳолда менга шундай туюлди.

— Норпӯлат ака нима сабабдан айнан сизнинг телефонингиздан фойдаланди? Шоффёр йигит, оти Алишермиди, уникidan фойдаланса ҳам бўларди-ку!

— Бунисини билмадим! Бегона одамдан илтимос қилишга тортингандир-да, бойноғидай ...

— Шунақа дeng, тортинган бўлиши мумкин, - хулоса қилди терговчи ён дафтарига ниманидир қайд қила туриб. — Яна бирор нарса ёдингизга тушиб қолса, телефон қиласиз. Биласиз тергов учун майда бўлса-да ҳар бир детал муҳим саналади.

— Албатта! Тушунаман. Ўзимиз ҳам шунча йил шу соҳанинг нонини еганмиз ахир... Ишларингизга заррача нафимиз тегса...

— Маълумотингиз жиноятчининг кетидан тушишимизга ёрдам бериши мумкин! Сизга раҳмат! — терговчи қофоз-каламини йиғиширишга тушди.

Мехмонни кузатгач, Санжарбек Тошкентга – Фахриддин Каримовичга қўнғироқ қилиб, сўроқ натижаларидан хабардор қилди. Ташкарига чиққач, гуруҳ раҳбаридан топшириқ бўлдими ёки ўз ташаббуси биланми Рамазонга юзланди:

— Чори акани кўриб келайлик, балки ўзига келиб қолгандир?

— Бойсунга борамизми?

— Мабодо жанобларига малол келмаса!

– Уйда сиздан бошқа яна ким яшайди, балки улар билан мuloқot қилгандир. Турмуш ўртоғингиз бормилар?

– Мен ўғлим билан ёлғиз турман, эрим билан... ажрашганмиз, – деди аёл совуқонлик билан.

– Ўша куни уйингизга бирортаси меҳмонга келгандир?

– Йўғ-э, қанақа меҳмон! Телефон гӯшагини фақат ўзим кутараман.

– Унда Норпўлат билан ким гаплашган, яхшилаб эслаб кўринг! – қистовга олди Фахриддин кўзини лўқ қилиб.

Аёл бироз ўйланиб туриб, яна олдинги жавобини тақрорлади:

– Мен унақа одамни танимайман. Танисам танимайман дердим-да! Ўзи нима иш қилган ўша Нор... Нор...

– Норпўлат.

– Ҳа, ўша Норпўлат деганларининг қилмиши оғирми? Нима касофат қилган экан? – деди аёл сузилиб.

– Демак, сиз Норпўлатни танимайсиз, ким қўнғироқ қилганиниям билмайсиз, шундайми?

– Жаноб терговчи, билмайман дедим-ку! Нимага мени бунча қийнайсиз-aaa? – аёл муғомбirona жилмайди. – Ишонмасангиз, қани ўша Норпўлатингизни чақиринг, ўзи айтсин кимлигини!

“Кўзи одамни тешиб кетади-я!” кўнглидан ўтказди Фахриддин. Аммо ҳеч нарса сезмагандай суроцда давом этди:

– Афсуски, Норпўлат ҳозир тириклар сафида йўқ! Сиз яхшилаб эслаб кўринг! Мана расми, қараб кўринг-чи, – терговчи хужжатлар орасидан битта суратни олиб, аёлга узатди.

Мезбон расмга бир муддат тикилиб тургач, “Йўқ, танимадим” дея суратни қайтарди ва эшитилар-эшитилмас “Оллоҳ раҳматига олган бўлсин” деб кўйди. Сўнг бирдан ранги оқариб, қалтироқ овозда сўради:

– Нима мендан... кўраяпсизларми?

– Ҳеч ким сиздан кўраётгани йўқ! Сиз фақат Норпўлат билан нима ҳақида гаплашганлигингиzinи айтинг. Уни қаердан танийсиз?

– Уффф! Ҳой одамзод, нега гапимга ишонмайсизлар-а! Мен у кишини танимайман! У билан ким гаплашганини б-и-л-м-а-й-м-а-а-а-н! – зарда қилди аёл бўзариб.

“Ё тавба! Тажанглашганда гўзаллигидан асар ҳам қолмас экан-а!” деган ўй ўтди терговчининг хаёлидан.

– Майли, сиз яхшилаб ўйлаб кўринг. Ёдингизга тушса, менга қўнғироқ қиласиз, - деди Фахриддин аёлга ташриф қоғозини узата туриб.

Ташқарига чиққач, миясида турфа хаёллар чарх ураётган терговчи атайлаб аёлнинг ёнида “миқ” этмай ўтирган Уткирбекнинг фикрини билмоқчи бўлди:

– Хуш Уткирбек, опа тўғрисида кандай фикрласиз?

– Илоннинг ёғини ялаган кўринади. Нақд шайтоннинг ўзгинаси-я! – ўйлаб ўтирмасдан жавоб берди изқувар.

– Бу борада фикримиз муштарак чиқди. Лекин, гап-сузидан ростанам Норпўлатни танимайдиган кўринади.

– Узини шундай тутаётган бўлишиям мумкин. Бунақалар бир-икки кеча тўшакда бирга ётганларният отини ёдида сакламайди.

– Эрим йўқ деяпти, балки бирорта таниши бордир.

– Ҳа, бирорта ўйнаши бўлса керак-да!

– Уткирбек, менга аёлнинг ўзини тутиши учалик ёқмади, - хулоса қилди гурӯҳ раҳбари. – Ниманидир яшираётгандай... қандайдир носамимий... Сиздан илтимос, зудлик билан унинг алоқалари, яқинлари, машғулоти, хуллас ҳамма-ҳаммаси тўғрисида маълумот тўплассангиз. Ортидан кузатув ташкил килинг. Маҳалладагилар, қўни-қўши nilar билан гаплашинг. Телефон сўзлашувлари...

– Уйда сиздан бошқа яна ким яшайды, балки улар билан муюқот қылгандир. Түрмүш ўртоғингиз бормилар?

– Мен ўғлим билан ёлғыз тураман, эрим билан... ажрашганмиз, - деди аёл совуққонлик билан.

– Үша куни уйингизга бирортаси меҳмонга келгандир?

– Йүг-э, қанақа меҳмон! Телефон гүшагини фақат ўзим күттараман.

– Унда Норпұлат билан ким гаплашган, яхшилаб эслаб күринг! – қистовга олди Фахриддин күзини лўқ қилиб.

Аёл бироз үйланиб туриб, яна олдинги жавобини гакрорлади:

– Мен унақа одамни танимайман. Танисам танимайман дердим-да! Үзи нима иш қылган үша Нор... Нор...

– Норпұлат.

– Ха, үша Норпұлат деганларининг қылмиши оғирми? Нима касофат қылган экан? – деди аёл сузилиб.

– Демак, сиз Норпұлатни танимайсиз, ким қунғироқ қылганиниям билмайсиз, шундайми?

– Жаноб терговчи, билмайман дедим-ку! Нимага мени үнчча қийнайсиз-аа? – аёл муғомбирана жилмайды. – Нашонмасангиз, қани үша Норпұлатингизни чакириңг, үзи лайтсан кимлигини!

“Күзи одамни тешиб кетади-я!” күнглидан үтказди Фахриддин. Аммо ҳеч нарса сезмагандай сурашда давом этди:

– Афсуски, Норпұлат ҳозир тириклар сафида йүк! Сиз шишилаб эслаб күринг! Мана расми, караб күринг-чи, - терговчи хужжатлар орасидан битта суратни олиб, аёлга үчатди.

Мезбон расмга бир муддат тикилиб турғач, “Йүк, шимадим” дея суратни қайтарди ва эшитилар-эшитилмас “Оллоҳ раҳматига олган бүлсін” деб қўйди. Сунг бирдан ришиги оқариб, қалтироқ овозда суради:

— Нима мендан... күраяпсизларми?

— Ҳеч ким сиздан күраётгани йўқ! Сиз факат Норпўлат билан нима ҳақида гаплашганлигинизни айтинг. Уни қаердан танийсиз?

— Уффф! Ҳой одамзод, нега гапимга ишонмайсизлар-а! Мен у кишини танимайман! У билан ким гаплашганини б-и-л-м-а-й-м-а-а-а-н! – зарда қилди аёл бўзариб.

“Ё тавба! Тажанглашганда гўзаллигидан асар ҳам қолмас экан-а!” деган ўй ўтди терговчининг хаёлидан.

— Майли, сиз яхшилаб ўйлаб кўринг. Ёдингизга тушса, менга қўнғироқ қиласиз, - деди Фахриддин аёлга ташриф қоғозини узата туриб.

Ташқарига чиққач, миясида турфа хаёллар чарх ураётган терговчи атайлаб аёлнинг ёнида “мик” этмай ўтирган Ўткирбекнинг фикрини билмоқчи бўлди:

— Хўш Ўткирбек, опа тўғрисида қандай фикрдасиз?

— Илоннинг ёғини ялаган кўринади. Нақд шайтоннинг ўзгинаси-я! – ўйлаб ўтирмасдан жавоб берди изкувар.

— Бу борада фикримиз муштарак чиқди. Лекин, гапсузидан ростанам Норпўлатни танимайдиган кўринади.

— Ўзини шундай тутаётган бўлишиям мумкин. Бунақалар бир-икки кеча тўшакда бирга ётганларният отини ёдида сақламайди.

— Эрим йўқ деяпти, балки бирорта таниши бордир.

— Ҳа, бирорта ўйнаши бўлса керак-да!

— Ўткирбек, менга аёлнинг ўзини тутиши учалик ёқмади, - хулоса қилди гурӯҳ раҳбари. – Ниманидир яшираётгандай... қандайдир носамимий... Сиздан илтимос, зудлик билан унинг алоқалари, яқинлари, машғулоти, хуллас ҳамма-ҳаммаси тўғрисида маълумот тўплассангиз. Ортидан кузатув ташкил қилинг. Маҳалладагилар, қуни-қўшнилар билан гаплашинг. Телефон сўзлашувлари...

– Тушунарли! Санкцияни ҳал қилиб берсангиз, бугунок ишга киришамиз-да!

– Келишдик. Эртага кечки пайт терговнинг бориши тўғрисида Тоҳир Ғофуровичга ахборот беришимиз лозим. Унгача айрим нарсаларга ойдинлик киритиб олсак яхши бўларди.

– Хавотир олманг, Худо ҳоҳласа унгача Баронинг Норпӯлатга қандай алоқаси борлиги масаласини жой-жойига қўйишга улгурнимиз.

– Ҳа, дарвоқе, Эшонгузардаги қора “Нексия” бўйича бирор янгилик борми?

– Афсуски, хозирча ҳеч қандай натижа йўқ. Юзлаб шу рангдаги “Нексия”лар текширувдан ўтказилди, шина излари солиширилди. Бефойда! Шундай бўлса-да, йигитларни бир дақиқаям тиндирганим йўқ.

– Қанчалик оғир бўлмасин Тошкент шаҳри ва вилоятида рўйхатга олинган барча қора рангли “Нексия”ларни текшириб қўришга тўғри келади.

– Ҳозирча 3200 та шу рангдаги “Нексия”дан ярмини текширишга улгурдик. Ишнинг ҳажми ниҳоятда катта. Яхшиям ДАН ходимлари ёрдам бермоқда.

– Бахтимизга автомашина эгаси шиналарини алмаштиргмаган бўлсин-да! – деди Санжарбек ўнг томондаги шина алмаштириш шахобчасига ишора қилиб. – Унда барча тоат-ибодатимиз бесамар кетади.

– Ҳозирча алмаштирмаса керак, баҳорга бориб...

– Ҳа ўткирбек-а, жиноятчи қачон келиб қўлга олишларини кутиб ўтиради, дейсизми? Изларини, далилларни йўқотишга, терговни чалғитишга ҳаракат қиласи. Анов соҳта смс лар бекорга пайдо бўлаяптими?

– Ҳа, бу томони ҳам бор, – тан берди изкувар. – Унда ўзи мураккаб ишимиз янада чигаллик касб этиши тайин.

Тергов гурухининг бажарилган ишлар ҳакидаги ҳисоботини диққат билан тинглаган Тоҳир Фофурович бироз ўйланиб туриб, вазминлик билан сўради:

– Фахриддин Каримович, сиз гурух раҳбарни сифатида қилинган ишлардан қаноатланаяпсизми?

– Йўқ, албагта! – жавоб берди терговчи синиқ овозда.

– Ҳисоботингиз бизни ҳам қаноатлантиримаяпти. Бон прокурор ҳам хавотирда. Тӯғри, кўп иш қилингаи. Амирликнинг хазинасини топдингизлар, давлат хазинаси бойиди, раҳмат! Аммо, қотил очиқда, ялло қилиб юрибди Ўзининг жазосиз қолаётганидан рағбат туйиб, янги жиноятларга қўл ураётган бўлсаем ажабмас... Вакт қотилни фойдасига ишламоқда... Сизларни танимай қолаяпман! Нима сўрасангиз, муҳайё қилаётган бўлсак! Айтинг, нима ёрдам керак! Кўшимча кучлар...

– Тоҳир Фофурович, раҳмат! – бурнигача кизариб кетган Фахриддин раҳбарнинг гапини бўлди. – Бироз фурсат берсангиз ўзимиз ҳаммасини эплаймиз, қотилни топиб, жазонинг муқаррарлигини таъминлаймиз!

– Айтишга осон, - гап қўшди тергов бошқармаси бошлиғи Улуғбек Ҳалимович, - тергов гуруҳи ихтиёрида бирорта жўяли таҳмин ҳам кўринмаяпти-ку! Сизлар қотилни эмас, кўпроқ хазина қидириш билан овора бўлиб колганга ўхшайсизлар.

– Ахир қотиллик билан хазина бир-бирига чамбарчас боғлик-ку! - эътиroz қилди Фахриддин. – Қотилликка шу олтинлар сабаб бўлгани аниқ. Таҳминларимиз ҳам етарли, факат бироз вақт керак!

– Фахриддин Каримович, сизга вақт керак, - зарда қилди бошкарма бошлиғи. – Раҳбарият биздан натижа сўрайапти.

Тоҳир Ғофурович билан ҳар сафар Бош прокурор олдида қизариб ўтиришга тоқатимиз йўқ...

– Хуш, жаноб терговчилар энди нима қилмокчисизлар, -
Бош прокурор ўринбосари баҳсга барҳам бериш учун гапни бошқа ёққа бурди. – Ишни нимадан бошламоқчисизлар?

– Барно Алиева йўналишида чуқурроқ шуғулланмоқчимиз, - босиқлик билан гап бошлиди Фахриддин, - у аёлнинг ўзини тутиши, сўзларида қандайdir нотабиййлик, сохталик бордай. Бошқа томондан қора “Нексия”ни қидиришда давом этамиз... Бундан ташқари жиноятчиларнинг Амирликнинг хазинаси изига тушиб, Бойсун тарафларда пайдо бўлишлари эҳтимоли борлигидан келиб чиқиб, “меҳмон”ларни жойида “кутиб олиш” чораларини кўрамиз.

– Тергов кетаётган пайтда жиноятчилар ўзларини хавф-хатарга қўйиб, хазина излапига чиқармикан? – боядан бери қоғозга катта-кичик квадратчаларни чизиб ўтирган Улутбек Ҳалимович луқма ташлади.

– Агарда улар Норпўлатдан хазинанинг харитасини олишга эришган бўлсалар, эртами-кеч хазина атрофида ўралашиб қолиши аниқ. Олтин вассасаси уларни тинч кўймайди.

– Тўғри, - қувватлади раҳбар пиёладаги чойдан ҳўплаб, - олтин вассасаси уларга тинчлик бермайди. Бироқ, улар тоқقا тўғридан-тўғри бостириб бормаса керак. Одамларнинг эътиборига тушишдан кўркишади. Шунинг учун улар ғорга Бойсун ёки Дарбанд орқали эмас, балки узокроқ бўлсада айланма йўллар билан яқинлашишга харакат қилишади. Шунинг учун тоққа туташ барча аҳоли пунктларида кузатув ишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

– Тушунарли, - деди Фахриддин ёндафттарчасига раҳбар кўрсатмаларини қайд эта туриб.

– Шу билан бирга, - давом этди раҳбар, - бошқа йўналишларда ҳам ишларни ташлаб қўймаслик лозим. Айниқса, Норпўлатнинг хотинлари билан яна бир бор чуқурроқ ишлаб кўриш зарур. Аёл киши англаб бўлмас хилқат, улардан ҳар нарсани кутса булади. Одатда бундай ишларда бевосита ёки билвосита хотинларнинг кули сезилади. Кўпинча эрларнинг бошига тушадиган баҳтсизликларга рашк сабаб булади. Эрини яхши кўрган хотин кундошидан қизғаниб, кўзи қонга тўлса, унинг йўлига ҳеч нарса ғов бўлолмайди. Рашк туфайли ғазаб отига минган хотин эрини ўтда куйдиришдан, сувга чўқтиришдан тоғмайди... Анов қора “Нексия” бўйича ишларни жонлантириш зарур. Лозим бўлса, ички ишлар вазирлигидан кўшимча мутахассисларни жалб қиласиз. Шу ранг, шу маркадаги барча автомашиналарни чиғириқдан ўтказинг. Улар орасида шиналарини алмаштирганлари унчалик кўп бўлмаса керак. Колаверса, Эшонгузар қишлоғи ва унинг атрофидаги аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли орасида сураб-суриштириш ишларини жонлантиринг. Бирор бўлмаса, бошқаси кўрган. Қотиллар бекорга ўша ёкларни танламаган. Ўзлари ўша ерлик бўлиши ёки ўша жойда таниш-билишлари, жиноий шериклари яшапи мумкин.

Прокурор ўринбосари бироз ўйланиб туриб, сўнг давом этди:

– Фахриддин Каримович, негадир сизлар тергов давомида илм-фан ютуклари, замонавий экспертиза имкониятларидан етарлича фойдаланмаяпсизлар. Ахир ихтиёrimизда қанча техника, мутахассислар, эксперталар бор. Буларсиз жиноятни очишнинг ўзи бўладими? Ҳозирги замонавий жиноятчилар ҳам чакки эмас, ақлли бўлиб кетишган. Ортидан из қолдирмасликка, далилларни йўқ қилишга, терговни чалғитиб, боши берк кучага киритишга

ҳаракат қиласи. Ҳар бир қадамини пухта ўйлаб босади, етти ўлчаб, бир кесадиган булиб кетишган. Терговчи эса улардан бир қарич устун булиши, “шохидаман” деб ғўддайиб юрганларга баргода туриб зарба бера билиши лозим. Ахир герговчида бор ваколат ҳеч кимда йўқ-ку! Гап унинг бу ваколатлардан қанчалик фойдалана олишида, ишни оқилона гашкил эта билишида. Агар у сал бўлсада чалғиб кетса, бошқа йўлга кириб кетиб қолади. Жиноятни иссиғида очиш имкониятини бой беради. То ишни янгидан бошлагунча жиноятчи изларни ювиб ташлашга, далилий ашёларни яширишга, ўзига “алиба” тўқиб олишга улгуради. Терговчи адашишга ҳақи йўқ. Шу сабабли бошидаёқ терговчи ўзининг бор билимини, ақлий қобилиятини, қолаверса фахм-фаросатини, заковатини ишга солиб, асосли тахминлар тузса билиши ва ҳар бир тахмин бўйича ишларни параллел ташкил қилиши талаб этилади. Шунда у терговнинг нотуғри йулга кириб кетиш хавфининг олдини олган булади. Мабодо терговчи тузган тергов тахминларидан бирортасиям тұғри чиқмаса, бу терговчининг хатоси бўлади. Унинг тергов қилинаётган жиноят иши хужжатлари билан чукур танишмаганлиги, касбий маҳорати етишмаслигидан далолат беради. Шунинг учун терговчи жиноят ишини қўлга олгач, ёнг аввало жиноятнинг мотиви, мақсади ва ким томонидан содир этилганлиги ҳақидаги тахминларни шакллантиришга жиiddий эътибор қаратиши, ҳар бир тахминни номигагина мас, балки пухта ўйлаб, жиноят иши материалларини чукур тахлил этиш асосида ўзининг ички ишончига таянган ҳолда ишлаб чиқиши зарур...

Тоҳир Фофурович гапидан тўхтаб, одатига кўра пахта гулли чойнакнинг қизил матодан тикилган ёпқичини олиб, ниёлани тўлдириб чой қўйди. Сунг столи четидаги икки жилдлик китобни қўлига олиб, гапида давом этди:

Амирликнинг олтин тахти изидан

— Фахриддин Каримович, сизам, Санжарбекам мана бу китобларни ўқиб чиқсаларинг, ёмон бўлмасди. Муаллифи — Солижон Жўраев. Собиқ иттифоқ даврида оддий терговчиликдан Республика прокурори даражасигача кўтарилган. Номланиши ҳам анча жарангдор - “Я – следователь”. Русчада жуда оддий, равон ва тушунарли тилда ёзилган. Ҳар қандай одам бир ўтиришда бош кўтармай ўқиб чиқади. Муаллифнинг муваффақияти шундаки, у ўзи тергов қилган жиноят ишлари мисолида ҳар бир воқеани жонли ва таъсирчан жумлаларда, нозик бадиий бўёқлар ёрдамида тасвирлаб бера олган. Ўкувчи ўзини ўша машъум воқеалар ичига кириб қолгандай тасаввур қиласди, унинг кувончига шерик, ғам-андухига ҳамдард бўлади. Энг асосийси, ёзувчи ҳақиқий прокуратура терговчиси портретини чизиб бера олган. Китобни варақлар экансиз кўз ўнгингизда зукко, чин сўзли, билимли, уддабурон, самимий, одил, тиришқоқ, меҳнатсевар, жасур, ўз касбини жон-дилдан севувчи, юрга фидойи, ҳалол, оиласига садоқатли, қонунга эътиқоди баланд, шу билан бирга одамийлик қонунларини ҳар нарсадан устун билувчи тиниб-тинчимас инсон, маҳоратли терговчи сиймоси гавдаланади. Муаллиф ҳар қандай оғир ва “сирли” жиноятни ўз ички сезгиси, мантикий таҳлиллар ва мисқоллаб йиғилган далиллар ёрдамида оча олади. Бу йўлда у ҳар қандай қийинчилик, машакқат ва қаршиликларни сабот билан енгади. Жиноят содир қилиб, жазодан куруқ қолишни хаёл қилган, ўзларининг юқори давлат идораларидаги казо-казо таниш-билишларини рўкач қилиб, қонунни менсимасдан бузиб келаётган “шоввоз”лар билан муросасиз курашиб, ўзини ўтга-чўқقا уриб бўлса-да, хуқукбузарларни қонун олдида “ти-чўктириш”дан чўчимайди, жиноят учун жазонини муқаррарлиги тамойилини таъминлашдан толмайди. Шу

ўринда терговчининг биргина жиноятни фош қилиш билан боғлиқ фаолияти менда катта таассурот колдирид...

Рахбар бироз томогини хўллаб олгач, ҳикоясини давом эттириди:

– Ёз чилласида узоқ тоғ қишлоқларидан бирида куппа-кундуз куни уйи олдида болалар билан ўйнаб юрган беш яшар қизалоқ - Назрви сирли равишда йўқолиб қолади. Бутун қишлоқ оёққа туради. Аммо қизчани топишнинг имкони бўлмайди. Орадан бир хафта ўтиб, қизчанинг қопга солинган мурдаси қишлоқдан беш-олти чақирим наридаги бутазордан топилади. Кун иссиғида майит чидаб бўлмас даражада айниб кетганлиги сабабли бутазорга чиқсан прокуратура терговчиси ҳам, мурдани текширган экспертлар ҳам воқеа жойини ва мурдани чукур ўрганмасдан юзаки хулоса қилиш билан чекланишади. Жиноят ишини олиб бораётган терговчининг гажрибасизлигидан фойдаланган ички ишлар бўлими тезкор ходими Юсупов бунақа шафқатсиз жиноят факат акли норасо шахс томонидан содир қилинганлиги ҳақидаги тахминни гиқиширади ва тез орада мархума қизнинг жинни қўшниси Зуроб Тоғаевни ҳибсга олиб, психодиспансерга жойлаширади. Ҳеч нарсадан тоймайдиган тезкор ходим қисқа муддатда жиноятни очиб, раҳбариятнинг эътиборига тушиш ва подполковник унвонига эришиш учун тез орада йўқ жойдан сохта далилларни ўйлаб топади. Савдоий ғумондорнинг акаси Боймурод Тогаймуродовни ҳибсга олади ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийнокка солиб, укасига қарши кўрсатма беришга мажбурлайди. Акс ҳолда уни ҳам укасига шерик қилиб, қотилликда айблаб, ўлим жазосига маҳкум қилиш билан қўрқитади. Агар укасига қарши гувоҳлик берса, жиноят ҳақида хабар бермаганликда айбланиб, арзимас жазбага тортимишини уқтиради. Укаси эса

ақли норасо бўлгани боис қамалмай қолиши, фақат бир неча йилга мажбурий даволанишга юборилишини тушунтиради.

Шундай қилиб, Боймурод ўз укасининг содир этмаган жиноятини “тан” олиб, гувохлик кўрсатмасини беради. Юсупов шу билан чегараланиб қолмасдан сохта айловни мустаҳкамлаш мақсадида воқеа жойини қайта кўздан кечиришда сал наридаги дарахтга осилган кўйлакни топиб олади ва уни экспертизага бериб, гўёки кўйлакда марҳумага тегишли қон доғлари борлиги хақида хулоса олдиради. Ака эса кўйлак укаси Зуробга тегишли эканлигини “тасдиқлайди”.

Жиноят иши ўша даврда жуда катта шов-шувларга сабаб бўлгани ва жамоатчилик эътиборида эканлигини инобатга олиб, терговни қисқа муддатларда тугатиб, судга ошириш учун тергов гурухи тузилади ва унга Республика прокуратураси алоҳида ишлар бўйича терговчиси Солижон Жўраев раҳбар этиб тайинланади. Бир қарашда жиноят иши очилган, айбланувчи айбини бўйнига олган, далиллар старли, ишни юмалоқ ёстиқ қилиб, судга оширса бўлади. Раҳбарият ишни судга оширишга Солижонга 10 кун муддат беради... Иш ҳужжатлари билан танишиб чиққан терговчи ўта оғир жиноят ишини тергов қилишда жиноят-процессуал қонунчилиги талаблари қўпол равишда бузилганлиги, воқеа жойи сифатсиз ва саводсизларча кўздан кечирилганлиги, иш юзасидан тайинланган экспертизалар юзаки ўтказилганлиги, тергов нотуғри йўлга кириб кетганлигини фаҳмлайди. Раҳбарият ва ўша даврларда “айтгани-айтган, дегани-деган” бўлган партия саркотибининг ишни тезроқ якунлаш хақидаги кўрсатмасига қарамасдан Солижон ҳаммасини бошидан бошлишга жазм қилган. Аммо бу юмушнинг қанчалик оғир, машақкатли ва ғалвали эканлигини ўша кезда тасаввур ҳам қилмаган. Виждан амри, касб тақозоси ва ўз ички туйғуси^{*} билан бутун бошли бир тизимга қарши, дарё оқимиға тескари боришни

ихтиёр қиласи. Унинг олдида жуда оғир вазифа – биринчидан, сохта айбловни йўққа чиқариш ва қонунсиз хибса да сақланайтган шахсларни озодликка чиқариш, иккинчидан, фурсат қўлдан бой берилган, излар аллақачон ювилиб кетган жойда ҳакиқий қотилни топиб, унинг айбини бўйнига кўйиш, учинчидан, даҳшатли жиноятни қисқа муддатларда очишга эришиб, аллақачон елкасидаги ўлдузчалар сонини ошириб олган, сохта айблови фош бўлса, нафақат ишдан кетиши, балки қамоққа тушиш хавфидан хадиксираб юрган ва шу важдан ёниглик қозон ёниглигича қолиши учун ҳеч нарсадан тоймайдиган Юсуповларга ҳамда уларнинг сиймосида бутун бошли ички ишлар тизимиға қарши ёлғиз курашга тушишга мажбур эди. Негаки, қайсар ва бебош терговчининг “ўзбошимчалик”лари прокуратурадаги айрим раҳбарларнинг сабр косасини тўлдирганди. Уни фақат устози тергов бўлими бошлифи ва Бош прокурор қўллаб-куватлайди. Аммо, Бош прокурорнинг терговни назорат қилиувчи ўринбосари, тергов бошқармаси бошлифи ва бошқалар биринчи раҳбарнинг “кулоқсиз” терговчи хусусидаги фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилишарди.

Солижон ишни адолатни тиклашдан – ака-укаларнинг айбсизлигини исботлашдан бошлайди. Чунки терговнинг бу хатосини тўғирламасдан туриб, ҳақиқатни қарор топтириш, асл қотилни топишнинг асло имкони йўқ эди. Буни яхши тушунган терговчи “жинни” укаси ва ўзининг жиноятларини бўйнига олиб, аччик тақдирига тан берган Боймурод Тоғаймуродовни қайта-қайта сўроқ қиласи. Гарчанд гумондор бир гапни тўтидай сайраб турган бўлса-да, терговчи унинг юз-кўзидан қалбидан нималар кечайтганини сезгандай, юрагининг қат-катига чўкиб кетган дардларини илғагандай шўлади. Аммо кундуз терговчининг ишончли гапларидан кўнгли тўлиб, ҳақиқатни тан олишга яқин бораётган

Амирликнинг олтин тахти изидан

гумондорнинг кечда қамоқхонага бемалол кириб келиб, “сўзингдан қайтсанг, турмада чирийсан!” дея зуғум қилиб турган Юсуповнииг таъсири доирасидан чиқиши қийин эди. Шу сабабли терговчи бу тезкор ходим, шунингдек унинг шеригини тергов гурухи ишидан четлаштиришга ва тергов ҳисбснонасида сақланаётган гумондор “ака”ни тўлиқ изоляция қилишга эришади. Фақат шундан кейингина гумондор терговчига ишонч билдириб, ҳаққоний кўрсатмалар бера бошлайди, укаси ва ўзининг қизалоқнинг ўлимига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, муқаддам берган кўрсатмаларини капитан Юсуповнинг қийноқлари, қўрқитувлари таъсирида беришга мажбур бўлганлигини тан олади. Тез орада иш бўйича тўпланган “асосий” далиллар ҳам сохталашибилгани маълум бўлади. Шунга қарамасдан прокуратура ва ички ишлар вазирлигидаги айрим масъуллар ака-укаларнинг айбисизлигига шубҳа билан қарайдилар ва уларни ҳибсдан озод қилишга йўл бермайдилар. Фақат Бош прокурорнинг аралашуви билан ҳақиқат қарор топиб, ўта оғир жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган ака-укаларга нисбатан жиноят иши бекор қилинади.

Бирламчи мақсадига эришган Солижон энди ишнинг муҳим ва мураккаб қисми – ҳақиқий қотилни топишга киришади. Узок давом этган сўраб-суриштирувлардан сўнг ниҳоят жиноят ишида тахминий гумондор пайдо бўлади. Терговчи бунда бошқа кўплаб факторлар билан бирга марҳума қизчанинг кўшниси Шариф тракторчининг гувоҳ сифатида берган кўрсатмаларида “унинг мудхиш воқеа содир бўлган куни ён кўшниси Тоғаевлар уйидан қиз боланинг “дада”, “дада” дея бақирганини эшитгани” ҳақидаги кўрсатмасига таянади. “Жинни”нинг қизалоқни ўлдирмагани рост бўлса, тракторчи қандай қилиб унинг ҳовлисидан қизчанинг овозини эшитиши мумкин? Гувоҳни ёлғон

кўрсатма беришга нима мажбур килган бўлиши мумкин? Изқувар Юсупов Тоғаевга қўйилаётган айбловни мустаҳкамлаш учун уни ёлғон гапиришга қўндирганмикан? Ёки тракторчи қизчанинг ўлимида кимнингдир айборд топилиб, қамалиб кетишидан манфаатдормикан? Лекин муқаддам ўтказилган тергов давомида Шариф “алиба” тақдим этиб, ўзини гумондан соқит қилган-ку! Шуларни хаёлидан ўтказган Солижон тракторчини сўроқ қилишга пухта тайёргарлик кўра бошлайди. Унинг шахси, оиласвий шароити, алоқаларини ўрганади. Қотиллик жинсий эҳтиёжини қондириш учун содир этилган бўлиши мумкинлигини ўтиборга олиб, тракторчининг хотини билан муносабати, жинсий фаоллигини ҳам назардан четда қолдирмайди. Афсуски, Шариф осонгина жон таслим қиладиган кишилар тоифасидан эмасди. У ҳеч бир сўзидан адашмай дастлабки берган кўрсатмаларини такрорлаб тураверади. Терговчи жуда пухта сўроқ тактикасини танлаб, аста-секин унинг берган кўрсатмаларининг иш юзасидан тўпланган бошқа далилларга тўғри келмаслигини исботлашга киришади. Жумладан, унинг “қизча йўқолган пайтда уйда хотиним тўйдан олиб келган ошни еб ўтиргандим” деган кўрсатмаси ва буни хотинининг гасдиқлаши ўша куни тўйда ош аёлларга кечроқ тарқатилгани, шу сабабдан тракторчи айтилган пайтда уйида хотини билан тўй ошини тановул қилиб ўтириши мумкин маслигини исботграйди. Шу тариқа итна билан қудук қазишга киришган терговчи бирин-кетин Шарифнинг бевосита булмасада, билвосита жиноятга дахлдорлигини тасдиқловчи далиллар тўплай бошлайди ва борган сари ўзининг ички сезгиси панд бермаганлигига амин бўлади. Нихоят Республика прокуратурасига чақиртирилиб, батафсил сўроқ қилинган тракторчини гумонланувчи сифатида ушлашга жазм қиласди. Орадаги уч суткалик қонуний муддатда гумондорни

руҳан “синдириб”, рад этиб бўлмас далиллар асосида айбини бўйнига қўйиш лозим эди. Акс ҳолда мавжуд билвосита далиллар ва терговчининг ички ҳиссиёти асосида ҳеч бир прокурор Шарифни қамоқقا олишга санкция бермаслиги аниқ эди. Мабодо у очиққа қўйиб юборилса, кейин унинг айбдорлигини исботлаш имкони йўкка чиқишига шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Шу сабабли Солижон ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланган ҳолда ўзининг бор касбий маҳорати, терговчилик “санъати”ни ишга солиб, гумондорнинг қалбига йўл топишга, унинг дилидан ўтаётган кечинмаларни тилига чиқаришга харакат қиласди. Учинчи кунга келиб, гумондорнинг “портлаши”га сал қолганда Республика прокурорининг терговни назорат қилувчи ўринбосари ишдаги мавжуд далил-хужжатларга таяниб қамоқقا олишга санкция беришга розилик бермайди. Бу дегани яна озроқ ишланса, тер тўкилса, барча қилмишларини тўкиб солишга тайёр турган қотилни кўра-била туриб, очиққа қўйиб юбориш билан баробар эди. Оқибатда қилинган учтўрт ойлик меҳнат йўққа чиқарди, энг ёмони ваҳший ва маккор қотил жазодан қутулиб, бутун бошли тизим, давлатнинг устидан кулган ва янги жиноятларга ўзида рағбат ҳиссини туйган бўларди.

Чорасиз қолган терговчининг шу ўриндаги топқирлиги мени ҳайратга солди. “Излаган имкон топади” деб шуни айтсалар керак-да! Кеч тушиб қолган бўлса-да, воқеа содир бўлган вилоят прокурори ўринбосарига қўнғироқ қилиб, Республика прокуратураси санкция беришга рози бўлмаганлигини айтмасдан зарурият юзасидан тракторчига санкция беришни сўрайди. Ишдан хабардор, аммо прокуратура раҳбариятининг фикридан бехабар ўринбосар рози бўлади. Солижон кечки автобусда вилоят марказига етиб боради ва санкция олишга эришади. Ярим тунда ишхонасига

қайтиб келган терговчи 72 соатлик ушлани муддати унан очикқа қўйиб юборишларидан умидвор ўтирган тракторчини прокурорнинг уни қамоққа олишга тўғрисидаги санкцияси билан танишиди. Тамоман тушкунлик ботқоғига ботиб қолган йигит нихоят бор ҳакиқатни тан олиб, кўрсатма беришга рози булади...

Эрталаб терговчининг ўзбошимчалигидан ғазабга келган Бош прокурор ўринбосари Шарифнинг қотилликни бўйнига олганлигини эшигиб, ҳангуманг бўлиб қолади ва айбланувчини шахсан ўзи сўроқ қиласди. Тракторчи ўз айбини бўйнига олиб, иш ҳолатларига мос кўрсатмалар бериб турган бўлса-да, прокурор ўринбосари унинг сўzlарига ишонгиси келмайди, терговчи уни мажбурлаб кўрсатма олишга эришган, деган фикрга келади ва маҳмадона терговчининг ўзбошимчаликлари ҳақида кўшиб-чатиб Бош прокурорга ахборот беради.

Раҳбариятнинг нохолис муносабати, ички ишлар вазирлигидаги айрим масъул мансабдорларнинг босимидан кўнгли чўкиб, қўли ишдан совуган Солижоннинг олдида икки йўл: қанчалик оғир бўлмасин оқимга қарши охиригача курашиб, ўзининг ҳақ эканлигини рад этиб бўлмас далилхужжатлар ёрдамида исботлаш ёки виждонига хилоф, терговчилик касбига хиёнат бўлса-да, такдирга тан бериб, ортга чекиниш, бошқалардек муросаю мадора йўлини танлаш.

Тиниб-тинчимас терговчи албатта биринчи йўлни танлайди. Аммо бу иш унчалик осон эмасди. Биринчидан, тракторчи айбига қисман икрор бўлганди, яъни у қизалоқни ўлдирганини тан олса-да, аммо унинг номусига текканлигини қатъий инкор этарди ва шу важдан зўр бериб далилларни яширишга ҳаракат қиласди. Уларсиз, фақат билвосита далиллар ва айбланувчининг икрорлигига таяниб, Шарифнинг айби тўла исботланган деб ҳисоблаш ва ишни судга юбориш

мумкин эмаслигини терговчи яхши тушунарди. Иш судга чиқсан тақдирда ҳам мабодо таркторчи сўзидан қайтиб, “мени мажбурлашди, жиноятни мен содир қилмаганман” деб туриб олса, суд ҳукм чиқаришга ночор қолган бўларди. Иккинчидан, орадан анчагина вақт ўтиб кетганлиги боис воқеа тафсилотлари кўпчиликнинг хотирасидан кўтарила бошлаган, излар ёпилиб, далиллар йўқ қилинганилиги, қолаверса Юсуповлар муаммоси сабаб терговнинг ички ишлар тезкор ходимларининг ёрдамидан маҳрумлиги вазиятни янада мураккаблаштиради.

Ана шундай оғир шароитда олис тоғ қишлоғида ишга киришган терговчилар тез орада тракторчининг уйи айвони полининг тагидан қон доғларини топишади. Экспертиза қон марҳума қизчага тегишли эканлигини тасдиқлади. Бундан ташқари, кўшнининг воқеа содир бўлган куни тракторчининг ҳовлиси четидаги ҳожатхонада ивирсиб юрганлиги ҳақидаги кўрсатмасига асосланиб, қотил қон доғларини артган латта-патталарни ўша ерга ташлаган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахмин устида ҳам иш бошланади. Ёмғир шариллаб қуйиб турган пайтда ҳожатхонани тозалаш ишлари олиб борилади. Кун бўйи ахлат ювган терговчилар кечга яқин чиқиндилар орасидан эркак кишининг турсиси ва қон доғлари артилган латта топишади. Экспертлар бу материаллардаги қон марҳума қизчага тегишли эканлиги ҳақида хулоса беради...

Республика Бош прокурори ҳузуридаги мазкур жиноят иши юзасидан муҳокамага Солижон ана шундай рад этиб бўлмас далиллар билан кириб боради. Мажлис аҳли Солижоннинг ахборотини тинглаб, унинг жасоратига, касбий маҳоратига ва фидойилигига тан беради. Унга ишонмаган, қилаётган ишларига қаршилик қилган раҳбарлар уялиб қолади...

Суд қотилни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этган. Юсупов ва унинг шериклари ҳам тегишли жиноий жазога тортилган. Шу ўринда муаллифнинг битта таъкиди менга жуда маъкул бўлди. Ишни кўрган тажрибали судья суддан кейин Солижонни хузурига таклиф қиласди. Ёш қизалоқни номусига тегиб, сўнг ўлдириб юборган ваҳшийни отувга хукм қилмасдан 15 йилга озодликдан маҳрум қилиш билан кифояланган судъядан бунинг сабабини сураган терговчи отахон қозикалондан шундай ҳикматли жавоб эшитади:

- Солижон ўғлим, бу малъунга жазо тайинлашда кўп ўйландим. У ҳар жиҳатдан олий жазога лойиқ. Аммо, уни улимга маҳкум қиласам, кўнглим тўлмасди. Негаки, жазо бирпаста ижро этилиб, қотил бирпасда уларди-кетарди. Үн беш йил давомида эса ҳар куни бир ўлади, ит азобида яшайди. Йўқ, йўқ яшайди десак хато булади, тирик мурдага айланади. Қамоқхона удумларини яхши биласиз, у ерда бундай жиноятга қўл урганлар бу кунидан ўлимни афзал куришади...

Тоҳир Фофурович ҳикоясини тутатди шекилли, бир муддат сукут сақлаб, сўнг хулоса қилди:

- Сизларга китоб мазмунини батафсил гапириб берингандан мақсад қасбий маҳоратингиз, терговчи сифатидаги икътидорларингизни шубҳа остига олиш эмас, балки техника ҳали унчалик ривожланмаган, криминалистика фани ва экспертиза имконияти чекланган бир даврда терговчининг шунчалик муваффақиятга эришганини эътироф этиш, таассуротларим хусусида сизлар билан уртоқлашиш эди. Кечадан бери ўша воқеалар хаёлимдан кетмай қолди. Таажжубимни яширолмай муаллифга қўнгироқ қилдим. Ажойиб асар учун ташаккуримни билдиридим. Ёзувчи сифатидаги маҳоратига, терговчи сифатидаги шижаати, давюрак ва фидойилигига таҳсин айтдим. Ҳозир китобнинг “Мен – прокурор” ва “Мен – адвокат” деб номланган кейинги

жилдлари устида ишлаётган экан... Мазмунини қисқача айтиб берган бўлсам-да, ўқиб чиқсанглар фойдадан холи бўлмасди. Фикримиз бир жойдан чиқадиган бўлса, китобни барча терговчиларга ўқиш учун тавсия қилишни ўйладяпман. Шояд, оёғи ердан узилган айрим терговчилар тегишли хулоса чиқаришса, терговчиликдек муқаддас ва шарафли касбнинг қадрига етишса.

Прокурор ўринbosари кўлидаги 2 жилдлик китобни Фахриддинга узатди:

– Марҳамат! Ўқиб чиқиб, Санжарбекка берарсиз!
– Раҳмат. Одамни роса қизиқтириб қўйдингиз-ку! Тезда ўқиб чиқамиз, - терговчи китобни кўлига олиб, “тўғрими?” дегандай шогирдига қараб қўйди.

Қабулхонадан чиқиб, хонаси томон юрар экан Фахриддин хаёлан раҳбарнинг сўzlари мағзини чақишига уринди: “Бу билан Тоҳир Фофурович нима демоқчи? Ношудлик қиласизлар, демоқчими? Ёки шунчаки, ўқиган китобидан таъсирланиб, бизга илинмоқчи бўлдими? Ёки бу ерда бошқа бирор гап борми? Йўғ-э, у киши ҳеч бир гапни бекорга айтмайди. Бир ўқ билан икки қуённи урмоқчи бўлган. Китоб баҳона бизни ҳам бир савалаб, пустагимизни қоқмоқчи бўлган шекилли...”.

– Устоз, тушунмай қолдим, “шеф” бизни қўлларингдан иш келмайди дея таъна қиласизлами? – орқадан изма-из келаётган Санжарбек устозининг хаёlinи уққандай гап қотди.

– Қулимиздан иш келмаётгани рост эмасми, жаноб терговчи?

– Биз қулимиздан келганча ҳаракат қиласизлами-ку! Яна нима қилиш мумкин!

– Ҳаракат қилиш бошқа, имкон топиш бошқа. Анов терговчини қаранг, Республика прокурорининг ўринbosари тракторчига санкция беришга розилик бермагач, тушкунликка

тушмаган, айбини бўйнига олиш арафасида турған гумондорни қўйиб юбормаслик учун чора излаган ва уни топган. Тунда вилоят прокурорининг ўринбосаридан санкция олишга эринган. Эртага жазога тортилиши, ҳатто ишдан кетиб қолишидан қўрқмаган. Ҳақлигига ишонган.

— Китобда ёзаверишади-да! Аслида воқеалар қанақа бўлган, Худо билади.

— Сиз ноҳақсиз! Агарда шунаقا бўлганда Тоҳир ака сезган бўларди. Шунчалик тўлқинланиб гаириб бераятими, демак ўқиганларининг айни ҳақиқат эканлигига ишонган. Аммо китоб баҳона бизнинг лаванг, латта чайнарлигимизни ҳам эслатиб ўтмоқчи бўлгани рост. Нима бўлгандаям у мутлақо ҳақ!

Фахриддин стол устидаги қоғозларни сейфга жойлаб, кетишга ҳозирлик қўриб турганда эшик тақиллаб, хонага тиржайганча Ўткирбек кириб келди:

— Рухсат этинг, ўртоқ бошлиқ. Кеч бўлсада безовта қилганим учун...

— Ҳечқиси йўқ, келинг ўтиринг. Нима янгиликлар? — герговчининг юз-кўзи, товушидан толиққани сезилиб турарди.

— Барно масаласида ахборот бермоқчи эдим...

— Хўш, хўш, нималарни аниқладингиз, - Фахриддин дикқатини жамлаб, изқуварга тикилди.

— Аёлнинг алоқаларини текширгандик, - Ўткирбек нақасини очиб, бир даста қоғозларни чиқарди. — Барно эрим йўқ, деганди. Қўни-қўшилар билан сұхбатлашилганда Қосим деган йигит билан шаръий никоҳда эканлиги маълум бўлди. Ораларида битта ўғил фарзандлари бор. Ажабланарлиси

шундаки, ўша Қосим бир вақтнинг ўзида Барнонинг опаси – Зиёданинг қонуний эри экан. Ўрталарида З нафар фарзанд...

– Тўхтанг, тўхтанг, тушунмадим, нима деяпсиз? Қанақасига... товба...

– Менам олдинига ишонмадим, аммо бу факт. Қосим опа-сингилни хотинликка олибди. Уч кун Зиёданикida бўлса, бир кун Барноникida...

– Ана аҳмоқгарчилик! Одамлардаям имон-инсоф деган нарсалар йўқолиб бормоқда. Нима иш қиласкан ўша Қосим деганлари?

– Заргарлик дўкони бор экан, бели бақувватлардан...

– Заргарлик дўкони бор дeng! Демак Норпұлат билан гаплашган... бизни қизиқтираётган одам...

– Шунинг учун югуриб сизнинг олдингизга келдим-да!

– Барно нима деяпти?

– Бошида поччам бўлади, дея оёқ тираб туриб олди. Телефон пеленгациясидан Қосим у билан бирга бўлган вақтларни кўрсатиб, сал қисувга олгандик, ҳаммасини тан олди. Фақат ота-онаси, опаси бундан бехабар экан. Норпұлат қўнғироқ қилгаи куни Қосим уникida бўлганини ёдга олди. Негаки, ўша куни ўғлининг туғилган кунини нишонлашган экан. Эслапича, Қосимнинг телефони қуввати қолмаганлиги сабабли Барнонинг уй телефонидан фойдаланган.

– Қосим қанақа машинада юраркан?

– Оқ рангли “Ласетти”да. Афсуски, унинг бизни қизиқтирган машинага эгалигини ҳозирча аниқлай олмадик.

– Нима деб ўйлайсиз, Норпұлатни ўша куни Қосим кутиб олганми?

– Йўқ, Барнонинг айтишича, Қосим ўша куни уйдан чиқмаган. Менимча, у кимгадир қўнғироқ қилиб, Норпұлатни кутиб олишни тайинлаган бўлса керак.

қўйиши тайин. Шу билан бирга унинг телефон сўзлашувлари таҳлили ҳам қўлимизда бўлиши лозим. Бу эса бизга Қосимнинг яқинлари доирасини, шерикларини аниқлаш имконини беради. Агар эртага ишимиз юришиб, тинтувда бирор далилий ашё тополсак, бу хотинбозни гумондор сифатида ушлашимиз мумкин бўлади.

– Унда бизга жавоб, бориб ишни ташкил қиласай, бугунам ухламайдиган бўлдик, Худо хоҳласа, - Уткирбек кетишга ҳозирланди.

– Яхши, эрталаб учрашамиз, сизга омад!

Терговчилар эрталабки тадбирлар режасини пухталаб, тун оқканда уйларига қайтдилар...

Барно аллақачон “эри”ни огоҳлантирган шекилли, Қосим каллаи сахарлаб қадам ранжида қилган “мехмон”ларнинг ташрифидан таажжубга тушмади, ўзини бехавотир, босик, ҳеч нарсадан бехабардай тутишга ҳаракат қилди. Тергов гурӯҳи аъзолари барча расмиятчиликларни жойига қўйиб, икки қаватли каттагина ҳовлини обдон чиғириқдан ўtkазиши. Бироқ ишга даҳлдор бирорта нарса, терговчилар тили билан айтганда - далилий ашё топилмади. Пешиндан сунг терговчилар Қосимнинг ишхонаси – заргарлик дўконида тинтув ҳаракатларини давом эттиришди. Энг сунгидаги дўкондорнинг кабинети ва ундаги сейфни кўздан кечирган терговчилар ниҳоят гумонлари беҳудага эмасликларига амин бўлиши. Мутахассислар сейфнинг таг қисмида маҳсус ясалган жойдан чиққан 12 дона олтин танга Норпўлатнинг хазинасидан олинган олтинлар гурӯҳига мансублигини тасдиқлашди. Шунгача “Норпўлат” деган одамни танимайман, менга қўнғироқ қилмаган, балки адашиб тушган бўлиши мумкин” дейишидан нарига ўтмай турган Қосим тилла тангалар топилгач, сал “паст”га тушгандай бўлди:

Амирликнинг олтин тахти изидан

— Норпӯлат аканинг ўлдириб кетилганидан хабардормисиз?

— Э... э... қандай қилиб... эх, Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, - Косим нималарнидир пичирлаб, юз силади.

— Эшитмаганмидингиз? — ўдагайлари Санжарбек.

— Сиздан эшитиб турибман, нима бўпти... ақл бовар килмайди... ким қилган бўлиши мумкин... бу ишни? Ё Оллоҳ...

— Ана ўша қотилни топиш учун сиз билан сухбатлашиб турибмиз-да! — деди “кичик” терговчи кўзини лўқ қилиб.

— Н-и-и-м-а, мендан кўраяпсизларми? — деди гувоҳ тарвузи қўлтиғидан тушиб. — Бор-йўғи у одамни бир-икки марта кўрган бўлсан... Менга уни ўлдиришдан нима наф? Тилла учун жавоб беришга тайёрман... Аммо менга кўра-била туриб... одам ўлдиришни ёпиштира олмайсизлар...

— Ҳеч ким сизни қотилликда айблаётгани йўқ, — тушунтириди Фахриддин. - Аммо гумондорлар сафида сизнинг ҳам исмингиз бор. Тартиб шунаقا, жиноят очилмагунча биз марҳум билан алоқада бўлган ҳар бир шахсадан гумон қилишга мажбурмиз. Шу важдан саволларимизга тўғри ва аниқ жавоб беришингиз лозим.

— Марҳамат сўранг, билганимча жавоб бераман... алдашдан нима наф...

— Демак, Норпӯлат ака билан тасодифан танишиб қолгансиз, сизга фақат 12 дона тилла тангани ўтказган, у билан бошка олди-бердингиз бўлмаган, шундайми?

— Термизлик Мусурмонқул деган ошнам бўларди, - бироз сукутдан сўнг гувоҳ гапни олисдан бошлади. — Норпӯлат ака билан ўша йигит орқали танишгандик. Мусурмон телефон қилиб, унга ёрдам беришимни илтимос қилганди. Бир марта бирга ишхонамга ҳам келишган. Шу-шу танишиб қолгандик. У ҳар келганда унча-бунча тилла

— Норпӯлат ака бир марта шу ҳақда гапирганди, лекин ўзини...

— Фақат кўрмаганман деб айта кўрманг! - танбех берди Санжарбек гувоҳнинг нима дейишини олдиндан сезгандай.

Қосим бироз ўйланиб қолди. Бу “ёпишқоқ” терговчилардан осонликча қутулиб бўлмаслигига кўзи етди шекилли синиқ овозда давом этди:

— Кўрмаган нарсами кўрмадим дейман-да! Менга тахтнинг расмини кўрсатганди... Ўзимам у шўрликнинг бошига шу тахт етган бўлса керак деб ўйлагандим-а! Мана оқибати. Ўшанда ўзигаям айтганман, “бу катта нарса бўлса, бир кун бўлмаса, бир кун йўқ жойдан сизиб чиқади, бошга бало бўлади” деб. Унамади, унамади-да!

— Кейин-чи, кейин нима бўлди, Норпӯлатнинг мақсади нима эди?

— Мақсади нима бўларди, сотиб пуллаш-да! Бундай қимматбаҳо нарсага бизда харидор топилиши қийин бўлгани сабабли жойи чиқса, хорижга ўтказмоқчиди...

— Ўтказа олдими?

— У ёғи менга қоронги, охири нима билан тугаганини билмайман.

— Ўзингиз ёрдам бера олмаган бўлсангиз, балки танишларингиздан бирортасини тавия қилгандирсиз?

— Йўғ-е, кимни тавсия қиласман. Бунаقا гапни бирорга айтиб бўладими?

— Менга қаранг, бизни ким деб ўйляяпсиз? — Санжарбекнинг афти тиришди. — Нима, билдим дедим - тутилдим, билмадим дедим – қутулдим, дегандай бизни аҳмок қилмокчимисиз? Тахтнинг расмини кўрганманмиш... Ёлғон ҳам эви билан-да!

— Ука, мен билганимни айтаяпман, ёлғон гапириб нима қиласман, гунохга ботиб...

— Э-э-э! Ҳамма гапирсаям сиз гапирманг гуноҳу савоб тұғрисида!

— Менга нима қипти, ука! Бу нима деганингиз? — деди Қосим энсаси қотиб.

— Қани, марҳамат қилиб айтинг-чи, бир пайтда ҳам опани, ҳам сингилни хотин қилган одамни ким деб атаса бұлади? — Санжарбек чидаб туролмади. — Яна ҳеч нарса бұлмагандай үзини фаришта күрсатишига үлайми??

— Нима бўпти! Қ-к-қ-а-а-йисинглым... Сиз бунинг сабабини билмайсиз-ку! — Қосимнинг овози титраб, беихтиёр рўпарасида кўзини лўқ қилиб турган терговчидан нигоҳини олиб қочди. — Ахир... энди...

Фахриддин шогирдининг сал қизиққонлик қилиб, ошириб юбораётганлигини сезиб турса-да, бу нозик саволга гувоҳнинг нима деб жавоб бериши унга ҳам қизикарли туйилаётганди.

— Энди... ҳаётда нималар бўлмайди, - бироз сукутдан сўнг гап бошлиди Қосим. — Опа-сингил билан бир маҳаллада катта бўлганимиз. Барно мендан тўрт ёш, опаси Раъно эса икки ёш кичик. Институтда ўқиб юрган кезларимда Барнога кўнгил қўйгандим. У ҳам мени севарди. Турмуш қуриш ниятимиз бор эди. Аммо... қизнинг ота-онаси бизнинг оилани писанд қилмади. У пайларни қайнотам каттагина корхонада раҳбар бўлиб ишларди. “Қизимни шофёрнинг ўғлига бераманми?” дея оёқ тираб туриб олди. Баджахл ота қайсар қизини жазолаш ва мендан ажратиб олиш учун опаси турмушга чиқмай вазирликда ишлайдиган бир каттаконнинг ўғлига эрга бериб юборди. Мен додайлаб қолавердим. Аламимдан нима қиларимни билмай чопонни елкага ташлаб, уйдан чиқиб кетдим ва шу туришда Москвага ишлашга кетиб қолдим. Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғи экан. Орадан икки йил ўтар-ўтмай, қайнотам жуда катта давлат мулкини

ўзлаштиргани учун қамалиб кетди, бор будидан айрилди... Мен ишни бир дўконда юк туширувчилиқдан бошлагандим. У ёқларда дўкон ходимлари ичкилик оқибатида кўпинча ишга чиқмай қоларкан. Мен эса ичмайман, чекмайман, ҳар куни ишдаман. Ким ишга чиқмаса, ушанинг ўрнига ҳам ишлайверардим. Кейинчалик мени дўконга сотувчиликка ўтказиши. Дўкон эгасининг эътиборига тушиб, икки йилда иш бошқарувчи лавозимига кўтарилидим. Анча-мунча пул топиб, ўзимни тиклаб олдим. Машина, уй олдим. Уйдагиларимга пул юбориб турдим. Оиласизнинг моддий ахволини анчагина яхшилаб олишга эришдим. Бу пайтга келиб, Барноларнинг оиласи анчагина қашшоқлашган, оиласининг бурунги нуфузи йўқолганди. Орадан яна икки йил ўтиб, ўзимнинг мавқеимни янада яхшилаб олдим, корхона акцияларининг бир қисмига эгалик ҳуқуқини қўлга киритдим. Бу вақтга келиб, ота-онам мени уйлантириш ташвишига тушиб қолганди. Онам келин излашдан чарчамай, номзодларни қалаштириб ташлади. Менинг эса бош қашишга вақтим йўқ эди. Тошкентга келган кунларим онам топган қизлар билан учрашувга чиқишдан чарчаб кетардим. У пайтлари ғўр бўлган эканмиз-да! Иш, иш деб, уйланиш, оила қуришга панжа ортидан қарабмиз. Муносиб умр йўлдоши танлаш инсон ҳаётининг энг нозик, энг масъулиятли масаласи эканлигига ақлимиз етманти. Хуллас, келин топишни онамнинг зиммасига юклаб, ўзим Москвага учеб кетдим. Барнога уйлана олмаганим алам қилиб юрарди. Бу ёғига энди кимга уйланишнинг қизиги йўқдай эди. Щу сабабданми ёки Барнони қуриш имконияти пайдо бўлаётганиданми онам Раънога уйланишимни айтганда ҳеч уйланиб ўтирмасдан рози бўлдим. Тўй бўлди. Тўй оқшоми бироз тўлишиб, янада кўркамлашиб кетган Барнога кўзим тушганда қалбимдаги муҳаббат чўғи ҳамон ўчмаганини сезгандай бўлдим. Бир

муддат ёнимда менга үзини бағишилаб, қалбида олам-олам қувончлар туйиб үтирган келинчак унинг бир қориндан талашиб тушган опаси эканлигини ҳам унугтаёздим. Фақат шундагина бу түйга розилик береб катта хатога йўл кўйганимни англадим...

Қосим фикрини жамлаш учун бироз тин олди. Мавзудан чекиниш бўлса-да, унинг ҳикояси терговчиларни қизиқтириб кўйганди. Улар воқеаларнинг нима билан якун топишини билиш учун нотиқнинг оғзини пойлаб турарди.

– Кейин-чи, кейин нима бўлди? – Санжарбекнинг сабри чидамади.

– Кейин нима бўларди! Бир ўйланмай босилган қадам бошқа, янада оғироқ хатоларни келтириб чиқаради. Ръяного кўнглим бўлмаса-да, яхши эр бўлишга, кўнглимдаги ёрни унудишига, қалбим тўридаги туйғуларни юлиб ташлашга ҳаракат қилдим. Аммо ҳар гал тўй-маъракаларда, уйимизга меҳмонга келганда Барнони қурганимда дилимдаги мухаббат олови кундан-кунга оловланиб кетаётганини ҳис қилгандай бўлардим. Ўз навбатида Барно ҳам менинг ёнимда үзини қанчалик бахтиёр, қанчалик бепарво тутмасин кўзларида бир дард, тараашларида сирли илтижо борлигини сезгандай бўлардим. Устига-устак Барнонинг тўрт-беш йилдан буён фарзанд кўрмасдан келаётганилиги, эри билан никоҳ ришталари кундан-кунга заифлашиб кетаётганилиги менга қанчалик оғир бўлмасин юрагимда қандайдир умид учкунларини пайдо қилаётгандай эди. Шундай ҳам бўлди! Мен икки болали бўлганимда, бу томонда Барно эридан ажрашди. Божамиз ҳам номард чиқди. Хотинини кучага ҳайдади... Мен аллакачон Россиядан кайтиб келиб, Тошкентда ўз бизнесимни йўлга қўйган, топиш-тутишим чакки эмасди. Дастреб қайнисинглимни кўнглини кутариш, ахволини сўраш учун қўнғироқ қилиб турдим. Кейин бир-

икки марта учрашдик. Унинг бахтсизлигини куриб, қараб туролмадим. Ҳеч кимга сездирмасдан уч хонали уй совға қилдим. Ейиш-ичишидан хабар олиб турдим... Юрак амрига қарши боришга ўзимизда куч тополмадик... Удумларимиз, ахлоқ меъёрларига қанчалик зид бўлмасин, хуфёна никоҳ ўқитиб, Барнони ўз никоҳимга олдим... Виждоним қийналди, хотинимдан ажрашмоқчи ҳам бўлдим. Аммо, шириндашакар болаларимни кузим қиймади. Яширинча яшаб юраверамиз деб ўйлагандим. Мана оқибати...

– Ота-оналар бундан хабардорми? – сўради Санжарбек.

– Йўғе, нима деяпсиз, билса, осиб қўйишади-ку!

– Бола сизданми?

– Ҳа, бола мендан.

– Энди нима қилмоқчисизлар? Куни келиб сир очилади-ку! Яқинларингиз бунга қандай қааркан? Хотинингиз бу шармандачиликка қандай чидайди?

– Кўнгил иши деб шу номаъқулчиликни еб қўйдик... Бүёғига ўзимнинг ҳам бошим қотган...

– Билмадим, одамнинг аклига сифмайдиган ишлар! – Санжарбек эшитганларини “ҳазм” қилолмади шекилли, устозига бир қараб олиб, мавзуни ўзгартирди. – Норпўлатга олтин таҳти қаерга ўтказишни сиз тавсия қилгандирсиз!

– Йўғ-е! Мен кимни тасвия қиласман...

– Қодир, Ботир деган йигитларни танийсизми? – Терговчи сумкасидан икки дона расм чиқариб, гувоҳнинг олдига ташлади. – Синчиклаб қаранг-чи!

Косим биринчи расмга тикилиб, “йўқ” дегандай елка қисди. Иккинчи расмни қўлига олиб, тикилиб қолди.

– Хўш, ўҳшаяптими? – анчадан бери шогирдининг иш услубини кузатиб турган Фахриддин гап қўшди.

– Мана бунисини кимгадар ўхшатгандай буляпману... аммо ҳеч эсимга тушмаяпти, - Қосим ҳамон расмга тикилиб турарди.

– Эсланг, эсланг!

– Балки у эмасдир. Тиникроқ расми йўқми? Жуда хира...

– Демак, ёдингизга тушди. Исли ким ўша танишингизнинг?

– Исли тилимнинг учида турибди-да!

– Қаерда ишлаши, яшаш жойини биласизми?

– Йўқ-да! Эсимга келмаяпти...

– Ҳозиргина “балки у эмасдир” дедингиз-ку! Кимнидир назарда тутган бўлишингиз керак! – Санжарбек гувоҳни оғзидан илинтиришга ҳаракат қиласади.

– Қаеринидир, кимгадир ўхшатаяпман... лекин барибир эслолмадим, - Қосим расмни стол устига қўйди.

Санжарбек яна нимадир демоқчи булиб оғиз жуфтлаганди, устоз “керакмас” дегандай унга маъноли тикилди ва гапни мухтасар қиласди:

– Майли, ёдингизга тушиб қолса, бизга хабар киларсиз! Бугунча етарли. Сизга рухсат.

Қосим осон қутулганига шукр қилиб, хонадан чиқиб кетди. Орага жимлик чўкди.

– Устоз, бу одамнинг толмовсирашини қаранг, бир гапи бор-ов! – деди Санжар гувоҳ ўтирган жойга ишора қилиб. – Менимча, Қодирни ҳам таниди. Бироқ атайлаб...

– Тўғри айтасиз! Мушоҳадаларингизда жон бор. Қодирни таниса-да, ўзини жинниликка солди, айтгиси келмади.

– Унда нега... осонгина... жавоб бериб юбордингиз?

– У бизни ҳеч нарсани сезмади, деб ўйлаши учун атайлаб шундай килдим. Фақат ортидан кузатув кўйишимииз лозим. Қодирни таниса, албатта уни огоҳлантиришга ҳаракат

Хеч бўлмаганда кўнғироқ қиласди. Шу сабабдан Уткирбекни чақиринг. Телефон сўзлашувларини санкция ҳозирланг.

Орадан кўп ўтмай Уткирбек етиб келди. Кўлидаги бир коғозни стол устига кўя туриб, елкасини қисди:

– Қосим деганларингизнинг бармоқ излари ҳеч жойдан икмади. На олтин тахтда, на сигарет колдиғида!

– Бўлиши мумкин, – деди Фахриддин пинагини бузмай.
– Ҳозир сизга бошқа топширик бор. Санжарбек тушунтиради.
Мен қарорга кўл қўйдирив чиқаман.

Ҳаммаси терговчилар кутганидай чиқди. Қосим уша куни уйидан чиқмай, “тинч” ўтирган бўлса-да, кейинги кун пешиндан сўнг хотини Раъононинг телефонидан номаълум эркак киши билан кўнғироқлашиб, ишхонасидан сал наридаги “Ялпиз” кафесида учрашишга келишди. Тезкор ходимлар зудлик билан кафега бориб, “меҳмон”ларни кутиб олиш тадоригини кўришди. Нина исмли катта лейтенант “официант” вазифасини бажарадиган бўлди. Мижозлар учун алоҳида иккита стол тайёрланиб, сезилмас жойига овоз эшитиш ускуналари жойлаштирилди. Тушликка яқин кафега Қосим қирқ ёшлар атрофидаги бежирим кийинган киши билан кириб келди. Алоҳида хонада кафе ичини видеокамерада кузатиб турган терговчилар сергакланди.

– Устоз, қаранг-қаранг, – Санжарбек ўрнидан туриб кетди, – бу одамнинг турқи-таровати Қодирникига ўхшаб кетмаяптими?

– Шунақага ўхшаб қолди! – деди Фахриддин тасвирдан кузини узмай. – Қани кўрайлик-чи, нима ҳақида гаплапшаркан бу шоввозлар!

Терговчилар қулоқларига қулоқчинни тақиб, нафас олмасдан тасвирдаги кишиларнинг сухбатини тинглашга киришишди.

Одатий сўрашишдан сўнг, ниҳоят Қосим мақсадга кўчди:

— Элдор ака, мени кеча прокуратурага чақиришди, Норпўлат масаласида! Уни ўлдириб кетишган экан-да!

— Шунақами? Оббо қисталоғ-э! Ёмон бўлти-ку!

— Нима ёмон? Норпўлатнинг ўлдирилганими ёки мени прокуратурага чақирганими?

— Иккиси ҳам яхши эмас! Энди булардан кутулгунимизча она сутимиз оғзимизга келади. Нимани сўрашди?

— Э нимасини айтасиз! Уйимни, ишхонамни тинтув килишиди. Хайрият бир нечта тилла танглардан бошқа нарса топишолмади.

— Нимани сўрашди? — саволни такрорлади Элдор.

— Норпўлатни! Қаерда танишгансан, биргаликда нима иш қилгансан, қачон кўргансан... бошимни қотириб ташлашди. Кейин сизнинг расмингизни кўрсатиб, танийсанми, дейишиди.

— Нима дедингиз? — сўради Элдор кўзлари қинидан чиққудай бўлиб.

— Танимайман, дедим. Тўғри қилипманми? Нимага бунча чўчиб кетдингиз? Нима бало Норпўлатни сиз гумдон қилмаганмисиз?

— Астофирулло, астофирулло! Бу нима деганингиз? Каллангиз ишлайдими? Нима... мен...

— Расмингизни худди кинолардагидек чизиб, олиб юришганига қараганда... Шунга... сиз ўлдирилнгизми деган...

— Аста-э, деворниям кулоги бор-а! Нима мен қотилга ухшайманми?

— Унда нега асабийлашайпсиз?

— Тұхматта қолиб кетишдан чүчийман! Үша терігөвчиларинга котилликни ким қылғанининг фарқи йүк! Бирортасини қармоқтарига илинтиришса бұлды! Улар учун герговга тушган кишининг чұпчалик қадри йүк. Жиноятчи ғопилмаса, түрига тушган манглайи шүрни тиқиб юбораверишади. Қулогингни ушлаб, қамалиб кетайверасан. Додингни катта холанг ҳам эшитмайди!

— Йүғ-е, унчалик эмасдир. Айбсиз одамни қамашдан уларга нима наф? Мана мени күйиб юборищди-ку!

— Хатта тушдинг — үтга тушдинг. Үзингнинг түя эмаслигингни исботлаш учун қанча асабинг бузилади, шундан күрқаман!

— Сиз билан яна биттасининг расмини күрсатишиди, отини Ботир дедими, Фоғур дедими... ёдимда қолмади.

— Э-э-э тилласиям қуриб кетсин! Қаерданам шу одам билан таништирдингиз! Бошим балога қоладиган бұлды-да!

— Элдор ака, нима мен сизни шұнақа бұлсин деб атайлаб гаништирибманми? Сизга яхши бұлсин...

— Майли ука, бұлар иш бүпти! Пешонада борини күрамиз! Ишқилиб мени сотиб қўймаган бұлсангиз бұлгани!

— Вой, нимага сотарканман! Шунча йиллик қадрдонмиз-ку!

— Ҳозир ҳаммага ўз жони шириң бўлиб кетган. Сизга раҳмат. Биздан қайтмаса Худодан кайтсин! — Элдор ёнидаги пиёлани четга суриб, кетишга тайёрланди. — Энди бизга жавоб!

— Ока, ўзи үша олтин тахт нима бұлды, бирор жойга ўтказа олдингизларми? — Қосим “намунча шошмасангиз” дегандай стол четидаги пиёлани олиб, чой қуиди ва шеригига узатди.

— Мен қайдан билай! — Элдорнинг асабийлашаётгани сезилиб туарди. -Норпұлат бир марта олиб келиб менга күрсатганди. Қиммат нарса-да! Мен “отказ” қилгандим. Кейин нима бўлганини билмайман. Бирортасига ўтказган бўлса керак-да!

— Лекин мен бир сўраганимда, дўстингиз яхши йигит экан, ёрдам бераяпти, деганди!

— Майда-чўйда тиллаларини сотишда ёрдамлашгандим. Аммо олтин таҳт масаласида “мени тишим ўтмайди” дегандим.

— Балки бирортасини тавсия қилгандирсиз? — Қосим ҳамсуҳбатининг гапларига ишонқирамади шекилли “чайналишда” давом этди.

— Ўйлаб гапирайapsизми? — Элдорнинг жахли чиқди. - Кимни тавсия қиласман? Бундай қимматбаҳо матоҳни чет элга ўтказмаса, бизда сотиб бўладими?

— Ока, кўп йиллик таниш-билишчилигимиз хурмати ман сизни огоҳлантирудим. У ёғи ўзингизга ҳавола! Анов терговчилар роса ёпишган жойини қўймайдиган муттаҳамлар туридан экан. Барibir сизни топишади. Жавобларингизни ўйлаб қўйинг! Мен сизни сотмадим. Сизам мени аралаштирунг. “Норпұлатни қаердан танийсан” деса, бирор нарса ўйлаб топарсиз. Гапимиз бир жойдан чиқса бўлгани!

— Албатта, албатта... бирор нарса ўйлаб топарман! — Элдорнинг хаёли паришон эди. — Мен турдим, кеннойингиз билан бир жойга бормоқчийдик!

— Ҳа, сал бўлмаса ёдимдан чиқай депти, - шивирлаб гапирди Қосим. — Улар қандайдир кора “Нексия” ҳақида сўрашди?

— Кора “Нексия” дедингизми! — Элдор бироз ўйланиб қолди. Бу яна нимаси? Нима қиласан экан... ўша қора...

— Билмадим. Сизники “Нексия” эмас шекилли!

– Йўқ, мен “Нексия” минмаганман...

Йигитлар кафедан чиқиб, эшик олдида бироз гаплашиб туришди ва хайрлашиб тарқалишди. Терговчининг тошириғига мувофиқ изқуварлар Элдорнинг ортидан тушишди. Криминалистлар кафега кириб, “мижоз”нинг идиш-товоркларда қолдирган бармоқ изларини олишга киришишди.

Кеч тушиб қолишига қарамасдан ишхонага қайтган терговчилар кафеда олинган видеотасвирларни қайта-қайта куриб чиқиб, Қосим ва Элдорнинг сұхбатини, руҳий холатини дикқат билан таҳлил қилиб чиқишига киришдилар.

– Хўш Санжарбек, - таҳлил ишлари поёнига етгач, сўради Фахриддин, - Элдорнинг гапларига ишониш мумкинми?

– Менимча, у ёлғон гапирди.

– Элдор Норпўлатнинг ишига аралаш демоқчисиз-да. Ёки унинг сиймосида қотилни қўраяпсизми?

– Қотил шу дейишига ҳозирча асосим йўқ. Аммо, у бевосита бўлмаса-да, билвосита Норпўлатнинг ишига дахлдор.

– Бундай фикрга келишингизнинг сабабларини билсақ бўладими, жаноб терговчи! – Устознинг шогирдини синаш учун атайлаб саволларга кўмаётгани билиниб турарди.

– Чунки, биринчидан Элдор кўркиб кетди. Бир балоси борки, кўрқди. Иккинчидан, жуда асабийлашди...

– Тўғри пайқабсиз! – Фахриддин шогирдининг фикрини маъқуллайди. – Бундан ташқари, хаёлимда у Норпўлатнинг ўлими ҳақидаги хабарни оддийгина қабул қилди. Гўёки буну олдиндан билгандай. Шу сабабдан бўлса керак, Қосимдан ўлим тафсилотларини сўраб ўтирамдиям. Устига устак бизнес ҳамкорининг ўлимидан кўра ўзининг тинчи бузилишидан хавотирланди. Агар юраги тоза бўлганида шеригининг ўлими

уни зарра бўлсада қайғуга солиши керак эди... Хуллас, Элдор билан жиддийрок шуғулланишга тўгри келади. Лекин мени бошқа бир нарса ташвишга солмоқда. Ўзимни қанчалик ишонтиришга ҳаракат қилмайин юрагимнинг таг-тубида “шу инсон одам ўлдиришга қодирми?” деган савол бош кўтараётгандай бўлавераяпти. Сиз айтгандай ички интуициям ўзимга бўйсунмаяпти.

– Э устоз, сиз раҳмдил, самимий инсониз. Бошқаларни ҳам ўзингиздан кўрасиз. Элдор деганларини кўрдингиз-ку, ғирт артист, рол ўйнашга уста. “Интуиция”нгиз адашаётгани шундан.

– Балки сиз ҳақдирсиз! Кейинги пайтларда ички сезги борасида устозингиздан ошишга ҳаракат қилаётганингизни фақат олқишлиш мумкин, Санжарбек, ҳа-ха, олқишлиш лозим!

Шогирд мамнун жилмайиб қўйди...



Кейинги кун воқеалари Фахриддиннинг ички сезгиси бу гал ҳам алдамаганини кўрсатди. Дастреб экспертиза Элдорнинг бармоқ излари жиноят иши бўйича олинган қўл изларидан бирортасига мос келмаслигини аниклади. Кейинчалик Элдор ва унинг яқинларида қора рангли “Нексия” бўлмаганлиги, уларга тегишли телефонлар пеленгацияси тахлили вафотидан олдинги уч кунда Норпӯлат улар билан алоқа қилмаганлиги, бир алоқа майдонида жойлашмаганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга боппида “йўқ”, “билмадим”дан нарига ўтолмай “мум тишлаб” ўтирган Элдор терговчилар келтирган рад этиб бўлмас фактлардан сўнг ҳаққоний кўрсатма беришга мажбур бўлди:

— Норпӯлат ака билан Қосим орқали танишгандик. Ўша олтин тахтни ўтказиш масаласида мендан ёрдам сўраганди. Бошида ишонмадим. Норпӯлат ака менга бир талай тилла тақинчоқлар, тангаларни кўрсатди. Текшириб кўрсам, ростанам қадимий. Шундагина Норпӯлатнинг гаплари жидийлигига, тиллалар Амир Олимхоннинг йўқолган хазинасидан эканлигига амин бўлдим ва унга бу ишда ёрдам қилишга ваъда бердим. Аммо бутун бошли олтин тахтни бизда ўтказиш муаммо эди. Тахтнинг тоза олтин сифатидаги баҳоси 1 млн. АҚШ долларига teng бўлгани ҳолда ноёб осори-атиқа сифатида хорижлик коллекциячилар унга ўн карра юқори нарх тўлашлари мумкинлигини яхши билардим. Фақат менинг чет элда танишларим йўқ эди. Шу сабабли ўзимга шерик қидира бошладим. Шунда ёдимга синфдошим Бобур тушди. У магистратурани Германияда битирган, бир неча тилни яхши биладиган, уддабурон ва тадбирли йигит эди. Қўйлиқдаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи қўшма корхонада менежер бўлиб ишларди. Бобурга муаммони айтгандим, қизиқиб қолди. Бирпасда Германияда яшовчи Шодиёр исмли ўртоғи билан гаплашиб, олтин тахтни сотиш масаласида ёрдам беришларини сўради. Орадан бир неча кун ўтиб, хориждан жавоб келди. Германиялик Вильям исмли миллионер коллекциячи агар олтин буюмлар ҳақиқатда Бухоро Амирининг хазинасига тегишли бўлса, сотиб олиш истагини билдирибди ва намуна сўрабди. Тезда Норпӯлатдан иккита тилла танга, бир неча тилла тақинчоқ олиб Франкфуртга жўнатдик. Немис тиллаларни текшириб кўриб, уларнинг чиндан ҳам қадимий эканлигига ва Амирликнинг йўқолган хазинасига тегишли бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Эндиги муаммо шунча олтинни Ўзбекистон чегарасидан сездирмасдан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ эди. Кўп бош қотиришга тўғри келди. Масалага ечимни яна

Бобур топди. Режага кўра тилла буюмлар Германияга даволаниш учун кетаётган шахсларнинг ногиронлик аравачаларига жойлаштирилиб, божхона назоратидан ўтказилиши лозим эди. Олтин тахт билан таваккал қилмаслик учун дастлаб бир қанча тилла тақинчоқларни божхона орқали хуфёна ўтказиб кўрмөкчи бўлдик. Навбатдаги масала бу иш учун яроқли “мижоз” топиш эди. “Номзод”га қўйиладиган асосий талаблардан бири унинг ўта семиз бўлиб, одатий, яъни заводда ишлаб чиқарилган коляскага сифаслиги талаб қилинарди. Шунда унга маҳсус коляска ясатилиб, унинг ички қисмига тилла буюмлар жойлаштирилиши ва шу йўл билан керакли буюмлар божхона назоратидан олиб ўтилиши режалаштирилганди. Норпӯлат аканинг бир таниши ёрдамида Бойсунда турадиган Чори исмли вазни тахминан 130 килодан ортиқ келадиган, тўшакка михланиб қолган ногирон йигитни танладик. Ногиронларни ҳимоя қилиш жамияти номидан Бобур Бойсунга бориб, Чори ва унинг хотини Барчин билан гаплашиб келди. Ҳеч нарсадан бехабар эру хотин роса хурсанд бўлиб, Германияда даволанишга рози бўлишиди. Кейин Бобурнинг Саша деган таниши ёрдамида Чилонзордаги устахонада қўлбола ногиронлик аравасини ясатиб, унинг ички қисмига Норпӯлатнинг тиллоларини жойлаштиридик. Шу орада Чори ва унинг хотинига Тошкент-Франкфурт йўналиши бўйича самолётга чипта олинди. Барча тайёргарлик ишлари охирига етказилгач, Бобур Бойсунга ногиронлик аравасини олиб бориб, эр-хотинни Тошкентга етказиб келди. Тошкент аэропортида ногирон йигит ва унинг кузатувчиси ҳеч бир шубҳасиз божхона назорати ва чегара постидан ўтиб олиб, Франкфуртга учиб кетди. Германияда уларни Шодиёр кутиб олди ва яқин-атрофдаги меҳмонхоналардан бирига жойлаштириб, ногиронлик аравасини қўлга киритди. Кейинги кун биз ҳам Москва орқали Германияга учиб бордик.

Вильямс олтинларни 300 минг АҚШ долларига баҳолади ва шунча нақд пулни кўлимизга санаб берди. Шодиёрга ўз улушкини бериб, қолган пулларни Франкфуртдаги банкка Бобурнинг номига очилган ҳисоб рақамига қўйдик. Ўн минг доллар майдо-чуйда ҳаражатларга ишлатилди. Тошкентта кайтгач, Бобур таниш-билишлари орқали банкдаги пулларни нақдлаштириди. Келишувимизга кўра фойданинг ўзимизга тегишли қисмини олиб колиб, 200 минг долларини Норпӯлатга бердик...

Элдор фикрини жамлаш учун бироз жимиб қолганидан фойдаланиб, Санжарбекнинг савол беришга чоғланаётганини сезган гурух раҳбари “тўхтанг, гапини бўлмай туринг, тугатиб олсин” дегандай унга маъноли қаради. Устознинг кўз карашидан нима демоқчи бўлаётганини сезадиган шогирд гапини ичига ютди.

– Хуллас, биринчи синов тадбиримиз хамирдан қил суғургандай муваффақиятли якун топгач, асосий масала – олтин таҳти хорижга олиб чиқиш ва пуллаш ишига астойдил бел боғладик. Ҳаммасини пухта режалаштиридик. Таҳтнинг ҳажми каттагина бўлганлиги сабабли ногиронлик аравачаси ҳам, унга ўтирадиган “бемор” ҳам шунга мос, камида 150 килограмм бўлиши талаб қилинарди. Шундай одамни қидира бошладик. Бир кардиолог дўхтири танишим билан учрашиб қолганимда атайлаб семизлик, семиз одамлар ҳақида гап очдим. Мавзуни давом эттириб, у ҳозир қулида нақд 150 кило том босадиган bemor даволанаётганини мисол қилиб айтиб қолди. Менга айнан шунаقا ахборот керак эди. Кейинги кун ўзимни бир текширтириш баҳонасида Набижонни кўргани бордим ва пайт пойлаб касаллик варагасидан ўша bemornинг уй манзилини билиб олдим. Буёғи олдинги сценарий бўйича кетди. Мен ногиронларни ҳимоя қилиш жамияти ходими сифатида Шомақсудникига бир-икки қатнаб, уни хорижда

бепул даволаниб келишга кўндиридим. Норпўлат ака Бойсунга кетиб, олтин тахтни Тошкентга олиб келтирди ва уни Чилонзордаги устахонага олиб бордик. Саша қўли гул уста экан. Икки-уч кунда тахтдан ажойиб қўлбола ногиронлик аравачаси ясади. Шомақсуд ва унинг хотини номига Франкфуртга авиаичипта олинди. Ҳаммаси ўйлаганимиздек силлиқ кетаётганди. Фақат аэропортда божхона ходимларининг “хитланиб” қолгани ишимизнинг белига тепди... У ёғи сизларга маълум!

Гумондор “билганларим шу” дегандай мўлтираб, Фахриддинга кўз қирини ташлади. Гуруҳ раҳбари унга чой қуиб узатди. Элдор пиёлага қўл чўзганда билагидаги “К.А” деган ёзув ёққол кўриниб кетди.

— Кўлингиздаги тотиулировка нимани англатади? — савол-жавобни бошлиди терговчи.

— Ҳа, буми? — деди Элдор қўлидаги ёзувни кўрсатиб, - ҳарбий хизматда аҳмоқчилик қилиб... Камола Абдуллаева деган синфдошимизга атаб... ёшлик экан-да!

— Сизлар нима сабабдан ўзларингизни мижозларга “Қодир”, “Ботир” деб таништирдингизлар? Бундан кўзланган мақсад нима эди?

— Қилаётган ишимиз қонунга зидлигини билиб турардик. Қўлга тушиб, сиримиз фош бўлмаслиги учун исмларимизни ўзгартириб айтгандик.

— Унда ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг китобидаги “Қодиржон укамизга” деб бошланган дастхатни қандай тушунсак бўлади? Сиз ёзувчини шахсан танийсизми?

— Йўқ, мен ёзувчи билан шахсан таниш эмасман. Дастхатни Шомақсуд ва унинг аёлининг ишончига кириш учун атайлаб ёздиргандим. Шу мақсадда китобни стол устида қолдиргандим. Мен Шомақсуд билан хорижда даволаниш масаласини муҳокама қилиб турган пайтда Амина

(Шомақсұднинг аёли) китобни вараклаб турганига қўзим тушганди.

– Раҳматли Чори акадан шунча фойдаланиб, нега бечорани бегона юртларда кўчада қолдириб кетдинглар? – деди Санжарбек пешонаси тиришиб. – Ногирон одамни бунчалик таҳқирлаб, уни қурол қилиб фойдаланишга, пул топишга уялмадингларми? Жилла курса шўрликни шифохонага жойлаштириб кўйсаларинг бўлмасмиди?

– Бундай бўлишини ўйлаб кўрмаган эканмиз, – қизариб-бўзариб жавоб берди Элдор. – Кейин ўзимиз ҳам надомат чекдик... виждонимиз қий...

– Илтимос, ҳамма гапирсаям сиз виждон ҳақида гапирмай кўяқолинг, - зарда қилди терғовчи. - Сайлдан сўнг хинони қаерга қўйиш лозимлигини биласиз-ку! Надомат чекканмиш! Сизлар Чорининг ҳуқук тартибот идораларига ариза қилишидан чучиб, қилмишларингиздан афсуслангансизлар. Агар чегарадан эсон-омон ўтиб олганларингда Шомақсұдни ҳам кўчада қолдириб кетишиларинг аниқ эди?

– Йўқ, уни шифохонага жойлаштироқчи эдик.

– Ёлғон гапирманг! Биз Германиядаги барча шифохоналарни текшириб кўрдик. Унинг номига жой брон қилинмаган экан?

– Биз уни Чехиядаги “Карла Вари” санаториясига жойлаштироқчи эдик.

– Норпўлат ва унинг таҳтини Термиздан Тошкентга олиб келган Алишер деган йигит ким?

– Алишер Ботирнинг таниши, шунчаки такси сифатида бизга ёрдам қилди... У ҳеч нарсадан хабарсиз эди...

– Шу куни уларни Тошкентда ким кутиб олганди?

– Уларни Ботир кутиб олганди. Мен уйдайдим, ўғлимнинг туғилган куни бўлгани боис чиқолмагандим...

– Норпўлат акани охирги марта қачон, қаерда кўргандингиз? – Фахриддин гапни бошқа ёқка бурди.

– “Операция” барбод бўлиб, олтин таҳт божхонада қўлга тушгандан сўнг “Манас”да учрашдик. Норпўлат ака “буёғи нима бўлди?”, “ҳаммаси яхши бўлади, деб ишонтирган эдинглар-ку!” дея бизга ўдағайлаб кетди. Бир амаллаб тинчтидик. “Ҳали ноумид бўлманг, божхонадагилар билан гаплашиб, Худо хоҳласа олтин таҳтни қайтариб оламиз” деб ишонтиришга ҳаракат қилдик. У эса “мен ҳеч нарсани билмайман, мулкимни қайтариб беринглар!” деб роса харҳаша қилди. Биз эса “мол-давлат топилар, ҳозир қамалиб кетмаслик йўлини қилишимиз керак, ҳозир шуни ўйлашимиз керак! Таҳт сизники. Аммо у давлатнинг маданий-моддий бойлиги ҳисобланади. Уни давлатга топширмаганлигинингиз, у ҳам етмагандай яширинча хорижга чиқариб кетмоқчи бўлганлигинингиз учун биринчи навбатда сиз қамоққа тушасиз” деб қилишимиз ортидан кутилаётган хавфдан огоҳлантиридик. “Қамоқ” сўзини эшишиб, Норпўлат кўркиб кетди. Орган ходимлари ишни таҳтнинг эгасини излашдан бошлашларини билардик. Шу сабабли унга ҳозирча уйига бормасдан четга чиқиб туришни маслаҳат бердик. Бироз вакт ўтиб, ҳамма нарса бости-бости бўлгач, қайтиб келиши мумкинлигини тушунтиридик. У Россияга чиқиб кетмоқчи бўлди. Шу орада сизларнинг Бойсунга – Чори аканинига, ундан сўнг Дарбандга боргандарингизни эшишиб, Норпўлат акадан тезроқ Узбекистондан чиқиб кетишини, яқинлари билан қўнғироқлашмасликни, телефон аппарати ва рақамини алмаштириб ташлашни уқтиридик. У “Тошкентда бир-иккита юмушларим бор, шуларни ҳал қилиб, кейин Козофистон орқали Москвага кетаман” деганди. Шундан кейин уни тополмай қолдик. Келишувимизга кўра у бизга янги рақамидан алоқага чиқиши лозим эди. Аммо ундан қўнғироқ

Амирликнинг олтин тахти изидан

ўулмади. Биз уни Москвага кетган деб ўйлагандик. Беш-олти ўндан сўнг унинг ўлгани ҳақида...

– Терговчиларнинг Бойсунга, Дарбандга борганлигини, Норпўлат аканинг ўлганини кимдан эшитдингизлар? – сўради Фахриддин.

– Бобур асли термизлик бўлгани учун у ёқда танишлари ўн. Шуларга қўнғироқ қилиб, билди. Биласиз, қишлоқ жойда юнақа гаплар тез тарқалади.

– Норпўлат ака Москвага кимнинг олдига бормоқчийди?
– Бунисини билмадим? Танишлари бўлса керак-да!
– Тошкентда унинг қанақа юмуши бор эди?
– Буни бизга айтмаганди. Нима иши борлигини илмайман.

– Балки бирортаси билан гаплашиб юрганлигини ўргандирсиз, телефонда сўзлашганини эшитгандирсиз?

– Йўқ, у бизга ишлари, танишлари ҳақида гапирмасди.
– Норпўлат ака сизларга олтин тахтни, тилла буюмларни аердан олганлиги ҳақида гапиргандими? – Фахриддин авбатдаги савонни берди.

– Йўқ, у бу ҳақида гапиришни хоҳламасди. Бир-икки ярта гап очганимизда “қўй ука, узумини е, боғи билан нима шинг бор!” деб ҳазиллашганди. Бобур қизиқиб қолиб, интернетдан унча-мунча маълумот тўплаган экан. Унинг алига қараганда Норпўлатнинг олтинлари Бухоро имирининг йўқолган хазинасига тегишли эмиш...

– Норпўлат ака хотинига бир неча марта телефон орқали смс” хабарлар юборган. Сиз бундан хабардормисиз?

– Йўқ, менинг бундан хабарим йўқ. Бобур хам билмаса ерак, йўқса менга айтган бўларди.

– Норпўлат сизлар берган 200 минг долларни нима илди, қаерга ишлатди?

– Бундан хабарим йўқ. У бу пулларни қаерга ишилаттани, қаерга қўйганини бизга айтмаган.

– Майли, айтмаган ҳам дейлик, – Фахриддин ўринидан туриб, гувоҳнинг олдига келди. - Сизнингча, у пулларни қаерда сакларди. Тошкентдами ёки Термизда?

– Норпўлат ака анчагина пухта одам эди. Умуман сир бой бермасди.

Терговчилар то кечга қадар турфа хил саволлар бериб, Элдорнинг кўрсатмаларига аниқлик киритдилар. Шундан сўнг Бобур суроқ қилинди. У ҳам айбига тўла икрор бўлиб, шеригининг кўрсатмаларини тасдиқлади. Уларнинг гаплари ҳаққонийлиги ишда тўпланган бошқа далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топди. Шундай қилиб, олтин тахт билан боғлиқ жиноят иши тўла очилди. Элдор ва Бобур қўлга олиниб, жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айб эълон қилинди. Аммо, масаланинг иккинчи томони, яъни Норпўлатнинг ўлеми билан боғлиқ жиноят иши бўйича тергов боши берк кўчага кириб қолди. Энг ёмони, тергов гурухида қотиллик бўйича ишланмаган бирорта жўяли тахмин, бош қотиришга арзигулик таклиф, мулоҳаза ҳам қолмаганди.

Шунга қарамасдан тергов гуруҳи бор имкониятни ишга солиб, эҳтимоллик даражаси кам бўлса-да, ҳар бир тахминни охиригача ишлашга, “йўқни йўндириб”, “пашшадай нарсадан филдай далил-исбот ясаш”га, ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган майдо-чуйда деталлардан катта хуносалар чиқаришга ҳаракат қиласди.

– Устоз, - кун бўйи ишлаб, анча толиккан Санжарбекнинг овози синик чиқди, - қора “Нексия”ни топиш борасидаги чиранишларимиз фойда бермайдиган бўлса, қотилни топишимиз қийин бўлади-ёв!

– Гапингиз тўғри. – Фахриддин стол устидаги “Хукук” газетасининг янги сонини олиб варақлай бошлади. – Элдор ва Бобурнинг бу ишга алоқаси йўқлиги тўлиқ исботини топди. Кўдимизда бирорта жўяли тахмин ҳам қолмади. Энди барчасини бошидан бошлишга тўғри келадиганга ўхшайди.

– Бошида оддийгина туйилган жиноят ичига кирганимиз сари мураккаблашиб бормоқда, ортидан қувганимиз сайн хакикат биздан қочаётгандай. Тавба! Хаёлимда ҳозирги замон жиноятчилари биздан ўрлаб кетаётгандай. Биз шохидা юрсак улар баргиди!

– Ҳа, албатта! Қочган ҳам, қувган ҳам Худо дейди. Аммо биз улардан бир қадам олдинни кўра билишимиз керак. Бунинг учун техника ва замонавий криминалистика ютуқларидан унумли фойдаланишимиз, ўз касб маҳоратимизни тинмай ошириб боришимиз талаб этилади.

– Қандай қилиб, сиз шунча тажрибали бўла туриб шундай десангиз, – деди шогирд таажжуби ошиб. – Унда биз ёшлар нима килишимиз лозим.

– Ота-боболаримиз “Бешикдан қабргача илм изла” дейишган. Бекорга эмас! Китоб мутолааси комилликнинг калитидир. Терговчи иш жараёнида тажрибасини ошириб бориши билан бирга криминалистик қўлланмаларни, детектив жанрдаги адабиётларни, хорижий давлатлар тергов амалиётини ўрганиб бориши лозим. Бош қашишга вақтимиз йўқ, бироқ ҳар қандай шароитда бир кунда бир соат китоб мутоала қилишга фурсат топишимиз даркор. Ҳатто ишимизга ҳеч қандай алоқаси йўқдай туйилса-да, ҳар қандай бадиий асар ҳам инсон дунёқарашини оширади. Барча муваффакиятсизлик-ларнинг бош сабаби илмсизликдан иборат.

– Нима, Норпўлатнинг қотилини тополмаганимиз...

– Ҳа, ҳа, тўғри айтаяпсиз! Бунга ҳам сиз билан бизнинг билимсизлигимиз сабаб бўлмоқда... Қаранг, мана бу ерда бир қизиқ қотиллик ҳақида ёзишибди, - деди Фахриддин қўлидаги газетага ишора қилиб. – Андижон шаҳрида куппа-кундуз куни 12 ёшли болани ўлдириб кетишибди. Аслида жиноятчилар уйга ўғирлик мақсадида киришган. Аммо кутилмаганда бола мактабдан қайтиб қолган. Жиноятчилар фош бўлишдан қўрқиб, кераксиз гувоҳни йўқ қилишдан ўзга чоралари қолмаган. Уйдан ҳеч нарса олиб чиқиб кетишолмаган қотиллар жиноят жойида бирорта из қолдиришмаган. Лекин терговчилар жиноятчилар уйдан ниманидир қидирганлик-ларини инобатга олиб, шу йўналишда ишлай бошлаганлар. Аниқланишича, уй соҳиби бир неча кун олдин автомашинасини сотиб, пулини уйда сақлаб келган. Воқеадан бир кун олдин янги машина олиш учун пулларни уйдан олиб кетган ва тўловни амалга оширган. Демак, қотиллар уйда пул сақланаётганини билиб, уйга ўғирликка тушишган. Боланинг жанозаси ўтгач, терговчилар уй эгаларини сўроқ қилишган. Уларнинг айтишича, уйда пул борлигини ҳеч ким билмаган. Бироқ кейинчалик, уй бекаси Гулчехра опа бу ҳақда фақат Гулнора исмли қўшни аёлга – унинг туғилган кунига чиққандা айтганини эслаган. Гулнора билан обдон ишлаган терговчилар унинг бу ишга умуман алоқаси йўқлигини аниқлашган. Уй соҳибаси қайта-қайта сўроқ қилинган. Уй эгасидан машина сотиб олган ва бошقا таниш-билишлар ҳам роса чиғириқдан ўтказилган. Терговчиларнинг боши қотиб қолган. Уйда пул борлигини ким билган? Барча эҳтимолий ҳолатларни текшириб чиққан терговчилар охирида Гулноранинг туғилган кунига кимлар келганлигини аниқлашга киришганлар. Улар орасида муқаддам ўғирлик билан судланган бир одам – Гулноранинг Зиёд

деган ўғли борлигини аниклашган. Шунда Гулнора “Уша куни туғилган кун тугагач, ошхонада Гулчехра билан гаплашиб ўтирганимизда Зиёд нариги столда радиони тузатиш билан овора эди. Бизнинг сухбатимизни эшиитмаганди” деган гапни айтиб қолган. Бахтга қарши, Зиёд ўзини бошқа иш билан овунгандек тутса-да, аёлларнинг гапини зимдан эшитиб ўтирган экан. Гулчехранинг уйида каттагина пул борлигидан хабар топган йигит бу ҳақда қамоқда бирга ўтирган дўстига айтган. Икковлон бирга ўғирик режасини тузишган. Мактабда дарслари одатдагидан эртароқ тугаган боланинг келиб қолиши уларни саросимага солиб кўяган. Шунда улар болани кроватга боғлаб, уйни тинтув қилишга тушадилар. Уйдан арзиғулик нарса тополмай ортга қайтмоқчи бўлиб турганларида бола Зиёдни таниб қолганини айтади. Боланинг шугина эҳтиётсизлиги ўлимга сабаб бўлади. Ўғрилар фош бўлишларидан чўчиб, она сути оғзидан кетмаган болакайни нобуд қилишади.

– Яхши бўлмапти! – Санжарбек чуқур тин олди. – Ха, баъзида жиноят кутилмаган жойдан очилиб кетади.

– Санжарбек, шу қотиллик қаери биландир бизнинг жиноятга ўхшаб кетмаяптими? – деди Фахриддин кўзини газетадан узмасдан. – Норпўлатда Германиядан келтирилган 200 минг доллар борлигини ким билган бўлиши мумкин? Ана шу одамни ахтарсақ, бизлар ҳам қотилга чиқиб борармидик.

– Бу пулдан ташқари унда бутун бошли хазина бўлганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак, - босиқлик билан мулоҳаза қилди Санжарбек. – Аммо биз у билан яқин алоқада бўлган барча одамлар билан ишлаб кўрдик-ку!

– Тўғри, Норпўлатнинг барча яқинлари текширилди. Лекин яқинларнинг яқинлари борлигини ҳисобга олмаган кўринамиз. Хўш, Элдор, Қосим ва Бобурдан бошқа Тошкентда у кимлар билан яқин бўлган?

– Мехмонхона эгаси Сабина опа, Сергелида турадиган Норгул опа... Кўчимова... Менимча, бизга маълумлари шулар...

– Демак, ҳозирча беш кишининг яқинлари – қариндошурӯвлари, кўни-кўшнилари, таниш билишларини бирма-бир чиғириқдан ўтказиб, улар орасида муқаддам судланганлар, жиноят қилишга мойил шахслар бор-йўқлигини аниқлаш ва уларнинг қотилликка алоқасини текшириб кўриш лозим бўлади. Балки газетадаги воқеага ўхшаб, бизга ҳам омад йўқ жойдан кулиб боқар...

Кейинги кунлар тергов гуруҳи аъзолари бир неча кичик гурухларга бўлиниб, Норпўлатнинг Тошкентдаги танишбилишларининг яқинлари – охирги пайтларда кўпроқ борди-келди қилган шахслар рўйхатини тузиш ва уларнинг шахсини, алоқаларини, сўнгти пайтлардаги хатти-ҳаракатлари доирасини ўрганишга киришдилар. Тез орада уч киши терговчиларнинг дикқатини ўзига жалб этди. Улардан бири Қосимнинг жияни – фирибгарлик жиноятини содир этиб, бир йил олдин қамоқдан чиқиб келган Маъруф, иккинчиси Сабинанинг ўғли – Илёс исмли гиёҳванд йигит ва учинчиси Норгул Кўчимованинг укаси – муқаддам ўғрилик қилгани учун икки марта қамалиб чиқкан – Бойбўри исмли йигит бўлиб чиқди. Уларнинг барчаси қотиллик рўй берган куни Тошкентда бўлишган ва назарий жиҳатдан жиноятни содир этишлари мумкин бўлган. Маъруф бир неча кун олдин Туркияга бизнес иши билан кетганлиги боис, терговчилар Илёс ва Бойбўри билан чуқурроқ ишлашга киришдилар.

Илёс энди 17 ёшга кирган бўлса-да, гиёҳвандлик балосига муккасидан кетган, онасининг топганини кўчага

совуриб юрадиган, қўними йўқ, тантиқ ва кўрқоқ йигит бўлиб чиқди. Унинг жўралари ҳам ўзига ўхшаш бебурд ва қўлидан иш келмас, терговчилар таъбири билан айтганда “нонни нана” деб юрувчи ўсмиrlар бўлганлиги сабабли уларнинг бундай ваҳшиёна котилликка қўл уришлари эҳтимолдан йироқ деб топилди. Бундан ташқари қотиллик рўй берган пайтда у ўзининг бошқа жойда бўлганлиги ҳақидаги алибисини тақдим этди.

Бойбўри билан “ишлаш” жараёнида Норгул Кўчимованинг укасини ҳимоя қилиш ниятида ёлғон сўзлаб, терговни чалғитмоқчи бўлаётгани терговчиларнинг эътиборини жалб этди. Опа зўр бериб укасининг Норпўлат билан таниш эмаслигини, у меҳмонга келган пайтда Бойбўри уйда бўлмаганлигини таъкидласа-да, телефонлар пеленгацияси марҳум Норгулнига меҳмонга борган куни Бойбўри ҳам шу ерда бўлганлигини кўрсатиб турарди. Техниканинг бу ғаройиб ютуғи ниҳоят опани ҳақиқатни тан олишга мажбур қилди.

– Бойбўри ёшлигидан эрка, тантиқ ва тутуруксиз бола бўлиб чиқди, – ҳикоясини бошлади Норгул. – Безори болаларга қўшилиб, умри кўчада ўтди. Бошида ёшда, шўхда, катта бўлса, одам бўлиб кетар, деб унчалик эътибор бермадик. Бора-бора шўхликлари безориликка, бебошликлари жиноятга айланиб кетаётганини сезмай қолдик. Биринчи бор шериклари билан от ўғирлаб, қўлга тушди. Ёшлигини эътиборга олиб, қамашмади. Иккинчи марта кўчабезори ошнолари билан бирга хонадонга ўғирликка тушиб, беш йилга қамалди. Уч йил ўтмай қамоқдан кутулиб келди. Энди хулоса чиқарган бўлса керак, деб ўйлагандик. Қайда дейсиз, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Олти ой ўтар-ўтмас, кўчада бир қиз боланинг телефонини қўлидан тортиб олиб, яна қамалди. Тўрт ой олдин қамоқдан чиқиб келгач, мен уни

Тошкентга олиб келдим. Ишга жойлаштирдим, ҳаётини бошқатдан бошлишига шароит яратдим. Шу ҳолимга қўлимдан келганича ёрдам бердим. Бўлмаганга бўлишма деганлари рост экан. Улиб-нетиб, ким-кимларга ялиниб, ишга жойлаштирсаму, нобакор бола уч кун ўтмай “бунака грязный жойда ишламайман” деб, бир йўла бўшаб келибди. Жаҳлим чикиб, уйдан ҳайдаб юбордим, шундан бери ким қаерларда сангиги юрибди. Норпўлат ака бизникига келган куни қай гўрдан пайдо бўлиб қолди, билмайман. Майда-чуйда кийим-бошини олиб кетишга келган экан. Нарсаларини олиб, чиқиб кетди. Шундан бери уни кўрганим йўқ.

– Нима сабабдан муқаддам берган кўрсатмаларингизда Норпўлат меҳмонда пайти укангизнинг уйга келганилигини яшириб келгансиз? – сўради Фахриддин.

– Уни бу ишга аралаштириб нима қилдим. Қамалиб чиққан одам бўлса... Кейин... у келдию нарсаларини йиғишириб кетди. Норпўлат акани кўрган бўлиши мумкин, аммо гаплашишга ҳам улгурмади. Шунинг учун уни бу савдоларга аралаштириб ўтирамадим.

– Сиз Норпўлат акага укангизни таништиргандингиз?
– Санжарбек ташаббусни қўлига олди.

– Ҳа, “укам бўлади” деб таништиргандим шекилли.

– Укангизга меҳмонни ким деб таништирдингиз?

– “Танишим, Термиздан” дедим қўйдим.

– Сиз хонадан чиққанда укангиз меҳмон билан гаплашиб, яқинроқ танишиб олиши мумкинми? – Гурух раҳбари муддаога ўтди.

– Йўғ-е, нима деяпсиз. Меҳмон билан нимани гаплашади. Бой шара-барасини йиғишириб, бирпасда чиқиб кетди.

– Балки улар олдиндан таниш бўлгандир?

– Қанақа таниш, биз термизлик, у бойсунлик бўлса!

— Гап шундаки, укангиз Бойбўри раҳматли Норпўлат билан бир неча марта қўнғироқлашган. Бунга нима дейсиз?

— К-а-а-ч-о-н? Қанақа қилиб... бўлиши мумкин эмас!

— Буни сиздан сўраш керак! – деди Санжарбек зардаси қайнаб. – Ҳеч нарса билмайдигандай талмовсирашини қаранг!

— Укажон, нима гапимга ишонмаяпсизми? Бойбўри Норпўлат акани танимасди. Қанақа қилиб телефон қилиши мумкин? Адашаяпсизлар!

— Лекин, бу факт! – Фахриддин қўлидаги қофозни гувохга узатди. - Мана телефон қўнғироқлари тахлили.

Норгул қофозга тикилдию кўзлари ҳеч нарсани илғамади:

— Товба! Бу ер юткур қачон у билан гаплашишга улугурдийкан!

— Сиз уларни ёлғиз қолдирганмидингиз?

— Бойбўри меҳмоннинг олдида икки-уч дақиқа ўтириди. Шу орада мен чой дамлашга чиқиб келгандим. Балки ўша пайти...

— Бойбўри хозир қаерда? – мулоимлик билан сўради Фахриддин.

— Ушандан бери қорасиниям кўрсатгани йўқ... Н-и-м-а г-а-п... с-и-з-лар... – Аёл гап нимада эканлигини англаб етди шекилли, ранги докадай оқариб кетди. – Лекин у бундай иш қилиши мумкин эмас.

— Нега унақа деб ўйляяпсиз, икки марта судланган бўлса! – Санжарбекнинг юзи тиришди. – Бунақа такасалтанглардан ҳар ишни кутса бўлади!

— Бойбўри безори... тўқликка шўхлик қилиб, ўғирлик қилиши мумкин, аммо одам ўлдиришига ишонмайман.

— Укангизни хозир қаердан топсак бўлади, - Фахриддин мунозараға чек кўймоқчи бўлди. – Таниш-билишлар,

қариндош-уруғлар, ҳамشاҳарлар дегандай... Уни қаердан изласак бўлади.

— Кимлар билан ош-қатиқ булиб юрганиниям билмаймаи... Бир марта Рамзиддин деган синфдоши билан кўргандим. Лекин менда унинг телефон рақами йўқ.

— Фамилиясини биласизми? Қаердан яшайди?

— Қаердан билай! Ўзига ухшаган дарбадар бола-да!

Терговчилар яна анчагина саволлар бериб, масалага ойдинлик киритиши. Гурух раҳбари ўша ердан Рамазонга телефон қилиб, Рамзиддиннинг шахсини аниқлаб, ота-онаси билан учрашишни, улардан ўғлиниң телефон рақами, яшаш манзили ва бошқа маълумотларига ойдинлик киритишини топшириди. Тезкор ходимлар Бойбўри ва унинг яқинларини қидиришга тушди. Шу куни кечга бориб Рамзиддиннинг яшаш жойи аниқланди. У синфдошининг Қўйлиқ бозори яқинидаги ётоқхоналардан бирида яшашини маълум қилди. Тун ярмидан оққанда тезкор ходимлар ширакайф Бойбўрини топишга мияссар бўлдилар. Тинтувда унинг ёнидан, яшаш жойидан пул ва бошқа қимматликлар, шунингдек, терговга нафи тегиши мумкин бўлган ашёлар топилмади.

Кейинги кун ишни Бойбўрини сўроқ қилишдан бошлаган терговчилар йигитнинг ғарифона аҳволи, юриш туришини кўриб, “шу одамнинг қўлидан одам ўлдириш келармикин?” деган хаёлга бориб қолдилар. Щундай бўлсада, унинг Норпўлат билан мулоқотга киришган энг сўнгги гувоҳлардан бири сифатидаги кўрсатмалари терговчиларда катта қизиқиш уйғотаётганди. Одатий савол-жавоблардан сўнг Бойбўри ҳам опаси сингари кўрсатмаларини Норпўлат деган одамни танишини инкор этишдан бошлади. Лекин, Норпўлатнинг ўлдириб кетилганлигини эшитгач, ҳар қандай ёлғон унга қимматга тушиши мумкинлигини сезиб, ростини

сузлашга, бўлган воқеаларни борича хикоя қилишга ҳаракат қилди:

– Опамнигига анчадан бери бормагандим. Шу куни устбошларимни олиш учун борсам, меҳмони бор экан. “Бойсунлик танишим” деди. Кўринишидан анчагина дадил одамга ўхшади. Керак бўлиб қолар деган ўйда опам чой дамлашга чиқиб кетганда телефон рақамини сўраб олдим. У менинг Норгул опам билан тескари бўлиб юрганимни билмайди-ку! Кейинги куни унга кўнғирок қилдим. Маслаҳатли ишим бор, дедим. У мени тушлик пайти “Манас” деган кафега чақирди. Айтилган пайти етиб бордим. Бирга ўтириб, бешбармоқ едик. Ниятим тўрт-беш сўм қарз сўраш эди. Аммо, биринчи кундан қарз сўрашга юзим чидамади. Бу томондан пул ўлгур тозаям зарур... Официант билан ҳисобкитоб қилиш пайти нохосдан мен унинг ҳамёнида бир даста доллар борлигини кўриб қолдим. Хаёлим бузилди. Шу куни яхши хайрлашдик. Хонага келиб, бир режа туздим. Орадан икки кун ўтиб яна Норпўлат акага кўнғирок қилдим. “Манас”да учрашдик. Кун анчагина совуқ бўлса-да, ресторон иссиқ эди. У ўтган галгидай костюмини ечиб, ўзи ўтирган столга илиб қўйди. Тузган режам бўйича сездирмасдан Заринага смс юбордим. Келишувимизга кўра, биз кафеда гаплашиб ўтирган пайтимизда Зарина Норпўлатга кўнғироқ қилиб, муҳаббат изҳор этиш баҳонасида уни уч-тўрт дақиқа чалгитиши лозим эди. Албатта, у бундай “сирли кўнғироқ”ка менинг олдимда жавоб беролмайди. Коридорга чиқишга мажбур бўлади. Шу пайтда мен унинг ҳамёнини “шмо” қилишим керак эди. Ҳаммаси ўйлаганимиздай бўлиб чиқди. Заринанинг эркаланиб гапириши Норпўлатни ҳаяжонга солмай қўймади. У менинг ёнимда бироз гаплашиб тургач, “бир дақиқа” деб ташқари – залга чиқди. Пайтдан фойдаланиб, дарров ҳамроҳимнинг чўнтағига қўл тиқдим.

Бир даста доллар орасидан тўрт донасини олиб, ҳамёнии жойига қўйдим. Тушлик қилиб бўлгач, у хисоб-китоб қилди. Хайрлашиша у менга “Бойбўри, эртага пешиндан сўнг келсангиз, сизга бир хизмат бор” деб қолди. Рози бўлдим. Кейинги кун пешинға яқин унга қўнғироқ қилдим, аммо телефони ўчирилган экан... Шу-шу уни қайта кўрмадим... Вафот этганини сизлардан эшитдим. Жойлари жаннатдан бўлсин, яхши одам эди...

– Сиз Норпўлат аканинг олдига нима мақсадда боргандингиз? – сўради Фахриддин гувоҳга зимдан тикилиб.

– Қарзга пул сўрамоқчи эдим... Лекин, боя айтганимдай тортиндим...

– Норпўлат билан нималар ҳақида гаплашдинглар? У ўзининг ишлари, режалари ҳақида гапирганими?

– Нимани гаплашардик... у ёқ, бу ёқдан... у сўради, мен жавоб бердим... аммо, ўзининг ишлари ҳақида гапирмади.

– У сизга қандай хизмат айтиши мумкин, нима деб ўйлайсиз?

– Бунисини билмадим. Хизмат бор деди, тамом.

– Эртаси куни Норпўлатнинг телефони ўчирилганми? ёки сиз ўғирлигингиз фош бўлишидан кўркиб, унинг олдига боришдан бош тортигизми?

– Рост айтаяпман. Телефони ўчирилганди. Бўлмаса, борарадим. Ахир бойвачча одам... хизмат буюриб турибди, яхшигина пул ишлаб олиш имкониятини кўлдан чиқариб...

– Сиз Норпўлат ака билан учрашган пайтингизда унинг ёнида бирор кишини учратмадингизми?

– Йўқ, у ёлғиз эди. Ёнида ҳеч кимни кўрмаганман. Лекин ким биландир телефонда гаплашиб, “келаверинг, ташқарида кутиб тураман” дегандай бўлганди.

– Аниқ эшитдингизми ёки сизга шундай туюлдими?

– Шундокқина ёнимда гапири, аниқ эшилдим. Ёлғон гапириб нима қиласман... Ака, мен “лох” эмасман-ку, тез-тез соатига қараб, шошилиб турганидан бирорни кутаётганини сездим-да!

– Балки унинг исмини тилга олгандир.

– Олса олгандир, лекин мен эшилмадим.

– Норпӯлат ака қанақа машинада юрганди?

– Билмадим. Машинасини кўрмаганман. Охирги куни мени кузатишга кўчага чикқанда кучада бир оқ “Жип”ни айланиб, у ёқ буёғига қараб қўйди. Шундан ўша машина уники бўлса керак, деган хаёлга бордим.

– Тушунмадим, - деди Фахриддин гувоҳга яқинроқ келиб, - “Жип”ни айланишдан нима мақсад?

– Ўша куни машина тўхташ жойида жанжал бўлган экан. Битта “Жигули” эҳтиётсизлик қилиб, “Нексия”нинг эшигини қириб олибди. “Нексия”нинг эгаси жаҳли чиқиб, “Жигули”нинг ҳайдовчисини уриб ташлабди. “Жигули”нинг эгаси аламзадалик билан узоқдан тош отиб, “Нексия”ни дабдала қилиб, ойнасини синдириб ташлапти. Норпӯлат ака шундан хавотирланиб, тош-пош тегмадимикин, деган хаёлда машинасининг орқа-олдини кўздан кечириб қўйганди. Ҳар ҳолда менга шундай туюлганди.

– Жанжал бўлган, денг... – Фахриддин бироз ўйланиб, Санжарбекка маъноли тикилди.

Устозининг кўз қарашидан нима демоқчи бўлаётганини англашга ўрганиб қолган шогирд шахдам қадамлар билан ташқарига чиқиб кетди.

Гурух раҳбари гувоҳ билан савол-жавобни тугатгунга қадар орадан бир соат ўтар-ўтмай Санжарнинг топшириғига биноан Яккасарой туман прокуратурасидан “Манас” ресторани турагоҳида содир бўлган жанжал юзасидан кўзғатилган жиноят иши келтирилди.

Фахриддин юпкагина жиноят ишини қўлга олиб, дикқат билан кўздан кечира бошлади.

– Норпўлат ака сизни соат нечада кўчага кузатишга чикканди? – Фахриддин Бойбўрига юзланди.

– Пешиндан кейин... тахминан икки яримларда...

– У пайтда ҳали воқеа жойига милиция ходимлари етиб келмаганмиди?

– Йўқ, биз милиция ходимларини кўрмадик. Улар кейинроқ келган бўлса керак.

– Тўғри. Орадан ярим соат ўтиб, соат 15 дан беш дақиқа ўтганда милиция ходимлари воқеа жойини кўздан кечириб, расмга олишган. Мана бу Норпўлатнинг “Жип”и. Буниси пачақланган “Нексия”, буниси “Жигули”... Мана бу орқадаги қора “Нексия”...

– Қора “Нексия”!!! – Санжарбек тилло топган одамдай бақириб юборди.

– Ҳа, ҳа, қора “Нексия”! Аммо давлат рақами жуда хира... ўқиб бўлмаяпти!

– Балки бу ўша...

– Бўлиши мумкин! Санжарбек, зудлик билан эксперталарни таклиф қилинг. Давлат рақамини аниқлаш улар учун муаммо бўлмаса керак.

Фахриддин жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиққунга қадар Санжарбек эксперталар ишини ташкил қилди. Мутахассислар тасвирни катталашиб, бирпасда қора “Нексия”нинг давлат рақамини аниқладилар: 10 СА 0553. Тезкор ходимлар ишга киришиб, мазкур давлат рақами Бектемир туманида истиқомат қилувчи 75 ёшли фуқаро Элмурод Муродқобиловга тегишли эканлигини аниқладилар. Терговчилар қариянинг шу ёшида қотилликка қўл уришига ишонқирамай, “яна адашдиг-ов” деган шубҳага бориб, тушкунликка тушиб қолдилар. Чолни сўроқ қилган гурух

раҳбарининг қалбида бошқатдан умид учқунлари кўрина бошлади. Маълум бўлишича қора “Нексия” Элмурод отанинг номига куёви Жовли Холдоров томонидан сотиб олинган ва фойдаланиб келинган. Тергов гуруҳи кечки пайт Жовлини шаҳар чеккасидаги дала ҳовлисидан топишди. Унинг шаҳар марказидаги ҳашаматли уйи ва дала ҳовлисида ўтказилган тинтувда катта миқдорда тилла тақинчоқлар, 100 минг АҚШ доллари топилди. Қора “Нексия”ни кўздан кечирган мутахассислар унинг шина излари Норпўлатнинг мурдаси топилган ялангликка яқин жойдан олинган шина изларига мослиги ҳақида хulosага келдилар. Бундан ташқари, Жовлига тегишли бир қанча телефон рақамлари таҳлил қилинганда улардан Норпўлатнинг телефонига қўнғироқлар бўлганлиги маълум бўлди, телефонлар пеленгацияси таҳлили телефон эгалари бир пайтда бир жойда ҳозир бўлганлигини кўрсатди. Шу сабабдан бошида ўзини жинниликка солиб, у ёқдан бу ёққа ташлаб турган Жовли “ёрилиш”га мажбур бўлди.

– Боймурод билан синфдошмиз, - “хикоя”сини бошлади Жовли. – У Норпўлат аканинг қайни, хотинининг укаси. Бир куни уни Сергелида – машина бозорида учратиб қолдим. Кечқурун кафеда ўтирдик, юз-юз қилдик, мириқиб гурунглашдик. Гап айланиб-айланиб поччасига тақалди. Мен унинг папая бизнесидан бойиб кетганини эшигандим. Бундан ташқари Бойсун тарафларда Норпўлат аканинг хазина топиб олганлиги ҳақидаги узун қулоқ гаплар қулогимга чалинганди. “Мастлик - ростлик” деганларидай Боймурод кайфи ошиб, ўша миш-мишларда жон борлигини, поччаси ҳақиқатдан Бухоро Амирининг тоққа яширилган хазинасини топиб олган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминни оғзидан

гуллаб кўйди. Аввалига мен бу гапга ишонмадим. Уйга келиб, интернетдан шу масалага оид материалларни ўқиб чиқиб, Боймуроднинг гапларида жон борлигига ишонч ҳосил қилдим. Хазина ҳақида қанча кўп билганим сайн қизиқишим шунча орта борди. Олтин васвасаси менга тинчлик бермай қўйди. Бир баҳонада Боймуроднинг олдига бордим. Атайлаб гап олиш мақсадида мавзуни яна поччасига бурдим. Мастлигида у поччасини “ўлгудай зикна, қурумсоқ одам, ким-кимларга ёрдам қилса-қиласди, аммо бизлар минг пойига патак бўлмайлик, бир мирини ҳам қизғонади” деб ғийбатини қилгани ёдимга тушиб, гиж-гижламоқчи бўлдим. “Наҳот қаердаги бегоналардан пулинни аямайдиган “саховатпеша” одам, ўз туғишган қайнини шу аҳволга ташлаб қўйса, балки поччангга бирор ёмонлик қилгандирсан!” дедим атайлаб унинг жигига тегиш мақсадида. Ошнамам тоза тўлиб турган экан шекилли, жоврай кетди: уч йил уйида эшакдай ишладим. Уйи қурилишида тупроққа қоришиб, бир ўзим тепасида турдим. Йигирма-уттизталаб мардикор ишлатдим. Уларнинг ош-овқати, қурилишнинг ками-катиги менинг бўйнимдайди. Итда тиним бўлган, менда тиним бўлмаган. Бир сўм пул бермаган. Бергани тагимдаги шалдиrok “Нексия”... Узини кўрсатиш учун қиплоққа стадион қурганига ўлайми? Қурумсоқ!

– Тоза номардлик қилган экан-да! – Мен оловга керосин сепдим. – Шунча йил қулдай ишлатиб... камбафал бўлсаям майлийди. Пишқирган бой бўла туриб... чиндан қурумсоқ одам экан, бу поччанг! Ҳеч бўлмаганда бир хонали бўлсаям Тошкентдан уй олиб берганда, ҳозир бунақа тентираб юрмасдинг. Бунақа зикна, хасис кимсаларнинг қўзини ўйиш керак!

– Бу нима деганинг, - сўради ўртоғим анқайиб.

– Афандининг эшагини суғору пулини ол, айёрикка қарши маккорлик, деган мақолларни эшигтганмисан, - мен ҳар эҳтимолга қарши фикримни очиқ баён килмасдан, мавҳумроқ гаплар билан ошнамнинг қўйнига қўл солиб кўрмокчи эдим.

– Қанақа афанди, қанақа сув... нима деб алжираяпсан? – Боймурод балониям тушунмаганди.

– Менга қара, эй овсар, поччанг сени шунча йил ишлатиб, ҳаққингни еб кетгани ростми?

– Шундайликка – шундай! Лекин нима қил дейсан!

– Унинг пишқирган бой эканлиги, шунча хазинани тагига босиб ўтиргани ҳақиқатми? Ҳозир сўраб борсанг, поччажонинг сенга ўша тоғдай хазинадан сариқ чақанираво кўрадими?

– Биринчидан, мен очимдан ўлсам ҳам ўша номарднинг олдига пул сўраб бормайман, иккинчидан, борганимдаям у ярамас мени қуруқ қўл билан қайтариши аниқ. Нимаймиш, ишлаб пул топиш керакмиш... Хэ энангни...

– Шундай экан, унинг хазинасини “шмо” қилишимиз лозим.

– Қандай қилиб?

– Бунча овсар бўлмасанг-а! Поччанг шунча олтинларни қаердадир сақлаётган булиши керак, ҳар ҳолда Швейцария банкига қўймагандир. Ўша кўмма жойини топсак бўлди! Учтўрт килосини ўмарсак, камайиб қолмас! Асосийси, поччанг органга шикоят қилолмайди, кўрқади.

– Нима, ўғрилик қиласиз демоқчимисан! – Боймуроднинг афти буришти.

– Э роса миянгқато бола экансан-ку! Қанақа ўғрилик! Буни ўз ҳақини талаб қилиш, деса тўғрироқ бўлади! Тушундингми?

– Тўғрику-я, лекин...

– Ҳеч қанақа лекин-пекини йўқ! Сен рози бўлсанг бас, буёғини менга қўйиб бер! Ҳеч ким ҳеч нарсани сезмайди. Худо хоҳласа бойиб кетамиз! Сенам одамлардай яшашга ҳаққинг бор-ку, ахир! Бойга бало ҳам урмайди! Сену мен оладиган бойлиқ поччангга пашша чаққанчалик таъсир қилмайди...

– Нима қил дейсан? Бирор режанг борми?

– Сен фақат поччанг ҳақидаги маълумотларни берсанг бўлди! У билан салгина тушунтириш ишларини олиб борсак, хазинанинг жойини ўзи кўрсатади.

– Нима қилмоқчисан, поччамни кўркитмоқчимисан? Опамнинг олдида мени...

– Қўрқма, сенинг номинг ҳеч жойда чиқмайди. Сен аралашмайсан. Ҳаммасини ўзим хамирдан қил суғургандай эплайман. Поччангга қўлимнинг учиниям текизмайман.Faқат айrim тушунтириш ишлари олиб борилади, холос. Зато... мўмайгина ўлжага эга бўламиз.

– Эй бола, сен ўйлаб гапирайсанми? Нима, камалиб кетмоқчимисан?! Эсинг жойидами?

– Қўрқма, чумчуқдан қўрқкан тариқ экмайди. Ҳаммаси яхши бўлади. Ўзим уддалайман. Хижолат бўлма, сенинг номинг ҳеч қаерда чиқмайди.

Хуллас, амаллаб Боймуродни кўндиридим... Кўп ўтмай у Норпўлат аканинг Тошкентга келганлиги, “Манас” ресторанига яқин жойдаги хусусий меҳмонхонага жойлашганлигини хабар килди. “Почча” мени танимасди. Танишувимиз табиий чиқиши учун мен атайлаб шу меҳмонхонага жойлашдим. Эргалабки нонушта маҳали унинг чиқишини пойлаб турдим. “Меҳмон” чеккадаги столига ўтиргач, мен ҳам изн сўраб, унинг ёнига ўтиредим. Бойсунлик эканлигимни эштириб, хурсанд бўлди. Мен унга шахсий машинамда Термиздан Тошкентга одам ташийман, қайтишида

одим бўлмай қолган кунлари, меҳмонхонада бир-икки кун копиб, шу ерда киракашлик қиласман, деб ўзимни таништирдим. У “жуда яхши, хизмат бўлса, сизга айтаверсак бўларкан-да” деб, телефон рақамимни олди. Кейинги кун телефон қилди ва машинамда етиб келишимни тайинлади. Зумда етиб бордим. У қўлимга юз минг сўм бериб, “буғун бизга хизмат қиласиз, ҳамқишлоқ” деди. Мен ўз режамни амалга оширишга имкон туғилганидан суюниб, рози бўлдим. Аввал Сергелига бордик. Мени машинада қолдириб, ўзи тўққиз қаватли уйлардан бирига кириб кетди. Пайтдан фойдаланиб, мен Шердил деган ошнамга телефон қилдим ва тезда Сергели машина бозори рўпарасида кутиб туришини тайинладим. У билан ҳаммасини олдиндан келишиб, режани пухта ўйлаб қўйгандик... Норпўлат ака бир соатлардан сўнг қайтиб чиқди. Шаҳар томонга қараб йўлга тушдик. Сергели машина бозори қаршисига келганимизда “тусатдан” йўл бўйида “голосовать” қилиб турган Шердилни “кўриб қолдим”. Норпўлат акадан танишимни шаҳаргача олиб кетишга изн сўрадим. У рози бўлди. Шердилни машинамнинг орка ўриндигига миндириб олдим. Машина Жанубий вокзалга яқинлашганда олдиндан тузилган режага мувофиқ Шердил олди ўриндиқда бамайлихотир мудраб кетаётган Норпўлатнинг бурнига қанақадир ўткир ҳидли модда сепилган рўмолчани босиб, хушидан кетказди. Ўлдириб кўйдимикан, деб ўтакам ёрилиб кетди. Шердил “кўрқма, бу наркоз, бирон соатда ўзига келади”, деб тинчлантириди. Кўрқаписа амаллаб, Зангигота туманидаги дала ҳовлига етиб олдик. Бу дача Шердилнинг бир танишига тегишли бўлиб, эгаси ишлаш учун Кореяга кетган экан. Бехуш ётган Норпўлатни кўтариб ертулага киритдик. Оёқ-қўлини боғлаб, ўзимиз тепага чиқиб тамадди қилдик. Ярим соатлар ўтиб, пастга тушсак, “асир”имиз хушига келган экан. Бақириб, чақириб, тўполон

кўтарди. “Сен муттаҳамларга нима керак, ҳозироқ қўйиб юбормасанг уруқ-аймоғингни қуритаман!” деб роса дағдаға қилди. Биз унга яхши муомалада бўлдик, урмадик, сўкмадик. Бироз ҳовуридан тушгач, мақсадимизни тушунтиридик. Амирликнинг хазинаси ҳакида эшитиб, Норпўлат бир муддат ўйланиб қолди. Сўнг кулди. “Сизларга нотўғри маълумот беришибди, менда ҳеч қанақа хазина йўқ, чучварани хом санабсизлар” деди. Шердил ҳам паст кетмади. “Кимнинг қулоғига лағмон осмоқчисан, бизда аниқ маълумот бор, тулкилик қиласман деб овора бўлма!” дея босимни кучайтириди... Тутқунликнинг биринчи куни шундай ўтди. Мен хавотирга тушиб, “балки чиндан ҳам ҳеч қанақа хазина йўқдир” деб Шердилни инсофга чақиришга харакат қилдим. Аммо, у “бу муттаҳам муғомбирлик қиласапти, сувдан қуруқ чиқиб кетмоқчи, ҳечқиси йўқ, вақтимиз кўп, биринчи кун ўйлаб кўради, иккинчи кун очсизлик-сувсизликдан тинкамадори курийди, учинчи куни синади, тўртинчи кун ҳаёт кўзига ширин қўриниб, сайрашга тушади” деб мени овутган бўлди. Шу тариқа иккинчи кун ҳам ўтди. Шердил уйдагилари хавотир олиб, тўполонни бошламаслиги учун Норпўлатнинг телефонидан хотинига “смс” юборди... Учинчи, тўртинчи кун ҳам шу тахлитда якун топди. Асиrimiz ҳолдан тойган, очсизлик ва таҳқирлардан мажоли қуриган бўлса-да, хазина тўғрисида чурқ этмай тураверди. Бешинчи куни бу азоблардан осонликча қутулиб кетишига кўзи етмай қолди шекилли, ҳар биримизга ўн минг доллардан пул таклиф қилди. Мен шу пулни олиб, Норпўлатни қўйиб юборайлик, дедим. Аммо Шердил унамади. У менга “калланг ишлайдими, мен бу асов тойчоқни эндиғина минги қилсаму сен қўйиб юбормоқчимисан!” деб вовиллаб берди. Яна бир кун утиб, Норпўлат ака янада “юмшади”. “Қўйиб юборсанглар, бор давлатим сизларники, ҳеч кимга лом-лим демайман” деб

ялинишга тушди. Шердил тадбирлари наф берадиганидан руҳланиб, “иш”ни қолган жойидан давом эттираверди. Улибнетиб қолмаслиги учун Норпӯлатга чимдим нон, бир култум сув бериларди. Менинг каршилигимга қарамасдан кейинги кунларда Шердилнинг асаби қўзиб, “асир”ни уришга, дўппослашга ўтди. Азоблар ўз кучини кўрсатди. Норпӯлат ҳаёти эвазига 200 минг АҚШ доллари товон тўлашга рози бўлди. Бунақа пул бизнинг тушимизга ҳам кирмаганди. Суюниб кетдик. Аммо, “тутқун” шарт қўйди: “Мени қўйиб юборасизлар, пулни ўзим сизларга олиб келиб бераман”. Шердил эса унга ишонмади, пулнинг жойини кўрсатсанг, ўзимиз шу ерга олиб келамиз, дея қатъий туриб олди. Тортишув яна бир-икки кунга чўзилди. Ниҳоят Норпӯлат очлиқдан ўлиб кетгандан мол-мулкидан жудо бўлса-да, яшашии афзал кўрди. Шердилни нон ушлаб, жонини омон сақлаш хусусида қасам ичишга кўндириди ва шундан кейингина пулларни қаердан олиш лозимлигиии айтди. Буни қаранг, Норпӯлат қўрқмасдан 195 минг АҚШ долларини ўзи яшаётган хусусий меҳмонхонанинг 202-хонасидағи сейфда сақлаб келаркан. Биз уни ертулага олиб келган кунимиз пухталик қилиб, хона ва сейфнинг калитини сездирмасдан эски диваннинг тешигидан тиқиб юборга экан. Калитларни яширилган жойдан олиб, мен хусусий меҳмонхонанинг 205-хонасига жойлашдим. Биринчи кун меҳмонхонадаги шартшароитни ўргандим. Норпӯлат ётган 202-хона ҳамон бўш турган экан. Ҳамма уйқуга кетгач, тунги соат учларда ўша хонага кирдим. Телефон чирогида хона тўридаги деворга ўйиб жойлаширилган сейфни топдим ва сигнализация тизими ишлаб кетмасмикан, деган хавотирда қалтирай-қалтирай сейфни очдим. Норпӯлат ёлғон гапирмаган экан. Териб қўйилган долларларии кўриб, кўзим чиқиб кетаёзди. Шошилмасдан пулларни ўзим билан олиб борган сумкага

жойладим ва сейфни қулфлаб, юрагимни қўлтиклаб, орта қайтдим. Бармоқ изларим қолмаслиги учун худди кинолардагидек сейф ва эшикнинг ушлагичини лагта билан яхшилаб артдим. Эрталабгача мижжа қоқмай чиқдим. Хаёлимда тонгда бақир-чақир, тўполон бошланадигандек туюлганди. Бироқ соат саккиз бўлдиямки, ҳамма ёқ сув қуйғандек жимжит эди. Ҳаммаси жойида эканига ишонч хосил қилгач, хонани тошириб, меҳмонхонадан чиқиб кетдим. Келишилган жойда Шердил икки қулоғи динг булиб, бетоқатлик билан кутиб туради. Дарров утириб, ўлжани санашга тушдик, нақд 195 минг доллар экан. Тенг булишдик...

Жовли стол устидаги пиёладан ҳўплаб, томоғини ҳўллади. Воқеалар ривожининг энг юқори нуқтасига яқин келаётгани сабаб айтадиган гапларини тартибга солаётгандай бир нуқтага тикилганча бироз жимиб қолди. Буни сезиб турган терговчилар гумоидорни шошилтирмай, оғзини пойлаб туради. Сал утиб, Жовли ҳикоясини давом эттирди:

- Мен Шердил сўзида туриб, пулни олгач, “тутқун”ни қўйиб юборса керак, деб ўйлагандим. Лекин у “калланг ишлайдими, қўйиб юборсак бу ғаламис бир балони бошлиши аниқ” деб хавфсирай бошлади. “Мол бермоқ – жон бермоқ, деганлари дай органга арз қилмасаям, пулдор одам, бизга қандай бўлмасин бирор зиён-захмат етказиши аниқ, ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан” деган мақолни рўкач қилиб, Норпўлатни қўйиб юбориш фикридан қайтди. Аммо унга яхши муомалада бўлиб, ейиш-ичишини түкин қилди. Мен Шердилнинг кейинги режасидан бехабар эдим. “Нима, уни бир умр тутқунликда ушлаб турмоқчимисан, ҳар ҳолда қотилликка кўл урмокчи бўлмасанг керак!” дея унинг режасини билишга уриндим. “Йўғ-э, нима, мен қотилга ўхшайманми?” деди у мени тинчлантириш мақсадида. Аслида шеригим ҳаммасини

дан ўйлаб қўйган экан. У Норпўлатни алдаб, нидан хотинига “хавотир олманглар, мен Россияга, бир-икки йил ўша ёқда бўламан” деган маънода “смс” ўрди. Бу билан у вақтдан ютиб, Норпўлатнинг ошларини тиичлантирумокчи бўлган экан. Мен буни юқ сезиб қолдим. Орадан бир ҳафта-ун кун ўтиб, ят ака ўзига келиб қолди. Шердил яна ундан хазинани қилишни бошлади. Негадир у хазинанинг борлигига ўди. Мен эса аксинча, бу чўпчакларга ишонмайдим... Бир куни кечга яқин келсам, дўстимнинг оғзи да. “Сен ишонмагандинг, мана Нурик (у баъзида ятни шундай атарди) олтинларни тан олишни ди” деб қолди. Унинг сўзларига қараганда Норпўлатга ган отасидаи анчагина хазина қолган. Беш-олти йил шида олтинларни деярли сарфлаб бўлган. Қолган қисми юяга олиб чиқиш пайтида божхонада қўлга тушган ва ўйилган. Айни пайтда бойваччада бир донаям тилло ан.

Шердил бу гапларга ишонмасдан “Нурик”ка тазиик шида давом этди. Унинг фикрича, Амир Олимхоннинг ан хазинаси каттагина бўлган. Шунча хазинани бир инг еб битириши ақлга сиғмас иш. Хуллас, менинг ютиришларимга қарамасдан ошнам тиниб-тинчимади... ни топиб беришни талаб қилиб тураверди. Норпўлат казинадан бир чақаям қолмади” деб оёқ тираб ўди... Тутқунликнинг тахминан ун бешинчи кунмиди, ёб Шердилнинг жини қўзиб, Нурикни қаттиқроқ уриб ё. Бояқиши орқага тисраниб, бор бўйи чалқанча йиқилиб Бахтга қарши боши нохосдан иссиқлик батареясига ў экан... Томирини ушлаб кўрсак, урмаяпти... Үлай енам, Шердилам бундай бўлишини хоҳламагандик... ё кетдик. Мен шу ишга қўшилганимга, Шердилнинг

йўриғига кирганимга минг пушаймон бўлдим. Иккаламиз роса бақиришдик. Лекин бўлар иш бўлиб, бўёғи сингганди... Ортга йўл йўқ эди. Майитдан қандай кутулиш йўлини излай бошладик. Менинг машинамда ён-атрофлардаги қишлоқларни кезиб, мурдани кўмишга қулайроқ жой ахтардик. Ниҳоят Қаҳрамон қишлоғига яқин жойдаги кир бўйини танладик. Шердил топиб олишсаям, кимлигини билмасин учун қаердандир кислота топиб келиб, майитнинг юзига септи... Кеч тушгач, мурдани машинанинг юкхонасига жойлаб, кўриб келган жойимизга олиб бордик. Ҳаво анчагина совук, чор тараф зимиston эди. Атрофда бирор тирик жон йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, машинани сўқмоқда қолдириб, иккаламиз инқиллаб-синқиллаб, қопни икки юз қадамча нарига кўтариб келдик. Ўзимиз билан кетмон, белкурак олиб боргандик. Ер ковлашга тушдик. Музлаб қолганми, тупроқ тошдай қаттиқ экан. Бир соатдан кўпроқ вакт давомида зўрга бир метрча қазишга улгурдик. Тунги совукдан қўлларимиз қотиб қолди. Шундай бўлса-да, мен “яна бирор метр қазийлик, кучуклар хид олиши мумкин!” дедим. Аммо шеригим гапимга қулоқ солмади. “Тезроқ бу ердан кетмасак, шу гўрга ўзимиз тушамиз” дея ўжарлик қилиб туриб олди. Мурдани “қабр”га қўйиб, ярим тунда ортга қайтдик. “ГАИ” постлари эътиборига тушиб қолмаслик учун шу кеча дала ҳовлида тунашга қарор қилдик. Бир йўла у ердаги нарсаларни саронжомлаб, изларни йўқ қилишни ўйлагандик. Эртаси куни ҳеч нарса билмагандай шаҳарга йўл олдик. Машинанинг бардачогида Норпўлатнинг телефони қолиб кетган экан. Йўлда бир кўлчанинг бўйида тўхтаб, телефондан кутулдик. Шердил сим картасини ечиб олиб, телефонни сувга улоқтириди. Бу сафар ҳам мен “чакки қилдинг, бирортаси топиб олиши мумкин” деб қолавердим... Шаҳарга қайтиб келиб, машинамни ювиб ташладим. Телефон рақамларимизни

ўзгартирдик... Ҳар куни таҳлиқада яшаш ҳам жонга тегаркан. Бу томондан виждан азоби... Орадан бироз ўтиб Шердил Дубайга ишлашга кетди. У-ку қочиб қутулди! Мен ҳар куни сизларни кутиб яшадим... Бир тарафдан яхши бўлди...

– Москвадан юборилган “СМС” хабари кимнинг иши? – Фахриддин савол-жавобни бошлади.

– Шердил вақтдан ютиш учун Норпӯлатнинг хотинига бир нечта “СМС” юборганди. Бир чоннинг паспортини топиб олган экан. Ўша паспортга сим карта сотиб олиб, “СМС”ларни шу рақамдан юборган. Охиригина “СМС”ни Москвага ишлашга кетаётган бир танишидан илтимос қилганди.

– “СМС” матнини ким ёзганди?

– Норпӯлатни алдаб ёздириб олганди. Фақат “СМС”ни кейинчалик бояти бола Москвага етиб боргач, юборган. Буларнинг бари Шердилнинг иши... Ушласанглар ўзи айтиб берар...

– Боймурод сизларнинг режаларингдан хабардормиди?

– Йўғ-э, унга поччангнинг бошидан бир тола сочи ҳам тушмайди, деб айтгандим. Фақат сал кўзини қўрқитиб, хазинанинг сирини билиб оламиз деб ўйлагандим.

– Норпӯлатдан олинган пуллардан унга қанча ҳисса тегди?

– Унга 2000 бергандим...

– Боймурод поччаси ўлдирилганлиги ҳақидаги хабарни қандай қабул қилди? – сўради Санжарбек.

– Бу хабарни кимдан эшитганини билмайман... Поччасининг жанозасини ўтказиб Тошкентга қайтиб келгач, тўгри олдимга келди. Сўкиниб, “бу сенинг ишингми?” деб менга ёпишиб кетди. Мен тан олмадим. “Тиллоси бор одамнинг “ўйнаш”ијам кўп бўлади, бирортаси қилгандир-да!” дея ўзимни оқлашга уриндим. У эса “сенлардан бошқа итам

— Ҳа, олам чиндан ҳам бетакрор. Аммо, бу қайси кўз билан қарашингга боғлиқ. Сиз билан бизга завқу шавқ бераётган шу борлик кимнингдир ғашини келтирадир, кимгадир зулмат кўринур! Агар ҳамма бу дунёни бир кўзда кўрганда эди, жиноят ҳам, жиноятчи ҳам бўлмасди...

— Дарвоқе, Фахриддин ака, энди Амирликнинг хазинасини излаш ишлари... Наҳотки, раҳматли Норпӯлат ака унинг сирини ўзи билан қабрга олиб кетган бўлса...

— Кўяверинг, бу ёғи бошқаларнинг иши. Йўқолган хазина бир қун топилади, аммо йўқолган вақт топилмайди, деган мақолни эшитганмисиз? Хазинага олоғда бўлманг, бизнинг ишимиизда вақт муҳимрок. Қолаверса, биз ўз ишимиизни қилдик. Бош прокурор ҳукуматга хазина ҳақида ахборотнома киритди. Ажабмас яқин ўртада бирор янгилик эшитиб қолсак.

— Устоз, ижозат этсалар бир илтимосимиз бор эди, — Санжарбек кулимсираб, томдан тараша тушгандай гапни бошқа ёққа бурди. — Эртага дам олишга кетишда бу гал телефонларни ўчириб қўйсак нима дейдилар.

— Бўлмайди, Тоҳир Фофурович и-з-л-а-б қ-о-л-и-ш-л-а-р-и...

Хандон кулги кўтарилиди.

Тамом.

Тошкент, 2017-2018 йиллар.